# ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ:

## НАЗАРИЯ, МЕТОДИКА ВА АМАЛИЁТ



# ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ: НАЗАРИЯ, МЕТОДИКА ВА АМАЛИЁТ

*(Танланган асарлар)*

ТОШКЕНТ – 2013

**Солиев А.** Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёти [Матн]: танланган асарлар / А.Солиев; масъул муҳаррир: О.Б. Ата-Мирзаев. –Тошкент : Камалак. 2013. 184 б.

**Масъул муҳаррир** **география фанлари доктори,** профессор О.Б.Ата-Мирзаев

Монография иқтисодий (ижтимоий) географиянинг назарий ва амалий масалаларига оид мақолалар ўрин олган. Шунингдек. унда муаллифнинг илмий ишлари рўйхати, фан ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда шогирдлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Китобдан иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт масалалари билан шуғулланадиган мутахассислар, магистрант, ўқитувчи ва илмий тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

**КБК 65.04**

**ISBN 978-9943-4013-4-1**

© "Камалак" нашриёти. 2013 й.

*Азизларим:*
*отам – Усто Салибой,*
*онам – Тухтабону,*
*акам – Абдусатторларнинг*
*ёрқин хотираларига*
*бағишланади*

Иқтисодий география фани ҳам бошқа фанлар қаторида уз урни ва нуфузига, илмий ва амалий аҳамиятига эга. У ҳудудларнинг нима билан машғуллиги (функцияси), иқтисодий сиғими ва ихтисослашуви, кишиларнинг ижтимоий ҳаётидаги географик фарқларни урганади. Бу фан доимо жойларнинг хусусияти ва сифати, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг ҳудудий таркиби ва тизими билан шуғулланади. Унинг учун ҳудудий мажмуалар, ижтимоий-иқтисодий районларнинг шаклланиши ва ривожланиши катта мазмун касб этади.

Иқтисодий географияда у ёки бу ҳодисанинг жойланиши, унга таъсир этувчи омиллар, турли тармоқларнинг ҳудудий ташкил этиш қонуниятлари муҳимдир. Бу фаннинг яна бир бетакрор хусусияти шундаки, у мутахассисни айни вақтда ҳам географ, ҳам иқтисодчи булишини талаб қилади, хар бир нарсани ҳудуд орқали, ҳудуд нуқтаи назаридан урганади, баҳолайди ва башорат (прогноз) қилади.

Узбекистон Республикасининг сиёсий мустақилликка эришуви ва унинг иқтисодисти бозор муносабатларига утиши ушбу фаннинг назарий ва амалий жиҳатларига уз таъсирини курсатади. Мустақиллик йилларида темирйул ва автомобил йулларнинг қурилиши, Асака, Қоровулбозор, Кунгирот, Деҳқонобод каби усиш қутбларининг барпо қилиниши, Навоий индустриал - иқтисодий, Ангрен махсус иқтисодий зоналарининг ташкил этилиши мамлакатимиз янги иқтисодий географиясини шакллантирмоқда.

Миллий иқтисодиёт таркибида сунгги йилларда автомобилсозлик, енгил ва қурилиш материаллари саноатининг жадал ривожланиши, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё каби вилоятлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг юксалиб бориши, инвестиция ҳажмининг муттасил купайиши

республикамизнинг бугунги иқтисодий географиясини акс эттириб турибди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатни инновацион – индустриал асосда ривожлантириш, қишлоқ тараққиёти каби дастурларнинг ҳудудий жиҳатлари ҳам борки, уларни амалга оширишда ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географияси фанининг ҳам ўрни катта.

Таъкидлаш жоизки, мазкур фан турли мамлакат ва турли даврларда бир хил номда аталмаган. у аввал иқтисодий, сўнгра иқтисодий ва ижтимоиций, ҳозирги кунда эса кенг маънодаги ижтимоий география, деб ҳам номланади. Шунингдек, уни социал, инсон ёки гуманитар география каби номлари бор, уларга қўшимча равишда баъзан сиёсий, рекреация географияси сузлари ҳам ишлатилади. Ушбу китобда қисқарок, баъзан иқтисодий ёки ижтимоий география, айрим ҳолатларда эса унинг ҳозирги кундаги расмий “Иқтисодий ва ижтимоий география” номи ишлатилган бўлиб, юқоридаги 3 кўринишдаги фан номларини маънодош сифатида қабул қилишингизни тавсия этамиз.

Монография муаллифнинг 70-йиллик юбилейи ва илмий-педогогик фаолиятининг 50-йиллиги арафасида тайёрланди. Ундан 340 га яқин нашр этилган илмий ишларнинг баъзилари жой олган. Ўйлаймизки, танлаб олинган мақолалар китобхонларнинг иқтисодий ва ижтимоий география фанидан олинган билимларини янада бойитади, унга қўшимча ҳурмат, муҳаббат ва қизиқиш уйғотади.

Киритилган мақолалар турли йилларда ёзилганлиги сабабли матнда фан ҳар хил номда келтирилган ва айрим такрорий жойлар ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳурматли китобхонлардан узр сўрайман. Мазкур асар муаллифнинг ёш шогирдлари: Ш.Қурбонов, В.Федорко ва Ф.Ражабовлар ташаббуси ва бевосита иштироки асосида яратилди. Уларга чексиз миннатдорчилик билдираман, илмий ишларида улкан зафарлар тилайман.

*Муаллиф*

# БИРИНЧИ БОБ. ИКТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар фақат вақт (давр) давомида кечмайди, улар айни пайтда муайян жойда — маконда ҳам содир бўлади. Ижтимоий ривожланишнинг ана шу ҳудудий жиҳатлари география фанининг тадқиқод доирасига киради. Бироқ жамият ривожи билан уни ўрганувчи фанларнинг тадқиқот объекти ҳам мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Бу табиий ва ўз-ўзича қонуний ҳолдир.

Маълумки, ҳар қандай фан тадқиқот объектига ва ўзининг предметига эга бўлиши керак. Бу ерда объект серқирра борлиқ, ҳодиса ва воқеалар бўлиб, у биргина фан учун эмас, балки кўп фанлар бирикмасига хизмат қилади. Фото - ёки киноаппарат, видеокамера объективи барча борлиқни қамраб олади ва унда бизни қизиқтирмайдиган нарсалар ҳам ўз аксини топиши мумкин. Ваҳоланки, ҳар бир фан ҳодиса ёки воқеаларни ўзининг хусусияти ва моҳиятига кура фақат бир томонини ўрганади. Ана шу “бир томони”, жиҳати ҳар қайси фанинг ***предмети*** ҳисобланади ва у аниқ нарса ёки ҳодисанинг ўрганишини билдиради.

Демак, объект кенг қамровли тушунча, предмет эса нисбатан тор ва аниқ маънода булиб, у шу объектнинг қайси қисмини ўрганишни англатади. Бу борада қатор мисоллар келтириш мумкин. Масалан, аҳоли, айни пайтда иқтисодчилар, демографлар, этнографлар, социологлар, географлар, тиббиётчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа фан вакилларини қизиқтиради. Аммо ҳар қайси фан “ўз бурчагидан”, нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил қилади. Жумладан, иқтисодчилар учун аҳоли бу асосий ишлаб чиқариш куч, меҳнат қилувчи субъект сифатида кўрилади; этнографларни аҳолининг қизиқтирувчи томони унинг миллий урф-одати, кийиниши, анъаналаридир, демограф эса, аҳолининг такрор барпо этилиши, унинг табиий ва миграцион харакати (туғилиш, ўлим, кўчиб юриш), никоҳ, ажралиш ва бошқа томонларини илмий асосда таҳлил қилади ва ҳ.к.

Иқтисодий географиянинг объекти авваллари маълум бир мамлакат ёки районнинг хужалиги ва аҳолиси, ишлаб чикариш кучларининг жойланишидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик у хўжалик ва аҳолининг ҳудудий таркиби ёки тизими, ҳудудий ижтимоий - иқтисодий мажмуалар (комплекслар) шаклини олди.

Шунга мувофиқ, ушбу фаннинг вазифаси ҳам узгариб борди: илгари асосий эътибор қаерда нима борлигини урганишга қаратилган булса, ҳозирги кунда эса нима учун у ёки бу воқелик айнан шу жойда вужудга келганлигини илмий асосда изоҳлаб ва баҳолаб берилиши талаб этилади. Бундай қонуниятларни чуқур англаш фаннинг амалий аҳамиятини янада оширади. Чунки, у энди турли йирикликдаги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг таҳлилидан уларнинг ташҳисига, ундан эса прогноз ва бошқариш даражасига кутарилмоқда.

Жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланишидаги жараёнлар иқтисодий география объектининг узгаришига сабаб булади. Шунга мос равишда бу фаннинг тадқиқот предмети ва вазифалари ҳам такомиллашиб боради. Айни пайтда бундай эволюцион жараёнлар фан номининг замон талабига мувофиқлашувига олиб келади. Бинобарин, анъанавий иқтисодий география аста-секин иқтисодий ва социал географияга, у эса, уз навбатида, янада мураккаброқ ва мужассамроқ шаклга - ижтимоий географияга айланмоқдаки, бу ушбу фанни жаҳон миқёсидаги андозаларга мослаштиради.

Умуман олганда, "иқтисодий география" тушунчасини дастлаб буюк рус олими М.В.Ломоносов XVIII асрнинг 60-йилларида ишлатган. Лекин фан сифатида кейинчалик бошқалар томонидан яратилган[1]. Иқтисодий география фани таърифини биринчилар қаторида немис олими Алфред Вебер 1909 йилда берган. Унинг фикрича, бу фан ҳудудларнинг иқтисодий хусусиятлари, функциясини урганади.

XX асрнинг 70-йилларида анъанавий иқтисодий география иқтисодий ва ижтимоий (социал) географияга айланди. Кейинчалик бу фаннинг турли қирраларини акс эттирувчи инсон, гуманитар, социал, ижтимоий география каби номлар пайдо булди. Ҳозирда Россия ва айрим МДҲ мамлакатларида у "Иқтисодий, социал, сиёсий ва рекреация географияси" деб расман юритилади. Бу номга маданий география, туризм ва бошқа нотабиий географик йуналишлар ҳам киришига даъвогар булиб турибди[2]. Фикримизча, фан номини бундай мураккаблаштирмасдан уни бир суз билан "Ижтимоий география" деб белгилаш маъқулроқ булса керак. Бироқ, бу ерда

---

[1] Хорижда "Иқтисодий география" тушунчасини, Ю.Г Саушкин фикрича, биринчи бор 1882 йилда Ф. Ратцелнинг шогирди немис В. Гётц қуллаган

[2] География қайси бир маънода чегаралар ҳақидаги фандир, бироқ баъзан узининг чегараси ноаниқ булиб қолади

"ижтимоий" социал сузи билан маънодош эмас, у кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани қаноатлантирувчи таърифи йўқ. Бунинг сабаби – география фанининг кенг қамровлиги, объект ва номининг давр мобайнида ўзгариб туришидир. Шу билан бирга, иқтисодий география таърифларининг кўпчилигида ишлаб чиқариш кучлари, уларнинг жойлашиш ***хусусиятлари*** таъкидланади. Булар ушбу фаннинг ўзак тушунчасига, аксиомасига айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас, чунки иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Қолаверса, ривожланиш фақат аниқ бир жойда, маконда амалга ошади, шу боис, ***жойланиш ривожланишнинг ҳудудий инъикосидир.***

Масалага бундай ёндашув, назаримизда, иқтисодий географиянинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муаммолари даставвал Европада, хусусан Германияда немис олимлари И. Тюнен, А. Вебер, А. Лёш, В. Кристаллер ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган. Аммо, улар ўзларининг жойлаштириш (штандорт) ғояларининг натижасини «иқтисодий география» деб таърифлашмаган. Аксинча, бу масалалар кўпроқ ҳудудий иктисод ёки геоиқтисод доирасида, иқтисодиёт фанининг бир қисми сифатида қаралган.

Ўйлаймизки, ҳозирги кунда ҳам фаннинг таърифида «ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви» иборасини қолдириш мумкин, зеро ҳар қандай жойлаштириш муайян бир ҳудудда амалга оширилади. Бироқ фанимизнинг бугунги предмети учун бу кифоя қилмайди; у энди иқтисодийгина эмас, балки иқтисодий ва социал, ижтимоий география мақомини олмоқда. Шу сабабдан бундай таъриф фаннинг номи билан мазмуни, сурати билан сийратини, шакл ва моҳиятини мувофиқлаштиролмайди.

Тўғри, "ишлаб чиқариш кучлари" энг аввало унинг субъекти, эгаси бўлган аҳолини ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ерда аҳоли асосан ишчи кучи мазмунида, яъни иқтисодий категория шаклида назарда тутилади. Инсон, унинг ижтимоий ҳаёти, социал муносабатлари эса бу ибора қамровидан четда қолади. Бусиз фан илгаригидек иқтисодий, ***ишлаб чиқариш географияси*** бўлиб қолаверади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий география таърифини тахминан шундай бериш мумкин. *Иқтисодий ва ижтимоий география мустақил фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади.* Қисқача қилиб эса, ижтимоий географияни жамият ҳаёти ва фаолиятини ҳудудий ташкил этиш тўғрисидаги фан, деб таърифлаш тўғри бўлади. Шубҳасиз, келтирилган таъриф ҳам мутлоқ аниқликка даъвогар бўлмасада, у иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз доирасига олган тарзда, фаннинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради ва уни тўла ифодалаб беради.

Берилган таърифнинг эга ва кесими, аниқловчиси ва тўлдирувчиси, яъни биринчи ва иккинчи даражали бўлаклари мавжуд. Чунончи, агар ушбу ифодадан гапнинг эгаси - ***"турли мамлакат ёки район", "ҳудуд"*** тушунчалари олиб ташланса, у ҳолда географияга ўрин қолмайди. Бинобарин, айнан ана шу иборалар ушбу таърифнинг географияга тааллуқлилигидан далолат беради. Худди шундай ***"хусусият"*** (кесим) сўзи ҳам география учун ўта муҳимдир, чунки фаннинг асосий ва пировард мақсади ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, инсон ҳаёт тарзининг турли районларидаги ўзига хос ва бетакрор хусусиятини очиб беришдан иборатдир (тарихда ҳам худди шундай — жамият тараққиётидаги турли даврлар хусусияти аниқланмаса, ушбу фан ўз моҳиятини йўқотади). Зеро, ***ҳамма жойда бор нарса географияда мутлақо бўлмаслиги керак.*** Агар ҳамма жой бир рангда текис, бир хил даражада бўлганда географиянинг ҳам, қолаверса, жамият ривожланишининг ҳам ўзи бўлмас эди.

Бизнинг таърифимиз қўпол бўлмаслиги ва кенгайиб кетмаслиги учун унга мажмуалар ёки комплекслар (тизимлар) ғояси киритилмади. Аслида эса иқтисодий ва ижтимоий география ўзи ўрганаётган воқеаликни муайян ҳудудда ва фақат алоҳида — алоҳида эмас, балки ўзаро алоқадорликда, яъни маълум бир ҳудудий мажмуа ва тизимлар доирасида кўради.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий география ва умуман география фанининг тадқиқот объекти эволюцион тарзда ўзгариб, кенгайиб кичик масштабли кўринишни эгаллаб борган. Бундай жараён қисман буюк географик кашфиётлар билан ҳам боғлиқ бўлган ва у дунёни, катта-катта ҳудудларни билиш, улар билан танишишга қаратилган. Эндиги

шароитда, барча жойлар Ер юзида очилгандан сўнг, кичик ҳудудларни йирик масштабли тадқиқот асосида ўрганиш ва тўпланган билимлар илмий жиҳатдан умумлаштирилиши, турли ҳудудий қонуниятлар аниқланиши зарур бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, айнан **кичик калит катта эшикни (уйни) очишидек,** бундай методологик ёндашув чуқур ва аниқ илмий хулосаларга олиб келади. Масалан, деярли бутун Ғарбий Европага тенг келувчи Ғарбий Сибир ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси эмас, балки нисбатан кичик майдонларда бундай ҳудудий мажмуаларнинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, қонуниятларини тадқиқ қилиш муҳимроқ, амалийроқ бўлиб қолди. Сирасини айтганда эса, ***каттада кичикни, кичикда каттани кўра билиш, кўп ва турли масштабли географик тадқиқотларнинг асосий тамойилларидан, талабларидан бири ҳисобланади.***

Шу боис, юқорида берилган таърифни янада мукаммаллаштирса бўлади, яъни: "иқтисодий ва социал география ишлаб чиқариш кучларини турли мамлакат ёки районларда ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзини ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар (мажмуалар) доирасида ўрганади", деб ифодалаш мумкин.

Сатрлар остида иқтисодий ва социал географияни *ижтимоий география* деб аташга мойиллигимиз сезилиб турибди[1]. Бу, биринчидан, фаннинг ўзини ички ривожланиш қонуниятлари, ундаги дифференциация ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу фан номини ривожланган мамлакатлардаги шаклига мувофиқлаштириш билан асосланади. Дарвоқе, кўпгина хорижий мамлакатларда фанимиз айнан шундай: ижтимоий, гуманитар ёки инсон географияси сифатида расман қабул қилинган. Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор берайлик. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан инсон (жамият) ўртасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатдир. Бу иккиликнинг бири - табиатни ўрганувчи фанлар туркумини "табиий география" деб юритилиши ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан қандай ифодалаш мумкин? Аминмизки, бу ерда «иқтисод» сўзи ҳеч мос келмайди ва у табиатга "муқобил" тура олмайди. Иқтисод

[1] Ўзбек тилида "социал" сўзи кўпинча "ижтимоий" маънода қўлланилади. Аслида эса, бундай эмас; улар айрим ҳолларда мустақил қўлланиш ҳуқуқига эга, социал жамоани, ижтимоий эса жамиятни англатади. Агар бу тушунчалар бир хил бўлганда эди социология фанига ҳам ўрин бўлмасди

ва ҳаёт, иқтисод ва сиёсат бўлиши мумкин, бироқ табиат ва иқтисод бирлиги, жуфтлиги асло қовушмайди. Бинобарин, ана шу мантиқий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабиий географик фанлар мажмуини инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи *ижтимоий география* деб юритишга асос бўлса керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география шаклида ифодалаш фақат биз киритган янгилик эмас, асло. Ҳатто собиқ Иттифоқда ҳам ушбу тушунча кўпчилик олимлар - Ю. Г. Саушкин, В. М. Гохман, С. Я Ниммык, М. Д. Шаригин ва бошқалар томонидан анча йиллар муқаддам ишлатилган эди.

Албатта, ҳар қандай фаннинг предмети, таърифи унинг асосий тамойилларини ўзида акс эттириши шарт. Чунки, ўзининг методологияси ва методи, тадқиқод предмети ва принципларига эга бўлмаган фан мустақил фан ҳисоблана олмайди. Хўш, география ва шу жумладан, ижтимоий географиянинг бош тамойиллари нималардан иборат? Фикримизча, бу ерда турли даражадаги асослар мавжуд, уларнинг айримлари фақат шу фанга тегишли бўлса, қолганлари умумилмий, фалсафий аҳамиятга эга.

Шубҳасиз, география фанининг энг биринчи тамойили унинг *ҳудудийлигидир*. Зеро, географияни ҳудудий муносабатларсиз, макон тушунчасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, ҳудудга ўзига хос борлиқ сифатида турлича ёндошилади. Масалан, муҳандислик (ерсозлик) ҳамда район планировкасида, кадастрда кўпроқ ҳудудни ташкил этишга эътибор берилади. Бунда ер майдонининг ўзи маълум мақсадлар учун тайёрланади, жумладан, уни барча инфратузилма шаҳобчалари билан жиҳозланган ҳолда саноатчилар учун ижарага бериш ёки сотиш мумкин[1].

Ижтимоий географияда анъанавий тарзда *"ҳудудий ташкил этиш"* ибораси қўлланилиб, у, одатда, мазмун ва шакллари бўйича ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга яқинроқ туради. Аммо оддий жойлаштиришдан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришни, аҳоли ёки хўжалик тармоқларини ҳудудий ташкил этиш айни пайтда унинг муайян мақсадга йўналтирилиши ва энг муҳими *бошқарилишини* ҳам ўз ичига оладики, бу ушбу тушунчанинг илмийроқ ва амалийроқлигидан дарак беради. Бу ерда тизим (система) қоидасига мувофиқ маълум бир

---

[1] Классик геосиесатда унинг асосчилари Ф. Ратцел, Р. Челлен ва бошқалар ҳудудни сиесий куч сифатида ҳам қарашган

воқеликни ташкил этиш авваламбор уни бошқариш ниятида амалга оширилади.

Географлар нигоҳида ҳудуд қиёфаси ўзининг барча мавжудоти билан гавдаланади ва бир қарашда у тўла қамраб олинади. Бироқ, кўриб турилган ҳудудда ундаги бор элементлар (йўл, дарахт, уй, кишилар, транспорт ва ҳоказо) якка-якка ёки аксарият ҳолда муайян ҳудудий бирликда бўлади. Шу жиҳатдан қараганда ижтимоий географиянинг тадқиқот объектига кирувчи барча предметлар турли *ҳудудий мажмуа* (комплекс) шаклини ташкил этади. Бунда, қишлоқ хўжалиги тармоқлари-экинзорлар ёки чорвачилик яйловлари, рекреация манзилгоҳлари, ўрмонзорлар ва бошқалар *ареал* (майдон) кўринишига эга, саноат марказлари ва аҳоли пунктлари *нуқта ёки тугун*, транспорт йўллари, гидрографик шаҳобчалар эса *тасмасимон (чизиқсимон)* шаклида кўзга ташланади ва худди шу кўринишда харитада тасвирланади. Бу ўринда бир сўз билан айтиш мумкинки, ижтимоий география ана шу майдон, чизиқ ва нуқталарнинг жойлашуви, масофа, уларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан ҳудудий муносабатларини ўрганади. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг шакли сифатида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (комплекслари, саноат тугунлари ва районларни), аҳолининг бундай ташкил этиш шаклларига эса турли тип ёки йирикликдаги қишлоқ ва катта-кичик шаҳарлар, шаҳар агломерациялари, конурбация ва мегалополисларни кўрсатиш мумкин. Транспортда транспорт тугунлари, аҳолига хизмат кўрсатиш географиясида маиший комбинатлар ёки фан географиясида ҳудудий илмий тадқиқот мажмуалари ҳам ушбу соҳаларнинг ҳудудий ташкил этиш шаклларига киради.

Ҳудуд миқёсида ҳар хил катталик ва йўналишдаги муҳит вужудга келади; масалан, анча кенг бўлган иқтисодий ва мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган рақобат муҳити, социал-иқтисодий ва нисбатан торроқ доирадаги социал муҳитни ажратиш мумкин. Муҳитларнинг ушбу кўринишлари билан шунга мос равишда ижтимоий географиянинг асосий қисмлари: иқтисодий, социал-иқтисодий ҳамда социал география шуғулланади (Солиев А.,1995).

Демак, география фанининг иккинчи бир муҳим тамойили *комплексликдир.* Бироқ, бу ерда комплекс ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ёки ҳудудий ташкил этиш шаклини эмас, балки масалага, фан объекти ва предметига методологик ёндашув маъносини

англатади. Бинобарин, комплекслик география фани учун алоҳида усул (метод) ҳам эмас, аксинча, у фаннинг асосий тамойилларидан, методологик жиҳатларидан бири бўлиб, унинг ўзига хос ва туб моҳиятини ифодалайди.

Баъзан "комплекс географик тадқиқот" ибораси ишлатиладики, назаримизда бу ҳам ортиқча ёки хатоликдир. Чунки, географик тадқиқот ҳамма вақт комплекс бўлади, бусиз у ўз моҳиятидан ажралиб қолади. Экологик ёндашув асосида ҳам комплекслик ётади ва бу уни географик дунёқарашга жуда яқинлаштиради.

Комплекслик ўрганилаётган объектга атрофлича ёндашув, уни алоқадорликда кўришни тақозо этади. Шу маънода у *тизимли (системали)* қарашга ўхшаб кетади. Аммо комплекс ёндашувдан тўғри ва оқилона фойдалана олиш лозим. Акс ҳолда тадқиқот натижаси "ҳар соҳадан бир шингил", саёз, юзаки ва қуруқ бўлиб, баъзан ўзи нимани ўрганиш кераклиги ҳам сезилмай қолади. Шу боис, ушбу тамойил моҳиятини мисли дарахт шаклида тасаввур қилмоқ зарур: дарахт танаси ўрганилаётган асосий ҳодиса бўлса, унинг шох ва шохчалари шу муаммо билан бевосита алоқадор масалалар мажмуасидир. Бунда дарахт танаси ўта йўғонлашиб, шох - шаббасиз ва, аксинча, шоҳлар катталашиб, унинг танаси кўринмай қолмаслиги керак. Биринчи ҳолда комплексликнинг ўзи бўлмайди, иккинчисида эса ҳаддан ташқари масаладан четга чиқиб кетиш аёндир. Масалан, боғдорчилик географиясида темир йўл транспорти ёки аҳолининг туғилишини чуқур ўрганиш асло талаб қилинмайди. Асосий урғу (дарахт танаси) айнан иқтисодий масалаларга, хўжаликка ва унинг тармоқларини ҳудудий таркибига қаратилмоғи керак. Қолган туташ масалалар эса (дарахт шохлари - табиий шароит, аҳоли ва меҳнат ресурслари кабилар) фақат шу бош мақсадга хизмат қилмоғи даркор. Шунинг учун муайян бир масалани ўрганишда асосий мавзу қолиб кетиб, бошқасига берилиб кетиш маъқул эмас. Чунончи, аҳоли муаммоларини ўрганишда ер ости, ер усти сувлари ёки саноатнинг қайси бир тармоғини тадқиқ этишда аҳолининг туғилиш, ўлиши каби соф демографик жараёнларга ўтиб кетилса, у ҳолда бундай комплексликдан воз кечиш зарур. Балким, география фанининг омма орасидаги нуфуз-эътиборига айнан ана шундай тасвирий ва тавсифий ишлар, уринишлар путур етказса керак. ***Комплекс ёндашувда тадқиқот чегарасини аниқлаш, тизимли ёндашувда унинг бирламчи, яъни элементар қисмини белгилаш ниҳоятда муҳимдир.***

Комплекслик ҳамма вақт маълум мақсад ва вазифа доирасида, барча ҳодиса ва воқеликни фақат ўрганилаётган масала атрофида ва у билан бевосита алоқадор бўлганлигини таҳлил этишни кўзда тутади. Қолаверса, комплекс - бу чолғу ансамбли эмас, яъни ҳамма мусиқа асбоблари бирдай, бир даражада чалинмай, аксинча, уларнинг қайси бири вақти - вақти билан баландроқ ва турли нотада жаранглаши керак.

Худди шундай, ҳудудийлик тамойилининг ҳам нозик жиҳатлари мавжуд. Бу ерда биз тадқиқот объекти, ҳудуднинг жуда катталашиб кетмаслигини назарда тутмоқдамиз. Чунки, бундай ҳолда ҳам тадқиқот натижаси юзаки, умуртқасиз бўлиб қолади. Географияда, хусусан собиқ совет географиясида тадқиқот объекти - ҳудудни кенгроқ олишга анъанавий ҳолда интилиш зўр бўлган; гўёки ҳудуднинг кенглиги тадқиқот даражасининг юқорилгини, долзарблигини англатган. Масалан, номзодлик диссертациясида бирор-бир вилоят ўрганилган бўлса, докторлик диссертациясида, албатта, ундан каттароқ, бутун бир йирик ўлка, ҳатто мамлакат, республикалараро иқтисодий район олинган. Натижада, тадқиқот оддийгина экстенсив ҳамда "энига" кенгайган, холос. Ваҳоланки, докторлик ишида кўпроқ назарий масалаларни ўрганиш, янги илмий йўналишларни яратиш, муаммони чуқурроқ таҳлил этиш, қонуниятларни очиш ва уларни илмий жиҳатдан асослаш талаб этилади.

Дарҳақиқат, биз шу пайтгача катта ҳудудни «кичрайтириб» ўргандик. Энди эса бунинг акси, кичик жойни катталаштириб, йирик масштабли тадқиқотларни ўтказиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Ривожланган хорижий давлатлар (Германия, Япония, АҚШ ва бошқалар) тажрибаси айнан шундан далолат беради. Бу мамлакатларда, биздан фарқли ўлароқ, асосан микроиқтисодий, микрогеографик ёндошув, социал масалалар устувор туради. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, тадқиқотлар натижаси аниқ, пухта ва амалий жиҳатдан юқори бўлади. Тўғри, тадқиқот объекти сифатида каттароқ ҳудудни ҳам олиш мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳудуднинг барча қисмини эмас, аксинча, муҳим муаммоларни унинг айрим ва турли нуқталари мисолида чуқурроқ таҳлил қилиш ва шу негизда ўрганилаётган объект ва унга ўхшаш жойларга хос бўлган умумий қонуниятларни асослаб бериш мақсадга мувофиқдир (рус тилида бундай ёндашувни "метод ключей ёки метод глубокого бурения" деб ҳам айтишади).

Шундай қилиб, ҳудудийлик ва комплекслик география фани учун ўта зарур. Бироқ улар ўз меъёрида бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ушбу ёндашувлар ҳамма вақт аниқлик билан бирга олиб борилиши тўғрироқ бўлади. Профессор Э. Б. Алаев аниқликни (конкретликни) географиянинг алоҳида тамойили сифатида кўрсатади. Биз эса уни юқоридаги икки асосий тамойилнинг умумий маҳражи, мезони шаклида кўришни истар эдик. Чунки, муаммо қанча кенг ва чуқур, маълум бир мақсад доирасида атрофлича, ҳар тарафлама ва, айни пайтда, аниқ таҳлил этилса, унинг хулосалари юқори бўлади.

Баъзан ғеоғраф универсал, ҳозирги замоннинг қомусий олими бўлгиси келади, гўёки у ҳамма нарсани билади ва барча нарсаларга даъвогарлик қилади, ўзини дахлдор деб ҳисоблайди. Бу ҳам ҳудудийлик ва комплекслик тамойилларидан нотўғри, чексиз фойдаланишнинг салбий оқибатидир. Сабаби, географ ҳудудга бошқалардан кўра кенгроқ ва кўпроқ қарайди, кузатувчан бўлади; масалани икир-чикиригача ўрганади, «дарахт эмас ўрмон», якка бир шахс эмас, "аҳоли" деб қарайди. Лекин айрим ҳолларда мазкур ёндашувларга аниқлик етишмай қолади, натижада бундай географ ҳамма нарсадан, умуман олганда, хабардору, аммо бирор-бир масалани аниқ ва чуқурроқ билмайди, қонуниятни аниқламайди.

Айрим олимлар география фани қамровининг кенглигини таъкидлаб уни "археологиядан идеологиягача" деб тўғри айтишган эди. Чиндан ҳам география бағри кенг фандир, бироқ, ҳозирги фанларнинг кенг турланиши (дифференциациялашуви) даврида ҳамма соҳани бир вақтнинг ўзида ва бирдай чуқур даражада ўрганиб бўлмайди - бу табиий ҳол, албатта. Бу ерда савол туғилиши мумкин: фақат бир масалани чуқур билиб, қолган масалаларни билмаслик яхшими ёки ҳамма нарсадан умумий даражада хабардор бўлмоқми? Назаримизда бу иккиси ҳам кўнгилдагидек эмас; муайян бир йўналишни чуқур билган ҳолда унинг атрофидаги муаммоларни ҳам кўп қаторда англаган, умумий фикрга эга бўлган афзалрок. Кишининг маълум бир соҳага ихтисослашуви унинг етук мутахассис ва ушбу йўналишнинг мутасадди олими эканлигини билдиради. Аммо бундай ихтисослашув ўта тор, бир томонлама бўлмаслиги лозим. Шу жиҳатдан қараганда географларнинг ажойиб хосият-хислатлари билан бир қаторда уларнинг айрим камчиликлари, "касб касалликлари" ҳам йўқ эмас. Мақсад - биз ўзимизга хос ва мос, бетакрор хусусият ва

имтиёзимиздан, имкониятларимиздан тўлароқ фойдаланишимиз ва иллатлардан иложи борича холи бўлмоғимиз даркор.

Географиянинг икки асосий тамойили - ҳудудийлик ва комплексликдан сўнг *тарихийлик* туради. Бу принцип макон ва замон, замину замон бирлигидан келиб чиқади; зеро, ҳар қандай ҳодиса маълум бир вақтда ва муайян бир жойда содир бўлади. Географияга тарих керак. сабаби ҳозирги мавжуд воқелик ўз-ўзича, бирданига вужудга келмаган. Шунинг учун бу воқелик қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган ва у қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтган - буларнинг барчасини ҳозирги борлиқдан келиб чиққан ҳолда аниқлаб олмасдан туриб. асосий масалани ҳал этиб бўлмайди. Фақат ўтмишни таҳлил этиш орқали ҳозиргини баҳолаб бўлади, бу эса, ўз навбатида, келажакни, истиқболни илмий прогноз этишга йўл очади.

Тарихийлик тамойилининг муҳимлигини Н.Н. Баранский ҳам таъкидлаган. Бу олим: "Мамлакат ва районлар иқтисодий географик таърифини шундай берингки, у оёғи билан ерга — геология, геоморфология ва тупроқшуносликка, танаси билан тарих орқали ўтиши, боши билан эса сиёсат ва мафкурага таяниши, тақалиши керак", деб уқтирган эди. Кўриниб турибдики, тарихийлик иқтисодий географик таъриф ва тавсифнинг асосий қисмини ташкил этади.

Айтиш лозимки, географияга қанчалик тарих керак бўлса, тарих учун ҳам география шунчалик зарур (бугунги география эртаги кун учун тарихдир). Аммо география тарихга, тарих эса географияга айланмасин; географияда тарихий ёндашув ўтмишнинг барча майда-чуйдасини, икир-чикирини эмас, балки ҳозирги ҳолатнинг юзага келишида айнан қайси тарихий воқеа ва босқичлар сабаб бўлганини аниқлаши етарлидир. Масалан, агар республикамиз пойтахти - Тошкент шаҳрини иқтисодий географик таърифламоқчи бўлсак, унинг илк бор вужудга келганидан кейинги муҳим тарихий воқеалар инобатга олинса кифоя. Улар ўтган асрнинг иккинчи ярмида (1865 й.) Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ва Тошкент Туркистон генерал губернаторлигининг пойтахти вазифасини бажариши, 1924 йилда Ўрта Осиё республикаларининг ташкил этилиши, 1930 йилда Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг Самарқанддан Тошкентга кўчирилиши, Иккинчи жаҳон уруши йиллари, 1966 йилда Тошкентда ер қимирлаши ва, ниҳоят, 1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши кабилардир. Ана шу бурилиш ёки тарихий воқеалар бугунги Тошкентга, унинг ҳудуди,

хўжалиги ва аҳолиси, шаҳар қурилишига озми-кўпми ўз таъсирини ўтказган, из қолдирган. Қолган оралиқ воқеалар эса бизга айни пайтда унча зарур эмас ва уларни тарихчилар учун қолдириш керак.

Географияда тарихийлик тамойили тарихий географиянинг ўрнини олмаслиги лозим. Бу ерда тарихий ёндашув ўрганилаётган ҳодисанинг ўтмишига қисқача сафар қилинишини англатади, тарихий география эса ўтмишнинг алоҳида поғонларида табиат ва, хусусан, хўжалик тармоқлари, аҳоли ва бошқалар қай даражада ривожланган ва қандай жойлашган каби масалаларни таҳлил этади ёки кўз ўнгимизда гавдалантиради. Аммо, тарихий география географиянинг тарихи ҳам эмас, чунки географиянинг тарихи деганда сўз кўпроқ географик кашфиётлар тўғрисида боради. Шундай қилиб, тарихийлик тамойили тарихий география ва география тарихидан фарқ қилади, у бу ерда қўйилган мақсадга тўлароқ қандай эришиш асосларидан бирини ифодалайди; ўтмишга бугунги кун нуқтаи назаридан эмас, балки, унга ўша давр ва муҳитдан келиб чиқиб баҳо бериш, мавжуд воқеликка тарихий қарашни талаб этади[1].

Аслини олганда, тарихсиз география (географиясиз тарих) бўлмайди, демак, улар бир-бирларини тўлдиради, мантиқан фикрлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, уларни алоҳида-алоҳида қараш ҳам нотўғридир. Чунончи, немис олимлари И.Кант ва А. Геттнер географияда тарихийликни инкор этишган, улар хронологияни рад этиб, хорологияни тан олишган. Албатта, бундай бир томонламалик ножоиздир. Ҳатто анъана бўлиб қолган "ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши" ибораси ҳам бу иккиликнинг чамбарчас боғлиқлигини билдиради. Бу ерда агар ривожланиш тарих бўлса, жойланиш география демакдир ёки, бошқача қилиб айтганда, ***ҳаракат ва ҳолат, ўзгариш ва турғунлик бутун борлиқнинг асосида ётади.*** Ҳар қандай ривожланиш маълум бир ҳудуд доирасида амалга ошади, жойлашув эса ривожланишнинг ҳудуддаги аксидан бошқа нарса эмас.

География фанининг тамойилларидан яна бири *экологик ёндошувдир*. Экология ўзининг туб моҳиятига кўра организмларнинг ички ўзаро ва ташқи муҳит билан алоқадорлигини англатади. У бу жиҳатдан географик дунёқарашнинг мазмунига ҳам анча мос келади. Сабаби, географияда барча воқеа ва ҳодисалар ўзаро ҳамда ташқи муҳит билан ҳудудий муносабатда кўрилади. Шу боис, экология

[1] Тарихга тарихий нуқтаи назардан қараш керак, бироқ ўтмишни бугунги кун даражасидан баҳолаш, кичик бола ақлини катта киши ақлига тенглаштиришдек хатоликдир.

маълум маънода географияга жуда яқиндир. Шунинг учун булса керак, баъзи олимлар бу икки тушунчани маънодош сифатида ишлатганлар. Масалан, чикаголик Х. Бэрроуз "Инсон экологияси ёхуд география" номли мақоласини (1923 й.) ёзган эди.

Чиндан ҳам, географиядаги комплекслик тамойили экологик дунёқарашга ухшаб кетади. Ҳар иккисида ҳам узаро уйғунликда қараш, мушоҳада юритиш талаб этилади. Иқтисодий ва социал географияда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш, хом ашёни қазиб олиш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот яратишга қадар булган жараёнга экология ҳамроҳ булади; у айниқса ушбу жараённинг бош ва сўнгги (охирги) нуқталари, яъни табиатдан хом ашёни олиш ва тайёр маҳсулотни яратишда кўпроқ эътиборга моликдир. Айнан шу мазмунда қараганда экологик тамойилга Н. Н. Колосовскийнинг энергия ишлаб чиқариш цикллари ва И. В. Комарнинг ресурс цикллари тўғрисидаги ғоялари жуда қул келади. Чунки, бу ғоялар заминида ишлаб чиқариш жараёнининг аввалги ва охирги нуқтасигача экологик ёндашув ётади.

Экологик тамойил ишлаб чиқаришни ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шакллари, хусусан, мужассамлашув билан уйғунлашиб кетади. Масалан, қанча ишлаб чиқариш мужассамлашуви юқори бўлса (корхона йирик ёки корхоналар мажмуи бир жойда куп булса), экологик вазият, одатда, бунинг акси бўлади. Бу ерда "ривожланган" деган тушунча кўп ҳолларда экологик носоғлом маъноси билан ёнма-ён туради. Бир неча мисоллар келтирайлик: Бошқирдистон пойтахти Уфа шаҳрининг ўзида бир вақтлар 3 та йирик нефтни қайта ишлаш заводлари мавжуд булган. Украинанинг Мариупол (Жданов) шаҳрида ёки Россиянинг Новокузнецк шаҳрида ҳам 3 тадан металлургия корхоналари ишлаб турган. Бу жиҳатдан айтиш мумкинки, ушбу шаҳарлар ривожланган йирик саноат марказлари ҳисобланади. Лекин, айни пайтда уларнинг бир неча юз минглаб аҳолиси экологик ночор аҳволда булиши ҳам эътиборсиз қолиши керак эмас.

Худди шундай, узимизнинг Чирчиқ шаҳарини олайлик; у ўлкамиздаги дастлабки чинакам саноат марказига айланган эди. Уттизинчи йиллардан бошлаб бу ерда турли йирик саноат корхоналари бирин - кетин қурилган, айниқса, бу ерда кимё заводлари кўпроқ жой олди. Устига устак Чирчиқда, собиқ СССРда "энг йирик" капролактам корхонаси ҳам қурилди. Шундай қилиб, бу шаҳар республиканинг йирик индустриал марказига, ривожланган районига айлантирилди.

27034314

Аммо, шу билан бирга, бу ерда яшайдиган 150 минглик аҳоли учун экологик муҳит ҳам бузилди.

Афсуски, юзага келган ночор экологик вазият фақатгина Чирчиқнигина эмас, балки у билан деярли туташиб кетган қарийб 2,5 миллионли азим шаҳар — Тошкент ва ундан каттароқ Тошкент агломерацияси аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Агар биз Чирчиқ саноат марказининг географик жойлашганлигини, пойтахт Тошкент ва унинг агломерациясига сувнинг ҳам, ҳавонинг ҳам Чирчиқ томонидан келишини инобатга олсак, у ҳолда географик кўрликнинг, ҳудудий саводсизлик ёки маданиятсизликнинг гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда экологик маданиятнинг аста-секин шаклланиб боришини таъкидлаш жоиз. Масалан, ўтган асрнинг 30-40 йиллари ва ундан кейинги халқ хўжалигини индустриялаш даврида кино ёки журналларда баланд, катта қувурлар ва улардан буркираб чиқадиган тутун мамлакат қудратини, салоҳиятининг юксаклигини билдирган бўлса, энди эса айнан шу ҳол ҳудуднинг экологик жиҳатдан ночорлиги, хароблигини англатади. Демак, тор иқтисодий фикрлаш ўрнини кенг экологик фикрлаш, баҳолаш олди.

Экологик тамойил ҳам география учун ўта муҳимдир, бироқ, у ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қарши турмайди. Аксинча, бу ерда жойлаштириш масалаларини кўпроқ барча омил ва шароитларни атрофлича инобатга олган ҳолда, "етти ўлчаб бир кес" маъносида, географик экспертиза асосида амалга ошириш ҳамда замонавий, чиқиндисиз, экология нуқтаи назаридан мақбул ва тоза технологияни жорий қилишни ҳисобга олиб ҳал этиш лозим. Шубҳасиз, мустақил мамлакат, унинг мустаҳкам миллий иқтисодиёти учун барча саноат тармоқлари, шу жумладан, кимё, металлургия ва бошқа корхоналар ҳам зарур. Аммо улар мумкин қадар тўғри ва чиқитсиз, ҳозирги замон технологияси билан жиҳозланиши, модернизация ва девирсификация қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Экологик масалалар фақат саноат географиясидагина эмас, балки улар қишлоқ хўжалиги, аҳоли ва шаҳарлар, транспорт, рекреация, тиббий география каби йўналишларни ўрганишда ҳам асосий ўринда туриши керак. Бошқача қилиб айтганда, географик дунёқараш томири, бутун вужуди билан экологик фикрлашга сингдирилмоғи шарт. Бинобарин, ҳудудийлик, комплекслик ва экологик тамойиллар асло бир-бирига зид бўлмай, аксинча, ёнма-ён туришлари талаб этилади.

Ижтимоий географиянинг яна бир принципи *демоцентризм* ёки *антропоцентризмдир*. Чунки, барча ҳудудий иқтисодий муносабатлар негизида энг аввало инсон, моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси ва, айни пайтда, уларнинг истеъмолчиси туради. Қолаверса, тарих, жамият тарихи ҳам инсонсиз булмайди. Бундан ташқари, дастлабки соф табиий маънога эга булган экология тушунчаси ҳам индустриялаштириш ва урбанизация туфайли социал ёки инсон экологиясига айланмоқда.

Н.Н. Баранский инсонсиз географияга бор вужуди билан қарши турар ва "Инсонни унутибсиз!" деб хитоб қилар эди. Чиндан ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг марказида инсон туради. Бироқ, инсон аввалгидек, фақат ишлаб чиқариш кучи, унинг субъекти, иш кучи булмай, балки у уз номи билан Буюк Инсондир. Шунинг учун инсон табиати, биогеографияси, яшаш тарзи, урф-одати каби соф ижтимоий масалаларнинг ҳудудий жиҳатлари ҳам урганилиши лозим.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, илмий-техника тараққиёти ва бошқаларда инсон омили, унинг талаб ва эҳтиёжи, дунёқараши муҳим урин тутади. Шу нуқтаи назардан демоцентрик тамойил ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда эътиборга олиниши билан бир қаторда инсоннинг узи ҳам урганилиши аҳамиятдан ҳоли эмас. Чунончи, унинг тили, дини, эътиқоди, дам олиши, даволанишига ухшаш бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида ётган ва киши яшаши, тафаккури билан боғлиқ барча масалалар социология, этнография, психология фанлари қиррасида тадқиқ этилиши керак.

Шундай қилиб, ҳудудийлик, комплекслик, тарихийлик, экология ҳамда демоцентрик ёндашувлар ижтимоий географиянинг мустақиллиги ва мустаҳкамлигини, барқарор ва қатъийлигини таъминлайди. Улар ушбу фани ижтимоийлаштириш, сиёсийлаштириш, иқтисодийлаштириш ва маҳаллийлаштириш каби йуналишлар негизида амалиётга татбиқ этилса, янада самаралироқ натижалар беради.

Барча фанларда булганидек, география, шу жумладан, ижтимоий географияда дифференциация (турланиш) жараёни кетмоқда. Шу боис, мамлакатимизда жаҳоннинг илғор давлатларидаги бой тажрибалар, янги илмий йуналишлар ҳам жорий этилса, булажак ёш мутахассислар замон талаби даражасида тайёрланган булади.

География фанининг яна бир ажойиб ва бетакрор имтиёзи бор. Бу ҳам бўлса унинг интеграция салоҳиятининг кучлилиги, синтез қилиш қудратидир. Қамрови кенг бўлган география жуда кўп фанлар билан "қўшничилик" қилади ва туташ мавқега эга. Улар жумласига тарих, биология, геология, социология, демография, иқтисодиёт, экология, психология, ҳуқуқшунослик, шаҳарсозлик, тиббиёт ва бошқалар киради. Демак, география бу фанлар билан алоқада ва унинг кучи ҳам ана шунда. Бошқача қилиб айтганда, географлар учун турли фанлар қиррасида янги-янги йўналишлар ва ютуқларга эришиш имконияти мавжуд. Чунки ***география фани барча фанлар тизимида қулай "географик ўринга" эга,*** у марказда (махражда) ва шунинг учун қолган кўпчилик фанлар истаса-истамаса географияга тўқнашади.

## ИККИНЧИ БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, УНИНГ УЧ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ВА ПРЕДМЕТИГА УЧ ХИЛ ЁНДАШУВ

Одатда, у ёки бу фаннинг вужудга келиши учун ижтимоий талаб, эҳтиёж ёки "буюртма" бўлиши керак. Бундан олдин эса шу фанга тегишли ахборий маълумотлар, объектив борлиқдан олинган, тўпланган дастлабки билимлар ва тахминлар шаклланади, сўнгра турли воқеликлар орасидаги сабаб-оқибат муносабатлари ҳамда маълум шароитда такрорланиб турадиган қонуният, алоқадорликларни асослаш имконияти туғилади. Демак, объектив борлиқни кузатиш, мушоҳада қилиш, тез-тез учрайдиган воқеаларни таҳлил қилиш негизида ***муайян фанга доир билимлар мажмуаси вужудга келади, улар аста-секин илмга ва фанга айланади.***

Ҳар қандай фан бундай ҳуқуқий мақомга эга бўлиши, шаклланиши учун ўзининг объекти, предмети, методи ва методологияси (усули ва услубиёти), асосий тушунча, категория ва қонуниятлари, мактаб, марказ ва йўналишларига, салмоқли илмий асарлар, тадқиқотларга эга бўлиши ва унинг бошқа фан вакиллари томонидан тан олиниши талаб этилади. Шунингдек, мазкур фаннинг ўқув предмети сифатида ўқитилиши, махсус факультет, кафедра ёки лабораторияларнинг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий ва ижтимоий география фани ҳам юқоридаги шарт-шароитлар, объектив заруриятлар асосида вужудга келган ва ривожланиб борган. Дастлаб "иқтисодий география" иборасини буюк

рус қомусий олими М.В.Ломоносов ишлатган ("табиий география" тушунча ва фанининг ривожланишида машҳур немис олими А.Гумбольдтнинг хизмати катта булган). Бироқ у даврда иқтисодий география фани шаклланмаган, фақат шундай атама ёки тушунча пайдо булган, холос.

Мазкур фаннинг аниқ бир туғилган йили, жойи (манзили) маълум эмас. Ҳар ҳолда тадқиқотлар кўрсатишича, у дастлаб XIX асрнинг биринчи ярмида, асосан Германияда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган бўлса ажаб эмас.

Иқтисодий география фанининг шаклланиш жараёни унинг асосий тушунчаларининг пайдо булиши ва ривожланиши билан содир бўлган. Бу фаннинг "пойденорини" энг аввало ҳудудий меҳнат тақсимоти ҳамда иқтисодий районлаштириш таълимотлари ташкил қилади[1]. Бинобарин, иқтисодий географиянинг тарихини айнан ана шу икки назарий тушунчалар белгилайди. Жумладан, Ю.Г Саушкин айтишича, иқтисодий география фанинг тарихи-бу иқтисодий районлаштиришдир. Агар ана шундан келиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий география фанининг яратилишида рус олими К.И.Арсеньевнинг хизматлари ҳам буюк бўлган (у 1818 ҳамда 1848 йилларда Россияни иқтисодий районларга ажратган).

Иқтисодий географик мазмунга эга бўлган маълумотлар ўзимизнинг юртимизда ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Бундай маълумотлар ватандошларимиз Беруний, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Беҳбудий, аз-Замахшарий асарларида бор (аммо бу ва бошқа олимларнинг географик мерослари яхши ўрганилмаган). Шу билан бирга, кўпгина иқтисодий географик маълумотлар Хитой ва Араб сайёҳларининг китобларида ҳам топилади. Улар асосан савдо, ҳунармандчилик, бозор ва шаҳарларга катта эътибор беришган. Айтиш лозимки, айнан ана шу шаҳар ва бозор тафсилоти орқали ўлкамизнинг уша даврдаги тарихий географиясини билиб олишимиз мумкин (улар бу хусусда ўзига хос геоиндикаторлар ҳисобланади).

Ҳудудий меҳнат тақсимоти кенг кўламда XIX асрда, айниқса саноатлашув даврининг бошланиши билан боғлиқ йирик корхоналар ҳамда халқаро савдо-сотиқ ва транспорт тизими асосида ривожланиб борди. Бу эса иқтисодий маконнинг ички турланишига ва, айни вақтда,

[1] Халқаро (ҳудудий) меҳнат тақсимоти назариясини илк бор Адам Смит ва Давид Рикардолар ишлаб чиқишган

иқтисодий географик билимларга булган эҳтиёжларни келтириб чиқарди.

Маълумки, Буюк географик кашфиётлардан сунг Ер шарида очилмаган жой қолмади; энди геотизим узининг берк хусусиятини олди. Бу эса шаклланиб булган жаҳоннинг геоиқтисодий ва геосиёсий маконни мамлакат ва минтақалар доирасида чуқур урганишни долзарб қилиб қуйди, экстенсив оддий кузатиш ва танишишдан интенсив илмий тадқиқотларга, ҳудудий таҳлил, ташхис ва прогноз қилишга утилди.

1749 йилда немис Г.Анхенвал статистика туғрисида уз китобини нашр эттиради ва ушбу фанга асос солади. Унинг статистикаси мамлакат ҳаётига оид барча миқдорий курсаткичларга (солиқ, давлат чегараси, майдони, аҳолиси, армияси, қазилма бойликлари ва ҳ.к.) бағишланганлиги сабабли ***у тасвирий давлатшунослик (state- штат, яъни давлат), камерал статистика мазмунига эга эди*** Германия статистикасида факт ва рақамлар жуда куп булиб, у, энг аввало, мамлакат ҳаётини миқдор жиҳатидан тасвирлаб берарди, холос. Шу сабабдан унинг тахлилий, илмий аҳамиятига кура ахборий томонлари купроқ булган.

Бундан аввалроқ (XVII аср охирларида) инглиз иқтисодчиси У. Петтининг ҳам статистика туғрисидаги асари чоп эттирилган эди. Унинг бу китобида мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаёти, денгиз кемачилиги ва савдо-сотиқ билан боғлиқ маълумотларга, уларнинг таҳлилига ҳамда айрим қонуниятларга эътибор берилган. Демак, Петти статистикасининг, аниқроғи математик статистикасининг фанга яқинлиги анча юқори (уни "сиёсий арифметика" деб ҳам юритишган). Бизнинг тахминларимизга кура, немис статистикаси кейинчалик иқтисодий географияга, инглиз статистикаси эса аввалги сиёсий иқтисод-ҳозирги иқтисодий назария фанларига асос булиб хизмат қилган. *Айнан немис статистикаси таъсирида Россияда ҳам статистика ва иқтисодий география фанлари шаклланган.*

География ва, шу жумладан, иқтисодий географиянинг вужудга келишида географик детерминизм йуналиши ҳамда немис олими Ф.Ратцелнинг "Антропогеография" ва "Сиёсий география" китоблари ҳам қисман сабабчи булган. Айниқса, бу борада Германияда олиб борилган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан боғлиқ классик назарий тадқиқотларнинг урни катта. Масалан, И.Тюнен (1826 й.) қишлоқ хужалигини шаҳар атрофида ҳалқасимон жойлаштириш,

А.Вебер (1909 й.) саноат корхоналарини турли омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий ташкил қилинишини ўрганишган. Кейинчалик уларнинг ватандошлари В.Кристаллер ва А.Лёшлар аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш ва умуман хўжалик тармоқлари географиясини тадқиқ қилишган; А.Лёш (XX аср 40-нчи йиллари) иқтисодий ландшафт ёки, ҳозирги замон тили билан айтганда, иқтисодий районлар, бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликни жойлаштириш масалаларини чуқур ва атрофлича таҳлил этган.

Шундай қилиб, иқтисодий географиянинг фан мақомида шаклланишида немис статистикаси ва "штандорт" (жойлаштириш) йўналишининг аҳамияти катта бўлган. Қолаверса, дунёда илк бор география факультети ва кафедралари ҳам айнан Германия олий ўқув юртларида ташкил этилган. Умуман олганда эса, немис штандорт мактаби ва статистикаси кўпроқ тармоқлар иқтисодиётига мансуб изланишлар олиб борган. И.Тюнен – қишлоқ хўжалиги, А.Вебер – саноат, В.Кристаллер – аҳолига хизмат кўрсатиш ("марказий жойлар" ғояси) ва А.Лёш барча хўжалик тармоқларини географик жойлаштириш масалалари билан шуғулланишган. Қисқача қилиб айтганда, Германияда иқтисодий географиянинг тармоқ - статистика йўналиши шаклланган бўлиб, кейинчалик бу йўналиш Россияга (аниқроғи Санк - Петербургга) ҳам кириб келган.

Демак, немис мактаби кўпроқ иқтисодий йўналишда бўлган, районлар йўналиши эса Франция ва Россияда вужудга келган (Анри Боли, К.И.Арсеньев, Д.И.Менделеев ва б.). Бинобарин айтиш мумкинки, ҳозирги замон мазмунидаги иқтисодий географиянинг илк асослари бу мамлакатларда яратилган. Биз тарихий нуқтаи назардан бу фаннинг вужудга келишини қисқача "Иқтисодий география = Германия + Франция ва Россия" ибораси орқали баҳолаймиз (Германияда кўпроқ иқтисодиёт, Франция ва Россияда кўпроқ район)[1].

Таъкидлаш лозимки, Германияда шаклланган тармоқ – статистика илмий йўналиши Россияга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Чунончи, 1830 йилларда Петербург университетининг тарих факультетида ташкил этилган кафедранинг номи ҳам "География ва статистика" деб аталган. Бевосита иқтисодий география фани учун эса, К.И.Арсеньевнинг Россияни иқтисодий районлаштириши тўғрисидаги ишлари катта аҳамиятга эга бўлган.

[1] Россия мамлакати ҳудудининг катталиги боис бу ерда янги ерларни ўзлаштириш, географик меҳнат тақсимотининг ривожланишига катта аҳамият берилган.

Хулоса қилиш мумкинки, бу даврда иқтисодий география фанининг вужудга келишига замин яратилган. Аммо айнан шу кўринишда фаннинг расмий пайдо бўлиши кейинроқ содир бўлган. "Иқтисодий география" номли илмий журнал АҚШда, шу номдаги кафедра Германия ва Россияда XX асрнинг биринчи чорагида ташкил қилинган (Германияда дастлабки география кафедраси Берлин университетида 1820 йилда Карл Риттер томонидан ташкил этилган. У умрининг охиригача, яъни 1859 йилгача ушбу кафедрага мудирлик қилган).

Ўзбекистонда иқтисодий география фанининг тарихий шаклланиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишда собиқ Совет даврини ҳам эътиборга олмоқ зарур. Бу даврда мазкур фан, асосан немис мактаблари таъсирида, аввал Петербургда ривожланиб борган. Унда соф иқтисодий ва, хусусан, тармоқ ҳамда статистик рақамларга кўп аҳамият берилганлиги сабабли иқтисодий географияда "***тармоқ-статистика***", тасвирий йўналиш устувор бўлган. Шунинг учун бўлса керак, XX асрнинг 20 - нчи йилларида иқтисодий география иқтисодиёт фанлари тизимига киритилган.

Албатта, фанни чексиз рақамлар билан тўлдириш ва географияни фақат тармоқлар таҳлили билан тушунтириш мақсадга мувофиқ эмас. Асосий маълумотлари иқтисодчи бўлган С.В.Бернштейн-Коган ва Н.Н.Баранскийлар иқтисодий географиянинг ҳудудий жиҳатларига кўпроқ эътибор беришнинг тарафдорлари бўлиб чиқишган ва, натижада, улар иқтисодий географияни ***районлар йўналишини*** кучайтиришган. Шундай қилиб, иқтисодий география янада географийлаштирилган, районлар таърифи ва тавсифига катта урғу берилган. Эҳтимол бу ҳолат иқтисодий географияни иқтисодиёт тизимидан география фанлар блокига киритилишига сабаб бўлган.

Иқтисодий география Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллардаги хўжаликни қайта тиклаш ишларида катта илмий ва амалий аҳамият касб этди. Бу борада 20-нчи йилларда Москвада ташкил этилган КЕПС ("Комитет по использованию природных ресурсов") ва унинг асосида СОПС ("Совет по изучению производительных сил") нинг вужудга келиши ҳам ниҳоятда муҳим бўлган. Ушбу илмий-тадқиқот ташкилотлари мамлакатнинг турли ҳудудларида табиий ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича концепция ва схемаларни яратганки, моҳиятан бу ишлар иқтисодий география фани доирасида олиб борилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясида қошидаги СОПС ҳам бошқа илмий-тадқиқот институтлари ва 1940 йилда Тошкент давлат университети ҳозирги - Ўзбекистон Миллий университетида очилган иқтисодий география кафедраси олимлари билан ҳамкорликда йирик ҳудудий-иқтисодий тадқиқотларни бажарган. Масалан, Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, Ангрен-Олмалиқ, Бухоро-Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Мирзачўл, Қуйи Амударё ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари тўғрисидаги ишлар шулар жумласидандир. Мазкур тадқиқотларни амалга оширишда В.М.Четиркин, Г.М.Черданцев, К.Н.Бедринцев, К.И.Лапкин, С.К.Зиёдуллаев, В.И.Попов, З.М.Акрамов, Э.А.Аҳмедов, Ш.Н.Зокиров, М.Абдусаломов ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлган. Бундай ҳудудий – иқтисодий тадқиқотларнинг шаҳарларга тегишли қисми ўтган асрнинг 70-90 йилларида ушбу китобнинг муаллифи томонидан бажарилган

Собиқ Иттифоқ даврида иқтисодий география фанининг ривожланишида Москва, Петербург, Киев, Қозон, Перм, Иркутск, Воронеж, Боку, Тбилиси, Тошкент, Олма-Ота ва бошқа шаҳарлардаги университетларнинг роли муҳим булган. Айниқса, бу хусусда Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский, Б.Н.Семевский, О.А.Константинов, В.В.Покшишевский, Ю.Г.Саушкин, И.А. Витвер, И.М.Маергойз, С.Б.Лавров, А.Т.Хрушев кабилар жуда самарали тадқиқотлар олиб борбишган.

Ўзбекистонда, асосан ТошДУнинг иқтисодий география кафедрасида икки илмий йуналиш шаклланган: бу йуналишлар билан алоқадор булган иқтисодий районлаштириш, шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация жараёнининг минтақавий муаммолари, аҳолишунослик (демография) масалалари ҳам кенг тадқиқ қилиб борилган, қатор илмий ва илмий-амалий анжуманлар ташкил этилган. Республикада аста-секин илмий мактаб ва марказлар ҳам шаклланиб борган ва бу борада З.М.Акрамов, М.Қ.Қорахонов, Г.И.Раимов, О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиев, А.Н.Рўзиев, Х.С.Салимов, А.А.Қаюмов ва бошқа олимларнинг ишлари эътиборга лойиқ бўлган.

Ўрта мактабга доир дарсликлар аввал Н.Г. Цапенко ва Н.В. Смирнов, кейинчалик З.Акрамов ва П.Мусаевлар ҳаммуаллифликда, А.Солиев ва Р. Қурбониёзов, А.Қаюмов томонидан ёзилган. Тошкент, Фарғона, Нукус, Самарқанд, Наманган, Термиз, Қарши университет ва институтлари урта ва олий мактаблар учун кўпгина мутахассислар

тайёрлаб беришган. Собиқ шўролар даврида юқоридаги олимлардан ташқари, Г.Асанов, Т.Эгамбердиев, С.Саидкаримов, О.Абдуллаев, М.Янгибоев, Т.Маллабоев, Т.Жумаев, Е.Умаров, И.Сафаров, М.Бўриева, М.Юсупов, Р.Тиллаев, Ш.Имомов, Н.Султонов, А.Содиқов ва бошқа бирнеча ўнлаб кишилар илмий даража олиш учун ўзларининг диссертацияларини ҳимоя қилганлар.

Қурилаётган даврда ижтимоий география фанининг таърифи ҳам ўзгариб, замон талабига мослашиб борган. Масалан, агар у аввал иқтисодий география турли мамлакат ва районлар хўжалигини, ишлаб чиқариш кучларини жойланиш хусусиятларини урганувчи фан ҳисобланса, кейинчалик унинг предмети ҳудудий ишлаб чиқарувчи мажмуалар ёки тизимлар, жамиятни ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш билан тавсифланди.

Мустақиллик даврида иқтисодий ва ижтимоий география янги сиёсий ва иқтисодий шароитда ривожланиб келмоқда. Энг аввало таъкидлаш лозимки, мазкур фаннинг асосий ғоя ва тушунчалари: ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва бошқалар илмий аҳамиятини ҳозир ҳам сақлаб қолган, уларга фақат “коммунистик” дунёқараш, ўта марказлашган тоталитар тизимнинг планлаштириш принципларидан ҳоли ҳолда ёндашув керак, холос.

Иқтисодий география фанининг бу даврдаги ривожланиши мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришуви ва унинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши билан белгиланади. Шунингдек, бу фаннинг янги вазифалари ҳам вужудга келди. Улар жумласига Ўзбекистоннинг ёқилғи энергетика, дон, йул (транспорт) мустақиллигига эришиш, қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни давлат томонидан тартибга солиб бориш, хўжалик тармоқларини диверсификация ва модернизация қилиш, минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсат, иқтисодий географиянинг экологик муаммолари ва бошқа долзарб масалаларни ўрганиш киради.

Республика олимлари иқтисодий географияда сиёсий, ижтимоий, тарихий, экологик йўналишларни янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бермоқдалар. Буларнинг натижасида ноанъанавий мавзулар, чунончи, аҳолига хизмат кўрсатиш, фан ва илмий тадқиқотлар, тиббиёт географияси бўйича диссертациялар муваффақиятли ёқланди,

жиноятчилик, рекреация ва туризм географияси буйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Куриниб турибдики, Узбекистонда ҳам иқтисодий география "фронтал" ривожланиб, бошқа, жаҳоннинг илғор мамлакатларида булганидек, аста-секин кенг маънодаги ижтимоий географияга айланди[1]. Ижтимоий географиянинг таркибий қисми ҳисобланган иқтисодий география мустақил мамлакатимизнинг бозор муносабатларига утиши билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни тадқиқ қилишга узининг муносиб ҳиссасини қушиб бормоқда.

Иқтисодий географик тадқиқотлар Узбекистон Миллий университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Нукус, Термиз университетларида, Тошкент молия институтида олиб борилмоқда. Ушбу фаннинг ривожланишида Узбекистон Республикаси География жамиятининг хизмати ҳам катта. Айни вақтда мамлакатимизнинг етук олимлари, илмий мактаб ва марказлари хорижий давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ураина, Қозоғистон, Туркманистон, Қиргизистон республикалари) билан ҳам алоқада тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга, иқтисодий география фани олдида турган вазифалар ҳам куп. Улар, энг аввало, мазкур фаннинг янги шароитда назарий масалаларини урганиш, унинг обру ва нуфузини кутариш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий томонларини чуқур тадқиқ қилиш ва бу борада илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, умумтаълим ва олий уқув юртларига, коллеж ва акдемик лицейларга уқитувчиларни, уларга замонавий уқув қулланма ва дарсликларни тайёрлашдан иборатдир.

Шундай қилиб. иқтисодий ва ижтимоий география (қисқача - иқтисодий ёки ижтимоий география) бирданига вужудга келмаган. Унинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг ҳудудий томонларига боғлиқ булган узгаришлар билан белгиланди. Мавжуд илмий манбаларни урганиш шуни курсатадики, ***иқтисодий географиянинг шаклланишида, унинг тарихий заминида 3 йуналиш ёки омил асосий сабаб булган. Бу ҳам булса, энг аввало, камерал статистика, штандорт назарияси ва табиий география.***

Ушбу йуналишлар купроқ Ғарбий Европа ва Россияда пайдо бўлган. Масалан, Россияда камерал статистика ёки "сиёсий

---

[1] Узбек тилида "ижтимоий" ва "социал" сузларининг маъносида айрим ноаниқликлар мавжуд. Биз ижтимоий географияни кенг маънодаги социал, социал географияни эса тор маънодаги ижтимоий география мазмунида тушуниш қилишни тавсия этамиз

арифметика", давлатшунослик, давлатнинг бойлиги - ери, маблағи ва аҳолисини ҳисоб-китоб қилиш, уни бошқариш, солиқ ва аскар туплаш каби масалалар билан шуғулланган ҳолда (статист, яъни давлат ходими, чиновник маъносини ҳам англатади) В.Н.Татишев, ота-уғил П.П. ва В.П.Семенов-Тяншанскийлар фаолияти билан боғлиқ булди. Уша пайтларда статистика уз қамровига этнография ва ҳарбий география масалалари ҳамда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи тижорат географиясига доир муаммоларни ҳам олган. В.Н.Татишев (1686-1750 йй.) география фанини "сифат" жиҳатидан 3 га булган. математик география (ҳозирги геодезия ва картография), табиий ва сиёсий география. Иқтисодий география масалалари сиёсий география доирасига киритилган эди. Айни пайтда Буюк географик кашфиётлар натижасида, кейинчалик мустамлака ёки қарам (колония) мамлакатларининг пайдо булиши, денгиз-сув нақлиётининг ривожланиши ва бошқа омиллар давлатлараро савдо-сотиқ ишларини олиб боришга, тижорат географиясининг вужудга келишига сабабчи булди. Шубҳасизки, бу йуналиш даставвал энг куп мустамлака мамлакатларига, қулай транспорт-географик мавқега ва юксак денгиз кемачилигига эга булган Англияда ривожлана бошлади.

Сиёсий ва ҳарбий география Россияда XIX аср уртасида кенг тарқала бошлади. Шуни айтиш керакки, "сиёсий география" ҳамда "ҳарбий география" тушунчаларини ҳам биринчи марта М.В.Ломоносов (1711-1765 йй.) қуллаган. Бу йуналишлар уз объекти ва моҳиятига кура бир-бирларига жуда яқин, турдош булиб, улар алоқадорликда ривожланиб келган. Россиядаги Улуғ Ватан (1812 й.) ва Қрим урушлари, бошқа сиёсий воқеалар, Европа мамлакатларидаги инқилобий узгаришлар, янги давлатларнинг шаклланиши ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши сиёсий ва ҳарбий географиянинг пайдо булишига замин ясади. XIX-асрнинг биринчи ярмида рус ҳарбийси профессор П.А.Язиков икки қисмдан иборат "Ҳарбий географиянинг назарий тажрибаси" мавзуида китоб ёзган булса, шу асрнинг урталарига келиб Ҳарбий Академия бош штаби қошида профессор Д.А.Милютин (1816-1912 йй.) ҳарбий география кафедрасини ташкил этган[1].

Ҳарбий география фақат уруш-юришлар билан алоқадор масалалар эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий, демографик қудрати, қазилма бойликлари, улардан фойдаланиш каби масалалар билан ҳам

[1] Ю. Г. Саушкин "История и методология географической науки" – М.: МГУ, 1972.

шуғулланган. Шу билан бирга, ҳарбийлар жуда кўп географик экспедицияларини ташкил этадилар ва уларнинг ўзлари бу тадбирларда фаол иштирок этдилар. Жумладан, Рус географик жамиятининг таъсис этишни ва унинг фаолиятида адмирал В.П.Литке, картография ва географияни ривожлантиришда генерал-лейтенант А.А.Тилло, геодезияда генерал-лейтенант В.В.Витковскийларнинг меҳнатлари самарали бўлган. Қозоқ географи ва этнографи Ч.Ч.Валихонов, Марказий Осиёни ўрганган В.М.Пржевальский ҳам ҳарбий зобит бўлган.

Иқтисодий географиянинг ёки унга асос булган фан йўналишларининг шаклланишида бошқа олимларнинг хизмати ҳам самарали бўлган. Чунончи, немис олими географ ва социолог Фридрих фон Ратцел ўзининг Антропогеографиясини яратган[1], сиёсий география ва геосиёсатга мансуб ишлар олиб борган бўлса, ундан кейинроқ француз Пол Видал де ла Блаш "Инсон географияси"нинг асосчиси бўлган. Унинг бу илмий мактабини Ратцел антропогеографиясидан фарқи шундан иборатки, у сиёсий масалаларни чиқариб ташлаган ҳолда кўпроқ инсон ва унинг фаолиятини атроф географик муҳитга мослашуви, мувофиқлашувига (посибилизмга) эътибор берган ва табиий географик омиллар, энг аввало, иқлим шароитларининг жамият ривожланишидаги ролини асослаб берган.

Кейинчалик Ратцел ғоялари асосида географик детерменизмнинг сиёсий ғоялар билан бойитилиши, сингдирилиши натижасида ўта реакцион географик сиёсат (геосиёсат) вужудга келган. Бунда швед Р.Челленнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Аммо, бу маънодаги анъанавий географик сиёсатни регионал ёки ҳудудий сиёсат, ҳозирги географик сиёсат билан тенглаштириш нотўғри.

Шунингдек, иқтисодий географияга тегишли илмий муаммолар бошқа давлат олимлари ва турли миллий мактаблар томонидан ҳам ўз ечимини топган. Бу борада швед, инглиз, америка ва бошқа олимлар ишларини кўрсатиш ўринли. Масалан, инглиз Г.Г.Чизхольмнинг ўтган аср охирларида ёзган тижорат географияси, ундан кейинроқ яшаган нидерланд Х.Бос, швейцариялик Г.Бёшнинг жаҳон хўжалик географияси, америкалик олимлар У.Изард ҳамда В.Леонтьевнинг (келиб чиқиши Россиядан) ҳудудий иқтисодиёт, француз Ф. Перрунинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қутблар ва ҳудудий

---

[1] Антропогеографии кўпроқ ҳозирги аҳоли географиясига яқинроқ булиб, у инсон фаолиятини барча географик омиллар доирасида таҳлил этган, жамият тараққиётида табиий омилларга етакчи урин берилган

тенгсизлик назарияси, П.Хаггетнинг иқтисодий географияда (аниқроғи - инсон географиясида) ҳудудий таҳлил, америкалик Ч.Гаррис ва французлар Ж. Божье Гарнье ҳамда Шаболар, швед Г.Александерсоннинг шаҳарлар географияси, АҚШ олими (аввал Буюкбританияда ишлаган) Д. Харвейнинг география фанининг умумназарий масалалари, унинг ватандоши Г.Уайтнинг табиий ресурслар ва табиий офатларга бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Мустақил Ўзбекистоннинг географ олимлари бу ва бошқа жаҳон фанига молик илмий ишлар билан таниш бўлишлари аҳамиятдан ҳоли эмас.

Биз юқорида фанимизнинг тарихий келиб чиқишига, унинг илмий асосларига, манбаларига қисқача тухтаб ўтдик. Аммо бу ўринда, афсуски, маҳаллий алломаларнинг ишларини курсатишга ожизлик қилдик. Шубҳасизки, бизнинг ота-боболаримизнинг ҳам бу борадаги илмий мерослари ва,. хусусан, савдо географияси, деҳқончиликни жойлаштириш ва риволантириш, суғориш иншоатларини қуриш, Буюк ипак йўли ва шаҳарлар географиясига оид жуда куп илмий мерослари бўлиши мумкин. Эҳтимол, соҳибкирон бобокалоиимиз - Амур Темур даврида, унинг жаҳон буйлаб юришларида ҳарбий география ва статистика билан борлиқ масалалар ҳам ёритилгандир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Носир Ҳисрав, Беруний, Беҳбуди, Фуркат, Мукимий, Аловутдин Али Қушчи каби донишмандларнинг ҳам бу борадаги хизматлари бўлса керак.

Иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланишида География жамиятларининг ташкил этилиши ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Чунончи, бундай жамият дастлаб Парижда (1821 й.), сунгра Берлин (1828 й.) ва Лондонда (1830 й.) таъсис этилган, Петербургда эса у 1845 йилда ташкил қилинган. Россия география жамиятининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятида Б.П.Литке, П.П.Семенов - Тяншанскийларнинг хизматлари салмоқли бўлган.

Бироқ бу ижтимоий ташкилотлар доирасида соф иқтисодий географик масалалар кам эди. Масалан, Россия География жамиятида 4 та бўлим мавжуд бўлган: табиий география; математик география ва картография; этнография, антропология ва тарихий география; статистика ва сиёсий иқтисод[1]. Демак, Россияда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам ўтган асрда (ҳатто шўролар давригача) иқтисодий

---

[1] Иқтисодий география статистика булими таркибига киритилган ва у 30-йилларда мустақил равишда ажралиб чиққан.

география айнан шу маънода ва ҳозирги мақомда вужудга келмаган. Иқтисодий географик маълумотлар статистика, умумий ва сиёсий географияда берилар эди. Аммо шунга қарамай, мазкур фаннинг шаклланишига тарихий ва назарий асос яратилган.

Иқтисодий география фанининг тарихий ривожланиши энг аввало шу фан номи билан юритиладиган кафедраларнинг очилишида ҳам ўз аксини топади. Жумладан, бундай кафедра Россияда, яъни Петербург политехника институтида. проф. В.Э.Ден томонидан 1902 йилда очилган. Бу киши - Россия иқтисодий географиясининг биринчи профессори - шўролар даврининг дастлабки йилларида шундай кафедрани Санкт-Петербург университетида ҳам ташкил қилган. Совет иқтисодий географиясининг асосчиси Н.Н.Баранский иқтисодий география кафедрасини 1921 йилда Коммунистлар университетида очган. Бу ўринда эслатиб ўтамиз, Ўрта Осиёда бундай кафедра илк бор Тошкент давлат университетида 1940 йилда ташкил этилган.

***Бутун ўтмиш давомида иқтисодий география табиий география билан биргаликда ривожланиб келган.*** Албатта, бунда табиий географик масалалар натурал фалсафа, метафизика доирасида аввалроқ ўрганилиб борилган. Кейинчалик жамоа, жамият тараққиёти билан унинг моддий асоси хўжалик – иқтисодиёт ҳам ривожланиб борган ва шу мақсадда табиий географик компонентларга, хусусан иқлим (об-ҳаво), тупроқ, ўсимлик ва иссиқлик – ҳароратга катта эътибор қаратилган. Ҳатто геосиёсатнинг асосчиси Фридрих фон Ратцел ва буюк француз олими Видал дела Блаш ҳам дастлабки илмий тадқиқотларини тупроқдан бошлаган. Тупроқ эса қадимдан деҳқончилик, қишлоқ хўжалигининг - бойликнинг асоси сифатида қаралиб келинган. Ҳозирги кунда бу мураккаб, барча табиий ҳодисаларнинг ҳосиласи тупроқнинг бошқа хусусиятлари ҳам борки, улар тўлиқ ўрганилмаган, унинг сирлари атрофлича аниқланмаган. Айнан тупроқни ўрганиш туфайли В.В.Докучаев табиий география фани, ландшафтшунослик, комплекс географик тадқиқотларнинг асосчиларидан бири сифатида тан олинган ва эътироф этилган.

Демак, табиий география фанининг ҳам иқтисодий география фани шаклланишида асосий манба сифатида ҳисобга олиш зарур. Чунки, дастлабки иқтисодий географик мазмунга эга бўлган йўналишлар – қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, балиқчилик, тоғ-кон саноати кабилар айнан табиий шароит ва табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган.

Аввал таъкидлаганимиздек, иқтисодий география фани шаклланишидаги 3 та асосий манбанинг қолганлари немис статистикаси ва немис штандорт назарияси ҳисобланади. Бу борада қисман бўлсада инглиз тижорат географияси ҳамда сиёсий ва унинг алоҳида қисми бўлган харбий географиянинг ҳам урни йуқ эмас. Географиянинг бош тушунчаси – район, районлаштиришда эса, француз ва рус олимларининг хизматлари катта.

Юқоридаги барча географик йўналишлар, фанларнинг умумий "эгаси", объекти битта, ягона бўлган. Бу ҳам бўлса ***ҳудуддир***. В.В.Покшишевский айтганидек, қаерда ҳудуд тугрисида суз борар экан, у ерда албатта география бор, унинг эгаси, шубҳасиз, географиядир. Бироқ, бу умумий объектга ҳар хил, турли нуқтаи назардан ёндашилган: табиий география унинг иқлими, суви, усимлиги, тупрогига, иқтисодий география – иқтисодий салоҳиятига, классик сиёсий география - геосиёсат эса ҳудудга сиёсий куч берган. Геоиқтисодиётни баъзи олимлар ҳозирги замон геосиёсати мазмунида талқин қиладилар ва таъриф берадилар.

Иқтисодий ва ижтимоий (аниқроғи - кенг маънодаги ижтимоий) география ҳам ўз навбатида мураккаб ички тузилишига, таркибга эга.

1-чизмада, Узбекистонда вужудга келган ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий география фанининг 3 асосий таркибий қисми келтирилган. Унга қўшимча равишда 4 – чи "блок" , яъни сиёсий географияни ҳам киритиш мумкин. Сабаби, бир вақтлар иқтисодий география сиёсий география таркибига киритилган. Ушбу блок, ўз навбатида, қуйидагиларни уз қамровига олади: харбий география, лимология, конфиликтология, электорал география ва ҳ.к. Шунингдек, қатор янги фанлар борки, улар географиянинг "географик урнидан", яъни қирравий ҳолати, синтез қилиш қобилиятидан келиб чиқади. Улар геосиёсат, геоэкология, нозогеография, геопсихология, геосоциология, геоиқтисод ва б.

Фаннинг фронтал ва фундаментал ривожланиш жараёнида, турли хил ёндашувлар унинг предметига аниқлик киритиб борган. Бу хусусда 3 та асосий ёндашув - методологик тамойилни ажратиш мумкин: ҳудудийлик (районлаштириш), комплекс ва системали ёндашув. Уларнинг ҳар бири иқтисодий (ижтимоий) география фанининг таърифига, мазмун – моҳияти, мақсадида ўз ифадасини топади. Масалан: 1) ***районлаштириш*** умумгеографиянинг бош, бирламчи тушунчаси асосида иқтисодий география фанига қуйидагича таъриф

бериладн: ижтимоий география турли мамлакат ва минтақаларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чикариш тармоқлари ҳамда аҳоли (унинг яшаш шароитини ҳисобга олган ҳолда) жойлашув хусусиятлари ва *ижтимоий-иқтисодий районларнинг* шаклланиш қонуниятларини ўрганувчи фандир.

1-чизма



2) ***Комплекс ёки мажмуали ёндашув*** буйича: ижтимоий география турли мамлакат ва минтақаларда хўжалик тармоқлари ҳамда аҳолини ўзаро алоқадорликда жойлашув хусусиятлари ва *ҳудудий-ижтимоий мажмуаларнинг* шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

***3) Тизим ёки тизим-таркиб*** нуқтаи назаридан: ижтимоий география турли мамлакат ва районларда хўжалик тармоқлари ва аҳолининг ҳудудий ташкил этилиш хусусиятлари ва шу асосда *ҳудудий - ижтимоий (ижтимоий-иқтисодий) тизимларнинг* шаклланиш қонуниятларини урганувчи фан ҳисобланади.

Юқорида 3 хил методологик ёндашувга хос ва мос булган фаннинг 3 хил таърифи берилди. Бу таърифлар шаклан фарқланади, мазмун ва моҳияти буйича бир - бирига анча яқин. Шу билан бирга, уларнинг барчасида 2 та қисмни ажратиш мумкин: а) *жойлашув хусусиятлари ва б) шаклланиш қонуниятлари.* Биринчиси аналитик

(таҳлилий), иккинчиси эса синтез-илмий, бошқарув мазмунга эга. Биринчисида турли омиллар таъсири, сабаб -оқибатлар асосида у ёки бу ҳодисанинг жойлашув, ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари аниқланади, иккинчисида – омил ва шароитлар, минтақавий ва маҳаллий хусусиятларни аниқлаш ва баҳолаш орқали қонуниятга, ундан бошқарувга ўтилади. Бу ўзаро алоқадор қисмлар ҳақиқий, назарий ва, айни вақтда, амалий (конструктив) ижтимоий география фанининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, ҳозирча биринчи қисмга, таърифлаш ва тавсифлашга урғу бериладики, бу иккинчи қисм билан тўлдирилмаса фанимизнинг обру нуфузига салбий таъсир кўрсатади (географияни ҳурмат қилмайдиганлар уни фан эмас, оддий ўқув предмети ҳисоблашади, у фақат тасвирий хусусиятга эга, деб баҳолашади).

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бунда кўпроқ географларнинг ўзлари ҳам айбдор, сабаби, юқоридаги таърифларнинг иккинчи қисми аксарият ҳолларда эътибордан четда қолмоқда. Тасвирловчи географиядан амалий географияга ўтиш керак; барча ҳудудларда (минтақаларда) қишлоқ хўжалиги, транспорт, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари ва ҳоказалар бор. Бу иқтисодий географик тавсиф эмас, албатта; ҳақиқий иқтисодий ёки ижтимоий география ҳар қандай жойнинг "башараси" (морфологияси), бажарадиган функцияси, хўжалигининг ихтисослашувини, хусусиятларини аниқламоғи зарур.

## УЧИНЧИ БОБ. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ТЎРТ АСОСИЙ УСТУНЛАРИ

Ҳар бир фаннинг мустақиллиги ва мустаҳкамлиги унинг назарий асослари ва таянч нуқта ёки устунларига боғлиқ. Улар фаннинг мазмун-моҳиятини, мақсад ва вазифаларини, назарий ва амалий томонларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий (ижтимоий) география фанида бундай устунлар асосан тўртта. Улар: ҳудудий меҳнат тақсимоти, районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва иқтисодий географик ўрин ҳисобланади. Бу категориялар бир-бири билан боғлиқ ва уларнинг ҳар бири маълум вазифани бажаради. Масалан, *ҳудудий меҳнат тақсимоти фаннинг фундаментал тушунчаси, район ёки районлаштириш – бирламчи, ҳудудий мажмуалар – конструктив ва иқтисодий географик ўрин мазкур*

*фанинг узига хос калит тушунчасидир.* Куйида бу тушунчаларнинг ҳар бирига қисқача тухталиб утилади.

## 3.1 Ҳудудий меҳнат тақсимоти

Ҳудудий меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиётнинг асосий омилидир. У ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим бир қисми ёки томони сифатида жамият, ижтимоий-сиёсий ривожланишга катта таъсир курсатади. Махсус илмий адабиётларда ҳудудий меҳнат тақсимоти тушунчасига ухшаш яна бошқа иборалар ҳам мавжуд: географик меҳнат тақсимоти, регионал меҳнат тақсимоти, акваториал меҳнат тақсимоти ва ҳ.к. Уларнинг орасида жиддий фарқ йуқ. Бинобарин, мазкур тушунчаларни маънодош сифатида қабул қилиш мумкин. Уларнинг купчилиги бевосита ер, ҳудуд, майдон, яъни "гео" – га тааллуқли булиб, фақат акваториал меҳнат тақсимоти дунё океани қисмларининг хужалик аҳамиятини акс эттиради.

Дастлаб ҳудудий (халқаро) меҳнат тақсимоти таълимотини инглиз классик иқтисодчилари А.Смит ва Д.Рикардолар яратган. Улар ***меркантилизмга*** карши очиқ, эркин савдо, яъни ***фритредизм*** ғоясини олдинга суришган. Бу ғоянинг асосий моҳияти ҳар бир мамлакат ёки минтақа узида нисбатан қулай ва арзон маҳсулотларни четга чиқариб, бу ерда ишлаб чиқариш харажатлари куп ва қиммат маҳсулотларни сотиб олишдан, импорт қилишдан иборатдир. Бундай фикрлаш асосида *мутлақ ва нисбий (қиёсий) қулайлик ёки афзаллик* ётади. Худди шунга ўхшаш ғоя ишлаб чиқариш омиллари нуқтаи назаридан швед иқтисодчилари Э.Хекшер ва Б.Олинлар томонидан хам яратилган. Бунинг маъноси- ҳар бир мамлакат узида арзон омил маҳсулотини чиқариб, қиммат омил маҳсулотини четдан келтириш демакдир.

Куриниб турибдики, ҳудудий меҳнат тақсимоти ҳар бир жойнинг ўзида қулай ва арзон булган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувини англатади. Ихтисослашув эса яратилган маҳсулотнинг миқдор ва сифат жиҳатидан яхши, уни маҳаллий бозорларни қондирган ҳолда бошқа минтақавий, халқаро ва жаҳон бозорига чиқариш имкониятини назарда тутади ёки рақобатбардошлигини билдиради. Айнан шу маънода ҳудудий меҳнат тақсимоти ташқи савдо юритишнинг асоси булиб хизмат қилади, савдо эса. иқтисодчилар фикрича, ҳар қандай бойликнинг яратувчисидир. Юқорида келтирилган илмий ғоялар буйича бундай ҳудудий меҳнат

тақсимоти, минтақалараро ва халқаро савдода ҳар икки томон ҳам ютади[1].

Ҳудудий меҳнат тақсимоти мамлакат ва районлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим кўрсаткичи, белгиси бўлиб хизмат қилади. У қай даражада кенг ташкил қилинган, диверсификациялаштирилган (яъни турланган) бўлса, мамлакат ҳам шунча ривожланган бўлади. Айни вақтда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланмаганлиги мамлакатда интенсив эмас, экстенсив иқтисодиёт йўналиши мавжудлиги, унинг ички салоҳиятидан тўла фойдаланмаслик ва ҳудуд иқтисодий зичлигининг (сиғимининг) пастлигини акс эттиради. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланмаган шароитда мамлакатнинг иқтисодий макони тўлалигича шаклланмайди, унинг геосиёсий ва иқтисодий хавфсизлиги таъминланмайди, иқтисодий ландшафти заиф ва қутбийлашмаган бўлади.

Авваллари, ҳудудий меҳнат тақсимотининг шаклланишида асосан ички омилларга, "Бутуниттифоқ ёки умумиттифоқ" имтиёзларга урғу бериларди. Ҳозир эса бу жараённи, энг аввало, бозор қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш талаб этилади. Демак, ҳудудда фақат нима етиштириш қулайлиги эмас, балки яратилган маҳсулотнинг бозор талабига мослиги, сифати, харидоргирлиги, рақобатбардошлиги муҳимдир.

Албатта, "бозорбоп" маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ички имкониятлар, шарт-шароитлар, қулай инвестиция муҳити ҳам мавжуд бўлиши керак. Акс ҳолда ҳудуд-мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий фаоллиги юзага келмайди. Бу хусусда, аввалambор, табиий шароит ва табиий бойликларнинг аҳамияти катта. Бироқ, таъкидлаш жоизки, *табиий бойликларнинг миқдори эмас, уларнинг турли-туманлиги ҳудудий меҳнат тақсимотини кенг ривожлантиришга имкон беради.* Бинобарин, табиий бойликларнинг ҳудудий бирикмалари, мажмуалари мамлакатда хўжаликни ҳар томонлама ташкил қилишга сабабчи бўлади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишининг яна бошқа бир омили транспортдир. Транспорт иқтисодий муҳитнинг «қон томири», ҳаракатлантирувчи кучи, ташқи миқёсда эса маҳсулот айирбошлаш, савдо-сотиқ юргизишнинг асосий шартидир. Шунингдек, ҳудудий

---

[1] Айнан шу масалаларни назарий ишлаб чиқиш асосида америкалик иқтисодчи (географ) Пол Кругман 2009 йилда Нобел мукофотига сазовор бўлган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Жаҳон банкининг мазкур йилдаги маърузаси "Иқтисодий географияга янгича назар", деб аталган.

меҳнат тақсимотида ишчи кучи, мамлакатнинг геосиёсий ва геоиқтисодий урни, экологик ҳолати, сиёсий барқарорлиги, инвестиция ва инфратузилма, фан-техника тараққиёти каби омиллар ҳам аҳамиятлидир.

Юқоридагилардан маълум буладики, ҳудудий меҳнат тақсимотини амалга оширишда ҳам ташқи, ҳам ички шароитлар муҳим рол уйнайди ва фақат бу икки томоннинг ўзаро мувофиқлашган ҳолатидагина у яхши иқтисодий самара беради. Шу билан бирга, ҳудудий меҳнат тақсимоти маҳаллий-ички ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти, халқаро меҳнат тақсимотида фаол қатнашиш мақсадлари ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Юзаки қараганда, ҳудудий меҳнат тақсимоти уз моҳиятига кўра мамлакат ёки жаҳон хужалигини ҳудудий булакларга ажратади, регионлаштиради, чунки ҳудудлар ривожланиши, ихтисослашуви индивидуаллашади, "қушнисида" ёки купгина бошқа жойларда ривожланмаган соҳаларга устувор аҳамият берилади. Аммо бундай тор даражада қараш масаланинг фақат бир томонини ифодалайди, холос. Сабаби-ҳудудий меҳнат тақсимоти мамлакат ва районлар хужалигини ажратиш асосида уларнинг узаро иқтисодий алоқаларига, интеграция жараёнларига эришилади. Бу ҳар қандай тараққиётнинг қонуниятидир, қолаверса, ҳудуд хужаликлари тарқоқ, қовушмаган (аморф) мамлакатда миллий иқтисодиёт бир бутун, ягона тизим шаклида булмайди. Халқаро миқёсда эса жаҳон хужалиги ҳам вужудга келмайди, глобаллашув жараёни кечмайди.

Ҳудудий меҳнат тақсимотининг турли даражалари, босқичлари мавжуд. Уларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин: жаҳон миқёсидаги ҳамда давлатларнинг ички меҳнат тақсимоти. Уз навбатида, улар ҳам бир неча босқичларга булинади. Масалан, биринчи гуруҳда (1) жаҳон мамлакатлари ва халқаро, яъни алоҳида мамлакатлараро меҳнат тақсимоти ажратилади. Барча мамлакатлар орасидаги иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалик тизими ва бозорини вужудга келтиради, алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий интеграция жараёнлари эса йирик минтақалар иқтисодий ҳамкорлиги ва бозорларни шакллантиради.

Чунончи, 1957 йилда ташкил қилинган Умумий бозор–ҳозирги кунда узининг таркибини мунтазам купайтириб бораётган, 27 га яқин мамлакатни бирлаштирувчи Европа Иттифоқи бунга яққол мисол була

олади. Шунингдек, даставвал 1967 йилда асос солинган Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг ҳудудий уюшмаси (АСЕАН, ҳозир у 10 давлатни бирлаштиради) ёки 1989 йилда таъсис этилган Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиги, Шимолий Америка эркин савдо уюшмаси (НАФТА) ҳам шулар жумласидандир. Худди шундай, ҳудудий-иқтисодий иттифоқ келажакда Мустақил давлатлар ҳамдустлиги доирасида ҳам шаклланиши мумкин.

Давлат ичидаги (2) меҳнат тақсимоти қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

2.1. Йирик иқтисодий районлараро меҳнат тақсимоти;

2.2. Вилоят ва бошқа турдаги маъмурий-ҳудудий бирликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти;

2.3. Вилоят ичидаги меҳнат тақсимоти;

2.4. Маҳаллий меҳнат тақсимоти.

Бу даражадаги ҳудудий меҳнат тақсимотининг таркибий тузилиши мамлакатлар майдонининг катта-кичиклиги, ижтимоий-сиёсий вазиятга ҳам боғлиқ. Жумладан, собиқ Иттифоқ ва жаҳон социалистик тизимининг барҳам топиши ҳудудий меҳнат тақсимотининг барча босқичларига уз таъсирини курсатди, социалистик мамлакатлар уртасидаги иқтисодий муносабатлар (Узаро иқтисодий ёрдам кенгаши), Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти йуқолди.

Сиёсий тизимнинг тубдан узгариши, иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқаришда марказлашган маъмурий-буйруқбозлик, социалистик режалаштириш тизимидан очиқ ва эркин бозор муносабатларига утиш узига хос, мувaққат муаммоларни юзага келтирди. Масалан, собиқ иттифоқдош республикалар уртасидаги (горизонтал) иқтисодий алоқаларнинг бузилиши оқибатида барча республикалар-янги мустақил давлатлар айрим қийинчиликларга дуч келди. Айниқса, бу муаммо юқори даражада ривожланган, саноатлашган республикаларда кескин тус олди, чунки мазкур ҳудудлардаги саноат, асосан оғир саноат тармоқлари куп жиҳатдан ташқи омилларга, мамлакатлараро иқтисодий интеграцияга боғлиқ булган. Қисман бундай қийинчиликларни Узбекистондаги йирик саноат марказларида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, ҳозирча Тошкентдаги йирик машинасозлик корхоналари, Чирчиқ, Ангрен саноатининг ривожланиш ҳолати унча яхши эмас.

Айни вақтда миллий ва минтақавий иқтисодиёт купроқ агросаноат мажмуаси билан боғлиқ булган ҳудудларда "Умумиттифоқ" меҳнат

тақсимотининг йуқолиши катта муаммоларга олиб келмади. Сабаби-бу жойларнинг хўжалиги асосан ички омилларга, маҳаллий табиий шароит, ишчи кучи, оддий технологияларга асосланган эди.

Сиёсий мустақилликка эришган мамлакатларда иқтисодий мустақилликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш уларнинг ичидаги меҳнат тақсимотини зарурият қилиб қуйди. Чунки, илгариги тизимда республикалар иқтисодий макони ички жиҳатдан турланмаган, асосан муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёки хом ашё базасига йуналтирилган булган. Натижада, сиёсий мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш муаммоси энг долзарб булиб қолди. Иқтисодий мустақиллик эса макроиқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат (дон), йул-транспорт тизимини жадал ривожлантириш, мамлакат ички салоҳиятидан тулароқ фойдаланиш, минтақаларнинг бозор муносабатларига тезроқ мослашуви уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишни тақозо этди.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти қайси бир маънода узига хос *иқтисодий географик жараён* саналади; унинг натижасида янги ерлар узлаштирилади, янги хўжалик тармоқлари шаклланади, иқтисодиётнинг тармоқлар ва ҳудудий таркибида узгаришлар юз беради, шаҳар ва иқтисодий районлар, усиш қутб ва марказлари вужудга келади. Айнан шунинг учун ҳам *ҳудудий меҳнат тақсимоти иқтисодий география фанининг фундаментал тушунчаси ҳисобланади.* Чунки, бу фаннинг қолган барча тушунчалари бевосита ёки билвосита ҳудудий меҳнат тақсимотидан келиб чиқади.

Бамисоли катта оилада ота-она, турли ёш ва жинсдаги болалар кундалик юмушда ҳар бирлари узларига бириктирилган юмушларни бажарганларидек, мамлакат ичидаги меҳнат тақсимоти ҳам унинг иқтисодий жиҳатдан бутлиги ва бирлиги, мустаҳкамлиги ва мустақиллигини билдиради. Шу боис, ҳудудий меҳнат тақсимоти мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланганлигини курсатувчи муҳим геоиндикатор вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий меҳнат тақсимотининг қуйидаги жиҳат ёки хусусиятларини курсатиш мумкин:

√ ҳудудий меҳнат тақсимоти иқтисодий география фанининг асосий тушунчаси;

√ унинг шаклланиши ва ривожланиши мамлакат ёки районлар етуклигини белгиловчи курсаткич;

√ ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишида табиий шароитнинг турли туманлиги, табиий ресурсларнинг ҳудудий бирикмалари катта аҳамиятга эга;

√ ҳудудудий меҳнат тақсимоти муайян ҳудудда муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришни англатади;

√ ҳудудий меҳнат тақсимотида ихтисослашув асосий омил ҳисобланади ва у, албатта, ички ва ташқи бозорда товар алмашинувини назарда тутади;

√ ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишида транспортнинг урни катта ва бу бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам амалга оширади;

√ ҳудудий меҳнат тақсимоти миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг диверсификациялашувига олиб келади;

√ ҳудудий меҳнат тақсимоти иқтисодий районлар шаклланишининг моддий негизи саналади ва ҳ.к.

## 3.2. Иқтисодий районлаштириш

Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг доимий "йулдоши" булган ихтисослашув натижасида иқтисодий районлар шаклланади. Улар эса мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини ташкил қилади. Аммо ҳудудий таркиб фақат иқтисодий районлар туридан иборат эмас, у маъмурий бирликлар, табиий географик ва гидрографик омиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Иқтисодий районлар минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсатнинг объекти ҳисобланади. Агар илгари иқтисодий районлаштириш халқ хужалигини планлаштириш мақсадида ажратилган булса, ҳозирги шароитда улар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишнинг асосий шакли, давлат минтақавий сиёсатининг объекти, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни тартибга солиб бориш ва бошқариш учун зарур. Қолаверса, иқтисодий районларсиз мамлакат хужалиги ички тузилиши, ҳудудий таркиб ва тизимини географиясини урганиш ҳам қийин.

Айнан ана шу мақсадларда иқтисодий районлаштиришнинг амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Масалан, Россия Федерациясида 11 та йирик иқтисодий районлар негизида еттита федерал округлар ажратилган. Узбекистонда ҳам иқтисодий

районлаштириш мамлакатни ижтимоий-сиёсий ташкил этиш ва бошқариш учун керак.

Иқтисодий районлаштириш мамлакат ҳудудининг катта-кичиклигига унчалик боғлиқ эмас, энг муҳими иқтисодий макон ички жиҳатдан турланган, ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланган бўлиши талаб этилади. Ички тафовутлар қанчалик катта бўлса, иқтисодий районлар тури ва тизими ҳам шунча ривожланган бўлади. Чунончи, майдони жуда катта бўлган, алоҳида қитъада жойлашган Австралия мамлакатида асосан 4 та иқтисодий район ажратилади, холос, ваҳоланки, унга қараганда анча кичик бўлган Европа давлатларида бир қатор районлар шаклланган.

Иқтисодий районларнинг турлари ва шакллари кўп; улар бутун мамлакат ҳудудини ўз ичига олиши (унда майдон, иқтисодий аҳамиятидан қатъий назар, турли қисмларга бўлинади) ёки унинг алоҳида жойларида, яъни дискрет ҳолда ажратилади. Бундан ташқари, иқтисодий районлар умумий (интеграл) ва тармоқ районларга бўлинади. Шунингдек, мамлакат ҳудуди ижтимоий-иқтисодий ва социал районларга ҳам ажратилиши мумкин. Аммо, бу районларнинг ҳудудий кўлами бир-биридан фарқ қилади; одатда, иқтисодий районларга кўра ижтимоий-иқтисодий районлар кичикроқ, улардан эса социал районлар янада кичикроқ бўлади. Бундай фарқлар ҳар хил турдаги районлардаги район ҳосил қилувчи омилларга боғлиқ.

Баъзан иқтисодий районлар *иқтисодий географик районлар* деб ҳам юритилади. Бу ерда жиддий фарқ кўринмайди, зеро ҳар қандай район ўз моҳият ва мазмунига кўра географиядир. Шу боис, "география" атамасини ишлатиш зарурияти йўқ; "ҳудудий жойлаштириш" тушунчаси қанчалик жойлаштириш учун шарт бўлмаса, иқтисодий районлаштиришда ҳам "география" сўзи шунчалик ортиқчадир.

***Иқтисодий районлар турли омилларга қараб ажратилади. Улар қуйидагилар:***

- Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ҳудудий ихтисослашув;
- Бозорга мўлжалланган товар маҳсулот ишлаб чиқариш, бозор маконининг шаклланганлиги;
- Табиий шароит ва қазилма бойликлар, уларнинг ҳудудий бирикмалари;
- Аҳоли ва меҳнат ресурслари;

- Район ҳосил қилувчи ва уни ташкил этувчи марказ ёки марказларнинг мавжудлиги;
- Иқтисодий географик урин;
- Транспорт турининг ривожланганлиги;
- Минтақавий инфратузилма ва инвестиция муҳитининг шаклланганлиги ва ҳ.к.

Барча район ҳосил қилувчи омил ва тамойиллар икки катта гуруҳни ташкил қилади: иқтисодий (бозор иқтисодиёти, мужассамлашув, ихтисослашув, комплекс ривожланиш, транспорт) ва ҳудудий ёки географик (табиий шароит ва табиий бойликлар, инфратузилма ва аҳоли жойлашув тизими, географик урин). Бу икки асосий қисм бирлиги, яъни "иқтисод+ҳудуд" иқтисодий район атамасини шакллантиради. Шунингдек, фан-техника тараққиёти, экология кабилар ҳам район чегараларини аниқлашда маълум аҳамиятга эга.

Юқоридаги омил ва шартларга кура мамлакатнинг иқтисодий макони бир неча районларга булинади. Ҳозирги шароитда айниқса бозор таъсир доираси катта аҳамиятга эга. Немис олими А.Лёш ҳам иқтисодий ландшафтларни (яъни районларни) бозор маконига қараб ажратган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда район ҳосил булиши учун 2 та муҳим шарт бор: район ҳосил қилувчи марказ ва район ҳосил қилувчи ихтисослашган иқтисодиёт тармоғи. Узимизда маҳаллий халқ узи шу қишлоқ районида яшаб туриб, туман марказига боришни районга бориб келиш мазмунида талқин қиладилар. Демак, район деганда ниманидир ҳудуд яқинида, атрофидаги деган маъно келиб чиқади. Айни чогда баъзи олимлар иқтисодий районларнинг объектив борлигига шубҳа билдирадилар (масалан, америкалик Р. Хартшорн) ва улар фақат расмий чегараларни тан оладилар. Бу хусусда айтиш жоизки, умуман ёки барча соҳаларни қамраб оладиган "ҳаммабоп" районлар йуқ, балки аниқ соҳаларнинг реал ҳудудий таркиб ва тизимлари, районлари мавжуд (саноат ва қишлоқ хужалиги, социал районлар, саноат тугуни, шаҳарлар агломерацияси ва ҳ.к.).

Ҳудудий меҳнат тақсимотига ухшаш иқтисодий районлар ҳам поғонасимон булади. Чунончи, мамлакат ичида бир неча иқтисодий районларни бирлаштирувчи йирик иқтисодий минтақа, асосий иқтисодий районлар, маъмурий-иқтисодий районлар, вилоят ичидаги районлар ва, ниҳоят, маҳаллий маъмурий - иқтисодий районлар (бизнинг республикамизда - қишлоқ туманлари) бор. Уларнинг ҳар бирига турли даражадаги бозорлар мос келади.

Ҳар бир иқтисодий районнинг ўзига хос район ҳосил қилувчи омил ва ишлаб чиқариш тармоғи мавжуд. Баъзи районлар шаклланишида қазилма бойликлар, бошқасида-транспорт географик ўрин, учинчисида -малакали ишчи кучи, тўртинчисида йирик шаҳарлар ва, айниқса, пойтахт шаҳар омили муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳатто жойнинг геологик тузилиши билан иқтисодий районлаштириш ўртасида ҳам алоқадорлик мавжуд. Бу ҳақда дастлаб таниқли рус олими Ю.Г.Саушкин фикр билдирган эди.

Одатда, комбинатлашувга ва ҳамкорликка мойил тармоқларнинг район ҳосил қилиш салоҳияти кучли бўлади. Масалан, нефт ва нефтни қайта ишлаш саноати, қора ва рангли металлургия, тўқимачилик, машинасозлик ва бошқа тармоқларда бу ҳолат кузатилади. Шунингдек, бундай ролни транспорт, рекреация, халқаро туризм ҳам бажариши мумкин.

Иқтисодий район ўзига хос ҳудудий мажмуа ва ҳудудий тизимни ташкил этади. Албатта, бу ерда район, комплекс ва тизим (система) тушунчалари айнан бир мазмунга эга эмас, аммо уларнинг бир-бирларига яқинлигини ҳам инкор этиш ноўриндир. Ҳар қандай иқтисодий район комплекс, ҳудудий мажмуа принципига асосланади. Бу комплекслик, энг аввало, турли даража ва аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳолда мутаносиб ривожланишида ўз ифодасини топади. Чунончи, ҳар бир районда ихтисослашган, яъни бозор аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва тармоқлар, уларни тўлдирувчи ёрдамчи, иккинчи даражали тармоқлар ва кундалик эҳтиёжларга қаратилган маҳаллий бозорни тўйинтирувчи тармоқлар бўлади. Шу 3 бўғиннинг қайси бири шаклланмаган бўлса, у ҳолда тўлақонли иқтисодий район тўғрисида сўз юритиш қийин.

Ҳар бир йирик иқтисодий район базавий тармоқларга эга бўлишлари керак. Уларга, масалан, электроэнергетика, қурилиш индустрияси кабилар киради. Шу билан бирга бу тармоқлар юқоридаги 3 гуруҳдан иборат бўғинларнинг бирига ҳам кириши мумкин.

Демак, ана шу мазмунда иқтисодий районни ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида талқин қилса бўлади. Аммо реал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан район ишлаб чиқариш мажмуалари бир хил эмас; биринчиси, ҳақиқий борлиқ бўлса, иккинчиси кўп жиҳатдан маъмурий-бошқарув маъносидаги мажмуадир. Жумладан, Ангрен-Олмалиқ ёки Қарши ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан Тошкент вилояти ёки Қашқадарё ҳудудий мажмуалари

бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, иқтисодий районда бир эмас, бир неча ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари булиши ва, айни вақтда, мажмуа ҳосил қилувчи тармоқлар ҳам мавжуд бўлади. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари иқтисодий районларнинг ўзагини, асосини ташкил қилади, аммо районнинг узи эмас.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай район илмий ўрганишнинг ёки билим эгаллашнинг ўзига хос усулидир; у классификация ва типология сингари умумий гуруҳлаш турларига киради. Бинобарин, *район ҳудудий гуруҳлаш демакдир, бироқ ҳар қандай гуруҳ комплекс ёки система була олмайди.* Комплекс эса бирлик, уйғунликни, технологик алоқаларни англатади. Агар аниқроқ қараладиган бўлса, тизим (система) тушунчаси янада мураккаброқ бўлиб, унинг ўзига хос талаб ва шартлари бор. Жумладан, тизим таркибдан ёки "тизимча"дан ташкил топиши, поғонасимон - иерархияли бўлиши, мустақил фаолият кўрсатиш, турғунлик, бошқарув каби хусусиятларга эга бўлиши керак. Табиийки, бундай даражада ёндошилса, ҳар қандай район ва ҳатто мажмуа ҳам ҳақиқий тизим була олмайди. Тизим учун ички ва ташқи, вертикал ва горизонтал алоқалар хос, унинг муҳим жиҳати ҳудудий ташкил этишдир, бу эса, ўз навбатида, бошқарувга асос булади.

Бироқ, шунга қарамасдан, иқтисодий район ҳудудий мажмуа ва ҳудудий тизимлардан унчалик узоқ эмас. Чунки, иқтисодий район мамлакат ҳудудининг маълум бир хужалик тармоғига (ёки тармоқларига) ихтисослашган ва бу жиҳатдан қўшни, туташ ҳудудлардан фарқ қилувчи, умумий иқтисодий ландшафт шаклига эга бўлган қисмидир. У яхлит иқтисодий макон сифатида ҳудудий тизим маъносини англатади.

Шундай қилиб, районлаштириш илмий тадқиқот жараёни, усул, район эса унинг натижаси, обьектив борлиқдир. Н.Н.Баранский, В.М.Четиркин каби буюк олимлар районлаштиришни умумгеографик метод сифатида эътироф этганлар, унинг куп сонли ва турли ҳодисаларни бир тартибда келтиришда, реал географик воқеликни акс эттиришда энг муҳим восита эканлигини эътироф этганлар[1].

Иқтисодий район ҳудудий мужассамлашув ва ҳудудий ихтисослашувнинг ўзаро уйғунлашган, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий ташкил қилиш, ушбу жараён иқтисодий самарадорлигини

[1] Аммо таъкидлаш зарурки, табиий географияда район округ ва провинциядан кейинги уринда турадиган таксономик бирлик булса, иқтисодий географияда округлар туманлараро, вилоят ичидаги иқтисодий район миқёсида ажратилади

оширувчи муҳим омил ёки шаклдир. Зеро, ҳар қандай иқтисодий район ёки минтақа бирор бир хўжалик тармоғини бошқа жойларга қараганда бу ерда кўпроқ тўпланганлиги, мужассамлашганлиги, ривожланлиги демакдир.

Иқтисодий районлаштиришнинг энг қадимий йўналиши қишлоқ хўжалигини жойлаштириш билан боғлиқ. Сабаби, қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, яъни унинг арсалсимонлиги макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра яққол кўзга ташланади. Шу боис, минтақавий иқтисодиёт, иқтисодий география ва иқтисодиёт тарихи кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини районлаштириш ва жойлаштириш тарихи билан белгиланади. Бежиз эмаски, Ўзбекистонда ҳам бу борадаги илмий ишлар даставвал айнан ана шу тармоқни жойлаштириш ва районлаштириш билан бошланган (В.М.Четиркин, К.Н.Бедринцев, Н.Г.Цапенко, З.М.Акрамов, К.И.Лапкин, Қ.Н.Абирқулов, Р.А.Ҳодиев ва бошқалар).

Иқтисодий районнинг ҳудудий тизимга яқинлигини яна бир томони шундаки, у айни вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи хусусиятга эга. Агар тизим-таркиб услубиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, иқтисодий район ташқи жиҳатдан, яъни “ёпиқ” тизим шаклида асосан бир хиллик ландшафтдир, ички жиҳатдан ёки “очиқ” тизим шаклида эса у турли-туман, ички тафовутларга бой ҳудудий бирликни англатади.

Моҳиятан, иқтисодий район мамлакат маъмурий-ҳудудий таркибини ташкил этиш ва бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Аммо, бу ерда маъмурий-ҳудудий масалаларнинг айрим ҳолларда субъективлиги, юқоридан ташкил қилиниши ва иқтисодий районлаштиришнинг “ичкаридан”, объектив ҳолда шаклланиши ўртасида номувофиқликлар келиб чиқади. Боз устига, маъмурий бирликлар чегараси ва сони тез-тез ўзгариб туради, иқтисодий район эса анча турғунликка эга. Бинобарин, мамлакатни маъмурий районлаштириш билан уни иқтисодий районлаштиришни тўғри йўлга қўйиш муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммодир. Шу жиҳатдан ҳам қараганда, иқтисодий районлаштириш ва иқтисодий районлар ўз илмий ва амалий аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Айнан шу масалада принципиал келишмовчиликлар, хатолик ва ноаниқликлар мавжуд. Масалан, ота-ўғил Мусаевларнинг VIII синф учун ёзган “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” дарслигида республикамизда 8 та иқтисодий район (Тошкент,

Мирзачўл, Фарғона, Бухоро-Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қуйи Амударё) ажратилган. Ушбу китобнинг муаллифи эса 1998 йилда мамлакатимизда 6 та асосий иқтисодий районлар борлигини ёзган ва шу микёсда у узининг илмий-педогогик фаолиятини олиб бормоқда.

Олтита иктисодий районлар қуйидагилардан иборат: Тошкент, Мирзачул, Фарғона, Зарафшон, Жанубий, Қуйи Амударё. Бу ерда келишмовчилик Зарафшон ва Жанубий иқтисодий районларга тегишли. Жиддий принципиал хатолик шундаки, дарслик муаллифлари асосий район билан маъмурий - иқтисодий районни чалкаштирган, Самарқанд ёки Қашқадарё вилоятларини Фарғона ёки Тошкент иқтисодий районлари даражасида курилган, уларга тенглаштирилган. У ҳолда эътироз билдириш мумкин: Наманган, Бухоро, Андижон, Фарғона, Жиззах ва бошқа вилоятлар ҳам иқгисодий район булишга ҳақли - ку! Бироқ, *бу ҳудудий – иқтисодий бирликлар асосий эмас, балки районлаштириш тизимида турган иккинчи даражали маъмурий - иқтисодий районлардир.* Бундай районларда бошқарув органлари, ҳокимият бор, асосий иқгисодий районлар эса маъмурий – иқтисодий бирликлар уюшмасидан таркиб топган ҳақиқий (реал) ҳудудий - иқтисодий, географик макон ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, бизнинг мамлакатимизда иктисодий районлар тури ва тизими (ҳозирча) расман тан олинмаган, улар бўйича ҳисоб-китоблар, статистик маълумотлар ҳам тупланмайди. Аммо қайси бир тартибда ёки санокда улар бизда ҳам мавжуд, чунки иқтисодий районлар шаклланиши бевосита ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижасидир, ҳудудий меҳнат тақсимоти эса ҳар қандай мамлакатда амал қилади ва уларсиз ривожланишнинг узини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

## 3.3. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) иқтисодий-ижтимоий географиянинг жаҳон аҳамиятига эга булган нуфузли назарий ютуқлардан биридир. Бу хусусда энг аввало Н.Н.Колосовкийнинг хизматини алоҳида курсатиш жоиз. XX асрнинг йигирманчи йилларида ГОЭЛРО, яъни Россияни электрлаштириш давлат режаси доирасида И.Г.Александров иш олиб боришда ва, айниқса, ДнепроГЭС лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида район

комбинатлари ҳақидаги узининг назариясини яратди. Уттизинчи йилларда эса бу муҳим масалани у аниқлаштирди, чуқур урганиб **район ишлаб чиқариш комбинатларини** барпо этиш лозимлигини таъкидлади. Н.Н.Колосовский И.Г.Александровнинг район ишлаб чиқариш комбинатлари туғрисидаги таълимотидан Урал, Сибир ва Қозоғистон каби йирик районлар мисолида амалий фойдаланди, уни бойитди ва шу асосда узининг район комплекслари (комбинатлари, мажмуалари) туғрисидаги илмий ғоясини шакллантирди. Бу, албатта, илгаригига қараганда янги бир қадам олга фикр эди.

Н.Н.Колосовский 1947 йилда ҳудудий ишлаб чиқариш (аникроғи, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмалари, комплекслари) мавзуида мақола чоп эттирди. Унинг фикрича, бу назариянинг асосий моҳиятини маълум бир ҳудудда ёки иқтисодий районда алоҳида танлаб олинган ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва жойланиши ташкил этади. У ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуасини иқтисодий география фанининг таркибий қисми эканлигини қайта-қайта таъкидлади ва, айни пайтда, маълум ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналар йиғиндиси ҳамма вакт ҳам комплекс (мажмуа) була олмайди, деб уқтирган эди. Бундай оддий ҳудудий жойлашиш группировкани ташкил этади, холос. Демак, биз қушимча қилар эканмиз, ҳар қандай ҳудудий мажмуа бу гуруҳ, аммо ҳар қандай гуруҳ мажмуа булавермайди.

Кейинчалик ҲИЧМ назариясини ривожлантиришга Н.Н.Баранский, Н.Т.Агафонов, А.Г.Аганбегян, М.К.Бандман, Н.Н.Некрасов, Ю.Г.Саушкин, Т.М.Калашникова, М.Н.Степанов, А.И.Чистобаев, А.Т.Хрушев, М.М.Паламарчук, М.Д.Шарыгин, З.М.Акрамов, С.К.Зиёдуллаев, И.Қ.Нарзиқулов, К.Н.Бедринцев, А.Г.Батигин каби бир қатор олимлар уз ҳиссаларини қушдилар.

Тажрибалар ҳамда фактик материаллар шуни тасдиқлайдики, ҳудудий (ёки географик) меҳнат тақсимоти фундаментал тушунча булиб, у иктисодий районлаштириш ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келишига асос булиб хизмат қилади. Бошқача килиб айтганда, ҳудудий меҳнат тақсимоти бирламчи, қолган икки тушунча эса унинг натижаси, ҳосиласидир.

Н.Н.Колосовкий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуалари (ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, бизнингча, булар бир хил маънога эга) ибораси иқтисодий районлар туғрисидаги тушунча урнини эгалламаслиги керак; бу иқтисодий районларнинг "ядроси"ни

ташкил этади, холос, деб уқтирган эди. Дарҳақиқат, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари мазмун ва сифат жиҳатдан, ишлаб чиқариш корхоналарини маълум бир нуқтадаги ёки жойдаги турғун бирикмаси сифатида иқтисодий районлардан фарқ қилади.

Сунгги йилларда бундай қараш бироз узгарди: умуман олганда, ҳар қандай босқичдаги иқтисодий районлар ҳам ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклида қурилса булади. Масалан, Узбекистон Республикаси, Фарғона водийси, Наманган вилояти ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва ҳ.к. Савол туғилиши мумкин: ҳақиқатда ёки реал воқеликда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси қаерда вужудга келади ва ҳар қандай жойнинг ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасини мажмуа деб аташ мумкинми? Бу ерда, бизнинг фикримизча, масалага ҳар томонлама ёндошиш керак ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг турли хил булишини унутмаслик лозим. Акс ҳолда, чалкашликлар вужудга келиши муқаррар.

Албатта, иқтисодий район хужалиги узининг мазмун - моҳияти ва мақсадига кура ҳар томонлама (комплекс) ривожланиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан иқтисодий районлар хужалигини реал ёки потенциал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида кўриш мумкин. Бу ерда биз тушунмовчиликка имконият қолдирмаслик мақсадида бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини "**маъмурий районлар даражасидаги мажмуалар**" деб юритишни таклиф этамиз. Н.Н.Колосовский айтган маънода, яъни маълум бир жойда ишлаб чиқариш корхоналарининг узаро боғлиқ ҳолда жойланиши ва ривожланиши асосида вужудга келган мажмуалар эса том маънода ёки "**анъанавий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари**", деб аталиши тўғрирок. Н.Н.Колосовский шогирдларидан бири М.К.Бандман бундай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларни мамлакат аҳамиятига молик, муҳим бир муаммони ҳал этишга, бир мақсадга қаратилган *дастурли ёки муаммоли мажмуалар*, деб ёзади. Улар, одатда, реал воқеликда вужудга келади ва маъмурий чегараларга купинча мос келмайди. Сабаби-мазкур ҳудудий мажмуалар асосида қандайдир табиий географик объектлар, масалан, дарё ҳавзалари, қазилма бойликлар, тоғ, чўл ва бошқалар ётади.

Аммо ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари қайси маънода тушунилмасин, улар иқтисодий географияни урганишда энг муҳим ва самарали назариядир. Бу район хужалигини муайян тизим даражасида

қараш ва уни таркибий тузилиши буйича таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари орасидаги алоқадорликни назарда тутади.

Соф, ҳақиқий ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари асосан янги ўзлаштирилаётган районларда, улкан табиий бойлик ва, айниқса, ёқилғи-энергетика заҳиралари негизида вужудга келиши билан тавсифланади. Табиийки, тарихий ривожланиш давомида аввал ўзлаштирилган ерларда вужудга келган хўжаликнинг ҳудудий таркибини мажмуага айлантиришга қараганда, янги, "соф" ёки "бўш" жойда бу мақсадга эришиш осонроқдир. Мажмуа яратувчи тармоқ сифатида эса купроқ ёқилғи-энергетика саноати асос булиб хизмат қилиши ҳам, шубҳасиз, бир ҳолдир. Масалан, Россия Федерациясидаги Братск ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини олайлик (унинг дастлабки лойиҳасини Н.Н.Колосовкий раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи яратган). Бу ерда йирик 4 млн. кВт. дан ортиқ қувватга эга булган сув электр станцияси қурилди ва булажак сув омбори майдонини ўрмондан тозалаш мақсадида ёғоч-целлюлоза саноати вужудга келди. Арзон электроэнергиянинг мавжудлиги энергияни кўп истемол қилувчи тармоқларни узига "тортди" ва, натижада, бу ерда учинчи йирик корхона-алюминий заводи барпо этилди. Рангли металлургия ва ўрмон саноати яна "занжирсимон" тарзда бошқа корхоналар қурилишини (жумладан, машинасозлик, кимё) тақозо этди.

Бундай мажмуалар Урта Осиё мамлакатларида қулай табиий шароитда, аҳоли ва меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган минтақада ва фақатгина энергетика эмас, балки агроиқлимий ресурслар асосида ҳам вужудга келади. Демак, республикамиз ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари суғориладиган деҳқончилик, агросаноат тармоқлари ва меҳнатни кўп талаб қилувчи корхоналарини уз ичига олар экан. Бунга Мирзачул ёки Қарши чули асосида шаклланаётган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларида мисол була олади.

Кенг маънода ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам турли босқичда булади. Оддий саноат ёки агросаноат тугунидан тортиб мамлакат миқёсида вужудга келаётган ягона халқ хўжалик мажмуасини ажратиш мумкин. Бу, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда ниҳоятда илғор ва иктисодий жиҳатдан самарадор бўлиб, минтақа ёки алоҳида вилоятларнинг мамлакатимиз меҳнат тақсимотида тутган ўрнини белгилаб беради.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини иқтисодий жиҳатдан самарадор эканлиги, энг аввало, умумий инфратузилма (йул, сув, ер

ости иншоотлари, электр энергия шаҳобчалари ва б.) мавжудлигидан келиб чиқади. Масалан, пахта экиладиган районларда, одатда, пахта тозалаш заводи, унинг ёнида ёғ заводи, уларнинг чиқиндилари асосида эса чорвачилик фермасини ташкил этса бўлади. Бу ерда мажмуа ҳосил қилувчи тармоқ-пахтачилик ҳисобланади ва у бошқа тармоқ ёки корхоналар жойланишига сабаб бўлади. Табиийки, бундай корхоналар алоҳида-алоҳида, тарқоқ жойлашса, уларнинг ҳар бири учун юқоридаги инфратузилма шаҳобчалари керак. Бу эса иқтисодий жиҳатдан номақбулдир. Агар уларнинг барчаси бир жойда ҳудудий ташкил этилса, катта тежамкорликка ва, бинобарин, самарадорликка (агломерацион самарадорликка, А. Е. Пробст бўйича) эришилади. Шу боис айтиш мумкинки, *иқтисодий география фанини "иқтисодий" қилувчи асос ҳам айнан ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларидир* Зеро, улар икки кара икки тўрт эмас, беш бўлишини таъминлайди.

Бу назариянинг аҳамияти, айниқса, мамлакат халқ хўжалигини бошқаришдаги ҳудудий тамойилдан тўғри фойдаланишда яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини ҳозирги қайта қуриш даврида ҳудудий дастурларни кенг жорий қилиш ниҳоятда муҳимдир. Ҳудудий дастурлаш тармоқлар асосида бошқаришга қараганда маҳаллий табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳамда шу жойнинг атрофлича ривожлантириш имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олади. Бу ҳақда ва, хусусан, тармоқлар бўйича бошқаришдаги айрим камчиликларни Чирчиқ шаҳри хўжалиги мисолида кўрса бўлади. Маълумки, бу шаҳарда ўтмишда маҳаллий шароит, иқтисодий ва табиий-географик ўрин ҳисобга олинмаганлиги сабабли янги саноат корхоналарини жойлаштириш салбий экологик оқибатларга олиб келди.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари мавзусини ёритишда маҳаллий мисолларга мурожаат қилиш фойдалидир. Масалан, Мирзачўл ёки Қарши даштини ўзлаштириш асосида вужудга келаётган мажмуалар тўғрисида фикр юритиш фойдадан холи эмас. Ушбу ҳудудий мажмуалар ўзларининг ихтисослашувига кўра агросаноат мажмуаси эканлигини англаш зарур. Шунингдек, кейинги йилларда агросаноат мажмуаларини ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги янги босқич сифатида шаклланишининг катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳам курсатиш керак. Авваламбор бу самарадорлик хом ашё ва ярим маҳсулотни бир жойдан иккинчи

жойга олиб бориш учун сарф этиладиган транспорт харажатларнинг қисқариши, ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида бошқа тармоқларнинг (жумладан, чорвачиликнинг) ривожланиши ва, энг муҳими, қишлоқ билан шаҳарлар уртасидаги тафовутларни қисқартиришда уз аксини топади.

Илмий ва амалий жиҳатдан республикамизда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишдаги эришилган ютуқлар туғрисида ҳам айтиб утиш уринли. Жумладан, Узбекистон Фанлар академиясига қарашли собиқ Ишлаб чиқариш кучларини урганиш кенгашида (СОПС) утган асрнинг 50-йилларида олиб борилган илмий изланишлар натижасида **районларнинг комплекс муаммолари** тушунчаси ёки илмий йуналиши яратилган эди. Бу узининг географик урни ва маъмурий таркибига кура узига хос булган Фаргона водийси учун айниқса аҳамиятли эди.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам тизим-таркиб ғоясига кура куп босқичли, поғонасимон булади. Бунда бирламчи элемент сифатида оддий корхона хизмат қилади. Саноат асосида вужудга келган ҳудудий мажмуаларнинг негизини, бирламчи элементини саноат корхонаси ташкил қилади ва у завод ёки фабрика куринишида бўлади.

Саноат корхонаси мавжуд булган жой **саноат пункти** ҳисобланади. Агар бир жойда бир неча саноат корхонаси жойлашган бўлса, у ҳолда **саноат маркази** вужудга келади. Йирик саноат марказлари атрофида саноат пунктларининг жойлашуви, яъни саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этилиши, районлаштиришнинг навбатдаги поғонаси, босқичи-**саноат тугунини** шакллантиради. Айнан саноат тугунларида ҳудудий мажмуалар мукаммал тус олади. Чунки, бундай шароитда саноат корхоналарининг оддий ҳудудий гуруҳи эмас, балки улар уртасида алоқадорлик (ишлаб чиқариш, технологик, инфратузилма, аҳоли ва меҳнат ресурслари алоқалари) мавжуд булади. Бинобарин, саноат тугунларини саноат ишлаб чиқариш мажмуаларининг энг етук шакли, деб баҳолаш туғрироқдир.

Саноат тугунлари, яъни саноат корхоналарини бир жойда ғуж ҳолда мужассамлашуви **саноат агломерацияси**, деб ҳам аталади. Саноат корхоналарини жойлаштиришда агломерация омилини ҳисобга олиш эса немис олими Альфред Веберга тегишли. Агломерация ҳам мужассамлашув каби катта иқтисодий (аммо экологик эмас) самарадорликка эга.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келишида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг барча шакллари: ихтисослашув, мужассамлашув, кооперация (ҳамкорлик) ва комбинатлашув иштирок этади. Аслида эса ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари бевосита комбинатлашувнинг ҳудудий кўринишидан бошқа нарса эмас. Фақат ихтисослашган корхоналар ўртасидаги кооперация ҳамма вақт ҳам кичик бир ҳудудда мавжуд бўлавермайди.

Алоҳида танлаб олинган жойни барча инфратузилма обьектлари билан олдиндан тайёрлаш негизида **саноат парклари** вужудга келади – ки, бу айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун кўпроқ хос. Бундай жойлар тадбиркорларга сотилади ёки ижарага берилади. Масалан, республикамизда хорижий мамлакатлар фирмаларининг сармоялари ёрдамида қурилаётган аксарият қўшма корхоналар айнан ана шундай тайёр бино ва инфратузилма шаҳобчалари муҳайё бўлган жойларда ташкил этилмоқда. Демак, шу маънода айтиш мумкинки, саноат мажмуаларининг асосини саноат парклари ташкил этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, Николай Николаевич Колосовскийнинг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ғоясини қайси бир жиҳатдан А.Веберининг ишлаб чиқариш агломерацияси таълимотига яқинлик ёки ўхшашлик аломатлари бор. Аммо унинг бошқа бир илмий ғояси-**энергия ишлаб чиқариш цикллари** таълимотига ҳеч қандай эътироз бўлмаслиги керак. Чунки у бу ғояни бевосита амалиётдан келиб чиққан ҳолда (Н.Н.Колосовский ўзининг асл касби бўйича муҳандис-иқтисодчи бўлган) яратган.

Энергия ишлаб чиқариш цикллари маълум хом ашё ва энергия (бу ерда энергия кенг маънога эга) базасида ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан узлуксиз, ҳатто унинг чиқиндилари асосида ташкил этилишини назарда тутади. Бунда, Ю.Г.Саушкин ибораси бўйича, дарахтнинг танаси-асосий ишлаб чиқариш тармоғи (қора ёки рангдор металлургия, кимё саноати, деҳқончилик ва ҳ.к.), унинг шохлари эса ана шу асосий ишлаб чиқариш жараёни билан технологик жиҳатдан боглиқ бўлган қўшимча тармоқ ёки тармоқчаларнинг айрим корхоналари демакдир.

Н.Н.Колосовский ўз даврида қора металларнинг пирометаллургик цикли, рангдор металлар, машинасозлик, нефт-газ-кимё, агроиндустриал, ўрмон-ёғоч-целлюлоза каби 8 та асосий энергия ишлаб чиқариш циклларини ажратган. Ҳозирги кунда уларнинг сони 20 га яқинни ташкил қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки,

*энергия ишлаб чиқариш цикллари асло ҳудудий бирлик эмас, аксинча улар ишлаб чиқаришнинг технологик уюшмасидир.* Шу боис, бундай цикллар нисбатан каттароқ ҳудуд миқёсида вужудга келади. Кўриниб турибдики, ҲИЧМ ва энергия ишлаб чиқариш цикллари бир-биридан тубдан фарқ қилади; иккинчиси биринчисининг ўзаги бўлиши мумкин, аммо унинг ўзгинаси эмас. ҲИЧМ ларнинг картада кўрсатиш ёки акс эттирса бўлади, энергия ишлаб чиқариш цикллари эса тўлиқ ҳолда бундай имкониятларга эга эмас.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, умуман илмий нуқтаи назардан тўғри бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари гояси собиқ Иттифоқ шароитида кўзда тутилган натижаларни тўлалигича бермади. Сабаби, бундай мажмуалар ниҳоятда катта ҳудудларда "режалаштирилди", маъмурий чегаралар эътиборга олинмади, ижтимоий ва экологик омиллар назардан четда қолдирилди, энг муҳими-уларнинг ягона "эгаси"-бошқарув органлари бўлмади. Ваҳоланки, ривожланган хорижий мамлакатларда ҳудудий мажмуалар айнан нисбатан кичик миқёсда яратилди ва уларнинг фаолияти давлатнинг минтақавий ҳамда муниципиал сиёсатида бошқарилиб, тартибга солиниб борилади.

Шундай килиб, ҲИЧМларнинг илмий назарий асослари таникли олим Николай Николаевич Колососвкий томонидан яратилди. У ушбу масалани иқтисодий районлаштириш муаммолари билан боғлиқ равишда ўрганди. Умуман олганда, Н.Н.Колосовкийнинг бундай дунёқарашига унинг транспорт (темир йўл транспорти) муҳандиси эканлиги ва география учун анъанавий аҳамиятга эга бўлган комплекс ёндашувининг уйғунлиги асос булди; "ҳудуд + комплекс" ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмалари ёки мажмуаларини (комплексларини) ташкил этади.

Чиндан ҳам комплекс-мажмуанинг[1] илмий-амалий аҳамияти катта. Чунончи, у:

√ табиий шароит ва табиий ресурслардан атрофлича фойдаланиш;

√ ишлаб чиқаришни мумкин қадар чиқиндисиз йўлга қўйиш;

√ ишлаб чиқаришни тизим-таркиб асосида ҳудудий ташкил қилиш;

[1] "Комплекс" - байналмилал тушунча бўлиб, у бирикма, бирлашма, мажмуа, у ёки бу ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорликда, таъсирда мавжудлигини англатади

√ иқтисодий география ва унинг асосий тушунчаси булган иқтисодий районларни урганиш;

√ иқтисодий районлар хўжалиги таркибини қайта қуриш ва бошқаларда аҳамиятлидир.

Айтиш мумкинки, агар Н.Н.Колосовский транспорт муҳандиси, яъни узига хос инженерлик фикрлаш қобилиятига эга булмаганда, эҳтимол, бундай илмий чуққиларга, оламшумул ютуқларга эриша олмасди. Чунки, транспорт ҳамма вақт масофа ва уни кесиб (кезиб) утиш, ташиш, олиб утиш каби маъноларни билдиради; масофани мумкин қадар қисқартириш, яқинроқ йул қидириш эса ҳар қандай муваффақиятнинг гарови, *иқтисодий географик самарадорликнинг* асоси ҳисобланади. Шу уринда тайёр маҳсулот таннархи, қийматида транспорт харажатлари ҳатто 50-60 фоизгача етишини унутмаслик керак. Қолаверса, ишлаб чиқариш корхоналарнинг қулай ёки ноқулай жойлашуви, маҳсулотнинг қиммат ёки арзон булиши куп жиҳатдан айнан транспорт омилига боғлиқ.

Демак, ишлаб чиқариш тармоқларини маълум иқтисодий маконда узаро алоқадорликда жойлаштириш, транспорт омилини эътиборга олиш, барча ёрдамчи тармоқларни (ҳозирги замон тилида-инфратузилма шаҳобчаларини) умумий тарзда ташкил этиш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади. Бундай самарадорликга энергия, хом ашё, ишчи кучи ва бошқа омиллардан .туғри фойдаланиш, “масштаб самарадорлиги” (мужассамлашув) негизидагина эмас, балки “хилма-хиллик” самарадорлиги асосида ҳам эришилади.

Дастлабки иқтисодий районлар жойларда йирик электр станциялар қуриш ва уларнинг таъсир доирасини аниқлаш нуқтаи назаридан энергетика, **энергия ишлаб чиқариш районлари** деб аталган. Кейинчалик бу районларда хужалик тизимининг бир томонламалигига йул қуймаслик, маҳаллий шароит ва имкониятлардан тулароқ фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш, транспорт ҳаражатларини қисқартириш ва ортиқча, иқтисодий жиҳатдан номақбул, узоқ масофадаги транспорт қатновларини камайтириш каби омилларни эътиборга олиб, иқтисодий районлар хужалигини **комплекс** равишда ташкил этишга устувор аҳамият берилди. Асосий иқтисодий районларнинг хужалигини комплекс, мажмуали булиши (районлар миқёсидаги ҲИЧМлар) ёки уларнинг иқтисодиётини комплекс тамойили негизида яратиш муҳим ҳисобланади.

Н.Н.Колосовский "ишлаб чиқариш комбинати", "районлар ишлаб чиқариш комбинати" тушунчаларини ишлатди. Бунда "комбинат" сўзининг кўпроқ корхона доирасига тегишлиги ва турли хил терминологик чалкашликларга ўрин қолдирмаслик учун "комплекс" сўзи маъқулроқ. У ўз даврида ишлаб чиқаришнинг ҳудудий бирикмаси (комплекси) тўғрисида ёзган эди, кейинчалик эса бу тушунча, муаллифнинг вафотидан сўнг ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари деб атала бошлади.

*ҲИЧМ - муайян географик нуқта ёки алоҳида районда, унинг табиий ва иқтисодий шароитлари, транспорт ва иқтисодий географик ўрнига мувофиқ корхоналарни тўғри танлаб олиш ва жойлаштириш ҳисобидан иқтисодий самарадорликка эришадиган ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этиш шаклидир.* ҲИЧМ-лар ғояси, биринчидан, иқтисодий районлар хўжалигини комплекс ривожлантириш ва, иккинчидан, Н.Н.Колосовскийнинг Урал-Кузнецк комбинати (УКК) ва Байкалбўйи ("Ангарқурилиш") комплекслари лойиҳаларини яратиш ва уларни амалга тадбиқ этиш жараёнида юзага келди. Ушбу тушунча илк бор Иркутск-Черемхово мажмуасига нисбатан ишлатилди. Албатта, бунда муаллифнинг мухандисларга хос фикрлаши, транспорт-темир йўл қурилиши мутахассиси бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг, Россия (собиқ Иттифоқ) иқтисодий география фанининг ҲИЧМлар ва иқтисодий районлар тўғрисидаги ютуғини ҳатто ривожланган мамлакатлар-АҚШ ва Германия ҳам тан олган; бевосита муаллифнинг ўзи 1948 йилда Францияда ушбу муаммолар ва уларнинг амалий ечими ҳақида илмий маърузалар қилган.

ҲИЧМ-лар иқтисодий районларнинг шаклланиши жараёнида муҳим тактик ва стратегик восита ҳисобланади. Ўз навбатида, бундай мажмуаларнинг ўзига хос, индивидуал хусусиятларини аниқлашда, уларни алоҳида типларга ажратишда Н.Н.Колосовский "энергия ишлаб чиқариш цикллари" ("энергия ишлаб чиқариш районлари"га мос ҳолда) усулини яратди ва ундан унумли фойдаланди. Бу ерда, Н.Н.Колосовский бўйича, "энергия" - қувват, куч, ҳаракат, фаолият кўрсатиш маъноларини англатади.

Таъкидлаш жоизки, Н.Н.Колосовский ҲИЧМ ва энергия ишлаб чиқариш циклларини кўпроқ саноатни ташкил этишга нисбатан ишлатган. Шунингдек, у иқтисодий районлар ва бу икки тушунчани ўзаро алоқадорликда қўллаган: иқтисодий районлар асосини ҲИЧМ

лар, уларнинг асосини эса энергия ишлаб чиқариш цикллари ташкил қилади. Ушбу тушунчаларнинг барчасини айни вақтда ҳам усул (метод), ҳам восита сифатида қараш мумкин.

Шундай қилиб, иқтисодий география фанининг учта асосий тушунчаси: иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва энергия ишлаб чиқариш цикллари машҳур олим, география фанлари доктори, профессор Николай Николаевич Колосовскийга тааллуқли. Шу билан бирга, у транспорт географияси бўйича ҳам катта тадқиқотлар олиб борган. Н.Н.Колосовский қатор шогирдлар тайёрлаган. Улар жумласига И.М.Маергойз, С.Н.Ледовских, В.Ф.Павленко, И.И.Белоусов, Т.М.Калашникова, М.К.Бандман, А.Т.Хрушев, Н.Н.Казанский ва бошқалар киради. Ҳатто собиқ Иттифоқда илк бор минтақавий иқтисодиёт тўғрисида монография ёзган Н.Н.Некрасов ҳам Н.Н.Колосовский илмий раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Сўнгги йилларда янги, *кластер* ғояси ҳам вужудга келди. Унинг яратувчиси америкалик олим М. Портер (2002 й.) ҳисобланади. Моҳиятан, ушбу ғоя ҳам ҲИЧМ, энергия ишлаб чиқариш ғояларига ўхшаб кетади. Фақат ҲИЧМ да ҳудудий бирлик, ЭИЦ да – технологик жараён асосий саналади. Кластер эса муайян бир ҳудудда барча корхоналар ва ташкилотларнинг маълум соҳада катта ютуқларга эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мужассамлашуви, уюшмаси, биргаликда ҳаракат қилиш демакдир. Кластерга кирган соҳа ёки корхона (у ишлаб чиқариш, ижтимоий бўлиши мумкин) ўзининг ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолиши учун курашиши керак. Акс ҳолда у кластердан чиқиб кетишга мажбур. Айнан шу мазмунда кластерлар собиқ Иттифоқ даврида ишлаб чиқилган *мақсадга дастурли ёндашув* ("программно – целевой подход") – га ҳам яқин туради.

Кластерлар мажмуалар сингари тармоқлар ва ҳудуд даражасида шакллантирилади. Масалан, республикамизда "Пахта", "Туризм", "Миллий транспорт тизими" каби кластерларни, ҳудудий жиҳатдан эса эркин иқтисодий зоналар (Навоий ЭИИЗ, Ангрен МИЗ), алоҳида ўсиш қутб ва марказлари ҳам кластер шаклида ривожланиб бориши кўзда тутилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, *кластер ва ҳудудий мажмуалар нафақат ишлаб чиқаришда, балки ижтимоий соҳаларда, ноишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларда ҳам реал*

мавжуд Фанимизнинг иқтисодийлигидан иқтисодий ва ижтимоий географияга айланиши бундай ҳудудий мажмуалар борлигини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади. Чиндан ҳам ҳар хил ҳудудий мажмуаларни кундалик ҳаётимизда кўришимиз мумкин. Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчаси, Академгородок, Тиббиётчилар шаҳарчаси кабилар бунга яққол мисол бўла олади.

Автомобилларга сервис хизматини кўрсатиш, савдо шаҳобчалари, дорихона + поликлиника + касалхона, университет + ётоқхона + кутубхона + спорт зали ва бошқалар ҳам ўзига хос ҳудудий мажмуалардир. Бинобарин, география фани учун ўта муҳим бўлган комплекс ёндашув турли хил ва йўналишдаги ҳудудий мажмуаларни таҳлил, тадқиқ ва ташхис қилиш билан бошқа фанлардан ажралиб туради[1].

## 3.4. Иқтисодий географик ўрин

Иқтисодий географик ўрин ҳам фанимизнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, уни яхши таҳлил қила олиш (мағзини чақиш) ўрганилаётган объектни нима учун шу ерда жойлашганлиги, ҳозирги ҳолатга қандай эришганлиги ҳамда унинг келажаги тўғрисида мукаммал ва тўлиқ маълумот беради. Бу тушунчада, энг аввало, объект қаерда жойлашганлиги (ўрни), унинг бошқа қўшни объектлар билан қандай муносабатда эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, географик ўрин бир неча хил ҳудудий бўлади. Масалан, шаҳар ёки районнинг координаталарини (географик узоқлик ва кенглиги) аниқлаш - бу уларнинг математик географик ўрнидир. "Свердловск шаҳри Уралда, Газли Қизилқумда жойлашган" – деган иборалар соф ҳолда табиий географик ўринлар ҳисобланади. Ушбу мисолимиздан Свердловск қадимги Урал тоғ системасида жойлашганлиги ёки қудратлт металлургия ва машинасозликка эга бўлган иқтисодий районда жойлашганлиги, Газли эса Қизилқум чўлида ўрнашганлиги ва Бухоро вилоятининг "ресурс" шаҳарчаларидан бири эканлиги маълум бўлади.

Математик географик ўрин, табиий географик ўрин, иқтисодий географик ўрин тушунчалари айни бир мазмунга эга эмас. Шу билан бирга ўрганилаётган район ёки мамлакатнинг бошқа мамлакатларга

---

[1] Бу ҳақда А. Солиевнинг "Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари" (Т., 2007) ўқув қўлланмасидан тўлиқ маълумот олиш мумкин

нисбатан тутган урнини аниқлаш бу унинг сиёсий географик урни тўғрисида маълумотга эга булишдир. Шаҳар ёки районларнинг ҳарбий-географик урни туғрисида ҳам суз юритиш мумкин. Шунингдек, экологик географик урин ҳам бор; у маълум ҳудуднинг экологик жиҳатдан хавфли булган жойларга нисбатан жойлашганлигини билдиради. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси. Хоразм вилояти ва қисман Бухоронинг экологик географик урни яхши эмас. Улар глобал тус олган Орол экологик учоғига яқин туришади.

Иқтисодий географик урин тушунчасини мукаммал равишда Н.Н.Баранский ишлаб чиқди ва фанга киритди. Кейинчалик бу назария И.М.Маергойз, В.В.Покшишевский, О.А.Константинов, Р.М.Кабо, Ю.Г.Саушкин, Г.М.Лаппо, Т.И.Раимов ва бошқа олимлар томонидан ҳар томонлама ривожлантирилди.

Иқтисодий географик урин деганда биз *урганилаётган объектнинг (қайси бир ҳудуднинг - шаҳар, район ёки мамлакатнинг) уз атрофида, ундан ташқарида жойлашган географик объектларга нисбатан тутган урнини ва бу объектларни унинг ривожланишига иқтисодий жиҳатдан таъсир курсатишини тушунамиз.* Бундан қуйидаги асосий фикрлар келиб чиқади:

1. Иқтисодий географик урин тушунчасида суз, энг аввало, унинг ташқи ҳудудий муносабатлари ҳақида боради. Объектнинг узи, унинг ички тузилиши эса айни пайтда аҳамиятга эга эмас. Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий географик урни тугрисида суз юритилганда, унинг яқин ва узоқда жойлашган географик объектларга нисбатан урганилади, республиканинг узининг ички ҳудудий тузилмаси (қаерда йирик шаҳарлар, магистрал йуллар ёки воҳалар жойлашганлиги) бизни айни пайтда қизиқтирмайди.
2. Иқтисодий географик урин тушунчасида ташқарида ётган географик элементларнинг фақат иқтисодий таъсирига эътибор қаратилади. Аммо бу ташқаридаги объектлар дастлабки куринишда табиий географик булсада, улар иқтисодий географик аҳамиятга эга. Демак, иқтисодий географик уринда табиий географик элементларга иқтисодий жиҳатдан баҳо берилар экан. Шу билан бирга, бундай баҳо бериш фақат географик уриннинг ижобий томонини қидириш эмас, балки унинг салбий томонларини ҳам очиб бериши лозим.
3. Иқтисодий географик урин тушунчасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг узига эмас, балки шу алоқаларни ривожлантириш учун керак булган имкониятларига эътибор қаратилади. Маълумки, бу

имкониятлар тула амалга оширилган ёки ҳали улардан фойдаланилмаган булиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, алоқаларнинг узи эмас, шу алоқа учун имконият қидирилади, жойнинг салоҳияти, функцияси аниқланади.

4. Иқтисодий географик ўрин тарихий тушунчадир. Бир вақтлар ноқулай бўлган ўрин кейинчалик қулай ва, аксинча, қулай бўлган ўрин ноқулай булиб қолиши мумкин. Масалан, Ангрен ёки Бекобод шаҳарларининг иқтисодий географик урни сунгги йилларда анча ўзгарди.
5. Иқтисодий географик ўрин шу объект атрофида янги саноат корхоналарни барпо қилиш, магистрал йулларни утказиш, йирик фойдали қазилма конларини топиш, рекреация зоналарини яратиш туфайли яхшиланиб боради. Айниқса, бундай қонуният йирик шаҳарларда яққол намоён булади, чунки улар доимо уз иқтисодий географик урнини яхшилашга интилади.
6. Иқтисодий географик урин бир неча бўлаклардан (қисмлардан) иборат. Жумладан, шаҳар ёки районнинг агрогеографик, демографик, ҳарбий-географик, экологик, гидрогеографик ўринлари тўғрисида суз юритса булади. Агрогеографик урин деганда, объектнинг йирик қишлоқ хўжалик районларига нисбатан тутган ўрни, транспорт географик урнида асосий магистрал инфратузилма элементлари, демографик ўрин деганда эса аҳолининг зич жойлашган районларга нисбатан тутган ўрни ҳақида маълумот олинади ва ҳ.к. Албатта, бу тушунчалар орасида транспорт географик урин кўпроқ аҳамиятга эга, чунки жойнинг асосий имкониятлари (функцияси) айнан шу транспорт-иқтисодий алоқалар орқали амалга оширилади.
7. Иқтисодий географик ўрин бир неча босқичли бўлади. Урганилаётган объектнинг микро, мезо ва макро географик ўрни бор. Шу билан бирга, бу ерда турли босқичдаги ўринларни бир-бири билан боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Шубҳасизки, шаҳарнинг айнан шу жойда вужудга келишига унинг энг аввало микро-географик урни сабаб бўлади. Агар бу ўрин қулай бўлса, шаҳар бу жойнинг реал имкониятидан фойдаланиб, аста-секин йириклашади ва мезогеографик ўрнидан фойдаланишга ўтади. Демак, кичик шаҳарлар ўзлари жойлашган жой ва унинг яқин атрофи базасида ривожланса, йирик шаҳарлар узоқ масофадаги алоқалар макрогеографик урнидан фойдаланиб ҳам ривожланиб боради.

Қайси ўрин ноқулай бўлса, шаҳар ўз ривожланишида тўхтаб қолади. Микро-географик ўрин ноқулай бўлса, шаҳар умуман узоқ яшай олмайди. Бунга шу жойнинг салбий томонлари таъсир кўрсатади (ботқоқлик, ер ости сувлари, ер қимирлашлар, сел ҳодисалари, ўпирилиш ва ҳ.к). Агар мезо-географик ўрин ноқулай бўлса, шаҳар қадимийлигига қарамасдан, у унча йирик марказга айлана олмайди. Бу борада, айниқса, Чуст, Денов, Шаҳрисабз, Хива шаҳарларини мисол қилиш мумкин. Макро-географик ўриннинг қулай бўлиши шаҳарнинг кенг миқёсда ривожланишига олиб келади.

Аммо юқорида айтилган фикрларга бошқача ёндашиш ҳам мумкин; бу жиҳатдан шаҳарларнинг катта-кичиклигига қараб уларни турли даражадаги ўринларининг ҳудудий кўлами ҳам ҳар хил бўлади. Табиийки, Тошкентнинг макро-географик ўрни билан Паркентнинг макро-географик ўрнини миқёси бир хил эмас. Агар Тошкент учун унинг бутун Евроосий материгида жойлашганлиги муҳим бўлса, Паркентнинг макрогеографик ўрни Тошкент вилояти доираси билан чегараланиши ўз-ўзидан равшандир.

Юқоридагилар билан бир қаторда, иқтисодий географик ўриннинг барқарорлиги тўғрисида ҳам сўз юритиш лозим. Бунга бир қанча мисолар келтириш ўринли. Масалан, Хўжанд (Суғд вилояти, Тожикистон Республикаси) шаҳрини олайлик. Бу шаҳар 2500 йил муқаддам Искандар Зулқайнар (Александр Македонский) томонидан қурилган 18 та Александриялардан бири бўлган. Қадим замонда унинг номи Александр Эс-Хате (яъни Искандарнинг энг шарқдаги шаҳри) деб аталган. Шаҳар жуда қулай иқтисодий географик мавқега эга эканлиги туфайли (Фарғона водийсига кириш ва чиқиш жойида жойлашган) у тарих давомида ривожланиб борди. Аммо ўз тараққиётида шаҳар бир неча марта тушкунликка учради, сабаби ҳар қандай ёвуз-душман гўзал Фарғонани босиб олиш учун энг аввало Хўжандни эгаллаши керак эди-да. Шу сабабли эронликлар, араблар, мўғил-татарларнинг ҳужуми натижасида шаҳар вайрон қилинган эди. Аммо у бунга қарамасдан, "ўжарлик" қилгандек ҳар гал харобалар, вайроналар ичидан яна айнан шу нуқтада қад кўтарарди. Бу эса Хўжанд жойлашган географик ўриннинг барқарорлигидан, қатъийлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, иқтисодий географик-ўрни жуда қулай бўлмаган шаҳарлар давр ўзгариши билан хароба жойларидан қайтадан кўтарила олмаган (Марв, Эски Панжакент, Ахсикент, Тупроққалъа ва ҳ.к.) ёки

бир неча бор ўз ўрнини ўзгартирган шаҳарлар (Оренбург, Қозон, Қарши ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Иқтисодий географик ўриннинг ўзгариши билан шаҳарлар ва районлар ривожланишида бурилишлар содир бўлади. Жумладан, Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик асосида шаклланган ва ривожланган эди. Улар Буюк ипак йўлида жойлашган ва савдо-сотиқнинг маркази ҳамда суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борган. Аммо кейинчалик Хитой ва Ҳиндистонга денгиз йўли очилиши муносабати билан бу шаҳарларнинг ривожланиши бироз сусайди, чунки халқаро савдо йўли энди уларни четлаб ўтди.

Англиянинг Буюк Британияга айланишидаги сабаблардан бири унинг ниҳоятда қулай транспорт-географик ўринга эга эканлигидир.[1] У денгиз транспорти ривожланиши давомида ўзининг географик мавқеидан, яъни Атлантика ва Шимолий Муз океани ўртасида жойлашганлигидан тўла фойдаланди. Айни бир пайтда Германиянинг ривожланиши бироз кечроқ бошланди. Бунинг сабабларидан бири, мамлакатнинг Атлантикадан ичкаридалигида, узоқлигида эди.

Харбий-географик ўрин, айниқса, шаҳарлар учун характерлидир. Қадим замонларда шаҳарларнинг асосий вазифаларидан бири - мамлакатни қўриқлаш, ҳужумдан сақлаш эди, шу сабабли улар тепаликларда, дарёнинг баланд қирғоғида қальалар қуриларди; босиб олинган ёки қўшиб олинган жойлар янги шаҳарлар билан мустаҳкамлантириларди (Владикавказ, Екатеринбург, Краснодар ва ҳ.к).

Шундай қилиб, иқтисодий-географик ўрин тушунчасини яхши билиш шаҳар ёки районлар хўжалигини, унинг таркиби ва йўналишини ўрганишда катта ёрдам беради. Бу хусусда иқтисодий географик ўрин категорияси иқтисодий районлаштиришдагидек ўзига хос метод, тадқиқот усули, *билим калити* ҳисобланади. Чунки, унинг ёрдамида нафақат нима, қаерда, балки нима учун шу ерда ва қандай деган саволларга жавоб олинади.

Умуман географик ўрин кундалик ҳаётимизда доимо қўлланиладиган тушунчадир. У қайси бир борадиган ёки ўрганадиган объектнинг қандай ва қаерда жойлашганлиги, мўлжал бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, бу тушунча барча учун ҳамма вақт ва ҳар доим

---

[1] Шу билан бу мамлакат "Океан цивилизацияси" босқичини бошлаб берди.

керак. Географларнинг ўзида эса у ҳудудий фикрлаш, картани яхши билиш, ҳудудий муносабатларни чуқур англашни талаб қилади.

Юқорида географик ўриннинг тарихийлиги, ўзгарувчанлиги, унинг ҳарбий, сиёсий ва геостратегик аҳамияти тўғрисида гапирилган эди. Дарҳақиқат, географик ўрин илмий географик детерминизмнинг асосий омилларидан бири сифатида жамиятнинг тарихий ривожланиши, унинг марказ ва қутблари, йўл-йўлаклари шаклланишида катта хизмат қилган. Л.И. Мечников "Буюк тарихий дарёлар ва жаҳон цивилизацияси" асарида жамият ривожланишида учта асосий босқични кўрсатади. Биринчиси, *дарё цивилизацияси* бўлиб, унда суғорма деҳқончилик учун қулай бўлган дарёлар таъсирида фан ва маданият, иқтисодиёт марказлари вужудга келган. Айнан ана шундай суғорма деҳқончилик маданияти Нил дарёсининг қуйи қисми – ҳозирги Миср, икки дарё (Тигр ва Ефрат) оралиғи – Месопотамия, Ҳинд ва Ганг дарёлари оралиғи ҳамда Ҳуанхэ дарёсининг қуйи бурилиш қисми ўша даврнинг ривожланган марказлари бўлган. Уларга ўзимизнинг юртимиз – Мовароуннаҳр (Амударё - Окснинг араблар учун "нариги", орқа, биз учун берги томони) ни ва Хоразмни ҳам қўшишимиз мумкин. Сабаби, бу минтақаларда ҳам суғорма деҳқончилик яхши ривожланган, у билан боғлиқ фан ва маданият ўчоқлари шаклланган.

Иккинчи босқич – *Ўрта денгиз маданияти* бўлиб, у асосан савдо-сотик, Буюк ипак йўли билан боғлиқ тарзда ривожланган. Шу даврда мазкур йўл бўйида жойлашган ҳудудлар, жумладан, Ўрта Осиё шаҳарларининг иқтисодий географик ўрни ниҳоятда қулай бўлган ва улар гуркираб тараққий этган, ҳозирги Италия ҳудудида қатор савдо марказлари (Генуя, Венеция, Флоренция ва б.) яхши ривожланиб борган.

Учинчи, яъни Мечников бўйича ҳозирги босқич *Океан цивилизацияси* дейилади. Бу даврга келиб жаҳон тараққиёти ўчоқ ва марказларида ўзгаришлар юз беради. Эндиги шароитда материк ичкарисидаги ёки суғорма деҳқончиликка қулай бўлган дарё ҳавзаларида жойлашган мамлакат ва шаҳарлар эмас, балки Дунё океани бўйида ўрнашган давлатлар қулай имкониятларга эга бўлишди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги Ўзбекистон Республикааси бу борада жаҳоннинг 2 давлатидан бири саналади: у Дунё океанига чиқиш учун камида 2 та мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи мамлакат

ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий географик ўрнининг энг муҳим хусусиятларидан биридир[1].

Бугунги мустақил Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё геосиёсий минтақасининг қоқ ўртасида, марказида, Дунё океанидан узоқда жойлашган. Марказда – демак, унинг қўшнилари кўп (Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон); демак, унинг транзит, трансчегаравий аҳамияти юқори; демак, бу ҳудудда мамлакатлар иқтисодий интеграция жараёни ривожланиши учун қулай имкониятлар мавжуд. Шу ўринда "марказ" ва "ўрта" сўзларининг маъносига тўхтаб ўтайлик. Одатда, марказ деганда ҳам нимадир ўртада жойлашганлиги назарда тутилади, ҳудуд айлана ёки доира шаклида тасаввур қилинади. "Ўртада" деганда эса чизиқли фикрлаш ҳам мумкин, масалан, Сирдарё вилояти Тошкент ва Жиззах вилоятлари ўртасида жойлашган.

Ҳар қандай географик ўриннинг ўз моҳияти бор; жойнинг марказда, ўртада, четда ёки чеккада ўрнашганлиги иқтисодий географик нуқтаи назардан ҳар хил мазмунга эга. Бу ерда марказ ёки ўртада жойлашган ҳудудлар кўпроқ қулайликларга эга. Бироқ, четда, чеккада жойлашган ҳудудлар ўзининг мамлакатига, ичкарисига, марказий районларига нисбатан ноқулай ўрнашган бўлсада, улар бошқа ҳудудлар билан иқтисодий алоқаларни олиб бориш, эркин иқтисодий зоналарни вужудга келтиришда қатор ижобий (қўшничилик) имкониятларга эга[2]. Бу хусусда Қуйи Амударё иқтисодий районини (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) олайлик. Унинг ўзига хос иқтисодий географик ўрнини, мамлакатимиз чеккасида жойлашганлигини ҳисобга олиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Жумладан, бундай географик ўрин минтақанинг: 1) комплекс ривожланишини; 2) рақобатбардош тармоқларга ихтисослашувини (чунки, ҳудуд узоқда жойлашган, транспорт ҳаражатлари катта); 3) экспорт салоҳиятини оширишни, халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни назарда тутади.

Географик ўринда "қўшничиликнинг" таъсири катта, унинг аҳамиятини оила ҳаётида ҳам муҳимлиги барчага маълум. Шу жиҳатдан қараганда, қўшни давлат ривожланган бўлса ҳам, ривожланмаган бўлса ҳам ҳудуд учун ижобий аҳамият касб этади.

---

[1] Қайси бир маънода республикамизнинг Дунё океанидан узоқда, Евроосиё материгининг ичкарисида жойлашганлиги ҳам ижобий ҳисобланади, сабаби - бизга ураган, тайфун, цунами каби табиий офатлар хавф туғдирмайди.

[2] Чекка ҳудудларда, чегарада жойлашган шаҳар ва қишлоқларда баъзан геокриминоген вазият ҳам оғирроқ бўлади

Биринчисида, ундан фойдаланилади, иккинчисида унга ёрдам бериб ривожланади. Умуман олганда эса, жаҳон сиёсий картасида ўта ривожланган мамлакат билан ўта қолоқ давлатнинг ёнма-ён, қўшни жойлашганлигини топиш қийин.

Мамлакатнинг ичкарисида ёнма-ён жойлашган маъмурий бирликларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам ўхшашроқ бўлади. Масалан, Қашқадарёнинг Деҳқонобод ва Сурхондарёнинг Бойсун, Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Қашқадарёнинг Чироқчи, Тошкент вилоятининг Чиноз ва Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Наманган вилоятининг Норин ва Андижон вилоятининг Балиқчи, Жиззах вилоятининг Бахмал ёки Ғаллаорол ва Самарқанднинг Булунғур қишлоқ туманлари ўртасида, иқтисодий-ижтимоий географиясида жиддий фарқ кўзга ташланмайди. Чунки, уларнинг умумгеографик асоси, табиий географик ўрни, иқтисодий ландшафти деярли бир хил.

Қўшничилик муносабатларида оралиқ жойлар ҳам катта имкониятларга эга; улар муҳим боғловчи, "контакт" вазифасини бажариб, ҳар икки томон қулайликларидан самарали фойдаланилади. Бундай *географик вазият* хусусан шаҳарлар ривожланишида яққол кўзга ташланади. Жумладан, янги, навқирон Навоий шаҳрининг қадимги Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ўртасида жойлашганлиги унинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Навоий республикамиз йирик шаҳарлари орасида бундай мақомга жуда қисқа муддатда, тез эришди (албатта, бунга Қизилқум табиий ресурсларининг таъсирини ҳам унутмаслик керак).

Бундай *"оралиқ шаҳар"* қонуниятини жуда кўп учратиш мумкин. Чунончи, Жиззах Тошкент ва Самарқанд ўртасида, Ғиждувон Навоий ва Бухоро ўртасида, Гулистон Тошкент ва Жиззах ўртасида ва ҳ.к. Яна шуниси эътиборлики, қадимда йирик марказлар тахминан бир хил масофада барпо этилган. Бунга Волга дарёси бўйида жойлашган Қозон, Саратов (Сариқтов), Самара, Волгоград, Астрахан шаҳарлари мисол бўла олади. Ўрта Осиёда ҳам Бухоро - Самарқанд, Самарқанд - Тошкент, Самарқанд - Хўжанд, Тошкент - Қўқон, Хўжанд -Ўзган, Хўжанд - Ўш ўртасидаги масофа ҳам деярли бир хил.

Аввал таъкидланганидек, иқтисодий географик ўрин айниқса шаҳарлар ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Шаҳарлар, ўз навбатида, ўзларининг иқтисодий географик ўрнини яхшилашга ҳаракат қилади. Бироқ, бундай имкониятлар табиий ҳолда барча

шаҳарларда бир хилда эмас. Масалан, Термиз ёки Гулистон – Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг маъмурий марказлари турдош функцияли шаҳарлар орасида нисбатан сустроқ ривожланган. Термизнинг сиёсий географик ўрни ноқулай бўлса, Гулистоннинг қайси бир маънода Шаҳри азим - Тошкентга яқинлиги унинг катта марказ мақомида ривожланишига тўсқинлик қилади (пойтахтнинг район ҳосил қилувчи ва районга хизмат қилувчи салоҳияти, таъсир доираси Гулистонга қараганда анча юксак).

Фарғона водийси шаҳарлари орасида Наманган энг катта, у республикамизда Тошкентдан кейинги иккинчи шаҳар саналади. Бунга қисман Наманганнинг географик ўрни ҳам таъсир кўрсатган; у водий микёсида Сирдарёнинг ўнг томонида жойлашган ягона шаҳардир, Қўқон, Фарғона, Марғилон эса унинг сўл томонида ўрнашган (шу маънода шаҳарлар ривожланишида ҳам, уларнинг ҳудудий таъсирида ҳам маълум рақобат муҳити борлигини эътироф этиш мумкин).

Буюк Соҳибқирон Амир Темур қудратли давлатнинг пойтахти сифатида ўзининг ватани Шаҳрисабзни эмас, она томонидан яқин бўлган Бухорони эмас, Самарқандни танлаган. Бунда, албатта, "географик дид" ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Самарқанд шаҳрининг иқтисодий географик ўрнининг юқоридаги шаҳарларга нисбатан афзалликлари таникли файласуф олим И.Мўминов асарларида ҳам ёритилган.

Географик ўрин геостратегик мазмун ҳам касб этади. Наполен Россияга ҳужум қилганда "Киевни олсам Россияни оёғидан тортаман, Петербургни қўлга киритсам томоғидан бўғизлайман, Москвани эгалласам юрагини эзаман", деб айтган экан. Худди шундай Иккинчи жаҳон урушида немис фашизми жон-жаҳди билан Сталинградни (ҳозирги Волгоград) олишга ҳаракат қилган. Сабаби, бу шаҳар муҳим стратегик ўринда жойлашган, у буюк Рус дарёси – Волганинг "тирсагида" ва магистрал йўллар кесишган нуқтасида ўрнашган. Агар Сталинград қамал қилинса, забт этилса, у ҳолда Қозоғистон ва Ўрта Осиёдан фронт учун келадиган озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқалар, Бокудан танк ва авиация, ҳарбий автомобиллар учун ўта зарур бўлган ёнилғи йўналиши тўсилар эди. Шу маънода айтиш мумкинки, ўта, ниҳоятда қулай бўлган иқтисодий географик ўрин, айни пайтда, анча

хавфли ҳам бўлар экан. Бу ҳам бўлса иқтисодий географик ўриннинг тарихий тушунча эканлигидан яна бир бор далолат беради[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида Марказий Осиёни жаҳон миқёсидаги муҳим геостратегик минтақа сифатида тавсиф ва таърифлаган. Чунки, бу ерда улкан углеводород заҳиралари борлиги туфайли у жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари диққатини ўзига тортади.

Шундай қилиб, географик ўрин ҳам иқтисодий география фанининг асосий устунлари, категорияларидан биридир. Ушбу тушунчани яхши англаган, ўрганган мутахассис барча ҳодиса ва воқеаларнинг “қаерда, қандай ва нима учун шундай??” деган саволларига жавоб топа олади. Бинобарин, унинг илмий-амалий аҳамияти ҳам катта.

## ТЎРТИНЧИ БОБ. ҲУДУДИЙ МАЖМУА, ҲУДУДИЙ ТИЗИМ ВА РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ҳар қандай фан ўзининг тадқиқот объекти ва предмети, методи ва методологияси (усули ва услубиёти), асосий тушунча ва қонуниятлари ҳамда тамойилларига эга. Шу нуқтаи назардан география фанининг ўрганиш объекти ва предмети, энг муҳим тамойили *ҳудуд* ҳисобланади. Ҳудудга географик ёндошув эса ҳамма вақт комплекс характерда бўлади. Айни вақтда ҳудуд қатор географик ўзак тушунчалар-ҳудудий меҳнат тақсимоти, район, ҳудудий тизим ва ҳудудий мажмуа кабиларнинг асосида ётади. Бинобарин, ҳудуднинг “эгаси”, қандай кўринишда бўлмасин, албатта ва фақат географиядир. Аммо, умуман олганда, география ҳудуд (жойлар) тўғрисидаги фан эмас, балки уларнинг белгиси, сифати ҳақидаги фандир.

Ҳудудий таркиб, ҳудудий тизим, ҳудудий мажмуа ҳамда район моҳият ва мазмунан бир-бирига жуда яқин туради ва улар ўртасидаги фарқ унча катта эмас. *Бироқ, фаннинг асосий вазифаси айнан ана шундай жузъий фарқларни илғаш, жумбоқ масаларни ечиш, ўхшашликдан ноўхшашлик ва ноўхшашликдан ўхшашликни топиш, кенг фикрлаб аниқ хулоса чиқариш, каттада кичикни, кичикда эса каттани*

[1] Иқтисодий географик ўрин билан боғлиқ минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари Сурхондарё вилояти мисолида Н. Сафарованинг номзодлик диссертациясида батафсил кўриб чиқилган (2010 й.).

*кўра билишдан, ҳодиса ва воқеликлар ўртасидаги алоқадорликни англаш асосида тегишли қонуниятларни аниқлашдан иборатдир.*

Чиндан ҳам география фани учун *комплекс ёки мажмуа* муҳим аҳамият касб этади. “Комплекс” тушунчаси лотинчада бирикма, бирлашма, рус тилида “сочетание” маъносини англатади. Уни шартли равишда “мажмуа” шаклида қабул қилиш мумкин. Аммо, қандайдир ҳудудий мажмуа билан мажмуали ёндошув бир хил эмас, чунки биринчи ҳолда мажмуа от (воқелик) кўринишида келса, иккинчи ҳолда у сифат мазмунига эга (тизим-таркиб ҳам худди шундай). Табиийки, ички жиҳатдан мураккаб объектларга шунга мос равишда кенг қамровли, яъни комплекс ёндошув талаб этилади. Шу билан бирга, бундай методологик ёндошув география фанида анъанавий аҳамиятга эга бўлиб, у унча мураккаб бўлмаган оддий воқеликларни таҳлил ва тадқиқ қилишда ҳам қўлланилади.

Комплекс “комплект” тушунчасига ҳам яқин; иккисида ҳам саноғи кўп ҳодиса ёки нарсалар тушунилади. Комплектда маълум мақсад, эҳтиёжлар учун ташкил этилган нарсалар тўплами (автомобил қисмлари, рангли қаламлар, мактаб анжомлари комплекти ва ҳ.к.) назарда тутилади. Одатда, бу *йиғинди* тўпламлар чекланган ва тўла бўлади, комплекснинг эса қатъий чегарасини аниқлаш қийин.

Ҳудудий мажмуалар география фанининг барча таркибий қисмлари учун хосдир[1]. Иқтисодий географияда улар даставвал Н.Н.Колосовский томонидан ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари кўринишида яратилган (1947 й.) ва бу ўша даврдаги фаннинг моҳиятига, иқтисодий, яъни ишлаб чиқариш географиясига мувофиқ келган. Кейинчалик эса иқтисодий географиянинг эволюцион тарзда иқтисодий ва ижтимоий географияга айланиши билан ҳудудий мажмуаларга кенгроқ қараш зарурияти туғилди. Чунки, ҳудудий мажмуалар, бизнинг фикримизча, нафақат саноат ёки қишлоқ хўжалигида, транспортда, балки аҳолига хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларда ҳам мавжуд (спорт мажмуаси, тиббиёт, таълим муассасаларининг мажмуа кўринишида ҳудудий ташкил этилиши ва ҳ.к.). Қолаверса, ҳудудий мажмуалар ҳатто сиёсий географияга ҳам хосдир. Шу боис, *ҳозирги кунда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари эмас, балки кенгроқ ҳудудий мажмуалар тўғрисида сўз юритиш тўғрироқ бўлади.*

[1] Табиий географияда ҳудудий, аниқроғи географик комплекслар тушунчасини, мавжуд маълумотларга қараганда, фанга А.Н.Краснов киритган, унинг назарий асосларини яратишда эса В.В.Докучаевнинг хизматлари катта бўлган

Комплекс ёндашув кўпгина иқтисодий географик фанлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, шаҳарлар географияси ва ҳ.к.) *таърифида* ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг ҳар қайсисида аввал ўрганилаётган ҳодиса ва воқеалар алоҳида-алоҳида ажратилиб таҳлил қилинади, сўнгра шу соҳага тааллуқли ҳудудий мажмуалар (саноат ва транспорт тугунлари, шаҳар агломерациялари) аниқланади, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ўрганилади.

Маълумки, комплекс (мажмуа) ва *система (тизим)* тушунчалари ҳам ўзаро анча ўхшаш. Система концепциясини яратган биолог назариётчи олим Людвиг фон Берталанфи уни ўзаро алоқадорликда бўлган элементлар мажмуаси (комплекси) сифатида талкин қилган. Кўриниб турибдики, система таърифида комплекс тушунчаси ҳам мавжуд. Аммо, шу билан бирга у бу тушунчаларнинг маънодош эканлиги фикридан узоқ бўлган. Дарҳақиқат, система ёки тизим (аниқроғи-система) комплексга нисбатан мураккаброқ ва кенгроқ мазмунга эга. Система учун ички ва ташқи, горизонтал ва вертикал алоқалар, бошқарувчанлик, мустақил ва барқарор ҳолда фаолият кўрсатиш кабилар хос. Улар оддий, аддитив (йиғинди) ва мураккаб кўринишларга эга. Ҳар қандай комплекс ҳам система бўлавермайди; масалан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, спорт ёки туғруқхона мажмуаларини система деб аташ нотўғридир. Туғриқхона тиббий хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан мажмуа, аммо тизим – система эмас. Футбол жамоаси (командаси) турли вазифаларни бажарувчилардан иборатлиги комплект, уларнинг ўзаро алоқада, бир-бирларини тушунган ҳолда тезкор ҳаракат қилиши комплекс, рақиб жамоасига қарши тура олиши нуқтаи назаридан эса системадир. Наполеон ўзининг яхши тайёрланган, машқ қилган, уюшган минг кишилик интизомли, жанговар аскарини душманнинг уюшмаган, тарқоқ ўн минг аскаридан афзалроқ, кучлироқ кўрган. Демак, система гуруҳнинг, жумладан, комплекснинг олий даражасидаги етук кўринишидир.

Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала тушунчада ҳам кўплик, уларнинг бир неча (икки ва ундан ортиқ) элементлардан таркиб топиши назарда тутилади. Бироқ, мажмуада элемент ва компонентлар ўртасида вертикал ва горизонтал алоқалар шарт бўлмасада, улар система учун зарур ҳисобланади. Системанинг умумий назариясига мувофиқ мураккаб системаларда бир элементнинг йўқолиши ёки тўхтаб қолиши системанинг умумий фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Комплекслар

учун элементлар саноғи, система учун эса, энг аввало, элемент ва компонентлар ўртасидаги алоқадорлик муҳимдир. Комплексда ўрганилаётган ҳодисанинг бошқалар билан боғлиқлигига қаратилса, системада асосий эътибор ҳодиса ва воқеликнинг ички хусусиятлари, алоқа ва муносабатларига берилади. Ички алоқалар қанчалик ривожланган бўлса, система шунчалик мукаммал ва мустақил, барқарор бўлади.

Ҳар кандай система ўз ички тузилишига, яъни таркибига (структурасига) эга. Бинобарин, фанда "система-структура ёки тизим-таркиб ёндашув" иборалари қўлланилади. Таркиб ҳам, ўз навбатида, турли босқичдаги "таркибчалардан", компонент ва элементлардан ташкил топади. Элемент системанинг бирламчи қисми бўлиб, у бўлинмайди, компонент ёки бошқа юқори поғоналардаги таркиблар эса ўша даражадаги ўзига хос системаларга мос келади.

Шундай қилиб, географияда **ҳудудий тизим** ва **ҳудудий таркиб** тўғрисида сўз юритиш мумкин. Табиий географияда ҳудудий тизим, тўғрироғи-геотизим ёки геосистема назариясининг асосчиси В.Б.Сочава бўлган (1963). У геосистемани табиий география фанининг объекти сифатида қараган ва геосистема фақат мазкур фанга тааллуқли, деб ҳисоблаган (иқтисодий географияда эса, В.Б.Сочаванинг фикрича, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари - системалари мавжуд). Демак, география, ландшафт, минтақа каби тушунчалар кўпроқ анъанавий ҳолда табиий география маъносида қўлланишига ўхшаш геосистема, геокомплекс ҳам шу мазмунга эга, ваҳоланки, уларнинг барчаси айни вақтда нотабиий географияга ҳам тегишлидир. Аммо табиий ва ижтимоий (иқтисодий, сиёсий) системалар ўртасида маълум фарқлар мавжуд; нотабиий системалар анча ҳаракатчан бўлади ва уларнинг бошқарув имкониятлари кўпрок инсон фаолияти билан боглиқ.

Иқтисодий географияда ҳудудий ишлаб чиқариш системаси ёки ҳудудий ижтимоий-иқтисодий системалар ҳақидаги ғояларни асосан Болтиқбўйи (С.Я.Ныммик) ва Урал (М.Д.Шарыгин) олимлари ҳамда Москва давлат университети профессорлари Т.М.Калашникова ва К.И.Ивановлар ишлаб чиқишган ва қўллашган. Б.С.Хорев ва Ф.М.Листенгуртлар ушбу тушунчани ўзлари яратган аҳоли жойлашувининг ягона системаси ва "аҳоли манзилгоҳларининг гуруҳ системалари" илмий ғояларида ишлатишган, В.С.Преображенский рекреация географияси ҳудудий рекреацион системаларни, ҳудудий

сиёсий системаларни В.А.Колосов, Н.С.Мироненко, М.М.Голубчик сиёсий география ўрганади, деб таърифлашган. Ҳудудий таркиб ёки халқ хўжалигининг ҳудудий таркиби тўғрисидаги илмий ишларнинг асосчиси эса, шубҳасиз, И.М.Маергойздир. Ўзбекистонда системали ёндашувни кўпроқ А.Р.Рўзиев ва унинг шогирдлари асарларида учратамиз.

Шу билан бирга, система ва тизимли ёндашув бошқа ўзбек олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам қўлланилади. Бу, албатта, методологоик нуқтаи назардан тўғридир. Аммо, аҳоли миграцияси, унинг табиий кўпайиши, туғилиши, ўлиши каби жараёнларни ҳам ҳудудий тизим (система) даражасида талқин қилиш нодуруст. Чунки, жараёнларнинг ҳудудий тизими эмас, балки ҳудудий тизимлар ичида турли кўлам ва йўналишдаги жараёнлар мавжуд бўлади, тизимлар эса жараёнлар натижасидир. Шу жиҳатдан қараганда, аҳоли жойлашуви, шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларининг ҳудудий тизими бор, аммо аҳолининг табиий ҳаракати ёки миграцияси, туғилиши ёки ўлимининг ҳудудий тизими йўқ.

Шундай қилиб, географияда икки, бир-бирига якин комплекс (мажмуа) ва система, тизим-таркиб категория ва тушунчалар, ёндашувлар мавжуд. Асосий вазифа-уларни ўз ўрнида ва вақтида қўллашдан иборатдир. Бундай илмий ғоя ва қонуниятлар фанларнинг тарихи, таърифи ва тақдирида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, система нуқтаи назаридан табиий география геосистемалар, иқтисодий география эса ҳудудий ишлаб чиқариш системалари ҳақидаги фан, деб таърифланган.

Иқтисодий география кейинчалик иқтисодий ва ижтимоий география мақомини олгандан сўнг унинг предмети ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларни ўрганиш билан боғланган. Кенг маънода ижтимоий географиянинг асосий вазифасини эса Б.С.Хорев жамият ҳаёти ёки жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини тадқиқ этиш билан ифодалаган. *Ташкил этиш бошқарувнинг, бошқарув эса система назариясининг устувор функциясидир.*

Ўз навбатида, комплекс (мажмуа) ғоясидан келиб чиққан ҳолда, Бутуниттифоқ География жамиятининг Бишкекда (аввалги Фрунзе ш., 1980 й.) бўлиб ўтган VII-съездида табиий география ҳудудий табиий мажмуалар, иқтисодий география эса-ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳақидаги фан, деб эътироф этилган. Ҳозирги кунда мазкур фанларнинг узил-кесил, барчани қониктирадиган ва

қаноатлантирадиган, бир тўхтамга келган таърифи мавжуд эмас. Бундай вазиятни ҳар хил баҳолаш мумкин, лекин, ҳар ҳолда ушбу муаммо бўйича турли, муқобил фикрларнинг борлиги, айни чоғда, география фани ва унинг асосий қисмларини ривожланишда эканлигидан дарак беради.

Ҳудудий мажмуа, ҳудудий тизим ва ҳудудий таркибнинг география фанининг бош, бирламчи тушунчаси *район* билан алоқасига тўхтаб ўтайлик. Бироқ, бу осон иш эмас, сабаби уларнинг барчасини гнесологик илдизлари, мазмуни бир-бирига ўхшаш ва туташиб кетади. Зеро, район ҳам маълум маънода ҳудудий тизим ва мажмуадир. Районни ўзига хос система сифатида ўрганиш фақат унинг морфологиясини тадқиқ этиш билан кифояланмайди. Бинобарин, бунинг учун районнинг ички тузилиши, "кесими ва профили", алоқалари, тўри ва тури, функционал таркибини таҳлил қилиш талаб этилади.

Албатта, район ҳам ҳудуд, аммо ҳудуднинг маълум бир ўхшашликларга эга бўлган муайян бир қисмидир. Табиий географияда район турли компонентларнинг мажмуаси шаклида вужудга келган ландшафт типи, иқтисодий ва ижтимоий географияда у ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида шаклланган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳа ёки йўналишларига ихтисослашган аниқ ҳудуддир. Шу ўринда, аввал таъкидланганидек, ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг натижасида районлар тўрининг шаклланиб боришини *иқтисодий ва ижтимоий географик жараён*, районлар ва уларнинг ҳудудий ўзаро муносабати, жойлашуви ва алоқаларини *иқтисодий ва ижтимоий географик вазият* сифатида талқин қилиш мумкин. Иқтисодий районлар негизини ташкил қилган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари эса ўзига хос *иқтисодий географик самарадорликни* таъминлайди. Бу самарадорлик тармоқ ва корхоналарнинг бир-бирига яқин жойлашуви (транспорт ва бошқа инфратузилма харажатларини қисқартириш асосида) ҳамда уларнинг ўзаро алоқалари, интеграцион жараёнлар натижасида юзага келади.

Унутмаслик лозимки, ландшафт, А.Лёш ибораси бўйича, иқтисодий ландшафт, бозор макони (муҳити) ҳам иқтисодий райондир. Бироқ, география фанининг турли масштабда фикрлашдек жозибали хусусиятига эга бўлгани сингари, район ҳам турли ҳудудий кўламда, миқёсда бўлади. Одатда, катта майдонларни эгаллаган иқтисодий ва сиёсий районларни, инглиз транскрипциясига биноан "регион" деб ҳам

аташади. Шу сабабдан *ҳар кандай регион ҳам райондир, аммо аксинча эмас* (масалан, Чиноз тумани ёки Талабалар шаҳарчаси ўзига хос район ҳисобланади, лекин уларни регион сифатида талқин қилиш ножоиздир).

Регионни сиёсий география ва сиёсатшунослик фанларига асосланган ҳолда ўзбек тилида шартли равишда "минтақа" шаклида қабул қилиш мумкин. Бу ерда иқтисодий ёки сиёсий география минтақалари анъанавий табиий географиядаги минтақаларнинг моҳияти ва жойлашув шаклига мос келмаслигини уқтириб ўтиш зарур. Демак, район, регион, ландшафтнинг ҳам "умумий махражи" ёки асосини ҳудуд ташкил қилади. Лекин ҳудуд, умуман олганда, маълум даражада ноаниқ тушунча. Юқоридагилар эса чегара, ўзига хос ва мос ҳудудий мажмуа ёки ҳудудий тизим шаклларига эга.

Иқтисодий районлаштириш ҳам мураккаб муаммодир. Унинг асосий тамойиллари ва омиллари, мақсад ва моҳияти турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда ўзгариб туради. Жумладан, бозор муносабатларига ўтиш босқичида турган мустақил Ўзбекистонда бу масалага янгича ёндашиш талаб этилади. Бундай вазиятда иқтисодий районлар, энг аввало, давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чикариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнини бошқариб бориш ёки "тартибга солиш" ҳамда тизим-таркиб қоидасига мувофиқ мамлакатлар иқтисодий географиясини, миллий иқтисодиётни минтақалар тўри орқали ўрганишда методологик ва методик асос сифатида хизмат килади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 6 та иқтисодий районлари ажратилади. Тўғри, иқтисодий районларнинг бундай тўри ва таркиби, уларнинг ҳакикий шаклланганлик даражаси, хуқуқий мақоми ҳақида баҳс ва мунозаралар, эътирозлар бўлиши мумкин. Масалан, белгиланган районлар давлатнинг тегишли вазирликлари (Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси) томонидан расмий равишда тан олинмаган. Боз устига, бу районлар ҳозирча яхлит ва мукаммал бозор муҳити, иқтисодий макон ҳусусиятига эга эмас. Уларда ички иқтисодий алоқалар, интеграцион жараёнлар яхши ривожланмаган, ҳар бир вилоят (маъмурий - иқтисодий район), уларга берилган кенг имтиёз ва ҳуқуклардан фойдаланган ҳолда, ўзларининг маълум даражада "мустақил" иқтисодий салоҳиятини вужудга келтиришмокда. Баъзан, бу маъмурий бирликлар қўшни ҳудудлар имконияти ва иқтисодий ихтисослашув йўналишларини эътиборга олмасдан, қандай бўлмасин,

ўзларининг ён қўшниларига ўхшаган ёки уларни такрорлайдиган ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга интилмоқдалар. Табиийки, бундай шароитда ҳақиқий иқтисодий районларнинг вужудга келиши ва мамлакат миқёсида ягона ва яхлит геоиқтисодий маконнинг шаклланиши, ҳудудий меҳнат тақсимотининг кенг миқёсда ривожланиши мураккаб бўлиб қолади. Ўйлаймизки, юзага келган вазият бозор муносабатларини гўла-тўкис жорий қилиш, ҳақиқий рақобат муҳитини яратиб бериш жараёнида ҳал этилиб борилади. Қолаверса, Республика Президенти И.А.Каримов айтганидек, бош ислоҳатчи давлатнинг ўзидир, у ўзининг минтақавий сиёсати орқали миллий иқтисодиётни ҳудудий таркибини тартибга солиб, бошқариб боради.

Районлар табиий ва иқтисодий географиядан ташқари ижтимоий (социал) ва сиёсий географияда ҳам мавжуд. Аммо уларнинг қамрови, ҳудудий кўлами ҳар хил. Масалан, социал районлар, одатда, кичик ҳудудларда ажратилади (масалан, талабалар ёки тўқимачилар шаҳарчаси, маҳалла), чунки кундалик ижтимоий алоқалар нисбатан ана шундай социал ҳудуд ва маконда содир бўлади. Айни вақтда сиёсий географик районлар ҳамда ҳудудий-сиёсий тизимлар анча катта майдонларни эгаллайди (Европа Иттифоқи, НАТО ва ҳ.к.). МДҲ ёки Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳам ҳудудий иқтисодий-сиёсий тизим шаклида қатор мамлакатларни ўз қамровига олади.

Район ва районлаштириш масалаларига аниқлик киритиш, бу борада иккиланишга йўл қўймаслик учун энг аввало уларни маъмурий ҳудудий бирликлар билан чалкаштирмаслик керак. Чунончи. маъмурий ҳудудий бошқарув тизимида, туман, ноҳия ва шунга ўхшаш тушунчалар бўлиши мумкин, аммо географиядаги тоғ ёки чўл ҳудудлари, воҳа ва водийлар, шаҳар агломерациялари, ёқилғи-энергетика ёки пахтачиликка ихтисослашган ҳудудлар том маънода районлардир. Бинобарин, бу ўринда ушбу тушунчани ўзбекчага ўгириш, таржимасини қидириш шарт эмас. Тарих фани учун вақт, давр қанчалик муҳим бўлса, географияга ҳам макон, район шунчалик зарурдир. Акс ҳолда бу фан ўз моҳиятидан ажралиб қолади, чунки, унинг борлиги ва бутлиги, тарихи ва тақдири ҳам айнан район тушунчаси билан боғлиқ. Комплекс ва системалар бошқа соҳаларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ район фақат география фанига тегишлидир.

Шундай қилиб, ҳудудий мажмуа, ҳудудий тизим ва район тушунчалари моҳиятан бир-бирига анча яқин бўлиб, уларнинг асосида

ҳудуд, унга қандай ёндашув ётади. Айни чоғда уларнинг ҳар бири иқтисодий (ижтимоий) география фанининг объекти ва предметига, таърифига ўз таъсирини кўрсатади. Бу борада объект сифатида ҲИЧМ ёки умуман ҳудудий мажмуалар, ҳудудий ижтимоий (ижтимоий-иқтисодий) тизим ва иктисодий районлар хизмат қилиши мумкин. Шунга мос ҳолда, фаннинг таърифи ҳам қисман ўзгариб боради.

Ҳар қандай мажмуада тўлиқлик, тизим, системада ички алоқадорлик, районда иқтисодиётнинг ихтисослашуви муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, иқтисодий район таркибини ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, энергия ишлаб чиқариш цикллари ёрдамида ҳам таҳлил ва тадқиқ қилса бўлади. Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлар ва ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш, кўзланган мақсадга тезроқ ва тўғри эришишда кластерларнинг ҳам аҳамияти катта.

Эволюцион нуқтаи назардан қараганда, иқтисодий география учун энг асосий тушунча район категорияси ҳисобланади, методологик жиҳатдан комплекс ёндашув система назариясига кўра анъанавийроқдир. Бундай ёндашувни А.Гумбольдт, В.В.Докучаев каби буюк олимлар яхши қўллашган. Комплекс ва система объектив борлиқ сифатида Н.Н.Колосовский, В.Б.Сочава, М.Д.Шарыгин, А.И.Чистобаев, К.И.Иванов, А.Н.Рузиев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. “Система” тушунчаси, шунингдек, аҳоли жойлашуви, агломерацияга нисбатан ҳам ишлатилади, бироқ уларга “комплекс” иборасини қўллаш деярли учрамайди.

Система географияга яқин бўлган экологияга ҳам тааллуқли. Америкалик олимлар инсон организми, унинг ички жиҳатдан бир-бирига узвий алоқадолигини *экосистема*, деб юритишган (экокомплекс эмас). Бундан яна бир бор хулоса чиқариш мумкинки, комплексда кўпроқ жойлашув, система асосида эса тартиб ташкил этиш, яъни бошқарув, ҳудудий менежмент ётади.

Умуман олганда, юқоридаги қисқача мунозарали таҳлил ушбу тушунчаларнинг яқинлигидан далолат беради, уларнинг ўз ўрнида қўллаш муҳимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, кўрилаётган муаммо бўйича келгусида ҳам махсус тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

# БЕШИНЧИ БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Ҳар бир фан ўзининг асосий тамойиллари, тушунча ва услубиётига эга. Аввалги бобларда кўрилган иқтисодий география фанининг тушунча ва қонуниятлари унинг мақсад ва вазифаларини ёритишга хизмат қилади. Маълумки, иқтисодий ва ижтимоий география, қолаверса, бутун география фанининг бирламчи тушунчаси райондир. У турли даражада ва йўналишдаги иқтисодий ва ижтимоий районлардан ёки мажмуалардан иборат. Бироқ, иқтисодий район ва унга мос келадиган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, кичик миқёсга эга бўлган социал районлардан анча кенгроқ бўлади. Чунки, иқтисодий алоқалар кишиларнинг мунтазам ижтимоий муносабатларига нисбатан каттароқ ҳудудда амалга ошади. Бу ўринда социал район ёки муҳит, ҳудудий мажмуа сифатида маҳалла, турли хил кишилариинг жамоаси, муайян касб ёки ёшга мансуб аҳолининг ҳудудий бирлиги (социум) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Гарчи "район" географиянинг бош тушунчаси бўлсада, у, ўз навбатида, ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижаси ҳисобланади. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳудудий жиҳатини акс эттирувчи бу тушунча фундаментал аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳудудий меҳнат тақсимоти хўжалик тармоқларининг турлича тарқалиши (тақсимланиши), жойларнинг маълум соҳага ва йўналишга ихтисослашуви, бир жойнинг бошқа жойдан иқтисодий тармоғига кўра фарқланишига олиб келадики, бусиз иқтисодий географиянинг ўзи ҳам бўлмайди. Ҳудудий меҳнат тақсимоти, айни пайтда, социал-иқтисодий маънога ҳам эга. Сабаби, ишлаб чиқаришнинг субъекти, уни амалга оширувчиси, "эгаси" авваламбор аҳоли, кишилардир. Аҳоли эса том маънода социал-иқтисодий категория ҳисобланади.

Шунингдек, кенг маънодаги ижтимоий географияда иқтисодий географик ўрин, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими каби тушунчалар борки, улар ҳам ушбу фаннинг мазмун ва моҳиятини тўлароқ ифодалаб беради. Бироқ айтиш ўринлики, ижтимоий географиянинг мавжуд асосий илмий ғоялари кўпроқ унинг анъанавий ва етакчи қисми иқтисодий ёки ишлаб чиқариш географияси доирасида яратилган. Социал-иқтисодий географияга эса қисман ҳудудий меҳнат тақсимоти, шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни дахлдордир, холос. Шу билан бирга, социал географиянинг бевосита ўзига хизмат

қилувчи илмий ғоя ёки қонуниятлари ҳозирча камроқ. Улар социология, психология, демография, этнография каби фанлар билан алоқадорликда яратилади, Мисол тарикасида бунга швед олими Т. Хеґерстранднинг (Лунд мактабининг) вақт, даврий ёки жорий географиясини келтириш мумкин.

Албатта, бошқа фанлар катори ижтимоий географиянинг ривожланиши, энг аввало, тегишли қонун ва категориялари билан боғлиқ. Бу ўринда қарама-қаршиликлар бирлиги, миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўтиши, инкорнинг инкор қонуни, макон ва замон категорияси ва бошқалар, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Аммо барча фанларга хизмат қилувчи бундай қонуниятлар географияда ўзларининг ҳудудий жиҳати билан намоён бўлади.

Географияда айниқса икки ва ундан ортиқ объектларни, ҳодиса ва воқеликни диалектик бирлик, ўзаро алоқадорликда таҳлил этиш жуда муҳимдир. Бу йўсинда геожуфтлар (геопаралар) тўғрисида сўз юритиш тўғрироқ бўлади. Тоғ ва текислик, қуруқлик билан сув, пастлик ва баландлик, шаҳар ва қишлоқ кабилар бундай иккиликларга, геожуфтликларга киради. Бинобарин, уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш маълум маънода муқобил томондан ёндашувни тақозо этади. Чунончи, тоғ нималигини текисликда "туриб" англаш мумкин ва, аксинча, шаҳарнинг фазилатларини, унинг ўзига хос ижобий ва салбий томонларини чуқур ва тўғри англаш учун қисқа вақтда бўлсада, "қишлоқлик" бўлиб яшаш ҳам керак. Худди шундай, қишлоқнинг ҳосиятини, унинг бетакрор жиҳатлари, табиати, аҳолисининг соддалигини қишлоқдан чиққан шаҳарлик яхши билади ва сезади.

*Қонун ва категория, асосий илмий ғоя ва тушунчалар* ҳар бир фан учун зарурдир. Уларни аниқлаш, ўрганиш, қўйилган туб мақсадларга эришиш, энг аввало, маълум восита ёки йўлларни, турли хил методларни талаб этади. Бу хусусда агар тамойилларга амал қилинса, методлар қўлланилади, улардан фойдаланилади; тамойил ва усул биргаликда кўзлаган мақсадга эришишга кўмак беради, фаннинг ички ривожланиш қонуниятларини, унинг тактика ва стратегиясини таъминлайди, ифодалайди[1]. Машҳур инглиз олими Ф. Бэкон таъбирича, методни яхши эгаллаган киши, гарчи у чўлоқ бўлсада, югуриб кетаётган соғлом кишидан манзилга (мақсадга) олдинроқ етиб боради.

---

[1] Методни ўзбек тилида усул, методологияни - услубиёт деб аташ мумкин. Шу билан бирга, уларни ўз ҳолида қўллаш ҳам хато бўлмайди, чунки бу тушунчалар халқаро, байналминал мақомга эга.

Методлар бевосита шу фанга хизмат қилувчи ёки барча фанларга тегишли бўлади. Масалан, география фанининг махсус методлари сифатида картографик, географик таққослаш, районлаштириш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Айни пайтда статистик, цикллар усули, иқтисодий географик ўрин кабилар кўпроқ иқтисодий географиянинг ўзига хизмат қилса, қолганлари эса нафақат географияга, балки бошқа фанларга ҳам қисман тегишлидир.

## 5.1. Умумгеографик методлар

Ушбу мавзуга доир фикрларимизни *картография* методидан бошлаганимиз маъқул, чунки география фанининг муқаддимаси ҳам, хотимаси ҳам харита билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда ўрганилаётган ҳодиса ёки воқелик хариталар асосида таҳлил этилади ва тадқиқотнинг ўзи ҳам қурилаётган муаммоларга тааллуқли хариталар яратади. Илмий ишнинг харитадан бошланиб, харита билан тугаши ана шундан иборатдир.

Тўғри, барчанинг ҳам юқори даражадаги харита чизаолмаслиги табиий. Аммо ҳар қандай географ картографик билим ва саводхонликка эга бўлиши, картография асосларини эгаллаши ва турли хариталарни ўқий олиши шарт. Географ ўзининг мақсад за вазифасидан келиб чиққан холда хариталар мазмуни (“эскизи”), уларга тегишли статистик ишланмаларни тайёрлаб бермоғи лозим, картограф эса ўзининг бу соҳадаги маҳоратини ишга солиб, яхши хариталарни тузиб беради. Бу ўринда картография ёки аниқроғи — картографиялаштириш география учун метод бўлса, география картография учун назарий асос - методология бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, социал-иқтисодий ва табиий географик картография мустақил ва муҳим картография фанининг алоҳида-алоҳида қисмлари ёки йўналишларидир. Агар уларнинг биринчисини иқтисодий ва социал географияга, иккинчисини эса табиий географияга киритилса, у ҳолда нотўғри бўлади ва картография фанининг салоҳияти камайтирилади, камситилади. Яхшиси уларни ижтимоий ва табиий географияга қўйилган ўзига хос “кўприк” деб тасаввур қилиш маъқулроқ.

Хариталар кўпроқ йирик миқёсли (масштабли) ва тематик, маълум соҳага йўналтирилган бўлади. Бундай хариталар айниқса илмий тадқиқот ишлари учун асқотади. Умумий ахборий мазмунга эга

бўлган хариталар эса, энг аввало, ўқув жараёнида ишлатилади. Демак, хариталарга восита ва натижа сифатида, ўқув ва тадқиқот қўлланмаси шаклида қарамоқ талаб этилади. Биринчиси тайёр хариталар бўлса, иккинчиси эса муаллифнинг ўзи томонидан тайёрланмоғи талаб этилади.

Барча воқеликлар генераллаштирилиш ёки умумлаштирилиш орқали хариталарга туширилади. Бу эса география фанининг ўзига хос мезони ҳам ҳисобланади. Чунки, ҳудуд объект сифатида кўрилмаса ва уни харита ёки харита-схемаларда акс эттириш имкони бўлмаса, у ҳолда бундай тадқиқотнинг ўзи ҳам географияга тегишли эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижтимоий география доирасида хариталар асосан иқтисодий ёки социал-иқтисодий мазмунга эга. Масалан, саноат, қишлоқ хўжалик тармоқлари, транспорт, аҳоли, унинг миллий ва ҳудудий таркиби, шаҳарлар ва қишлоқлар тўри ва тизими каби хариталар кўп тузилган. Аммо социал географияга мансуб йирик миқёсли ва тематик хариталар анча оз. Бу ерда ҳам хариталар сони, тури ва мазмуни ижтимоий география фанининг таркибий 3 қисмларига тегишли реал ҳолатни акс этиб турибди.

Харита мазмунининг бойлиги, турли туманлиги, кўрсаткичлар орқали ҳудудни тўлиқ қамраб олиши жойнинг географийлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан чўл ҳудудлари (масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ёки Навоий вилоятлари) социал – иқтисодий, аҳоли хариталари содда бўлади ва бу жойларнинг шу жиҳатдан кам географийлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, хариталар тадқиқот усуллари қаторида олдинги ўринларда туради[1]. Бу эса география фанининг бош тамойили ҳудудийликка мос келади, аммо шу билан бирга *географик таққослаш (қиёслаш)* усули ҳам бу хусусда катта аҳамиятга эга. Қайси бир ҳолатда уни география фанининг дастлабки, биринчи методи сифатида ҳам кўриш мумкин. Сабаби, кишилар карта тузиш ва ундан фойдаланишдан олдин ҳам бир жойни иккинчи жойга таққослашган.

Умуман, икки хил таққослаш мумкин: тарихий ва географик; биринчисида ўтмишнинг турли даврлари "тик" қиёсланса, иккинчисида ҳудуднинг ҳар хил қисмлари таққосланади ва бу ҳамма вақт горизонтал йўналишда бўлади. Энг муҳими — таққослаш тарихда ҳам, географияда ҳам асосий ролни бажаради, чунки унинг ёрдамида ўтмишнинг (тарихнинг) ва ҳозирги куннинг (географиянинг), замон ва

[1] "География" терминини ишлатган биринчи олим – Эратосфен ҳам аслида картограф бўлган.

маконнинг, замин ва замоннинг бетакрор, ўзига хос *хусусияти* очиб берилади. Хусусиятсиз эса ушбу фанларнинг ўзи бўлмайди. Географияда бир жой иккинчи жойдан фарқ қилмаса, улар орасида ҳудудий тафовутлар кўринмаса, ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусияти ("башараси") аниқланмаса, у ҳолда бу ерда географияга ҳам ўрин йўқ. Балким шу маънода, яъни жойнинг тасвири, ташқи кўринишини ифодалашда французлар пейзаж, немислар эса ландшафт атамаларини қўллаган бўлсалар ажаб эмас. В. П. Семёнов - Тяншанский шунга яқин "жойнинг образи" (шакли, тасвири) тушунчасини ишлатган.

Географик таққослаш ҳамма вақт ҳудудий ва икки кўринишда бўлади: ўхшаш ва ноўхшаш таққослашлар. Одатда, биринчиси анъанавийроқ, яъни бу ерда умумий ҳолатлари, кўлами, вазифа ва моҳияти монанд бўлган объектлар солиштирилади. Иккинчи ҳолда эса таққосланувчи объектлар ўзларининг катта-кичиклиги, вазифаси, моҳияти ва бошқа жиҳатларига кўра бир-бирининг тескариси (контрасти) бўлади. Шунингдек, мутлақо муқобил бўлган объектлар, масалан, тоғ билан шаҳар, ботқоқлик билан саноат тугунини иқтисодий географик қиёслаб бўлмайди. Бундан ташқари, табиий, сиёсий, иқтисодий географик объектлар ҳам ўзаро солиштирилиши нотўғри. Айтайлик, Африка ва АҚШ, Фарғона иқтисодий райони ва Афғонистон, Қизилқум чўли ва Ангрен-Олмалиқ саноат райони каби "жуфтликлар" асло таққослашга тўғри келмайди.

Албатта, таққосланувчи ҳодиса ва воқеликлар турлича ёки ноўхшаш бўлиши мумкин. Бироқ, илмий нуқтаи назардан уларнинг умумий ҳолатлари бир-бирига яқин бўлгани мақсадга мувофиқ. Чунончи, иккита йирик шаҳар, иккита қишлоқ, иккита вилоят ва ҳоказоларни таққослаш ўринли. Лекин Тошкент билан Денов ёки Чустни, Ўзбекистон билан АҚШни солиштириш географик жиҳатдан унча мақбул эмас. Масалан, Тошкент билан Боку солиштирилса бўлади, чунки бу шаҳарлар маълум ўхшашликларга эга: иккаласи ҳам "миллионер" шаҳар, собиқ совет республикалари - ҳозирги мустақил, суверен давлатлар пойтахти. Таққослаш, бу шаҳарларнинг умумий жиҳатлари айтилганидан сўнг, уларнинг географик ўрни, вазифаси (функцияси), хўжалигининг таркиби ва ихтисослашуви, ички тузилиши, муаммолари юзасидаи олиб борилади. Бу ерда қиёслаш қанча "ичкарига" кириб борилса, таққосланувчи объектлар - Тошкент ва Боку шунча бир-биридан "қочади", узоқлашади, яъни фарқланади, улар ўртасидаги оралиқ масофа - тафовут шунча кенгаяди ва ҳар

бирига хос индивидуал (хусусий) жиҳатлар кўпроқ ва аниқроқ намоён бўлиб бораверади.

Таққослаш кўрилаётган объектларнинг иқтисодий географик ўрнидан бошланиши бежиз эмас. Худди ана шу жойланиш ўрни таҳлилга калит сифатида хизмат қилади ва у орқали нима учун бу шаҳарлар айнан шу жойда вужудга келган, йириклашган ва нима сабабдан улар хўжаликнинг шу соҳасига ихтисослашган каби география учун муҳим ва ўта зарур бўлган саволларга жавоб топиб беришга имкон яратади. Бизнинг мисолимизда Бакунинг Каспий денгизи бўйида жойлашганлиги, Тошкентнинг Тангри тоғ (Тян-Шань) этакларида, Чирчиқ воҳасида ўрнашганлиги уларнинг қолган барча хусусиятларини ойдинлаштиради. Агар Боку шаҳрига *тарихий географик асос* сифатида Каспий денгизи хизмат қилса, Тошкент учун эса Чирчиқ дарёси унинг ўтмишию - ҳозирги кунида катта аҳамиятга эга.

Географик таққослашнинг яна бир муҳим шарти объектларнинг босқичма-босқич киёсий тавсифи айни пайтда бир йўла (“синхрон”) олиб борилишидан иборатдир. Агар бизнинг мисолимизда аввал Боку, сўнг Тошкент шаҳарларининг иқтисодий географик таърифи мавжуд тартибга мувофиқ кўриб чиқилса, у ҳолда ҳақиқий таққослаш бўлмайди. Бу ерда биз икки шаҳарнинг алоҳида-алоҳида таърифининг гувоҳи бўламиз, холос. Бинобарин, таққосланувчи объектлар бирданига, йўл-йўлакай кўриб борилиши керак. Шундагина уларнинг ҳар бирига хос белгиларини аниқлаш мумкин бўлади.

Демак, ҳудуд энг аввало харита ёрдамида, унинг бошка ҳудуддан фарқланувчи томонлари эса асосан таққослаш усули орқали аниқланади. Аммо, таққослаш ҳам харита ёрдамида амалга оширилиши маъқул, чунки кўрилаётган объектлар фақат харитада ўз инъикосини топади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, илмий тадқиқот ҳамма вақт ўхшашликдан ноўхшашликни (индивидуалликни, хусусийликни), ноўхшашликдан ўхшашликни, умумийликдан аниқликни талаб қилади.

Харита ва таққослаш услубларидан кейин ўз аҳамиятига кўра *районлаштириш* туради. Географик район ҳам маълум маънода умумлаштириш, ҳудудий гуруҳлашни билдиради. Район ҳудуднинг муайян бир кесими бўлиб, у ўзининг умумий, ўхшаш белгилари билан қўшни ёки туташ жойлардан ажралиб туради. Худди шу маънода географик район маъмурий-бошқарув районлардан (ноҳия, туман ва ҳ. к.) тубдан фарқ қилади ва уларни асло чалкаштириб бўлмайди. Шунинг

учун ҳам иқтисодий географик районлаштиришни "иқтисодий ноҳиялаштириш" ёки "туманлаштириш" шаклида ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўгириш кулгили кўринади. Айни чоғда, "умуман", барча соҳаларга тегишли бўлган район йўқ, аксинча, маълум мақсадга қаратилган аниқ район мавжуд. Чунончи, саноат ёки "саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, аҳоли жойлашуви, дам олиш (рекреация) каби районлар реал воқеаликда бор, аммо уларнинг ҳаммаси учун ягона район йўқ.

"Район" тушунчасига тегишли яна бир чалкашлик масала бу унинг юқоридагиларидан кейинги учинчи хусусиятидир. Гап шундаки, район кўп босқичли, поғонасимон бўлади. Бинобарин, ҳамма вақт қайси даражадаги ва қайси йўналишдаги район аниқ айтилиши зарур. Чунки, Фарғона водийси ҳам район, унинг ичидаги вилоятлар, Сирдарёнинг ўнг ва сўл соҳиллари, тоғ, тоғолди, текислик қисмлари, қуйи маъмурий бирликлар, уларнинг ички ҳудудий таркиби ва ҳоказолар ҳам райондир. Бироқ улар турли даражадаги ва йўналишдаги географик районлар ҳисобланади. *География фанининг бетакрор ва жозибали хусусияти ҳам шундаки, у ҳар хил миқёсда фикр юритиш имкониятига эга. Бу фан вакиллари катта ичида кичикни, кичик орқали каттани тасаввур қила оладилар*. Район сиртдан ўз атрофидан ажралиб турсада, у ички жиҳатдан мутлоқ бирхилликни англатмайди ва тафовутларга бой бўлади. Бундай чигал ва мушкул масалаларни ўрганишда тизим - таркиб усули анча қўл келади. Шу боис, географияда район ҳудудий таркиб, тизим-таркиб ва тизим тушунчаларига яқин туради. Зеро, ҳар қандай таркиб ундан каттароқ ҳудудий тизимнинг бир қисми ва, айни пайтда, шу ҳудудий таркибнинг ("тизимчанинг") ҳам ички тузилмаси, район ва "райончалари", қисмчалари бор.

*Район - районлаштиришнинг натижаси, районлаштириш эса илмий тадқиқот жараёни, билиш воситаси, усулидир*. Районлаштириш географик ўрганишнингина эмас, балки кўпроқ илмий тадқиқот методидир. Бу ерда ўрганилаётган мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳудуд бир-бирига ўхшаш бўлакларга (районларга) ажратилади ва уларга иқтисодий географик тавсиф берилади. Бу географиянинг аналитик хусусияти ёки салоҳиятидир. Унинг синтез қудрати эса олинган билимларни умумлаштириш асосида тегишли қонуниятларни, бошқа, турдош (қўшни) фанлар ютуқларидан фойдаланган ҳолда аниқлашда ўз аксини топади.

Районлаштиришнинг принцип ва омиллари ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, иқтисодий районлаштиришда, энг аввало, ихтисослашув (саноатда-саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигида айрим тармоқларга ихтисослашув), социал-иқтисодий районлаштиришда, жумладан, аҳоли географиясида аҳоли зичлиги, алоҳида жойларнинг демографик сиғими, аҳоли пунктларининг ҳудудий бирлиги район сифатида ажратилади. Социал географияда эса бундай районлар ҳудудий кўлами бўйича янада кичикроқ ва ихчамроқ бўлади. Социал районлар сифатида алоҳида маҳалла, микрорайон, мавзе ва даҳаларни кўрсатиш мумкин.

Район ёки районлаштиришнинг навбатдаги тўртинчи хусусияти уларнинг ҳудудий шаклларида ўз ифодасини топади. Бу йўсинда ҳудудни районлаштириш ёки уни турли хил йирикликдаги қисмларга ажратиш билан ҳудуд доирасидаги реал районларни аниқлаш бир хил мазмунга эга эмас. Биринчисида мамлакат ёки вилоят ҳудуди тўла-текис бўлакларга (районларга) ажратилади. Чунончи, алоҳида иқтисодий район сифатида Қуйи Амударё - Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси райони мавжуд. Аммо бу ўлкадаги ҳудуднинг (унга чекинаётган ва қуриб бораётган Орол денгизи акваторияси ҳам киради) барча қисми ҳам иқтисодий аҳамиятга эга эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу ердаги ҳозирча хўжалик тузилмасига эга бўлмаган жойлар ҳам район доирасига "ёппасига" киритилаверади.

*Иккинчи турдаги районлар* бутун мамлакат ҳудудини қоплаб олмайди. Уларга саноат районлари — саноат тугун ва мажмуалари, аҳоли районлари - шаҳар агломерациялари каби яхлит шаклдаги *ҳудудий бирликларни мисол тариқасида келтириш мумкин.* Худди шундай, транспорт районлари ҳам "азонал" хусусиятга эга бўлади ва бутун муҳитни қамраб олмайди.

Ажратилган у *ёки* бу *типдаги районлар* шу соҳага *тегишли* ҳудудий мажмуларга кўпинча мос келади. Бу маънода Мирзачўл ёки Ангрен-Олмалиқ иқтисодий районлари худди шу номли ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклида айтилса бўлади, *лекин* ҳудудий мажмуалар учун комплекс ҳосил қилувчи, районлар учун эса район шакллантирувчи марказ, омил ёки тармоклар мавжуд. Ана шу тармоқлар жойлашган ёхуд уларнинг таъсир доирасидаги майдон, макон (А.Лёш бўйича – иқтисодий ландшафт) алоҳида район ёки мажмуа сифатида намоён бўлади. Айни вақтда географиядаги районлаштиришни қишлоқ хўжалиги, мевачилик ёки уруғчиликдаги

районлаштириш билан ҳам чалкаштириш нодуруст. Б у ерда деҳқончилик ва мевачиликдаги уруғ ҳамда мева навларини табиий - иқлим шароити мос келадиган жойларда экиш ёки ўстириш назарда тутилади.

Шундай қилиб, географияда ва, шу жумладан, ижтимоий географияда районлаштириш усули ҳам етакчи аҳамиятга эга. Сабаби, районсиз географияни тасаввур қилиб бўлмайди, география фанининг тарихи, сирасини айтганда, районлар тарихи демакдир. Районлаштириш таҳлил этилаётган ҳудудни чуқур ўрганиш, унинг ички хусусиятларини аниқлаш асл маънода географик билимнинг шаклланишида бош мезондир. Шу билан бирга, унинг конструктив (амалий) аҳамияти ҳам йўқ эмас; районлаштириш мамлакатнинг илмий асосланган минтакавий сиёсатини олиб бориш ва уни бошқариш учун зарур восита бўлиб хизмат қилади.

***Кузатув методи*** ҳам география учун анъанавий аҳамиятга эга. Чунки, географияни асосан бевосита кўриш, кузатиш, жонли мушоҳада юритиш, тасаввур қилиш орқали ўрганилса, тарих эса кўпинча эшитиш билан ўзлаштирилади. Шунинг учун география факультетининг ўқув жараёнида дала амалий машғулотларига катта ўрин ажратилади. Бу борада, айникса, регионал ва халқаро миқёсдаги амалиётлар самарали натижа беради.

Турли хил кузатиш ва экспедициялар воситаси билан объект — қишлоқ хўжалиги, шаҳар, саноат корхонаси ва қишлоқ жойлар яқиндан ўрганилади. Масалан, бирор шаҳарга сафар этилса, уни атрофлича, ҳар томондан, турли чеккаларига чиқиб кўриш, танишиш керак. Агар саёҳат қилувчи шаҳар марказидаги меҳмонхонада узоқ муддатда тўхтаб қолса ҳам уни географик жиҳатдан ўрганди, деб бўлмайди. Бунинг учун шаҳар тўғрисида, унинг ҳудуди, ички тафовутлари, ташқи қиёфаси бўйича тўла тасаввур ҳосил қилиш талаб этилади.

Аслини олганда географ йўлда ҳам, уйда ҳам, ишда ҳам географ бўлмоғи керак. У ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай миқёсда ҳудудий бирикмалар, турли хил объектлар - йўллар, қишлоқ хўжалик экинлари, аҳоли манзилгоҳларининг ўзаро жойлашув хусусиятини бевосита кузатиши лозим. Баъзан географ ажойиб ҳудудий номувофиқликлар гувоҳи бўлиши мумкин. Уларга дам олиш музофотлари ва экологик жиҳатдан номақбул бўлган металлургия ёки кимё корхонасининг бир жойда борлигини, мактаб қаршисида чорва фермаси ёки асаб касалликларини даволовчи шифохона мавжудлиги ва шунга ўхшаш

антиқа географик ажойиботларни мисол тариқасида келтирса бўлади. Бундай географик ҳолатлар ва ҳудудий номувофиқликлар эса фақат жонли кузатув ёрдамида аниқланади. Аммо бунинг учун оддий кўришнинг ўзи кифоя қилмайди, аксинча, кўриш фаол мушоҳада ва таҳлил билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши керак. Шу жиҳатдан қараганда, Самарқандга борганда, албатта Улуғбекни кўриш керак, лекин "Самарқандда ўт ёғса Фарғонада тутуни" каби саводсиз иборалар ҳам географияни билмаслик натижасидир.

## 5.2. Асосан иқтисодий ва ижтимоий географияга хизмат қилувчи методлар

Бу туркумдаги усулларга статистика, моделлаштириш, энергия ишлаб чиқариш цикллари, иқтисодий географик ўрин ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг орасида ижтимоий география учун (иқтисод ва аҳоли, кишилар уюшмаси учун) энг аввало статистика методи муҳимдир. Чунки, бу фан ўз моҳиятига кўра ҳамма вақт статистик рақамлар билан иш тутади. Қолаверса, бир вақтлар иқтисодий география статистика таркибида кўрилган.

*Статистика усули* кўп учрашиб турадиган кўрсаткичлар: ўсиш, кўпайиш, процент (фоиз), промилле, индекс, коэффициент, гуруҳлаш ва бошқалар тўғрисида малака ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунингдек, бу усул турли хил жадваллар, график ёки чизмалар, аҳоли зичлиги, демографик сиғим, ўртача масофа каби кўрсаткичларни аниқлашда қўл келади. Бу борада статистика математика фани билан биргаликда қўлланилади, бинобарин, ушбу усулни баъзан статистика-математика методи ҳам дейишади.

Тажриба шуни кўрсатадики, талабалар ва ҳатто айрим ҳолларда магистрантлар ҳам жадвал тузиш қоидаларини яхши билишмайди, ўсиш билан кўпайишнинг, "ўртача" билан "мода"нинг фарқига боришмайди. Масалан, айтайлик, аҳоли сони ёки саноат маҳсулоти сўнгги ўн йил давомида 156 фоизга ўзгарди. Савол туғилади: статистика тили билан бу рақам қандай ифодаланади: ўсишми ёки кўпайишми?[1] Ушбу савол жавобини китобхонларга қолдирамиз.

Яна икки турдош нисбий кўрсаткич бор — процент ва промилле. Қайси ҳолларда процент ва қандай пайтда промилле қўлланилади? Бу

[1] Демографияда айрим ҳолларда табиий кўпайишни (ўлим билан туғилиш ўртасидаги фарқни) табиий ўсиш деб юритиладики, бу, албатта, тўғри эмас

масалани ҳам билиш ва уларни ўз ўрнида қўллаш керак. Маълумки, процент (цент, центнер—юз) юзликнинг маълум бир қисмини, промилле эса мингдан бир бўлагини англатади. Иккала статистик кўрсаткич, одатда, кўплик билан иш тутганда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, улардан процент (фоиз) кўпроқ ишлатилади, промилле эса камроқ учрайди. У асосан денгиз ва океанлар сувининг шўрлиги, аҳолининг табиий ҳаракати — туғилиш, ўлим, табиий кўпайишни аниқлашда қўлланилади. Промиллени ушбу ҳолатларда ишлатиш, энг аввало, қулай ва яхлитроқ, йирикроқ рақам ҳосил қилишни кўзда тутади. Фараз қилайлик, бир мамлакат ёки шаҳарда йиллик ўлим коэффициенти 6,5 промиллени ташкил этади. Агар бу рақамни процентга айлантирсак, 0,65 га тенг бўлади. Биринчи ҳолда у ҳар минг кишидан 6,5 кишини (статистикада шунга ўхшаш “ярим ва чораклар” ҳам мавжуд), иккинчисида эса ҳар юз аҳолидан 0,65 кишининг вафот этишини билдиради. Кўриниб турибдики, биринчи кўрсаткич иккинчисига нисбатан ишлатишга қулайроқ; айнан шу мақсадда баъзи ҳодисалар, масалан, олий маълумотли мутахассислар ёки врачлар, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг зичлиги 10 минг ва 100 минг бирликларга нисбатан ҳам олинади.

Мутлоқ ва нисбий рақамлар ҳам ўз мавридида қўлланиши лозим. Кўрилаётган объект миқдоран кам бўлса мутлоқ, агар у кўп бўлса, нисбий кўрсаткич ишлатилиши маъқул. Масалан, ташкилот аъзолари атиги 9 киши, шундан мажлисда 6 киши қатнашди. Бу ҳолда вазиятни юқоридаги рақамларнинг ўзи қулай ифодалайди. Агар уларнинг ўрнига “мажлисга ташкилот аъзоларидан 66,7 фоиз киши келишди”, деб айтиш ўринсиз бўлса керак. Бу мисолимизда вазиятни мутлоқ рақамда ёки бўлмаса улуш (ҳисса) кўринишида изоҳлаган ҳам қулайроқ, яъни “мажлисда ходимларнинг 2/3 қисми қатнашди” дейилса, тушунарлироқ бўлади. Бироқ бундай қисм шаклидаги маълумотлар ҳам асосан рақам миқдори кўп ва саноқсиз, таҳлил этилаётган ҳодиса мураккаб ва тартибсиз бўлган ҳолатларда ишлатилса, янада тўғрироқ бўлади. Бошқа бир мисол: 1989 йил Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 19 850 077 киши қайд этилган. Шундан 14142475 киши ўзбеклардан иборат. Ўйлаймизки, бундай қўпол, эслаб қолиш учун ноқулай бўлган йирик рақамлар яхлитланса ёки улар ўрнига ушбу ҳолат нисбий кўрсаткичда ифодаланса, мақсадга мувофик бўлади. Жумладан, республика жами аҳолисининг 71,4 фоизи ўзбеклардан иборат, дейилса вазият осон ва аниқ қабул қилинади.

Худди шундай, умумий ер майдонининг таркиби, чорва молларининг тури, аҳолининг ёш тузилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати бўйича тақсимланиши каби жуда кўп учрайдиган ҳолатларда нисбий кўрсаткичларни қўллаш керак. Шунга ўхшаш "ўрин" масалаларини ҳам тўғри ишлатиш лозим. Агар талабалар олимпиадасида ҳаммаси бўлиб 3 команда қатнашган бўлса, "фахрий учинчи ўринни олди", деб айтиш кулгули туюлади. Бинобарин, у ёки бу ўринни эгаллаш, одатда, кўпчилик бўлган шароитда кўрсатилиши тўғрироқ бўлади.

Статистик усул тадқиқот доирасидаги барча маълумотларни турли манбалардан тўплаш, уларни умумлаштириш, қайта ишлаш ва таҳлил этиш каби мураккаб ва масъулиятли жараёнларни ўз қамровига олади. Айниқса, бу ерда ихчам ва бой мазмунли, ўқиб бўладиган даражадаги статистик жадвалларни тузиш катта аҳамиятга эга. Жадвалларни тузиш, уларни ўқиш ва таҳлил этиш юксак санъат ва маҳоратни талаб этади. Энг аввало, жадвал тузиш ўзига хос мезонларга асосланиш керак. Чунончи, унинг номи мазмунига мувофиқ келиши, жуда мураккаб ва қўпол бўлмаслиги лозим. Жадвал олдиндан кўзланган далил ёки исбот талаб қиладиган маълум мақсадни назарда тутиб яратилади. Шунинг учун уни тўғри келган, "пала-партиш", тартибсиз рақамлар билан тўлдириш, ўта мураккаблаштириш яхши эмас. Бундай ҳолда, худди харита ахборотини (юкини) ҳаддан ташқари оғирлаштиргандек, жадвалларни ўқиб, уларда кутилган хулосаларни чиқариб бўлмайди.

Статистик жадваллар оддий ва мураккаб, турли шакл ва мазмунда, сонли ва сўзли бўлади. Аммо қисқа ахборот учун ҳам атиги бир ёки икки қатордан иборат жадвал тузиб, уни мазмунидан кўра қўполроқ ном билан аташ мақсадга мувофиқ эмас. Яхшиси бундай шароитда фикрни матн тарзида баён қилган маъқул. Жадвал тузишдан асосий мақсад - маълум бир қонуният ёки хулосани исботлаш ҳамда бунинг учун тўплаган кўп сонли рақамларни тартибга тушириш, уларни ихчам ҳолда тасвирлаш в.а фикр-мулоҳазаларни далиллар билан асослашдан иборат. Ана шундагина сўзсиз ва жонсиз рақамлар тилга киради, улар қатъийлик ва ҳаққонийлик хусусиятини олади (бундай фикр ва рақамлар "ўжар", қайсар бўлади ва уларни инкор этиб ҳам ёки истаган томонга ўзгартириб ҳам бўлмайди).

Юқорида таъкидлаганимиздек, қўпол, кўп сонли рақам ва маълумотлардан ташкил топган жадваллар тузишни ҳам тавсия

этмаймиз. Бу муаллифнинг билимдонлиги эмас, аксинча, унннг статистикадан бехабарлигига ишорадир. Матн муайян миқдордаги статистик жадвал ва рақамлар билан, уни исботлаш, далилийлигини ошириш учун қўлланилади, чексиз рақам ва жадваллар эса оддий статистик тўплам бўлиб қолади.

Иқтисодий ва социал географияда статистик жадваллар мазмунига кўра кўпинча таркиб ва тадрижий ўзгаришлар, динамик қаторларни ифодаловчи бўлади. Ўз навбатида, таркиб мазмунига эга бўлган жадваллар, тизим қоидасига мувофиқ, тармоқ ва ҳудудий таркиб тўғрисида, маълумот берувчи жадвалларга бўлинади. Масалан, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, транспорт турлари, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари, жиноят ёки касаллик турлари, аҳолининг миллий ёки ёши бўйича тақсимланиши, ер фонди ва ундан фойдаланиш каби маълумотлардан ташкил топган жадваллар шулар жумласидандир.

Иккинчи турдаги жадваллар эса у ёки бу воқеликнинг худудлар бўйича бўлинишини ифодалайди. Чунончи, халқ хўжалик маҳсулоти ёки аҳоли сонининг мамлакат иқтисодий районлари, вилоят ва маъмурий туманлар бўйича тақсимланиши, жаҳон халқларининг турли қитъа ёки минтақалар доирасида жойлашишига ўхшаш маълумотлар ана шундай жадвалларда берилади. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, тармоқ ва ҳудудий таркибни акс эттирувчи жадвалларда, айни пайтда, ёнма-ён келаётган устунларда ёки касрнинг сурат-махражи шаклида мутлоқ ва нисбий рақамлар келтирилса, улар янада бой мазмунли ва таҳлилга қулай бўлади. Чунки, таркиб ҳамма вақт у ёки бу ҳодисанинг ўрни, улушини англатмоғи лозим. Мураккаб жадвалларда эса бундай мақсадга дарҳол эришиб бўлмайди ва бунинг учун нисбий рақамлар иҳоятда қўл келади. Шу билан бирга, таркиб жадвалларини таҳлил этишда уларнинг ички қисмидаги рақамлар якуний йиғинди (сумма) кўрсаткичларига баробар бўлиши шарт. Агар улар нисбий сонларда берилган бўлса, сатрлар ёки устун кўрсаткичдаги рақамлар йиғиндиси 100,00 фоизни ташкил этмоғи лозим.

Динамик қаторлар ёки тадрижий ўзгаришларни билдирувчи жадваллар ҳам бой мазмунга эга. Бундай жадвалларда турли хил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, аҳоли сони, унинг миллий ва ёш таркиби, халқ хўжалигида бандлиги, жиноятчилар ёки касалликлар миқдорининг вақт давомида ўзгариб бориши ва шунга ўхшаш жуда кўп воқеликлар келтирилиши мумкин. Ушбу кўринишдаги жадваллар

ҳодисанинг ривожланишини тасвирласа, таркиб жадваллари уларнинг жойланишини ифодалайди. Шундай қилиб, биз бу икки турдаги ва мазмундаги жадваллар ёрдамида иқтисодий ва ижтимоий география учун муҳим бўлган у ёки бу воқеликнинг ривожланиши ва жойланиши, унинг маълум вақт ва замонда содир бўлиши ҳақида тўла тасаввурга эга бўламиз.

Жадвалларнинг мураккаб турлари таркиб ва тадрижий ўзгаришларни уйғунлашган, умумлаштирилган ҳолда кўрсатади. Масалан, республика ва унинг вилоятлари бўйича пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш ёки ана шу ҳудудий бирликларда аҳоли миллий таркибини йилма-йил ўзгариб боришини акс эттирувчи жадваллар шулар жумласидандир.

Статистик жадвалларнинг тур ва шакллари жуда кўп. Биз бу ўринда асосан иқтисодий ва ижтимоий географияда анъанавий бўлган жадваллар турига тўхталдик, холос. Жадвалларнинг ташқи кўриниши ёки шаклига келсак, улар муайян шароит ва мақсад доирасида турличадир. Чунончи, жадвалларни горизонтал ёки вертикал (тик) тузиш мумкин. Уларнинг қайси шаклда келтирилиши маълумотлар тўплами, мажмуи ва қўйилган вазифадан келиб чиққан тарзда белгиланади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам жадваллар кўринишли бўлмоғи лозим. Шу мазмунда, тик шаклдаги жадвалларда асосий мақсадни ифодаловчи кенг (катта) устун ёнида атиги яна бир ёки икки тор устунни келтириш ва, аксинча, горизонтал жадвалларда бир ёки икки сатр маълумотлари билан қаноатланиш яхши эмас. Қолаверса, бундай жадваллардан воз кечиш маъқул; кам мазмун, заиф жадваллар муаллифнинг бу масалани чуқур ўрганмаганлиги ёки унга тегишли факт ва рақамларни тўплай олмаганлигидан нишонадир. Бундай жадваллар шунчаки тузилган ёки келтирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас

Жадвалларни тузиш билан бирга уларни атрофлича таҳлил эта олиш керак. Бу ерда жадвал остидаги матнда барча келтирилган рақамларни яна ўз-ўзича такрорлаш ёки жадвалга умуман эътибор қаратмаслик нодурустдир. Иккала ҳолда ҳам жадвал ортикча, унинг кераги йўқ. Жадвални таҳлил қилишдан, уни "ўқишдан" асосий мақсад - қонун ва қоидалар, тадрижий жараёнлар, уларнинг сабаб ва оқибатларини аниқламоқ, асосламоқдир. Матннинг чексиз рақамлар билан тўғридан-тўғри тўлдирилиши таомдан тез-тез тош чиқиб, киши тиши ва асабига тегувчи нохуш ҳолатни эслатади. Аммо мутлақо

рақамсиз матн қуруқ далил ва исботсиз гап, "сапсата" бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар қандай статистик жадвал турли томондан, юқоридан пастга, энига ва бўйига, тик ва горизонтал таҳлил этилиши керак; у гўёки рентген нури воситасида кўрилиб, кўзда тутилган ҳодиса ёки воқелик аниқ ва равшан аниқланиши лозим.

Баъзан курс ёки битирув малакавий ишларда, магистрлик ва докторлик диссертацияларда бир неча жадваллар қатор, узлуксиз, бирин-кетин келтириладики, бу ҳам ўз навбатида номақбулдир. Зеро, ҳар қандай илмий иш оддий статистик тўпламдан фарқ қилган ҳолда, энг аввало, фикрнинг мантиқли баён этилиши, тўғри, равон, тўла ва мукаммал бўлган матнда изоҳланиши ва тавсифланиши билан баҳоланади. Шу билан бирга, қатор варақларни банд этувчи катта жадваллар ҳам ишнинг ички қисмида келтирилиши шарт эмас (уларни илова шаклида жойлаштириш яхшироқ). Бу хусусда жадвалларнинг ишланганлик даражасига кўра бир неча турга бўлиш мумкин. Бевосита статистик ташкилотлардан кўчириб олинган жадваллар қайта ишланиши, умумлаштирилиши ва ихчамлаштирилиши керак. Қайта ишланган жадваллар қўйилган мақсадга қай даражада хизмат қилишига қараб матн орасида ёки иловада жойлаштирилади.

Жадваллар тузиш ва уларни таҳлил этиш билан бир қаторда турли хил гуруҳлашлар ҳам аҳамиятга эга. Чунки чексиз, сон-саноқсиз рақамлар, аввалambор, маълум бир тартибга туширилиши керак. Статистик гуруҳлаш ҳам турлича; баъзан келтирилган статистик рақамлар маълум андозадаги ёки интервалдаги гуруҳларга ажратилади ва бу гуруҳлар доимий, ўзгармас характерга эга бўлади. Чунончи, аҳоли сонини демографияда қабул қилинган ёш гуруҳларга ажратиш (0—4, 5—9, 10—14, 15—19..... ва ҳ. к.) ёки меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ёшдагиларни аниқлаш шу тартибдаги жадвалларга мансубдир. Шаҳар ва қишлоқлар турини турли классларга, босқичларга ажратиш ҳам шу йўсиндаги жадваллардан ҳисобланади. Бу борада кўпроқ тадқиқот билан бевосита алоқадор бўлган, фикр ва мулоҳаза, таҳлил талаб этадиган гуруҳларни ажратиш, аниқроғи уларни муаллифнинг ўзи томонидан яратилиши аҳамиятлироқ бўлади.

Тадқиқот гуруҳлари турлича ажратилади. Бундай ҳолда чекка (максимум ва минимум, энг паст ва энг юқори) даражадаги рақамларни аниқлаш ва улар орасидаги фарқ, умумий интервални топиш ва бу оралиқ сонни истаган миқдордаги гуруҳлар сонига бўлиш керак. Одатда, воқеа ва ҳодисалар 3 гуруҳга бўлинади: кичик, ўрта ва катта;

паст, ўрта ва юқори. Агар шундан келиб чиқсак, умумий оралиқ рақами 3 га бўлинади.

Яхшиси, буни мисол тариқасида изоҳлайлик. Айтайлик, республика туманларида туғилиш ҳар минг кишига 6,6 дан 38,9 промиллегача. Мақсад - турли даражадаги туғилишга эга бўлган туманлар гуруҳини ажратишдир. Бунинг учун оралиқ рақамни топиш талаб этилади (у 38,9—6.6 = 32,3 га баробар) ва бу сон 3 га бўлиниши лозим (32,3:3, яъни 10,8 ни ташкил этади). Шундай қилиб, ҳар бир гуруҳ интервали тахминан 10,8 сонига тенг. Бизнинг мисолимизда биринчи гуруҳ - аҳоли туғилиши даражаси нисбатан паст бўлган туманларининг кўрсаткичи 17,4 промиллегача (6,6+10.8 = 17,4) бўлиши керак. Иккинчи, ўрта даражадаги гуруҳ 17,4—28,2 ва, учинчи — туғилиш юқори даражадаги гуруҳ 28,2 промилле ва ундан катта рақамли туманлардан ташкил топади.

Агар гуруҳлар сонини кўпайтириш талаб этилса, умумий оралиқ рақам шу миқдорга бўлинади, Ундай ҳолда ажратилган гуруҳлар, одатда, сифат даражаси эмас, балки оддий рақам миқдор кўрсаткичли гуруҳлар мазмунига эга бўлади. Гуруҳлар очиқ ва ёпиқ шаклда тузилади: биринчи гуруҳ "гача" охирги гуруҳ "ва ундан ортиқ" деб ёзилса очиқ, гуруҳлар чекка рақамлар билан белгиланса, ёпиқ ҳисобланади.

Статистика усулида "ўртача" сўзи ёки даражаси кўп қўлланилади: аҳолининг ўртача зичлиги, оиладаги фарзандларнинг ўртача сони, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача миллий даромад, ерларнинг ўртача шўрланганлик даражаси, бир йил ёки бир ойда ўртача ишлаб чиқариладиган енгил автомобиллар сони, қўйларнинг ўртача тирик вазни ва ҳ. к. Хуллас, "ўртача" ибораси ҳамма вақт ва ҳамма жойда ишлатилади ва у вазият ёки ҳодисанинг статистик, турғун ҳолатини ифодалайди, тавсифлайди ва баҳолайди.

Аммо географияда фақат ўртача кўрсаткич билан кифояланиш нотўғри, чунки у ҳудудий тафовутларни ўзида акс эттармайди, аксинча, уларни ниқоблайди, текислайди. Шунинг учун ҳар қандай ўртача рақам, аслини олганда, бу география эмас. Масалан, Ўзбекистан Республикасида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар 1 кв. км. майдонга 66 кишига тенг; бу албатта, миқдорий жиҳатдан тўғри хулоса берувчи яхши ахборий рақамдир. Бироқ у ҳеч ким яшамайдиган Орол денгизи акваторияси, аҳолиси ўта сийрак тоғли районлар, Устюрт платоси, Қизилқум чўлига ва, айни пайтда, аҳоли жуда тиғиз ўрнашган воҳа ва

водийларга, шаҳар ва қишлоқ жойларга ҳам тегишли бўлиб қолади. Ваҳоланки, мазкур кўрсаткич Навоий вилоятида атиги 7 ва Қорақалпоғистон Республикасида 9 кишига, Андижон вилоятида эса 650 кишидан кўпга баробар. Баъзи йирик шаҳар атрофидаги туманларда - Зангиота, Самарқанд ва Фаргона водийси катта шаҳарларига туташ районларда бу рақам янада катта ва у 700-900 кишини ташкил қилади. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган ўртача ракам (66) ҳудуд бўйича нақадар кенг фарқланади, қанчалик унинг чекка "қанотлари" бир-биридан узоқ. Демак, ўртача кўрсаткич бу маънода географияга зид ва унга хизмат қилмайди (худди шундай касалхонадаги беморларнинг ўртача ҳароратини белгилаш ҳам ўта кулгили ҳолдир).

Ўртача кўрсаткич билан бирга статистик қаторда кўп учрайдиган ("мода") рақамлари ҳам мавжуд. Улар гарчи ўртача кўрсаткичга яқин турса ва уларнинг шаклланишига катта таъсир қилсада, бироқ унинг аниқ ўзи эмас. "Мода" кўрсаткичларини, яъни тез-тез такрорланиб турадиган рақамларни белгилаш кўпроқ статистик қатор ниҳоятда дифференциациялашган, табақаланган, чекка рақамлар нисбатан кам учрайдиган ва бир-биридан узоқ жойлашган ҳолатларда қўлланилади.

Худди картографияда бўлганидек, статистика усулида ҳам генерализация, умумлаштириш талаб этилади ёки рақамлар яхлитланади. Одатда, яримдан (0,5 дан) орттан рақам навбатдаги сонга, ундан пасти эса олдинги сон фойдасига ҳал этилади. Масалан, 6,6 ни 7 сонига, 6,4 ни 6 сонига яхлитласа бўлади. Бу ерда ўнлик даражасида умумлаштирилди. Халқаро статистик маълумотларда кўпинча рақамлар юзлик даражасида келтирилади: 6,67; 6,44; 6,81 ва ҳ. к. Уларни ўнлик ҳолатига келтириш қуйидагича бўлади: 6,7; 6,4; 6,8.

Шундай қилиб, юқорида статистик усул таъриф-тавсифига нисбатан кўпроқ аҳамият берилди. Бу бежиз эмас, албатта, чунки, биринчидан, иктисодий ва ижтимоий география учун статистик усул ўта муҳим; иккинчидан эса тайёрланаётган мутахассисларнинг бу борадаги билим ва малакалари саёз, етарли эмас. Бинобарин, статистик билимларни чуқурлаштиришга жиддий эътибор бериш шу куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Иқтисодий ва ижтимоий географияда демография, иқтисодиёт, тиббиёт ва бошқа соҳаларга доир статистик маълумоталар қўлланилади. Улардан тўғри ва самарали фойдаланиш учун статистик жиҳатдан саводхон бўлмоқ, бу фанга оид назарий ва илмий

адабиётларни чуқур билиш замон талабидир. Статистик усулда нафақат жадвал, балки турли шакл ва мазмундаги диаграмма ва графиклар қўлланилади. Уларнинг турлари ҳам ҳозирги кунда кўп ва бунинг учун комьютер имкониятлари катта. Умуман олганда, статистик жадваллар, график ва диаграммалар энг аввало *ҳаракат (динамика) ва ҳолатни,* яъни иккита "ҳ" – ни акс эттиради. Уларнинг ўзаро алоқадорликда ишлатилиши тадқиқот натижаларини бойитади.

Иқтисодий ва ижтимоий географияда яратилган асосий илмий ғоя ва тушунчалар ҳам айни пайтда тадқиқот методлари шаклида ишлатилади. Бу хусусда районлаштириш, турли хил цикл назариялари (энергия ишлаб чиқариш цикллари, ресурс цикллар, географик цикл ёки конвейерлар), иқтисодий географик ўрин ва бошқалар эътиборда тутилмоқда.

*Районлаштириш* ҳақида юқорида қисман айтилган эди, Шуни яна бир карра таъкидлаш жоизки, район-географиянинг бош, бирламчи тушунчаси - объектив ва ҳудудий бирлик, воқелик, уни илмий жиҳатдан ажратиш ва асослаш жараёни эса тадқиқот ёки ўрганиш усули, йўллари ҳисобланади. Демак, районлаштириш ҳам гуруҳлаштиришнинг бир кўринишидир, аммо бу гуруҳ яхлитлик ва, албатта, ҳудудий умумийликка эга бўлиши шарт.

Географияда районлаштиришнинг юқоридан пастга ва, аксинча, пастдан юқорига томон амалга ошириш ёки классификациялаш мумкин. Масалан, Ўзбекистан Республикаси иқтисодий жиҳатдан районлаштирилса, бир бутун, географик яхлит миллий иқтисод маконидан бошлаб, уни йирик иқтисодий минтақалар (зоналар), улардан асосий иқтисодий районлар, вилоятлар, вилоятлар таркибидаги районлар ва бошқа бундан ҳам кичик ҳудудий бирликлар ажратилади. Энг бирламчи бу ерда хўжалик корхонасидир; у районлар тўри — тизимининг дастлабки элементи, босқичи ("О" цикли) бўлиб, шу мақсад доирасида бошқа бўлинмайди, парчаланмайди.

Пастдан юқори томон борилса, у ҳолда ана шу хўжалик корхонасидан бошлаб, ундан ҳудудий бирлик сифатида мураккаблашиб, кенгайиб бораётган босқичлар белгиланади, Савол туғилиши мумкин: қайси ёндашув маъқулроқ? Ўйлаймизки, ҳар иккиси ҳам ёмон эмас, бироқ уларни уйғунлаштирилган ҳолда, таксономик бирликлар қўллаш янада яхшироқ. Агар юқоридан пастга қараб ажратилган районлар (бу йўналиш кўпроқ қўлланилади) тўри-тизими тескари тартибда, яъни пастдан юқори томон синаб кўрилса, баҳоланса,

албатта, бундай таксономик бирликларнинг ҳаққонийлиги, объектив мавжудлиги, бинобарин, уларнинг илмий асосланганлиги ҳеч шубҳа қолдирмайди, Худди шу йўсинда пастдан юқорига томон ажратилган районлар акс йўналишда текширилиб кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Районлартиришга қўйилган асосий мақсад - ўқув жараёнида ҳудудий тафовутларни, турли-туманликни чуқур ўрганиш, амалиётда эса ҳар хил кўламдаги хўжалик-ҳудудий бирликларни (иқтисодий ва ижтимоий географик тизимларни) тўғри шакллантириш, уларнинг ривожланишини бошқариш, мамлакатнинг минтақавий сиёсатини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу билан бирга, районларни классификациялашдан ташқари уларни алоҳида типларга (типология қилиш) ажратиш ҳам катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Иқтисодий районлар таркибини таҳлил қилишда *энергия ишлаб чиқариш цикллари* ниҳоятда қўл келади. Энергия ишлаб чиқариш цикллари назарияси - методи таниқли рус олими Н. Н. Колосовский (1947 й.) томонидан яратилган. Унинг асл моҳияти ишлаб чиқаришни технологик жараён билан биргаликда кўришдадир. Шу боис, ушбу ғоянинг иқтисодий географияга тўғридан-тўғри алоқаси йўқ; чунки у ҳудудий борлиқ эмас, балки технологик жараён бирлигидир ва уни географик харитада, худди иқтисодий район ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасидек кўрсатиб бўлмайди. Бироқ, энергия ишлаб чиқариш цикллар мазмунини чуқур англаш иқтисодий районлар, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ички тузилишини билиш ва уларни прогноз қилишда самарали восита саналади.

Чиндан ҳам хатто бир вилоят доирасида барча хўжалик бирликларининг сони ва жойланишини, бунинг сабабини англаб олиш ниҳоятда қийин машғулот. Қолаверса, уларни ёд олиш, анъанавий номенклатур билимларга эга бўлиш географиянинг туб мақсади, моҳиятига зиддир. Энергия ишлаб чиқариш цикллари у ёки бу шаҳарда, туман ёки вилоятда нима учун айнан шу корхона, саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ривожланган ва жойлашган деган саволга аниқ жавоб беради. Демак, бу ерда факт-рақам ёдлаб олинмайди, бу муҳим эмас; аксинча, ҳодиса ёки воқеликнинг сабаби, уларнинг ривожланиш ва ҳудудий ташкил этилишидаги қонуниятлар ўрганилади ва асослаб берилади.

Энергия ишлаб чиқариш цикллари бу маълум бир хом ашё ва энергия негизида шаклланган ва асосий ишлаб чуқариш жараёни атрофида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг технологик жиҳатдан

турғун алоқадорликда бўлган муштараклигидир. Бу ғояни англаш учун, албатта, технология, ишлаб чиқаришнинг кооперациялаш ва комбинатлаш каби хусусиятларини яхши билиш зарур.

Мазкур ғоя (усул)нинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига, чиқиндисизлигига таянади. Бу эса атроф-муҳитнинг тозалигини саклаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ва хом ашё ресурсларидан тўғри, самарали фойдаланишга олиб келади. Н. Н. Колосовский энергия ишлаб чиқариш циклини районлар хўжалигини таҳлил ва ташҳис этишда муҳим ва қулай метод сифатида тавсия қилган эди. Дарҳақиқат, ушбу метод ҳудуд хўжалик тузилмасининг ("занжирининг") нақадар тўлиқлиги, мукаммаллигини кўрсатади. Худди шу мазмунда И. В. Комарнинг ресурс цикллари ҳам маълум аҳамиятга эга. Ушбу ғоя қазиб олинган минерал ёки бошқа хом ашёни тўла ва узлуксиз ишлов бериш занжири ва жараёнининг яна табиатга қай ҳолда қайтарилишини англатади.

Агрогеография соҳасида рус олими К. П. Ивановнинг географик конвейр ёки цикллар ғоясини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулоти (айниқса, сабзавот, карам, помидор, бодринг, кўкатлар) нинг йил бўйи мамлакатнинг турли районларида навбатма-навбат етиштирилиши ва шу асосда аҳоли эҳтиёжини мунтазам, доимо қондирилиб борилиши ҳам назарда тутилади. Масалан, айрим тез пишар маҳсулотлар энг аввал мамлакатимизнинг жанубий районларида, сўнгра унинг бошқа қисмларида конвейр шаклида етиштириб берилади. Айни пайтда кеч кузда ҳам яна ўша маҳсулотларни жанубий вилоятлардан саноат марказлари ва йирик шаҳарларга келтириш мумкин. Географик конвейр ғояси мамлакат ёки районлар хўжалигини даврий, мавсумий ташкил этилганлиги ва қишлоқ хўжалигини агроиқлимий шароит билан боғлиқ эканлигини ўрганиш, тадқиқ этишда қўл келади. Унинг асл моҳияти эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва уни истеъмолчиларга етказишнинг ҳудудий жиҳатларини "занжирсимон" ташкил этилганлигини билдиради.

Шаҳар, район, мамлакат ва бошқа ҳудудий бирликлар хўжалигининг таркиби ва жойланишини, ривожланиш даражасини ўрганишда уларнинг *иқтисодий географик ўрнини* билиш, таҳлил этиш ҳам жуда катта мазмунга эга. Аввал таъкидланганидек, иқтисодий географик ўринни алоҳида усул сифатида қўллашда, энг аввало, унинг турли даражали, қисмли ҳамда тарихийлигини, вақт давомида

ўзгарувчанлигини унутмаслик лозим. Шу билан бирга, бу тушунчани авваламбор объектнинг ташқи, ўзидан сиртда ётган бошқа географик объектларга нисбатан ўрнашганлигини ва улар билан ўрганилаётган объектнинг ҳудудий - иқтисодий алоқа ва муносабатларининг муҳимлигини яна бир бор уктирмоқчимиз. Ҳар қандай катта-кичик худудий бирликнинг иқтисодий географик ўрнини атрофлича таҳлил этиш унинг ўтмиши, ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва баҳолашга, истиқболини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий географик ўринни ўзига хос ўрганиш ва тадқиқот усули сифатида қарашнинг асл, туб моҳияти ҳам ана шундадир.

Биз илгариги ишларимизда иқтисодий географик ўрин тушунчасига батафсил тўхтаб ўтган эдик (Солиев, Маллабоев, 1988; Солиев, Маҳамадалиев, 1996). Бинобарин, у тўғрисидаги фикрларимизни айрим мисоллар орқали тушунтириш билан қаноатланамиз. Масалан, Соҳибқирон Амир Темурнинг Бухорои Шарифни эмас, Самарқандни ўзининг буюк империясининг дорулсалтанати (пойтахти) сифатида танлаб олиши, навқирон Навоий шаҳрининг тез ривожланиб, қисқа муддатда йирик саноат ва маъмурий марказга айланиши, жуда катта тарихий ўтмишга эга бўлган Хива, Шаҳрисабз, Нурота, Ромитан, Чуст, Ғиждувон, Денов каби шаҳарларимизни ҳамон нисбатан кичик даражада қолиши ҳам, энг аввало, уларнинг иқтисодий географик ўрни билан боғлиқ.

Бекободда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда ягона қора металлургия корхонасининг жойлаштирилиши, Қарши ёки Янгиерда қурилиш саноатининг яхши йўлга қўйилганлиги ва, аксинча, Термиз ва Гулистон шаҳарлари - вилоят марказларининг сустроқ ривожланганлиги, Қоравулбозорда Франция билан ҳамкорликда улкан нефтни қайта ишлаш заводининг барпо этилиши ва бошқа жуда кўп мисоллар ҳам бу хусусдаги тасаввуримизни янада бойитади ва унга ёрқин далил бўлиб хизмат қилади.

Хуллас, иқтисодий географик объект бор жойда унинг, албатта, иқтисодий географик ўрни ҳам мавжуддир. Чунки, унинг узоқ ва яқин атрофида бошқа географик объектлар (тоғ, дарё, йўл, кон, чегара, шаҳар ва ҳ. к.) жойлашган бўлиб, улар ўрганилаётган борлиқнинг иқтисодий ривожланганлигига ўз таъсирини ўтказиб туради. Фақат давлат миқёсида сўз юритганда иқтисодий географик ўрин ундан кенгроқ сиёсий географик мазмунга эга бўлади ва у ўрганилаётган мамлакатнинг унинг атрофидаги давлатларга нисбатан жойлашганлиги,

улар билан чегара ва сиёсий муносабатлари, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини англатади. Сиёсий географик ўрин таҳлилини метод сифатида қўллаш, асосан, жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва сиёсий географиясини ўрганишда яхши натижалар беради.

## 5.3. Бошқа методлар

Кўпгина фанларда бўлганидек, географияда ҳам *моделлаштириш* усули кенг ишлатилади. Моделлаштиришда ҳодиса ёки воқелик умумлаштирилиб, маълум бир кўринишда акс эттирилади. Географик моделларда воқелик айнан ўзининг қиёфасини кичрайтирилган ҳолда, баъзан уни шартли белгилари орқали ифода этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, турли масштаб ва мазмундаги карталар географик моделларнинг энг анъанавий шаклидир. Шунингдек, математик формулалар, график ва жадвалларда ҳам фикр, ҳодиса ёки жараён "миниатюра" кўринишида ўз аксини топади.

Иқтисодий ва ижтимоий географияда қўлланиладиган графикларнинг тури ҳам ҳар хил; улар тик тўғри бурчак (ёки очиқ шаклдаги график), устунсимон, воронкасимон, пирамидасимон, конус, ҳалқа, айлана, учбурчак, тўртбурчак (квадрат), кубик каби кўринишларда бўлиши мумкин. Тадқиқотчининг вазифаси ана шу ҳар хил бўлган графиклардан тўғри ва ўринли фойдаланишдан иборатдир. Одатда, фақат бир кўринишдаги чизмалар билан ишни тўлдириш муаллифнинг бу хусусдаги билимсизлигини англатади.

Муаммонинг моҳият-мақсадига қараб турли хил графикларни танлаб олиш ва уларни ўқиб бўладиган даражада ихчам, чиройли чизиш лозим (бу ўринда геометриядан олинган билимлар ҳам керак бўлади). Масалан, агар у ёки бу жараён, айтайлик, аҳоли сони, унинг миграцияси, табиий ҳаракати туғилиш ва ўлим ҳодисалари, халқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг вақт давомида ўзгариб боришини очиқ график усули ёки устунсимон кўринишда тасвирлаш маъқулроқ. Бундай динамик графикларда мутлоқ ва нисбий сонлардан фойдаланилади.

Агар бирор ҳодиса ёки воқеликнинг таркибий хусусиятларини кўрсатиш талаб этилса, у ҳолда айлана ва квадрат шаклларни қўллаш мақсадга мувофиқ (масалан, ер фондининг тузилиши, аҳолининг миллий таркиби ва ҳ. к.). Бу ерда айлана секторларга, квадрат юз катакчадан иборат бўлган тўғри тўртбурчакларга ажратилади, айланада

бир фоиз 3,6 градусга тенг қилиб олинади ва улар ҳар бир соҳага мос равишда турли рангда бўялади.

Пирамидасимон графиклар (моделлар) кўпроқ демография ва аҳоли географиясида аҳолининг ёш таркибини тасвирлашда ишлатилсада, уларни бошқа пайтларда ҳам қўллаш мумкин. Бунинг учун қурилаётган ҳодиса табақаланиш, иерархиялик хусусиятга эга бўлса кифоя. Чунончи, шаҳар ёки қишлоқлар сонини уларнинг катта-кичиклигига қараб поғонасимон шаклда акс эттирилса, у ҳолда тадқиқ этилаётган ҳудудда қайси гуруҳдаги аҳоли пунктлари кўп ёки кам ривожланганлиги, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари яққол намоён бўлади.

Графикларнинг юқоридагилардан ташқари яна жуда кўп оддий ва мураккаб шакллари мавжуд. Улардаи фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бунинг учун авваламбор тегишли статистик материалларни тўплаш ва уларни қўйилган мақсадга мувофиқ қайта ишлаш талаб этилади. Демак, бу ўринда график усули статистик методнинг давоми, унинг амалиётда янада аиикроқ акс эттирувчи воситаси бўлиб хизмат килади.

Бундан ташқари, бошқа фанларда бўлганидек, нктисодий ва ижтимоий географияда ҳам *классификация ва типология* усулларидан кенг фойдаланилади. Улар гуруҳлаштиришнинг районлаштиришга ўхшаш алоҳида шаклларидир. Шу билан бирга, класс (босқич) ва типлар бир-биридан сезиларли даражада фарқ килади. Масалан, классификацияда (бу тушунча даставвал биология фанида швед олими Карл Линней томонидан қўлланилган, кейинчалик у бошқа фанларда, жумладан, геология ва географияда ҳам ишлатилиб келинган), энг аввало, тадқиқ этилаётган ҳодиса ёки воқеликнинг микдор кўрсаткичлари эътиборга олинади. Классификация объектларнинг поғонасимонлиги, кетма-кетлигини кўрсатиб беради. Объектларнинг алоҳида типларига ажратилиши эса асосан уларнинг моҳияти, бажарадиган вазифаси (функцияси), ихтисослашуви ва йўналишини англатади. Бошқача қилиб айтганда, тип — бу объектнинг ташқи кўриниши, “башараси” ва унинг ижтимоий ҳамда ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида шаклланган йўналишини акс эттиради.

Фикримиз равшанроқ бўлиши учун яна мисолларга мурожаат қиламиз. Шаҳар ва қишлоқлар катта, ўрта ва кичик классларга бўлинади, махсус тадқиқотларда эса шаҳарлар тўри 8 та класс ёки босқичга ажратилади. Шаҳарларнинг ихтисослашуви, бажарадиган

вазифаси уларнинг функционал типларини билдиради: пойтахт шаҳар, вилоят маркази, туман маркази ва ҳ. к. маъмурий - сиёсий функция; саноат, транспорт, дам олиш, фан марказлари ва бошқалар шаҳарларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал типларидир.

Қолаверса, шаҳар ва қишлоқлар ҳам аҳоли пунктларининг, аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг асосий шакли ёки типларидир. Районлаштиришда саноат, қишлоқ хўжалик, рекреация, тоғ-кон саноати каби районлар типи мавжуд. Шундай қилиб айтиш мумкинки, объектларнинг даража бўйича табақаланиши вертикал, уларнинг типлари горизонтал хусусиятга эга, яъни бу ерда классификация маълум бир тизимдаги объектларнинг пастдан юқорига ёки, аксинча, қатор тартибда жойланишини англатади, типология эса турли йирикликдаги объектларнинг умумий ўхшашлигига қараб ажратилган гуруҳларни билдиради.

Ўрганилаётган ҳодиса миқдор жиҳатдан кўп бўлса (айтайлик, шаҳар ёки қишлоқлар, саноат тармоқлари ёки корхоналар), уларни даставвал айрим гуруҳларга бўлиш талаб этилади. Чунончи, бундай объектларни катта-кичиклиги ва ташқи шакли, вазифасига кўра ажратиш лозим бўлади. Ана шу ҳолда таҳлил этилади ва сўнгра умумий хулосалар чиқарилади. Бундай ёндашув эса мантиқан гнесологик қонуниятларга мос келади.

Мураккаб объектларни - тармоқ ёки ҳудудий бирликларни таҳлил этишда, уларни прогноз қилишда *тизим-таркиб усули* самарали натижа беради. Бу усул барча фан ва дунёқарашга тегишли бўлиб, у умумийлик билан хусусийлик, бирлик билан кўплик ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Энг муҳими шундаки, тадқиқ этилаётган объект тизим ва, айни пайтда, бошқа бир тизимнинг таркибий қисми шаклида намоён бўлади. Бу эса унинг “очиқ” ёки “ёпиқ” эканлигидан келиб чиқади. Масалан, енгил саноат географияси ўрганилганда уни тизим сифатида ҳам, таркиб шаклида ҳам таҳлил этса бўлади. Агар ушбу саноат тармоғига “ёпиқ” тизим кўринишида ёндошилса (аслида, бу ерда уни айнан шундай қараш талаб этилади), у алоҳида тизим даражасига эга бўлади. Аммо мазкур саноат тармоғини фақат шу даражада ўрганиш қониқарли натижа бермайди. Бинобарин, уни алоҳида қисмлардан (тўқимачилик, пойафзал, трикотаж ва ҳ.к.) ташкил топганини ва уларнинг, ўз навбатида, турли корхоналардан - фабрикалардан иборат эканлигини инобатга олиш ва таҳлил этиш лозим. Шу билан бирга, енгил саноатни “очиқ” тизим кўринишида ҳам

тасаввур қилмоқ керак. Бу ҳолда енгил саноат мамлакат саноатининг, қолаверса, миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми эканлигини гувоҳи бўламиз.

Маълумки, ҳар қандай тизим-таркиб, энг аввало, икки ҳолда, яъни тармоқ ва ҳудудий кўринишда бўлади. Ҳудудий тизим-таркибга мисол: мақсад Фарғона иқтисодий райони, хўжалиги. Демак, у ёпиқ тизим, унинг биринчи даражадаги таркибий қисмлари Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари, иккинчи даражадагилари эса вилоят ичидаги маъмурий қишлоқ туманлари ва шаҳарлар, учинчи даражадаги қисмлари - туман ичидаги хўжаликлар ва ҳ. к. Бироқ, бу йўсинда тадқиқот объектининг фақат ички тузилишига “кириб” борилади, ваҳоланки, у “Хитой девори” билан чегараланмаган ва ўзидан каттароқ бўлган ҳудудий иқтисодий бирликнинг таркибий қисмидир. Шу боис, юқорига нисбатан қарашни ҳам унутмаслик керак. Тадқиқот объектига юқоридан қаралса, у бошқа бир тизимнинг таркибий қисми, “пастдан” эса у яхлит тизимдир. Аммо ҳар қандай тадқиқот объекти унга, энг аввало, алоҳида тизим сифатида ёндашувни тақозо этади, унинг бошқа бир тизимнинг қисми эканлиги эса қўйилган мақсад нуқтаи назардан иккинчи даражали масала ҳисобланади.

Тизимлар, таркибий қисм ёки компонентлар (қуйи даражадаги тизимчалар, подсистемалар), ўз навбатида, элементлардан ташкил топади. Элементлар бирламчи бўлиб, улар тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда бошқа бўлинмайди, парчаланмайди. Агар янада қисмчаларга тақсимланса, у ҳолда бошқа мазмундаги тизимга ўтиб кетилади. Юқоридаги мисолимизнинг ҳар иккисида ҳам элемент сифатида саноат ёки хўжалик корхоналари хизмат қилади. Албатта, улар ҳам ички, таркибий тузилишга эга (цех, бригада ва ҳ. к.). Аммо бундай тарзда иқтисодий географик тизим ишлаб чикаришнинг ташкилий - бошқарув тизимига айланиб қолади. Шундай қилиб, тизим-таркиб усули ўта мураккаб, лекин шунга мувофиқ ундан фойдаланиш жуда самаралидир. Бинобарин, тизим (система) концепциясини қатъийлик ва собитқадамлик билан ўрганиш ҳамда уни қўрқмай амалиётда қўллаш керак. Зеро, ҳар қандай яхши, сермаҳсул йўл ҳеч вақт оддий ва осон бўлмайди.

Шунингдек, тизимларнинг ички ва ташқи, вертикал ва горизонтал алоқалари бирлигини, уларнинг мустақиллиги ва бошқарувчанлиги, барқарорлик ва бошқа хусусиятларини унутмаслик керак. Иқтисодий ва ижтимоий географияда ушбу методдан (аслида у методлар

методидир) фойдаланишда турли даражада тармоқ тизим - таркибдан ҳудуд тизим - таркибига ва, аксинча, ҳудудий таҳлилни тармоқ таркиби билан муштарак уйғунлаштирилган ҳолда тадбиқ этиш ниҳоятда муҳимдир. Бу эса тадқиқотчидан кенг ва қамровли фикрлашни, турли миқёсда мушоҳада юритишни ва катта маҳоратни талаб қилади.

Тизим-таркиб таҳлили хўжалик ва унинг тармоқларини ҳудудий ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, у мамлакатнинг минтақавий сиёсатини ишлаб чиқаришда ҳам зарур. Аммо тизим тушунчаси шунчаки оддий сўз эмас, уни ҳамма вақт ва истаган жойда ишлатиш тўғри бўлавермайди, чунки унинг, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзига хос мезон ва меъёрлари бор.

Район ҳудудий гуруҳлаштиришнинг типик ва мураккаб шакли деб тавсифланди. У ҳудудий таркиб ва тизим шаклида география фанининг асл моҳиятини ўз ичига олади. Шу билан бирга, ҳар қандай гуруҳ тизим бўлавермайди, бу ўринда гуруҳ, агар уни аҳоли мисолида қарайдиган бўлсак, у кишиларнинг ҳудудий бирлиги ёки социумини, турли ёш, жинс, миллат, касб ва эътиқодга эга бўлган аҳолининг бир жойда тўпланганлиги, мужассамланганлигини ифодалайди. Кишиларнинг ҳудудий бирлиги "жамоа" деб аталади. Бироқ жамоа жамият эмас; жамият мураккаб, уюштирилган тизим шаклида бўлиб, у ўзининг базис ва устқурмасига, бошқарув ташкилотларига эга. Жамоа эса кишиларнинг баъзан тасодифан, фақат маълум мақсад бўйича бир жойда йиғилганлигидир. Масалан, бекатда ёки бозорда, масчитда тўпланганларни ҳам жамоа деб аташ мумкин. Улар, яъни бир-бирларига нотаниш шахслар, транспорт воситасини кутиш, сотиш ёки харид килиш, номоз ўқиш мақсадида тўпланишган, холос.

Айрим ҳолларда, соф демографик жараёнларни ҳам ҳудудий тизим сифатида талқин этиладики, бу назаримизда хатодир. Жумладан, туғилиш ёки ўлимнинг ҳудудий тизимини ажратиш, умуман, тизим тушунчасини чуқур англамасликка ишора ҳисобланади. Туғилишнинг ҳудудий бирлиги фақат туғруқхонада бўлиши мумкин, вафот этганларнинг ҳудудий умумийлиги эса ҳаммага маълум. Шунингдек, аҳоли миграциясини ҳудудий тизим шаклида кўрсатиш ҳам ўринсиздир, чунки бу жараённинг ўзи бир жойда эмас, балки ҳудудлараро миқёсда содир бўлади.

Тизим-таркиб усулига *мақсадга дастурли ёндашув* ёки дастур - мақсад ("программно-целевой подход") ёндашув моҳиятан яқин туради. Илмий тадқиқотларда қўйилган бош мақсад ва уни турли

даража ҳамда мураккабликдаги вазифаларининг таркиб - тизими ушбу усулга асосланади. Бунда энг паст, қуйи босқичда ўрин олган вазифани ҳал этиш учун катта маблағ, куч ва вақт сарфланмайди, аммо уни ечмасдан туриб навбатдагисига ўтиб бўлмайди (“кичик калит катта уйни очади”). Бунда, вазифалар мажмуини бирин-кетин, уларнинг устуворлигига қараб пайдар-пай ҳал этиш талаб этилади, биринчисининг ечими иккинчисига, иккинчисиники учинчи даражадаги вазифани бажаришга йўл беради ва ҳ. к.

Вазифалар ва улар мазмунининг муҳимлиги, долзарблиги турли даражада бўлган муаммоларни акс эттиради ва уларнинг устуворлиги ҳар хил бўлади. Бинобарин, мазкур усул айрим ҳолларда *мақсадга муаммоли ёндашув*, деб юритилади. Бу ерда бош мақсад - стратегия, фаолият натижаси, вазифалар эса тактика, пировард мақсадга эришиш воситаси, жараёнидир. Шу билан бирга бош мақсад ҳам турли поғонадаги мақсад ва мақсадчаларга бўлинади ва уларни шу тартибда дарахт шаклига, унинг бўйи, танаси ва шоҳларига ўхшатиш мумкин.

Албатта, ҳар қандай вазифани ижобий ҳал этиш ва туб мақсадларга эришиш ўз-ўзича бўлмайди. Бунинг учун моддий ва молиявий имкониятлар ва энг муҳими маълум муддатдаги вақт талаб этилади (вақт катта ва бебаҳо бойлик, ресурсдир). Қўйилган мақсад ва вазифаларни ечиш ушбу масалани молиявий, ашёвий, ташкилий ва бошқа томондан уюштирилишини тақозо этади: Бу тадбирлар мажмуи эса дастурни ташкил қилади. Шу боис, мазкур усул мақсадга дастурли ёндашув деб номланади; уни айни вақтда, ҳозирги замон тили билан айтганда, *кластер* усули, деб ҳам белгилаш мумкин.

Амалиётда илмий асосланган дастурларни тузиш, айниқса, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, долзарб муаммоли масалаларни ечиш учун жуда муҳимдир. Чунончи, Ўзбекистан Республикаси иқтисодиётини босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтказиш ва мослаштириш, ёқилғи-энергетика, йўл ва дон мустақиллигига эришиш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш ва бу жойларга саноатни олиб кириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, Орол муаммоси каби жуда кўп ва мушкул масалаларни ҳал қилишда олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар лозим бўлади.

Худди шундай, илмий тадқиқотларни бажариш - курс ва битирув малакавий ишларни, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзиш мақсадга дастурли ёндашув ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун ишнинг мақсади ва вазифаси, мундарижа - режаси тузилиб, унинг

барча бандлари кўзда тутилаётган моҳияти дастур шаклида келтирилиши керак. Пухта тайёрланган дастур илмий ишнинг ўз вақтида ва қиёмида бажарилишининг гаровидир. Қолаверса, инсон ҳам ўзининг кундалик фаолиятини муайян мақсад доирасида ташкил этади ва уни маълум тартибда олиб боради. Демак, мақсад-дастур методи нафақат илмда, балки оддий ҳаётда ҳам қўлланилади.

Фанимизда, ҳусусан, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш тарзи, унга турли хил хизмат кўрсатишнинг реал ҳолати, социал ва экологик муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда ҳаққоний баҳолашда *анкета, социологик тадқиқот усулининг* аҳамияти беқиёсдир. Бунинг учун аввал ишнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланади ва сўнгра пухта ўйланган савол варақаси ёки саволнома тузилади. Саволлар туркуми ўта қисқа ёки жуда мураккаб ҳам бўлмаслиги, уларга жавоб берувчилар (респондентлар) учун тушунарли бўлмоғи керак. Айни пайтда респондентларнинг берилган саволларга муносабати мумкин қадар осон, лўнда ва аниқ бўлиши анкеталарни қайта ишлашда муҳимдир. Айрим саволларга жавоб беришда ўзига мос келган сўзларнинг тагига чизиш қулайроқдир.

Иқтисодий ва ижтимоий географияда, жумладан, аҳолининг демогеографик жиҳатдан тадқиқ этишда туғилиш, миграция, меҳнат бозори фаолияти каби масалалар ўрганилиши талаб этилади. Бунда статистик маълумотларга кўра жонли сўров, бевосита кишиларнинг ўзлари билан бўлган мулоқот ниҳоятда самарали ва тўғри натижалар беради. Чунончи, оилани "режалаштириш" ёки оилада нечта фарзанд бўлишини, аҳолининг миграция (кўчиб кетиш, кўчиб келиш)га лаёқати, мойиллигини аниқлашда анкета усули тадбиқ этилади. Шунингдек, аҳолига тиббий, маданий-маиший, савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш даражасини ўрганиш ва баҳолашда социал-демографик тадқиқотлар сўров воситаси билан олиб борилади. Ҳозирги пайтда юзага келган экологик вазиятни таҳлил ва ташҳис қилиш ҳам кўпроқ ушбу усул орқали бажарилади.

Табиийки, қўйилган муаммони ўрганишда барчани (агар тадқиқ этилаётган объект кўпчиликни ташкил қилса) сўраш ва жавоб варақасини тўлдириш имконияти йўқ. Бинобарин, аҳолининг маълум қисми: иккидан бири, учдан бири, тўртдан бири, бешдан бири, ўндан бири ва ниҳоят йигирматадан бири сўралиши кифоя. Бунда анкета — сўров усули юқоридагиларга мос равишда 50, 33, 25 20,10 ва 5 фоизлик саралаш даражаларида ўтказилади. Аммо, сўралганларнинг миқдор

улуши, уларнинг жавоблари тадқиқ этилаётган ҳодисанинг умумий ва "ўртача" ҳолатини тўғри баҳолашга мувофиқ бўлиши шарт. Буни фанда сўровнинг тааллуқлилик даражаси (репрезентативлиги) деб аталади. Мазкур кўрсаткичнинг меъёрида бўлиши учун сўровга ҳар хил манзилларда яшовчи, турли ёш, миллат, касб эгалари жалб этилмоғи мақсадга мувофикдир (уларнинг фамилияси, исми-шарифи бу ўринда асло шарт эмас).

Анкета усулининг юқоридаги "жонли" шаклидан ташқари унинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, бирор бир корхона ёки олий ўқув юртининг социал-демографик хусусиятларини аниқлаш, меҳнат ресурслари таркибини таҳлил этишда кадрлар бўлимидаги картотекалар (маълумотномалар) ўрганилади, Бу ерда ҳам картотекалар танлов усулида ва "номсиз" таҳлил этилади. Картотека анкеталарни ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида ишчи ёки талабаларнинг ёши, миллати, қаерда туриши, туғилган жойи, маълумоти, қаердан келганлигига ўхшаш саволларга жавоб олинади. Тўпланган маълумотлар алоҳида жадвал ва диаграммаларда акс эттирилса, тадкиқотнинг далилийлиги янада ошади.

Қўйилган саволларга респондентларнинг жавоблари, реал вазиятни холисона баҳолашлари ўзига хос *эксперт усулига* яқин туради. Бу усул муаммога мутахассис ва мутасадди кишиларнинг, тақризчи, экспертларнинг беғараз муносабатлари, баҳосини билдиради. Шу нуқтаи назардан бажарилган курс ва битирув малакавий ишларининг, диссертацияларнинг муҳокама этилиши ва ҳимоя қилинишида расмий ва норасмий тақризчилар (оппонентлар) ҳам эксперт сифатида қатнашадилар.

Муаллифнинг ўзи ҳам бажарган ишларига эксперт даражасида баҳо бериши мумкин. Айтайлик, шаҳар ёки туманларнинг истиқболдаги ривожланиш имкониятларини аниқлаш учун уларнинг хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт ва ижтимоий инфратузилма, иқтисодий географик ўрни, экологик ҳолати ва бошқа шарт-шароитлари тадкиқотчи томонидан баҳоланади. Бундай баҳолаш беш ёки ўн баллик тизимда бажарилади ва олинган натижа бошқа жойда сақланади. Маълум вақт ўтгандан сўнг, яъни қўйилган баҳолар муаллифнинг хотирасидан чиққандан кейин юқоридаги шарт ва шароитлар, омиллар қайтадан (олдингисига алоқадор бўлмаган ҳолда) баҳоланади. Шундан кейин турли вақтларда амалга оширилган бир масаланинг икки вақтдаги баҳоланиш натижалари таққослаб кўрилади,

солиштирилади. Агар қайси шаҳар ёки туманга у ёки бу омилга берилган баҳо бир-бирига айнан мос келса, у ҳолда вазият қатъий ва тўғри баҳоланган бўлади.

Аслида эксперт усули амалиётда фан ва техника ривожланиши, оламшумул ва умумбашарий, муҳим ва долзарб муаммоларни ўрганишда кенг қўлланилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига қачон тўла ўтиши, Орол денгизи сатҳини сақлаб қолиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, урбанизация жараёнининг, нозогеографик вазиятнинг истиқболдаги даражаси, экологик муаммоларни ҳал этиш имконият ва йўлларини аниқлашда эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиш қўл келади. Бунинг учун кўрилаётган масалага дахлдор, мутасадди кишилар - олим ва мутахассислар жалб этилади (улар бир-бирини танишлари шарт эмас) ва тарқатилган анкетага жавоб олинади. Жавоб натижалари умумлаштирилади ва "ўртача" вазият аниқланади. Шунга қараб масалани янада чуқурроқ, равшанроқ ўрганиш ва якуний хулосалар чиқариш учун экспертларга янгидан, аниқлик даражаси янада юқорироқ бўлган навбатдаги анкета (саволнома) тарқатилади. Худди шу тарзда эксперт сўровлари якуний хулоса чиқарилганга қадар бир неча босқичда ўтказилади.

Фан ва техника тараққиёти тажрибасида эксперт усулининг жуда кўп шакллари ишлатилади. "Дельфи" методи ҳам шулар жумласидандир. Бунда эксперт белгиланган муаммога ўз фикрлаш ва вазиятни реал баҳолаш қобилияти (интуицияси) дан келиб чиққан ҳолда шахсий муносабатини, ўзгаларнинг обрў ва мансаби, тазйиқ ва таъсиридан мутлақо ҳоли, эркин шароитда аниқ ифодалаб беради. Масалан, шу йўсинда АҚШда олтмишинчи йилларда "Ренд корпорейшн" уюшмаси ташкил этилган бўлиб, у мамлакатдаги мавжуд турли табиий заҳираларнинг миқдори ва қанча муддатга етишини баҳолаб берган. Кўпчиликка маълум бўлган "Рим клуби" ҳам глобал муаммоларни ўрганиш ва баҳолашдаги фаолиятида эксперт усулидан қўллашнинг энг юқори намунасини кўрсатган.

Ҳодиса ва воқеликларни прогноз этишда нисбатан осон ва оддийроқ бўлган *экстраполяция усули* ишлатилади. Бу усулда келажак, истиқбол ("перспектива") ўтмиш (ретроспектива) ва ҳозирги вазиятдан келиб чиқади. Шу мазмунда у генетик, тарихий усул деб ҳам юритилади. Экстраполяция методида келажакда ҳам яқин ўтмишдаги ҳолат, жараён сақланиб қолиниши фараз қилинади. Бунда келажак,

яъни башорат (прогноз) муддатининг ўтмиш даврига имкони борича мос келиши мақсадга мувофиқдир[1]. Ўтмиш ва истиқболнинг даврий кўрсаткичлари эса тадқиқ этилаётган ҳодисанинг моҳиятидан, унинг қайта тикланиш циклидан келиб чиқади. Чунончи, демографик прогнозлар экстраполяция усулида 15—20 йил муддатга мўлжаллаб бажарилса, уларнинг реаллиги, ҳақиқийлиги анча юқори бўлади. Демак, бунинг учун ўтмишдаги жараён ҳам худди шунча (15-20 йил) муддатни қамраб олмоғи лозим; ўтмишни кўп олиб нисбатан қисқа даврга прогнозлаш мумкин, лекин, аксинча эмас-қисқа ўтмишга асосланиб узоқ, муддатни башорат қилиш нотуғри ва ҳақикатдан йироқ бўлади. Чунки, бундай шароитда баҳоланган ҳозирги вазият турғун, барқарор бўлмаслиги, "қонъюктура" ҳолида бўлиши табиийдир.

Илмий ишларни бажаришда, жумладан, аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ёки саноат тармоқларининг ривожланиши каби масалалар экстраполяция усули ёрдамида амалга оширилади. Бунда ўтган йиллардаги ўсиш ёки кўпайиш суръати асос қилиб олинади ва ана шу миқдор кўрсаткичи прогноз йиллари учун "тарқатилади". Прогноз йилма-йил бажарилади, биридан иккинчисига кўчирилиб, суриб борилади (сабаби - бу йилдаги маълум нисбий кўрсаткичнинг мутлоқ миқдори олдинги йилдан-фарқ қилади). Демографияда аҳоли прогнози кўпроқ ана шу усулнинг мураккаб шаклида - "демографик суриш ёки силжитиш методи" воситасида амалга оширилади ва бундай прогнознинг натижаси, аниқлик даражаси анча юқори бўлади. Бу ерда прогнозни нисбатан узоқроқ муддатга мўлжаллаш (бир авлод умрига тенг даражада) имконияти туғилади ва шу йили туғилганларнинг ўртача умр кўриш даври ҳам илмий асосда аниқланади.

Бироқ ҳар қандай прогноз - башорат эҳтимолликдан ҳоли эмас ва у мутлоқ аниқликка асло даъвогарлик қилмайди (унда хатолик ± 5% гача бўлса коникарли ҳисобланади). Прогнознинг асосий вазифаси - тадқиқ этилаётган воқелик ёки ҳодисанинг яқин, ўрта ва узоқ келажакдаги тахминий ҳолатини аниқлашдан иборатдир, Шу ўринда экстраполяция усулининг муҳим бир камчилигини қайд этиш лозим. Бу ҳам бўлса, унинг фақат объект ички имкониятларидан келиб чиқиши ва ташқи омилларни хисобга олмаслигидир (шунинг учун уни айримлар "кўр" ёки инерцион, генетик усул дейишади). Аммо, шунга қарамай, экстраполяция методининг аҳамияти катта ва уни қўллаш анча қулай,

[1] Бу ерда "прогноз" сўзи маъқулроқ ва у келажакни илмий асосда белгилашни англатади. Башорат эса айрим кишиларнинг (Нострадамус, Ванга ва б.), "бахшиларнинг" тасаввури. олдинни айтиб бериши демакдир.

осон. Қолаверса, прогноз қилишнинг бошқа усулларида ҳам маълум даражада экстраполяция элементи мавжуддир. Шу билан бирга фақат келажак эмас, балки ўтмиш ҳам ҳозирги кун нуқтаи назардан экстраполяция қилинади. Бундай ретроспективани ўрганиш айниқса тарих, археология (қадимшунослик) фанларида кўп қўлланилади.

Иқтисодий ва ижтимоий географияда турли хил *жонли мулоқатларни* олиб бориш ҳам фойдалидир. Бунда беғараз музокора ва муҳокама жараёнида аниқ, объектив хулосага келинади. Бироқ, баҳс-мунозара (дискуссия) тўғри, оқилона ва одилона олиб борилиши керак. Ушбу усулнинг яна бир муҳим моҳияти шундаки, унда қатнашчиларнинг билим доираси кенгаяди. Агар икки киши биттадан олма алмашишса, уларнинг ҳар бирида биттадан олма бўлади, фикр алмашишса, уларнинг ҳар бирида 2 тадан фикр (янгилик) пайдо бўлади.

Сўнгги йилларда илмий тадқиқотларда ***SWOT****-таҳлил* усули ҳам қўлланилмоқда. У ҳудуднинг кучли, заиф, имконият ва таҳдид томонларини белгилашни назарда тутади. Натижада, ўрганилаётган объектнинг рақобатбардошлигига эришиш йўллари аниқланади. Мазкур усулни таҳлил-ташҳис усули дебҳам айтиш мумкин. Энг муҳими бунда заиф ва имкониятларга ҳам эътибор қаратилади, таҳдид ҳисобга олинади ва шу асосда истиқбол ривожланиши йўллари белгиланади.

Шундай қилиб, иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларни бажаришда турли хил усул ва воситалардан фойдаланилади. Тадқиқотчидан эса ана шу методларни, ўзининг олдига қўйган мақсад ва вазифалари доирасида тўғри ва самарали қўллаш талаб этилади. Фақат биргина усулдан фойдаланиш кифоя қилмайди, бинобарин, улар биргаликда катта самара беради.

## ОЛТИНЧИ БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Иқтисодиёт ривожланиши унинг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг бундай шакллари эса муайян бир жараённинг икки томони бўлиб, у моҳиятан ижтимоий ва ҳудудий (географик) меҳнат тақсимоти хусусиятларидан келиб чиқади. Шу сабабдан, уларни бир-бирига мутлақо тескари қўйиб бўлмайди,

чунки катта ёки кичик, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш, албатта, уларни маълум ҳудудда жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий ташкил этиш шакллари мужассамлашув, ихтисослашув, ҳамкорлик (кооперация) ва комбинатлашувдан иборат. Булар ҳам ўзаро алоқадорликда ривожланиб боради ва кўпинча биргаликда содир бўлади. Уларнинг аста-секин такомиллашиб бориши, бир-бирлари билан уйғунлашуви фан-техника тараққиёти, жамият ривожланиши билан ҳамкорликда юз беради. Мужассамлашув ва ихтисослашув ишлаб чиқаришни ижтимоий (ҳудудий) ташкил қилишнинг нисбатан оддийроқ шакллари ҳисобланади. Бироқ, айни ана шу шаклларнинг ўзгариб бориши қолган шакллар, ишлаб чиқариш жараёнига катта таъсир этади.

**Мужассамлашув**, энг аввало, корхона ёки бошқа ишлаб чиқариш объектларининг катта-кичиклигини англатади. Табиийки, жамият ривожланиши билан мужассамлашув даражаси ҳам ошиб боради. Шу нуқтаи назардан ўзига хос мужассамлашув қонунияти мавжуд; бир вақтлар маҳсулотлар унча катта бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқилган бўлса, кейинчалик улар аста-секин йириклашиб борган (баъзи саноат корхоналарида 100 минг кишидан зиёд ишчи хизмат қилган, жуда катта кўламда маҳсулот ишлаб чиқарилган). Масалан, Россия Федерациясидаги "Авто-Зил" корхонаси, Магнитогорск металлургия комбинати, Саян-Шушен ёки Красноярск ГЭС, ўзимизнинг Ўзбекистондаги Чкалов номли самолётсозлик заводи, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Тошкент, Фарғона тўқимачилик комбинатлари шулар жумласидандир. Худди шундай, собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ хўжалигида ҳам жуда катта колхоз ва совхозлар, чорвачилик фермалари, ноишлаб чиқариш соҳаларида йирик кино-театрлар, ўрта ва олий мактаблар, магазинлар, стадионлар ташкил қилинган эди.

Ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви катта иқтисодий самарадорликка (мужассамлашув, агломерация самарадорлиги) олиб келса-да, бу жараён чексиз эмас ва уни ҳар қандай шароитда ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Демак, мужассамлашув қонуниятининг ҳам ўзининг чегараси, меъёри мавжуд. Аммо, бу билан мужассамлашув ўз моҳиятини йўқотмайди, балки у ўз шаклини ўзгартиради, холос.

Мужассамлашув саноат мисолида жуда аниқ кўринади, чунки ушбу макроиқтисодиёт тармоғининг ҳудудий ташкил этиш аниқ, нуқтасимон бўлади. Бу борада ишлаб чиқариш фондлари, ялпи

маҳсулот ёки ишчи ва хизматчиларнинг турли йирикликдаги корхоналарда йиғилиши, тўпланишини соф ҳолдаги *ишлаб чиқариш ёки корхона мужассамлашуви, уларнинг шаҳарлар ва районларда жойлашувини эса урбанистик ва ҳудудий мужассамлашув сифатида кўрсатиш ўринли.* Мужассамлашувнинг бу шакллари бир-бирига ўтиб туради ва турли район ёки мамлакатларда ҳар хил бирикмада бўлади. Чунончи, шаҳарнинг марказлашув даражаси маълум бир босқичга етгандан кейин ўзига хос вазият вужудга келади, яъни энди мазкур шаҳарда қўшимча корхоналарни қуриш имконияти қолмайди. Экологик, уй-жой, транспорт муаммолари кескинлашади, қуриш учун ер майдони ҳам етишмайди ва, айни пайтда, янги корхона бу марказдан олисда жойлашувни ҳам "истамайди". Шундай қилиб, йирик шаҳарда ҳам эмас, ундан узоқда ҳам эмас; шаҳарнинг ички имконияти йўқ, корхона эса ундан йироқлаша олмайди. Натижада, янги корхона ёки илмий текшириш муассасалари, олий ўқув юртлари йирик шаҳарнинг таъсир доирасида ўрнашади - шаҳар агломерацияси ёки саноат тугуни вужудга келади.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларга мисол қилиб Тошкент атрофида жойлашган гўшт комбинати (Ўртаовул шаҳарчаси), ТошИЭС, Тошкент аграр университети (Яланғоч манзилгоҳи), Ядро физикаси институти (Улуғбек шаҳарчаси), Алкоголсиз ичимликлар комбинати (Қибрай) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Тошкент аҳолиси эҳтиёжи ва хўжалиги, республика учун зарур бўлган бу корхоналарни пойтахтда қуришнинг иложи йўқ. Лекин улар истеъмолчи, саноат, илм-фан марказига яқин бўлмоғи, замонавий инфратузилма тизимига эга бўлиши лозим. Бундан яна бир хулоса, яъни ишлаб чиқариш мужассамлашуви билан шаҳар ривожланиши ўртасидаги муносабат (қонуният) келиб чиқади. Дастлаб шаҳарнинг вужудга келиши ва улғайишида ишлаб чиқаришнинг мужассамлашув етакчи рол ўйнайди, кейинчалик эса шаҳарнинг ўзи ишлаб чиқаришнинг омилига айланади.

Энди турли шаклдаги мужассамлашувга мисол келтирайлик. Масалан, Ўзбекистон саноат маҳсулотининг ярмидан кўпини ҳар бирида 3000 дан ортиқ ишчи ишлайдиган корхоналар ишлаб чиқаради, деб фараз қилайлик. Бу ишлаб чиқариш ёки корхона даражасидаги мужассамлашувдир. Тошкент шаҳрида мавжуд корхоналар Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотининг тахминан 12-15 фоизини беради - бу урбанистик мужассамлашув бўлади. Агар Фарғона водийсини республикамизнинг асосий пилла ёки мева маскани, нефт

маҳсулотлари ёки ўсимлик ёғи чиқарувчи райони сифатида кўрсак, у ҳолда соф кўринишдаги ҳудудий мужассамлашувни назарда тутган бўламиз.

Мужассамлашувнинг юқори ёки пастлиги айни пайтда маълум бир соҳанинг ривожланганлик даражасини белгилайди. Бу ерда «умумий махраж» бўлиб шаҳар, вилоят ёки бошқа бир жойда яшовчи аҳолининг улуши, ҳиссаси хизмат қилади. Айтайлик, Фарғона водийсида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 27 фоизи жойлашган. Агар у ёки бу ишлаб чиқариш кўрсаткичи шу рақамдан қанча юқори бўлса, у ҳолда мазкур ишлаб чиқариш тармоғи водийда ривожланган, иқтисодий мужассамлашган бўлади[1].

Корхона, урбанистик ва ҳудудий мужассамлашув турли район ёки мамлакатларда ҳар хил бирикма ҳосил қилади. Нисбатан паст даражадаги урбанистик мужассамлашувида корхона ёки ишлаб чиқариш мужассамлашуви юқори бўлиши ҳам мумкин. Бунга кичикроқ шаҳарда, масалан, Хивада катта гилам комбинатининг жойлашуви мисол бўла олади. Худди шундай, паст даражадаги урбанистик мужассамлашув юқори кўрсаткичдаги ҳудудий мужассамлашувга ҳам олиб келади. Бу ҳолда мазкур ҳудудда жуда кўп кичик саноат пункти ёки марказлари мавжуд бўлади. Айнан шундай вазиятни 80-йилларда республиканинг кўпгина вилоятларидаги (Андижон, Бухоро, Фаргона, Қашқадарё, Наманган, Хоразм ва б.) тўқимачилик корхоналарининг тарқоқ жойлашганлигида учратамиз. Шу билан бирга паст даражадаги ҳудудий мужассамлашув юқори урбанистик кўрсаткич билан ҳам уйғунлашган ҳолда келади. Чунончи, бир вақтлар Франция деганда, аввало унинг пойтахти Париж, Венгрия рамзида эса Будапешт тушунилар эди. Ҳозир ҳам Хитой Халқ Республикасида Шанхайнинг, Туркия иқтисодиётида эса Истамбулнинг ўрни ниҳоятда катта ва ҳ.к.; бундай мужассамлашув ишлаб чиқаришнинг марказлашувига ҳам олиб келади.

Шундай қилиб, юқори даражадаги мужассамлашув, айниқса ўта йирик корхоналарни барпо этиш ҳамма вақт ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали эмас. Бундай ҳолларда тайёр маҳсулотни транспортда ташиш харажатлари кўпаяди, ишчи кучи етишмайди ва энг муҳими-экологик мувозанат бузилади. Хўш, қайси даражадаги мужассамлашув маъқул. деган савол туғилади. Ахир, айни бир

---

[1] Муаллиф ўз шогирди Ю.Аҳмадалиев билан биргаликда геотрион, яъни майдон, аҳоли ва иқтисодиётнинг мамлакат миқёсидаги улушини пирамидасимон тасвир этиш усулини Фарғона водийси мисолида кўриб чиқишган

ҳажмдаги маҳсулотни турли хил бирликдаги корхона, шаҳар ёки районларда ишлаб чиқариш мумкин-ку! Бу ерда ҳам бир томонламалик, қатъийлик ноўриндир. Бинобарин, турли хил йирикликдаги корхоналар, уларнинг технологик ва бошқа хусусиятларига кўра катта-кичик шаҳарлар бўлгани мақсадга мувофиқ. Демак, мужассамлашув объектив қонуният, бироқ у барча мамлакатларга хос ва иқтисодий самарадорликка эга бўлсада, унинг маълум чегараси, кўлами бўлиши шарт.

Мамлакатнинг биргина, аксарият ҳолларда пойтахт шаҳар асосида ривожланишини Лотин Америкаси давлатларининг яқин ўтмишдаги тараққиёти ёки ҳозирги Африка мамлакатлари мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу мамлакатлар ўз ижтимоий-иқтисодий борлиғини уларнинг энг йирик маркази бўлган пойтахт (порт) шаҳрида мужассамлаштиради. Бундай ҳолларда ишлаб чиқаришнинг бир томонлама ёки номутаносиб ҳудудий таркиби ўта марказлашган мужассамлашувни билдиради. Республикада ҳам фақат Тошкент ёки Тошкент вилоятини ривожлантириб, қолган минтақаларни ўз ҳолича қолдираверинг ярамайди, албатта. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах каби вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш мустақил давлатнинг илмий асосланган минтақавий сиёсатида ўз аксини топмоғи лозим.

Марказлашув мужассамлашувнинг бир кўринишидир. Бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари ёки бошқа ташкилотлар ва соҳаларнинг атиги биргина шаҳарда жойлашуви тушунилади. Айни пайтда мамлакат ёки хўжалик бошқарувининг бундай тизими якка ҳокимлик-монополияга олиб келиши турган гап, бу эса бозор-эркин иқтисодиёт шароитида рақобат муҳитини шаллантириш нуқтаи назаридан мақсадга номувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, ўтиш даври иқтисодиётида барча соҳаларнинг кичик бўлгани маъқулроқ. Чунки, улар ҳаракатчан, мабодо касод бўлганда, инқирозга учраганда, тез ва осон қайта ихтисослаштирилади; бундай ихчам корхоналарни бошқариш ҳам қийин эмас. Аммо, кичик корхоналар асосан маҳаллий бозорни тўйинтиради ва шу жиҳатдан уларнинг рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти ўта паст. Қолаверса, хўжаликнинг, жумладан, саноатнинг барча тармоқларида ҳам (масалан, автомобилсозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё ва б.) майда ҳажмдаги корхоналарни қуриб бўлмайди. Ўз навбатида, тўғри ташкил этилган йирик корхоналар

минтақа ва миллий иқтисодиётнинг таянчи, мамлакат қудратини. унинг жаҳон бозорида қатнашувини таъминлайди[1].

Ҳудудий мужассамлашув қишлоқ хўжалиги ва, айниқса, транспортда унча сезиларли эмас, чунки уларнинг жойлашуви "нуқтасимон" бўлмай, балки ареал (майдон) ва лентасимон шаклга эга. Бундай мужассамлашув аҳоли жойлашувида, аҳоли манзилгоҳларнинг катта-кичиклигида, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, савдо, спорт, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар корхоналарини ташкил қилишда яққолроқ намоён бўлади. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур тармоқларда ҳам ҳозирги даврда фақат йирик корхоналарни қуриш ижобий натижалар бермаслиги мумкин.

Тарихан қараганда, ихтисослашув мужассамлашувдан олдин пайдо бўлган. Зеро, дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимоти оила аъзоларини-аёл ва эркакларни турмушнинг турли соҳаларига ихтисослашувида ўз аксини топган (аёллар уй юмушлари билан, эркаклар овчилик билан шуғулланардилар). Маълумки, бу даврда кишилар табиатда мавжуд бўлган озиқ-овқат билан кун кечиришган.

***Ихтисослашув*** ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг муҳим шакли бўлиб, у меҳнат тақсимоти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг уч босқичи ва уч тури мавжуд. Ихтисослашувнинг уч босқичи-корхона, шаҳар ёки район, миқёсидаги ихтисослашувдир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳар бирига ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши бириктирилади. Ўз навбатида, ихтисослашув шу корхона (у фермер хўжалиги бўлиши ҳам мумкин), шаҳар ёки районларнинг "қиёфасини", уларнинг меҳнат тақсимотида тутган ўрнини белгилаб беради.

Ихтисослашувнинг уч тури-бу қисм (детал), технологик ёки ярим маҳсулот (полуфабрикат) ва предмет (тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш) ихтисослашувидан иборат. Унинг бундай кўринишлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва улар турли ҳудудий босқичда ўзгача хусусиятга эга. Ихтисослашув оқибатида хўжаликнинг ҳар хил тармоқлари вужудга келади, иқтисодий районлар, шаҳарларнинг функционал типлари шаклланади. Шу билан бирга, у ташқи транспорт иқтисодий алоқаларини тақозо этади, чунки ишлаб чиқарилган ва маҳаллий истеъмолдан ортиб қолган маҳсулот четга чиқарилади ва мазкур районда етишмайдиган маҳсулот эса бошқа жойлардан келтирилади.

---

[1] Мамлакатимизда, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка устувор аҳамият берилмоқда. Ушбу соҳа республика ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизини беради. Бу кўрсаткич ҳар йили ўртача 2 фоиздан га ортиб бормоқда

Ихтисослашувни аниқлаш учун бир неча шарт ва шароитлар зурур. Муҳими-маҳсулот фақат шу жой талабини қондирибгина қолмай, балки ортиқчаси бошқа районларга-бозорга чиқарилиши ёки товар хусусиятига эга бўлиши керак. Масалан, республикамиз пахта толаси, пилла, тоғ-кон, табиий газ саноати, автомобилсозлик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган. Аммо уни ип ёки ипак газламаси, нефт саноатига ихтисослашган дейиш бироз мушкулроқ, сабаби-бу маҳсулотлар Ўзбекистонда ҳозирча етарлича ишлаб чиқарилмайди ва улар маҳаллий талабни тўла қондирганича йўқ.

Ихтисослашув, албатта, фақат моддий ишлаб чиқаришга тегишли эмас. У барча ижтимоий жабҳаларга ҳам молик хусусиятдир. Қолаверса, айрим олийгоҳлар ўқитувчи, бошқалари-агроном, мухандис, табобатчи каби мутахассисларни тайёрлайди. Сабаби, у олийгоҳлар айнан ана шундай ходимларни тайёрлашга ихтисослашган. Ихтисослашувнинг ҳам мужассамлашув каби ўзининг чегараси бўлиши лозим; ўта тор ихтисослашув бир томонламаликка (ижтимоий ҳаётда тор фикрлашга), йўл харажатларининг кўпайишига олиб келади. Улкан корхоналарни қуриш қандай зарарли бўлса, ҳаддан ташқари тор ихтисослашув, яккаҳокимлик ҳам шунча хатарлидир. Иқтисодиётда фақат ёки асосан бир соҳага ихтисослашув–бу ҳududнинг муваққат қудрати, бахти ва айни вақтда унинг бадбахтлиги, фожиаси бўлиши мумкин (ижтимоий ҳаётда ҳам худди шундай).

Афсуски, яқин ўтмишда мамлакатимиз қудрати, унинг ривожланганлик даражаси “йирик”, “энг катта”, “ягона” каби тушунчалар билан ифодаланар, “биринчи” бўлиши эса кўп ҳолларда қолган барча соҳаларда қолоқликни англатар эди. Аммо бу мулоҳазалардан нотўғри хулоса чиқариш ҳам керак эмас, чунки ихтисослашувсиз шаҳар, туман, вилоят, иқтисодий районларнинг, қолаверса, жамият ва кишиларнинг ўзини ҳам ривожланганлигини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ихтисослашган тармоқлар билан биргаликда бошқа ёрдамчи ёки иккиламчи соҳалар ҳам ҳеч бўлмаганда маҳаллий эҳтиёж доирасида ташкил этилган бўлиши лозим. Бу ерда ихтисослашган тармоқни дарахтнинг танасига, дарёга, қўшимча тармоқларни эса дарахтнинг шох ва шохчаларига, дарёларнинг ирмоқларига ўхшатиш ўринли. Ўз-ўзидан маълумки, танасиз шох ҳам бўлмайди, шохсиз дарахт эса-бу оддий бутадир, ирмоқсиз дарё ҳам баркамол дарё тизимини шакллантирмайди.

Демак, ихтисослашув комплекс, ҳар томонлама ривожланиш билан уйғунлашуви керак. Зеро, ихтисослашувда йўл қўйилган хатолар оқибатини ҳозирги кунда сезиб турибмиз. Бу камчиликлар, айниқса, собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини бузилишида ўз аксини топмоқда. Шу сабабли эътибор кўпроқ ҳар бир мамлакатнинг мумкин қадар атрофлича ривожланишига қаратилмоқда. Албатта, бундай тараққиёт Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа мамлакатлардан фарқ қилдирувчи, унинг ўрнини белгилаб берувчи ихтисослашган тармоқларни такомиллаштириш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Минтақа ва мамлакатларнинг у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, энг аввало, улардаги мутлоқ ва нисбий афзалликларга боғлиқ (А.Смит, Д.Рикардо); бу ерда яратилган маҳсулот уни бошқа жойда етиштиришга кўра арзонроқ, кам харажатлироқ бўлиши керак. Одатда, ҳар бир мамлакат ёки унинг алоҳида қисмлари ўзидаги қулай ва арзон омиллардан фойдаланиб, қиййин ва қиммат омил маҳсулотларини четдан олиб келади. Бундай қонуниятни дастлаб швед иқтисодчилари XX асрнинг 30-йилларида Э.Хекшер ва Б.Олинлар асослаб беришган.

Ихтисослашувнинг ҳам туб моҳияти, мақсади иқтисодий самарадорликни оширишдир. Табиийки, бир кишининг ҳар хил маҳсулот яратиш ёки ҳар хил касб билан шуғулланишидан кўра муайян ишни кўпроқ бажариши фойдалироқ. Қолаверса, меҳнатнинг бир турини унинг иккинчи тури билан алмашуви давомида вақт ҳам кетади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати яхши бўлмайди. Аммо, бу ерда соф ижтимоий ихтисослашув кишининг фикр доирасини торайтиради, уни оддий роботга айлантириб қўяди. Кўриниб турибдики, ижтимоий ҳаётда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам тор ихтисослашув яхши натижалар бермайди.

Ривожланган мамлакатларда, жумладан, ўзимизда ҳам бозор муносабатларига мос равишда истеъмол, талаб индивидуаллашиб, хусусийлашиб бормоқда. Авваллари бир мамлакат ёки район маҳсулотнинг бир турига ихтисослашган ва у билан минтақавий ва жаҳон бозорида қатнашган бўлса, эндиги шароитда ўша маҳсулотнинг ўзи турли шаклга, кўринишга эга. Масалан, енгил машиналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар фақат бир турда бўлиши уларнинг рақобатбардошлиги ва харидорлигини таъминламайди. Бинобарин, эндиги шароитда конвейр усули, миқдор кўрсаткичлари

муҳим эмас; аксинча "постфордизм", масштаб (миқдор) самарадорлигининг ўрнига турли хиллик, сифат самарадорлиги олдинга сурилмоқда. Бир кишига ёққан нарса бошқаларга ёқмаслиги, бугунги кунда яхши бўлган маҳсулотлар эртага маънавий эскириши, талаб-эҳтиёжнинг эгилувчанлиги, каби ҳолатлар ихтисослашувнинг тез-тез ўзгариб туришига олиб келади.

Ҳозирги фан-техника тараққиётидан фойдаланиш асосида янги - янги маҳсулот турлари пайдо бўлмоқда ёки улар замонавий технологиялар ёрдамида арзон ва осон йўллар билан ишлаб чиқилмоқда. Бундай инновацияларнинг "ҳаёт цикли", вужудга келиши, ривожланиши, аста-секин барча мамлакатларга тарқалиши ва, ниҳоят, уларнинг ўрнига бошқаларнинг келиши ва "сўниши" билан белгиланади. Шунга ўхшаш янгиликларнинг тарқалиши ёки диффузия қонуни, тадбиркорлик иқтисодиёт назариясида Йозеф Шумпетер (XX аср биринчи ярмида) ва Т.Хегерстранд (1953 й.) томонларидан асосланган.

Шундай қилиб, ихтисослашув ҳам мужассамлашув каби ривожланганликнинг муҳим кўрсаткичидир. Айнан, улар иқтисодий география фанининг туб моҳиятини белгилаб беради. Барча кишиларда оғиз, қулоқ, қўл бўлганидек, ҳамма мамлакатларда ҳам озиқ-овқат, енгил саноат, электр-энергетика, қурилиш корхоналари бор. Бироқ уларнинг шунчаки мавжудлиги жойларнинг иқтисодий географиясини ифодаламайди; бундай жойларнинг таърифи оддий тасвирий география бўлади, холос. Ҳақиқий иқтисодий география учун эса нима борлигигина эмас, балки уни қай даражада ривожланганлиги, яъни ихтисослашув ва мужассамлашув даражасининг юқорилиги, уларнинг бошқа жойлардан фарқи хосдир. Аммо, ҳар икки шаклнинг ҳам чегараси бўлиши керак. Худди шу нуқтаи назардан кооперация ёки ҳамкорлик янада самаралироқ ҳисобланади. Бу ўринда айтиш мумкинки, кооперация ихтисослашув билан яқиндан боғлиқ ва усиз вужудга келмайди. Чунки, ҳар қандай кооперация турли касб, ҳунар, маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашганларнинг ҳамкорлигидан бошқа нарса эмас.

***Кооперация*** пировард натижада муайян бир маҳсулот яратиш учун турли корхоналарнинг ҳамкорлигидир[1]. Бу корхоналар фақат бир ёки икки тармоққа тегишли бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, кооперацияда ҳудудий бирлик, барча ихтисослашган корхоналарнинг

[1] Қайси бир мақсадга эришиш учун турли ташкилот ва корхоналарнинг ҳудудий жиҳатдан мужассамлашуви ва ҳамкорлиги кластерни англатади

бир жойда ўринлашуви унча сезилмайди ва, аксинча, уларнинг тарқоқ ҳолда жойлашуви кузатилади.

Кооперацияда қатнашувчи корхоналар сони ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мураккаблигига боғлиқ. Чунончи, машинасозликда, аниқроғи енгил ва юк машиналарини ишлаб чиқариш учун жуда кўп эҳтиёт қисмлар, деталлар керак. Шу боис, бундай машиналарнинг яратилишида юзлаб ихтисослашган корхоналарнинг улуши бор. Масалан, Москвада енгил автомобил заводи, Толяттидаги Волга автомобил заводи (ВАЗ), Асакадаги автокорхоналар ва шунга ўхшашлар юзлаб корхоналар билан ҳамкорлик қилади. Модомики асосий, якунловчи ёки йиғувчи бош корхона кўп жойдан асбоб-ускуналар, детал ва жиҳозлар олар экан, у транспорт географик жиҳатдан, инновация, инвестиция ва инфратузилма муҳити қулай жойда қурилиши зарур. Соддароқ қилиб айтганда, кооперация биргаликда ҳар хил ишни ягона натижа асосида (мақсадида) бажариш демакдир. Унинг энг қадимий шакли мануфактура бўлиб, у даставвал Англияда тўқимачилик саноатида вужудга келган. Ўзимизда "ҳашар" йўли билан канал ёки уй-жойларни қуриш ҳам қайси бир маънода кооперацияни англатади.

***Комбинация*** ёки комбинатлаш кооперацияга ўхшаб корхоналар бирлашмасидан иборат. Аммо бу ерда тарқоқ ҳолда жойлашган бирлик эмас, балки уларнинг ҳудудий умумийлиги, технологик ва ташкилий бирлиги тушунилади. Шу сабабли комбинацияда, кооперациядан фарқли ўлароқ, ҳудудийлик хусусияти кўпроқ намоён бўлади. Бинобарин, унда мужассамлашув яққол кўзга ташланади, сабаби - кўп ҳолларда комбинатлашув муайян хом ашёни биргаликда, атрофлича қайта ишлаш билан боғлиқ. Бу икки, юзаки қараганда бир-бирига ўхшаш тушунча ўртасида бошқа фарқлар ҳам бор. Хуллас, бу шаклни қаерда «комбинат» сўзини учратсак, уни ўша соҳада кўрамиз, ҳатто аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларда ҳам (маиший хизмат комбинатлари).

Саноатда комбинатлар бир неча технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган завод ёки цехлардан ташкил топган бўлади. Чунончи, қора металлургия комбинатлари, аниқроғи тўлиқ циклли комбинатлар чўян, пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи заводлар бирлашмасидир. Агар уларнинг биттаси бўлмаса, у ҳолда комбинат тўлиқ циклга эга эмас (Бекободдаги Ўзбек металлургия комбинати худди шундай корхоналардандир). Тўқимачилик комбинатлари йигирув, бўёқлаш, тайёрлаш цехларидан иборат, хом ашё битта-пахта толаси ёки пилла

маҳсулоти. Гўшт комбинатида ҳам ягона хом ашё асосида бир неча маҳсулот: гўшт, консерва, колбаса каби бошқа маҳсулотлар олинади. Унинг чиқиндисидан, масалан, суяк ва қондан қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳасида фойдаланиш мумкин, териси эса ошлагандан сўнг чарм-пойафзал саноатида ишлатилади. Ўрмон, цемент-шифер, кимё комбинатларининг тузилиши ҳам худди шундай. Қолаверса, марказлашган иссиқлик электр станциялари ҳам комбинат хусусиятига эга, чунки улар айни пайтда электр энергияси ва пар (буғ) беради.

Шундай қилиб, комбинация саноат тармоқларининг кўпчилигига хосдир. Фақат машинасозикда «комбинат» сўзини учратмаймиз, аммо моҳиятан бу ерда ҳам у мавжуд, зотан металлдан асосий маҳсулот билан бир қаторда халқ истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқарилади. Масалан, Тошкентдаги Чкалов номли авиация бирлашмасида самолётдан ташқари автомобил учун баъзи бир эҳтиёт қисмлар, болалар аравачаси (коляска) ва шунга ўхшаш турли хил халқ истеъмол моллари ҳам тайёрланмоқда.

Умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг барча ижтимоий шакллари ўзаро боғлиқ. Жумладан, ихтисослашган корхоналар ёки кооперация ва комбинация доирасидаги ишлаб чиқариш бўғинлари ҳам у ёки бу кўринишда мужассамлашувни англатади. Бироқ, бу ерда уларнинг бир жойда тўпланганлиги, йиғилганлик даражаси бошқа жойларга нисбатан юқори бўлиши лозим, акс ҳолда том маънодаги мужассамлашув бўлмайди.

Сўнгги йилларда ихтисослашувда унинг детал ва технологик ихтисослашув шаклларининг бироз қисқариб бориш ҳоллари кузатилмоқда. Айни вақтда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, яъни предмет ихтисослашуви кенг ривожланади, айниқса детал ва технологик ихтисослашув кооперация ва комбинатлашувда кўпроқ иштирок этади. Бундай вазият қисман ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларидан ҳам келиб чиқади.

Ихтисослашув ишлаб чиқариш жараёнини ажратади, яккалайди, кооперация эса уни умумийлаштиради, комбинатлашув-бирлаштиради. Уларнинг барчаси у ёки бу даражадаги корхонада ташкил этилади, мужассамланади; масалан, ҳар қандай комбинат юқори даражадаги мужассамлашув, йирик корхона демакдир.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакллари бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Энг муҳими шундаки, корхоналарнинг катта-кичиклиги, уларнинг ихтисослашуви ва ўзаро

уйғунлашуви энди кўп жиҳатдан давлатга, ягона марказ ва режалаштиришга боғлиқ эмас. Корхоналар, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар бир-бирлари билан тўғридан-тўғри алоқа, шериклик қиладилар, давлатнинг вазифаси эса бу жараённи турли механизмлар орқали тартибга солиш ва бошқариб боришдан иборат бўлади.

Маълумки, иқтисодий география учун ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳар иккала томони ёки шакли муҳимдир. Чунки, ижтимоий ташкил қилиш ва *ҳудудий ташкил этиш* шаклларининг негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тежамкорлик ва, бинобарин, иқтисодий мақсадлар ётади. Агар ижтимоий ташкил этиш шакллари, ишлаб чиқариш корхоналарининг уларда банд бўлган ишчилар сонига кўра катта-кичиклиги, ходимларнинг нима ишлаб чиқаришига ихтисослашуви ва ҳамкорлигида ўз ифодасини топса, ҳудудий шакллар иқтисодий макон ёки ландшафтда ишлаб чиқариш тармоқларининг қандай шаклда жойлашуви, мужассамлашуви, корхоналарнинг ўзаро ҳудудий муносабатини англатади. Айнан шу нуқтаи назардан ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил қилиш тармоқлар, кишиларнинг касбий ва ҳунар таркиби, ихтисосини келтириб чиқаради. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш шакллари эса иқтисодий районлар тури ва тизими, улар ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнлари, ҳудудий иқтисодий-ижтимоий таркиб ва тизимни шакллантиради.

Иқтисодий харита ёки геоиқтисодий муҳитда ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш шакллари ўзига хос «географик геометрия» кўринишида кўзга ташланади. Улар нуқта, “қуш юлдузсимон”, майдон ёки тасмасимон бўлади; нуқталар қайси бир ишлаб чиқариш майдонининг ичида жойлашади ва улар турли чизиқлар билан бирлаштирилади. Ана шу нуқта, майдон ва тасмалар мажмуи, уларнинг бирлиги ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоқлари ичида энг қадимийси қишлоқ хўжалигидир. Унинг эволюцион ривожланиши ҳудудий ташкил қилиш шаклларининг мураккаблашиб бориши ва такомиллашуви билан бирга содир бўлади. Қишлоқ хўжалик тармоқлари – деҳқончилик ва чорвачиликнинг маълум ҳудудда жойлаштирилиши ёки штандорти дастлаб немис иқтисодчиси *Иоганн Генрих фон Тюнен* томонидан 1826 йилда ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, айнан ана шу олим иқтисодиёт назариясида биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг ҳудудий

жиҳатига эътибор қаратди, *ҳудудий иқтисодиёт* таълимотига қўл урди, иқтисодий макон тушунчасини фанга киритди. У иқтисодиётни ҳудудий ташкил этиш масалаларига мажмуали, тизимли ёндошди, қишлоқ хўжалиги тармоқлари жойлашувининг қонуниятларини очиб берди.

И.Тюнен ўзининг илмий гоясини алоҳида, бошқа мамлакатлар билан боғлиқ бўлмаган, ажралиб турган ҳудуд, ўзининг мулки мисолида яратди. Унинг фараз қилишича, бу мамлакатда атиги битта шаҳар мавжуд бўлиб, у қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи ягона бозор ёки марказ вазифасини ўтайди. Мазкур шаҳар атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш асосан транспорт харажати, маҳсулот вазни, унинг сифатини бузилмаслиги ва келтириш масофаси белгилайди. Айнан ана шу транспорт омили, унинг иқтисодий жиҳатлари қишлоқ хўжалик тармоқларини шаҳардан узоқ ёки яқин масофада жойлашув тизимини шакллантирди. Агар маҳсулот етиштириш ва уни марказга келтириш қанча арзон бўлса, у шунча яқин масофада, акс ҳолда узоқроқда жойлашади. Бунда маҳсулотнинг истеъмол, талаб "зичлиги" ҳам катта аҳамиятга эга; ҳар доим ва барча учун керак бўлган маҳсулотлар шаҳарга яқин жойлаштирилади.

Юқоридаги тартибда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш шаҳар атрофида ўзига хос айланаларни ҳосил қиладики, улар илмий адабиётларда *"Тюнен халқалари"* номи билан машҳур. Бу халқанинг энг биринчиси юқори даражада унумдор шаҳар атрофи хўжалигидан иборат бўлиб, ундан кейинги халқа ўрмон хўжалиги, учинчиси-мева ва уруғчиликдан ташкил топади. Жами Тюнен томонидан 6 халқа белгилаган бўлиб, улар турли йўналишдаги чорвачиликни ҳам ўз ичига олади.

Албатта, И.Тюнен ғояси маълум даражада абстрактдир; чунки ҳеч қандай давлат, айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги глобаллашув ва байналминаллашув жараёнида жаҳон хўжалиги тизимидан ажралган ҳолда, алоҳида ривожлана олмайди. Қолаверса, бу мамлакатда, одатда, бир эмас, бир неча шаҳар мавжуд бўлади ва ўрнашган жойнинг табиий шароити айнан бир хил эмас. Бироқ, шунга қарамасдан, муаллифнинг ушбу таълимоти ўзининг назарий аҳамиятини, хусусан бозор иқтисодиёти шароитида сақлаб қолган. Шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунда ҳам маълум даражада халқасимон ташкил этилади: энг яқин жойда сабзавот, карам, картошка, ундан узоқроқда сут чорвачилиги, дончилик, паррандачилик, боғдорчилик ва

узумчилик, гўшт-жун чорвачилиги маълум тартибда жойлашади. Бундай ҳудудий агротизимнинг вужудга келишида транспорт, бозор омили, маҳсулотнинг арзонлиги ва харидоргирлиги, сифатининг бузилмаслиги катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, кейинги йилларда транспорт инфратузилмасининг такомиллашуви, истеъмолнинг хусусийлашуви (индивидуллашуви), "яшил инқилоб", қишлоқ хўжалигининг механизациялашуви, саноатнинг қишлоқ жойларга кириб бориши каби янгиликлар, агробизнес, яъни қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорликни қайта ишлаш саноати билан уйгунлаштириш, бирлаштириш бу соҳанинг ҳудудий ташкил этишга анча ўзгартиришлар киритди. Бундан ташқари, юқорида қишлоқ хўжалиги тармоғининг фақат бир функциясига, яъни унинг аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш томонига кўпроқ эътибор қаратилди, холос. Агар шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, рус олими К.И.Ивановнинг "географик конвейр" ғояси ҳам маълум аҳамият касб этади. Ушбу ғоянинг асосий мазмуни, аввал таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва уларни истеъмолчига етказишни ҳудудларда босқичма-босқич ташкил этишдан иборат. Қишлоқ хўжалигининг иккинчи муҳим функцияси қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминлашдир. Бу саноат тармоғининг тарихан вужудга келиши аҳоли сонининг кўпайиб бориши ва унинг эҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак) фақат табиий маҳсулотлар билан таъминлашга боғлиқ. Ўз навбатида, ҳозирги кунда қайта ишлаш саноати маҳсулотларини кўп ва сифатли ишлаб чиқариш талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги билан алоқадор мазкур саноат тармоқлари дастлабки вақтларда истеъмолчига яқин, яъни шаҳарларда жойлаштирилган. Ҳатто яқин йилларгача Тошкентда пахта тозалаш, консерва заводлари, гўшт комбинатлари мавжуд эди. Кейинги йилларда бундай саноат корхоналари аста-секин ўрта ва майда шаҳарларга, қишлоқ жойларга, бевосита хом ашё районларига кўчмоқда. Бунга транспорт тизимининг ривожланиши, экологик муаммолар, қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳам сабабчидир. Натижада, қишлоқ ландшафти, унинг иқтисодий макони фақат анъанавий соҳа-қишлоқ хўжалиги билангина эмас, балки қисман "шаҳар хўжалиги" билан ҳам тўлдирилмоқда, ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш тизимлари ёки ҳудудий агросаноат мажмуалари шаклланмоқда.

Тармоқлараро мажмуалар интеграция жараёнида вужудга келади ва уларнинг таркибига расман қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати киради. Агросаноат мажмуаларининг кенгроқ талқини эса саноатнинг қолган тармоқлари ва ҳатто қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш каби барча хўжалик тармоқларини ҳам қамраб олади ва улар шу мазмунда минтақавий иқтисодиётнинг асосини ташкил этади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий ва даврий ташкил этиш хусусиятлари, мужассамлашув даражасининг юқорилиги, табиий шароити билан бевосита боғлиқ эмаслиги, ҳар хил инновациларга кўпроқ мойиллиги ва, бинобарин, мавсумий бўлмаганлиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий самарадорлигини тавсифлайди. Бу ерда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишловчи саноат корхоналари (пахта тозалаш, консерва ва вино заводлари) қисман агросоҳага хос хусусиятлар таъсирида бўлади; йил давомида бирдай ишламаслиги туфайли уларда меҳнат унумдорлиги ҳам пастроқ.

Аммо саноат корхоналарни илмий асосда жойлаштириш ғоялари дастлаб айнан ана шу тоифадаги тармоқларни ҳудудий ташкил қилиш билан боғлиқ. Бу ғоя яна бир немис олими *Альфред Вебер* номи билан машҳур. У 1909 йилда саноатни жойлаштириш ёки *саноат штандорти* тўғрисида махсус махсус изланишлар олиб борди ва И.Тюнендан фарқли ўлароқ, фақат транспорт омили билан чекланмади. Унгача германиялик В.Лаунхардт ҳам 1882 йилда алоҳида саноат корхонасини жойлаштиришда хом ашё ва маҳсулотни реализация қилиш омилларига эътибор қаратган. Бу олим транспорт харажатларини қисқартиришни муҳим шарт қилиб олган эди. А. Вебер эса фақат транспорт чиқимлари эмас, балки умумий сарф-харажатларни камайтириш ҳисобидан иқтисодий самарадорликка эришишни назарда тутган.

А.Вебер саноат корхонаси жойлашувининг оптимал (энг қулай) нуқтасини унинг иқтисодий фойдадан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Бунинг учун у хом ашё ва ёқилғи, ишчи кучи ва транспорт омилларига урғу беради. Кейинчалик хом ашё ва ёқилғи харажатлари ҳам транспорт омилига киритилади ва қолган барча шарт-шароитларни алоҳида агломерация омилида умумлаштиради. Юқоридаги омилларнинг ҳар бирини ҳисобга олиш ва уларни мувофиқлаштириш натижада саноат штандорти вужудга келади. Бунга корхонанинг жойлашуви ишчи кучи, транспорт ва агломерация омиллари билан белгиланади. Шундай қилиб, бу олим фанга саноат корхонасини жойлаштиришининг кўп омилли

таҳлилига асос солади ва бунинг учун у математик усулдан кенг фойдаланади, шунингдек, иқтисодий география фанининг дастлабки таърифини берди.

Таъкидлаш кераккки, агар И.Тюнен фақат ягона истеъмол маркази–шаҳарни фараз қилган бўлса, А.Вебер ҳам фақат алоҳида саноат корхонаси мисолида (пиво заводи) ўзининг илмий тасаввурларини яратган. Демак, ҳар иккисида ҳам маълум абстракт шароитлар инобатга олинган. Шу билан бирга, юқоридаги олимларнинг илмий ғоялари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви, унинг нотекис жойлашуви, қутбийлашувига қаратилган эди.

А.Вебернинг саноат штандорти ўз асосий моҳиятини йўқотмаган бўлсада, кейинги йилларда саноат жойлашувининг шакллари янада мураккаблашиб, такомиллашиб борди. Жумладан, бу борада экологик омилнинг таъсири кучайди, ишчи кучининг миқдор жиҳатлари эмас, унинг сифат кўрсаткичлари муҳимроқ бўлиб қолди; саноат ишлаб чиқариш меҳнатталабликдан кўпроқ “илмталаб”, маблағталабликка ўзгарди. Шунингдек, транспорт инфратузилмасидаги янгиликлар, конвейр усулининг ўрнига айни бир маҳсулотнинг турли хилларини ишлаб чиқариш (постфордизм), миқдор иқтисодиётидан сифат ёки турли хиллик иқтисодиётига ўтиш, фан-техника тараққиёти саноатни ҳудудий ташкил қилишга жиддий таъсир этди.

Ҳозирги инновацион даврда янги юқори технологияларнинг (“нау-хау”) ривожланиши натижасида глобал масштабда саноат тармоқлари ўзларининг экологик жиҳатдан тозалиги, бехатарлиги, меҳнатталаблигига кўра турли мамлакатларда жойлашмоқда. Чунончи, металлургия, кўмир ва тўқимачилик саноат марказлари депрессив ҳолатга, “ўлик шаҳар” даражасига тушиб қолмоқда, юқори даражада тараққий этган давлатлардан анъанавий саноат корхона ва тармоқлар-қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, машинасозликнинг таъмирлаш қисмлари, хом ашёни кўп сарфлайдиган, экологик хавфли корхоналар ва ҳатто тўқимачилик ҳам аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўчмоқда. Аграр район ва мамлакатлар хўжалиги шу асосда индустриялашмоқда, юқори босқичдаги мамлакатлар эса постиндустрияга қадам қўймоқда. Бу икки қутб оралиғида янги индустриал мамлакатлар қатлами пайдо бўлиб, уларнинг сафи тобора ошиб бормоқда. Жумладан, сўнгги йилларда вужудга келган БРИК (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой) ялпи ички

маҳсулоти ўсиши бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгалламоқда[1]. Ўзимизнинг Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич охирги 5 йилда ўртача 8,0-8,3 фоизданни ташкил этмоқда. Бундай глобал ўзгаришлар, трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) бутун дунё мамлакатларига кириб бориши, уларни ўргимчакдек ўраб олиши жаҳон хўжалиги ва иқтисодиётига, унинг ҳудудий таркиби ва географиясига тегишлидир.

Эътиборлиси шундаки, жаҳон саноат ва умуман иқтисодий ривожланишида янги иқтисодий география шаклланмоқда. Анъанавий индустриал марказлар ҳисобланган Шимолий ва Ғарбий Европадан ўсиш Атлантика океани бўйлаб жанубга, ҳатто Африка шимолига, Япония, Жанубий Кореядан Хитойга, ундан Тинч океан ҳавзасидаги янги ва кичик "аждаҳолар"-Сингапур, Таиланд, Малайзия, улардан Индонезия, Филиппинга силжимоқда.[2] Шу нуқтаи назардан иқтисодий географияга янгича қараш, ёндашиш концепциясининг вужудга келиши объектив ҳолдир.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётда саноатни ҳудудий ташкил қилиш шакллари янада аниқроқ кўрилади. Саноатни районлаштириш ёки ҳудудий ташкил қилишнинг бирламчи элементи ***саноат корхонасидир***. Айнан шу даражада ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шакли, яъни мужассамлашув биргаликда намоён бўлади. Қуйидан иккинчи босқич ***саноат пункти*** ҳисобланади ва у ҳеч бўлмаганда бир саноат корхонасиға эга бўлиши керак. Агар саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудий (урбанистик) мужассамлашув даражаси юқори бўлса, бир эмас, бир неча саноат корхоналари маълум нуқтада жойлаштирилса, у ҳолда саноат пункти ***саноат марказига*** айланади. Мабодо бу марказ фақат биргина шаҳардан, аксарият ҳолларда пойтахт ёки порт шаҳарлардан ташкил топса, ундай шаҳарда миллий ёки минтақавий иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби ва тузилмаси ҳам бир томонлама моноцентрик бўлади.

Саноат пункти ва марказларига оид ҳам илмий ишланмалар мавжуд. Масалан, француз иқтисодчиси *Франсуа Перрунинг* ғояси айнан ўсиш нуқта, марказ ва қутбларига бағишланган. Одатда, бу ғоя иқтисодий макон унча шаклланмаган, катта ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган ривожланаётган мамлакатларда яхши самара беради. Бундай ҳудудга турли омиллар ва шарт-шароитлар ҳисобга олинган, қулай иқтисодий географик ўринга, инвестиция ва

---

[1] Ушбу ўзига хос иқтисодий уюшмага яқинда Жанубий Африка Республикаси ҳам қўшилди.

[2] Тинч океан бўйида содир бўлаётган ҳудудий-иқтисодий ўзгаришлар турналар қаторини эслатади. Бу қаторнинг карвобошиси Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари ҳисобланади.

инфратузилма муҳитига эга бўлган нуқтада-аҳоли пунктида йирик саноат корхонаси жойлаштирилади ва шу асосда ўсиш маркази вужудга келади.

Албатта, бундай марказлар мамлакатда кўп бўлмайди ва кўп бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, асосий куч ва маблағ фақат алоҳида, катта иқтисодий самара берадиган жойларга қаратилади. Ушбу марказларда жойлаштирилган йирик саноат корхоналари аста-секин турдош ёки технологик жиҳатдан боғлиқ саноат тармоқлари билан бойиб бориши натижасида ўсиш қутблари шаклланади ва улар иқтисодий маконда порлоқ юлдуздек атроф муҳитга ўз таъсирини кўрсатади, "нурини сочади". Кўриниб турибдики, Перрунинг фикрлари ҳам иқтисодиётнинг ҳудуд бўйича нотекис ривожланиши, мужассамлашувини назарда тутади.

Ф.Перрунинг ўсиш қутблари ғояси австриялик иқтисодчи, кейинчалик Гарвард университетининг профессори Йозеф Шумпетернинг 1911 йилда ёзган "Иқтисодий ривожланиш назарияси" китобида баён қилинган тадбиркорлик асослари билан бироз ҳамоҳангдир. Ф.Перрунинг хизмати авваламбор шундаки, у ушбу ғояни ҳудуд жиҳатидан талқин қилган ва ҳудудларнинг айни бир вақтнинг ўзида бир хил даражада ривожлантириш, мутлоқ тенглаштириш ("эквализация") ғоясидан воз кечган.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида барпо этилган саноат марказлари (Асака, Қоровулбозор, Қўнғирот ва б.) келажакда ўзига хос ўсиш қутбларига айланишлари мумкин. Бундай қутблар, эркин иқтисодий зоналар мамлакат миқёсида йирик ва ўрта шаҳарлар асосида ҳам шаклланиб боради (Навоий, Ангрен, Зарафшон, Муборак, Жиззах, Қарши ва ҳ.к.). Ривожланган мамлакатлардаги фан-техника ютуқларига асосланган саноатни ҳудудий ташкил этиш шаклларидан технополис, наукоград (фан шаҳарлари) кабилар ҳам миллий ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда аҳамиятлидир. Улар кўпинча университет ва илмий-текшириш институтлари, фан инфратузилмаси муҳайё бўлган жойларда барпо этилади.

Йирик саноат марказлари ёки уларнинг атрофида ихтисослашган саноат пунктларининг жойлашуви ***саноат тугуни, саноат агломерациясини*** шакллантиради. Бундай саноат тугунлари оддий ва мураккаб кўринишда бўлади: турли, бир-бири билан ишлаб чиқариш ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари фақат ҳудудий умумийликка эга бўлса, у ҳолда бу тугун саноат

корхоналарининг оддий гуруҳи ҳисобланади. Агар мазкур саноат корхоналари орасида технологик алоқадорлик ҳам мавжуд бўлса, бундай ҳудудий ишлаб чиқариш бирлиги ривожланган мажмуа шаклини олади. Ҳар икки ҳолатда ва, айниқса, саноат мажмуасида ҳудудий мужассамлашув, агломерацион самарадорлик юқори, чунки бундай шароитда ягона инфратузилма тизими катта тежамкорликка, капитал маблағ сарфини камайтиришга олиб келади.

Худди шу мақсадда ривожланаётган мамлакатларда ***саноат парклари*** ташкил қилинади. Бунинг учун махсус танлаб олинган жой инфратузилма тизими билан жиҳозланади, йўл, ер ости ва ер усти қурилмалари, электр энергия ва сув манбалари билан таъминланади. Бундай ҳар томонлама тайёрланган жойлар чет эл сармоядорларини кириб келиши, қулай инвестиция муҳитини яратиш омилларидан энг муҳимларидир. Шунингдек, мамлакатлар миллий иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида эркин иқтисодий минтақаларнинг ҳар хил шакллари ташкил қилинади. Улар жумласига эркин саноат ҳамда саноат-савдо, экспорт-импорт, махсус иқтисодий минтақалар ҳам киради. Ушбу минтақалар учун кўпроқ иқтисодий географик ва транспортга қулай бўлган жойлар–порт ёки чегарага яқин ўрнашган шаҳарлар танлаб олинади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва саноат-асосий макроиқтисодий тармоқларнинг ҳудудий ташкил қилиш шакллари ҳар хил хусусиятга эга. Ноишлаб чиқариш, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш ҳам ўзига хосдир. Қизиғи шундаки, ушбу муаммо билан ҳам немис олими – *Валтер Кристаллер* шуғулланган. У ўзининг "Жанубий Германия марказий ўринлари" (1933 й.) номли асарида аҳоли манзилгоҳлари тизимининг жойлашуви ва уларнинг функциялари тўғрисида фикр юритган.

В.Кристаллер номи билан *марказий жойлар*, ёки *ўринлар*, пунктларининг классификацияси, поғонасимон жойлашуви, яъни иерархияси тушунчалари боғлиқ. Бу ғоянинг асосий моҳияти шундаки, турли йирикликдаги аҳоли пункти (марказ) ўзига тегишли ҳудудга ўз таъсирини кўрсатади, уни товар ва хизмат соҳалари билан таъминлайди. Марказлар даражасининг юқорилаб бориши билан ундан "пастдаги" марказларга хос соҳалар бу марказ учун ички, яъни маҳаллий аҳамиятга эга бўлади, таъсир доираси ёки радиуси кенгайиб боради. Ҳақиқий марказ эса нафақат ўз аҳолисини, балки атрофни ҳам

маҳсулот ва хизмат соҳалари билан таъминлаш қобилиятига эга бўлиши шарт.

Марказий ўринлар йириклашиб борган сари уларда пастдагилар учун ноёб бўлган хизмат соҳалари жойлаштирилади. Буни савдо, соғлиқни сақлаш ёки таълим тизимларини ҳудудий ташкил қилишда яққол кўриш мумкин. Кичик ёки ўрта қишлоқларда кундалик харид дўкони, фельдшер – акушерлик пункти, бошланғич мактаб, йирик қишлоқларда ёки туман марказларида эса турли хил савдо дўконлари, ўрта мактаб, коллеж ёки лицей, қишлоқ врачлик пункти, район касалхонаси кабилар ташкил этилади ва ҳ.к. Ана шундай тарзда поғонасимон марказий жойлар тўри ва тизими вужудга келади, улар мамлакат ҳудудини тўла қамраб олади. Идеал ҳолатда бундай жойлар турли йирикликдаги олтибурчакларни ёки асалари ини шаклини олади, ҳудудлар марказларида жойлашган аҳоли пунктлари ўзига мос таъсир доирасига, хизмат кўрсатиш радиусига эга бўлади.

В.Кристаллер ҳам ўзининг бошқа ватандошлари сингари “марказий жойлар” моделини кўпроқ абстракт ҳолатда яратган. Бунинг учун ҳудуднинг барча қисми бир хил аҳоли зичлигига, рельеф шаклига, транспорт ҳамда ҳар хил йирикликдаги шаҳарлар билан таъминланган бўлиши фараз қилинган. Табиийки, бундай идеал ҳолат Ер юзида жуда камдан-кам учрайди. Аммо шунга қарамасдан, В.Кристаллер ғоясининг, хусусан унча йирик ва мураккаб бўлмаган геоиқтисодий маконда аҳамияти катта[1].

Эътироф этиш лозимки, В.Кристаллер ҳам хўжаликнинг атиги бир тармоғини олган. Барча ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришнинг умумий ғоялари эса кейинчалик яратилди. Бунинг учун дастлабки қадамни немис О.Энглендер ва швед Т.Паландерлар қўйган (XX аср биринчи ярми). Бироқ, хўжаликнинг ҳудудий ташкил этиш таълимотининг ҳақиқий асосчиси машҳур немис иқтисодчиси *Август Лёш* ҳисобланади. А.Лёш 1940 йилда ўзининг “Жойлаштириш иқтисодиёти” номли китобини нашрдан чиқаради. У бу асарида ўзидан олдинги штандорт ғояларини умумлаштиради, кенгайтиради ва ривожлантиради, алоҳида тармоқдан бутун хўжалик мажмуига кўтарилади, ҳудудий-иқтисодий ривожланиш мутаносиблиги, *иқтисодий ландшафт* (район) тўғрисида мукаммал таълимот яратади.

---

[1] Республикамизда бундай қулай шароит қисман Хоразм вилоятида кузатилади. Бу ҳудудда табиий шароит – ер усти тузилиши, аҳоли ва ирригация инфратузилмаси, хўжалик тармоқларининг жойлашуви ва ихтисослашуви ҳам деярли биртекис бўлган ўзига хос иқтисодий ландшафт шаклланган.

Аввалроқ таъкидлаганимиздек, А.Лёш иқтисодий районлар чегарасини бозор макони ва таъсир доирасидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Умуман олганда эса, В.Кристаллер ва А.Лёш ғояларининг моҳияти регуляр, яъни бир текис ҳудудий ташкил этилган минтақаларга тўғри келади, И.Тюнен, А.Вебер ва Ф.Перрулар эса; аксинча, омилларни олдинга суриб, ҳудудий нотекислик тарафдори бўлишган. Ҳозирги кунда бу ғояларнинг биринчиси кўпроқ ривожланган мамлакатлар учун, иккинчиси эса ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти учун аҳамиятлидир.

А.Лёшнинг иқтисодий ландшафтлари, рус олимларининг иқтисодий районлари билан боғлиқ бўлган *ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари* таълимотини таниқли иқтисодчи ва географ *Н.Н.Колосовский* (1947 й.) яратган.

Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) оддий ва мураккаб бўлади. Масалан, ГЭС ва алюминий заводи ёки пахта тозалаш ҳамда ёғ заводлари бундай мажмуаларнинг унча мураккаб бўлмаган шаклидир. Улар бир корхона (комбинат) даражасидан район ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг юқори шаклларига ўтишидаги дастлабки бўғинлар ҳисобланади. ҲИЧМларнинг ривожланган шакли янада кенгроқ, ўзаро боғланган, умумий аҳоли жойлашуви ва инфратузилма тизимига эга бўлган шароитда вужудга келади. Бизнинг шароитимизда улар пахта майдони, пахта тозалаш ва ёғ заводлари, чорвачилик фермаларидан, транспорт хўжалигидан иборат бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш Ангрен-Олмалиқ, Қарши, Мирзачўл ҲИЧМлари ҳам шаклланмоқда. Аммо уларнинг мажмуа ҳосил қилиш тармоқлари ва ихтисослашуви, ҳудудий кўлами бир хил эмас.

Таъкидлаш лозимки, собиқ Иттифоқ даврида ғоявий жиҳатдан тўғри бўлган ҲИЧМ таълимоти кўзда тутилган амалий натижаларга эришмади; бундай мажмуалар ҳудуди ҳаддан ташқари кенгайтирилиб юборилди (Ғарбий Сибир, Жанубий Ёқутистон, Жанубий Тожикистон ҳудудий мажмуалари ва б.), асосий эътибор ишлаб чиқаришга берилди, ижтимоий ва экологик муаммолар эса четда қолди. Ўта марказлаштирилган режалаштиришда, маъмурий-буйруқбозлик сиёсатида бундай ҳолатнинг юзага келиши табиий, чунки корхоналар турли вазирликларга бўйсунарди, улар жойлашган ҳудуд эса битта. Қолаверса, ҳар қандай мужассамлашув иқтисодиётига фақат маълум даражадагина эришилади, ҳудуд қамрови ҳаддан ташқари катталаштирилса бундай самарадорлик тескари бўлади. Бинобарин,

ҲИЧМлар саноат тугуни ёки кичик агросаноат мажмуалари доирасида яхширок натижа беради.

Юқорида барча хўжалик тармоқлари алоҳида ва биргаликда ҳудудий жиҳатдан кўриб чиқилди. Аммо улар орасида, транспорт тармоғига деярли эътибор берилмади; у фақат омил сифатида назарда тутилди, холос. Ваҳоланки, транспортсиз қишлоқ хўжалиги ва саноат штандорти, иқтисодий район ва ҲИЧМлар пайдо бўлмайди. Шу нуқтаи назардан *транспорт* умуман ишлаб чиқариш жараёни ва уни ҳудудий ташкил қилишнинг "қон томири", ҳаракатлантирувчи, мустаҳкамловчи, боғловчи қисмидир.

Транспортнинг ўзини ҳам ҳудудий ташкил қилиш шакллари мавжуд. Энг аввало бу соҳанинг тасмасимон, лентасимон, чизиқли жойлашувини, турли транспорт турларининг кесишган нуқталарида транспорт тугунларининг пайдо бўлишини унутмаслик лозим. Агар бир неча транспорт (автомобил ва темир йўллар, қувур ва электрон транспорт) бир йўналишда, бир-бирига параллел ҳолда жойлаштирилса, у ҳолда ўзига хос ҳудудий транспорт мажмуалари шаклланади. Бундай бақувват боғловчи "арқонлар" кўпинча иккита йирик саноат марказлари оралиғида, коридор шаклида вужудга келади. Худди шундай йўлак ёки каридорлар Ҳиндистоннинг йирик шаҳарлари орасида шаклланган.

Магистрал йўллар ва шаҳарлар, шаҳар агломерациялари миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг, иқтисодий географик вазиятнинг ички тузилиши, таянч нуқта ва чизиқларини ташкил қилади. Масалан, Тошкент-Жиззах-Бекобод, Самарқанд-Бухоро-Қарши "учбурчаклари", Фарғона халқаси Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг географик ўзагини акс эттиради. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли Сурхондарё вилоятини Қашқадарё билан боғлайди, натижада жанубий-ғарбий Ўзбекистонда ягона иқтисодий макон шаклланади.

Умуман олганда, транспорт иқтисодий географик самарадорликнинг асосий омили ҳисобланади. Агар иқтисодий самарадорликка техника ва технологиялардан, ишчи кучи, хом ашё ва электр энергиядан тўлароқ фойдаланиш асосида эришилса, иқтисодий географик самарадорлик масофани қисқартириш, тўғри ҳудудий ташкил этиш орқали юзага келади. Ана шундагина *иқтисод географияси эмас, иқтисодий география* чин маънода шаклланади. Сабаби, иқтисод географияси ниманидир ҳудудий тарқалишини англатса, иқтисодий география нима, қандай ҳудудий ташкил

этилганлиги, "нуқта, ареал ва чизиқлар" ўртасидаги ҳудудий – иқтисодий муносабатлар, уйғунликни назарда тутади.

# ЕТТИНЧИ БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ишлаб чиқариш тармоқлари ўз-ўзидан, тасодифан ҳудудий тарқалмайди, балки тегишли шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ёки, аниқроғи ҳудудий ташкил этилади. Бу омилларни яхши билиш ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизимининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга асос бўлади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш маълум қонуният, принцип ва омиллар асосида амалга оширилади. Қонуниятлар, энг аввало, омилларнинг ўзаро алоқадорлиги, ишлаб чиқариш корхона ва тармоқларининг ҳудудий ва технологик мажмуа шаклида ташкил этилиши, бу тармоқлар ривожланишидаги мутаносибликлардан келиб чиқади. Масалан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўзининг қонуниятлари мавжуд. Ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмол, таклифга кўра талабнинг устунлиги, эркин рақобат, очиқ иқтисодиёт юргизиш, уни либераллаштириш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш шулар жумласидандир. Булар, албатта, ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, иқтисодий маконнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Принцип ёки тамойиллар қўйилган стратегик мақсадларга эришишдаги дастлабки бирламчи асослар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш даврига мос беш асосий принцип ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Ўз навбатида, улар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда эътиборга олинади.

Шунингдек, бу даврда вақт ва маблағдан унумли фойдаланиш, мамлакат иқтисодий хавфсизлиги, миллий иқтисодиёт мустақиллиги ва мустаҳкамлигини таъминловчи соҳаларни жадалроқ ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурсларини ишга солиш, минтақалараро иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борада ишлаб чиқаришни хом ашё базасига, электр манбаи ва истеъмол районларига яқинлаштириш принципи ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Бироқ, унутмаслик лозимки, барча ишлаб чиқариш тармоқларини бир

вақтнинг ўзида ҳам хом ашё, ҳам ишчи кучи, ҳам истеъмол районига яқинлаштириш қийин (ё унисини ёки бунисига яқинлаштириш мумкин, аммо ҳаммасига эмас!). Бинобарин, бу тамойилни ҳар хил тармоққа нисбатан аниқ қўллаш талаб қилинади.

Ўтиш даврида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш принципи ҳам аввалгидек, "социалистик руҳда" талқин қилинмайди. Қолаверса, бу даврда минтақалараро тафовут сақланиб ва ҳатто бироз кучайиб бориши мумкин (айниқса саноат ишлаб чиқаришида). Шу боис, давлатнинг минтақавий сиёсати бу фарқларни иложи борича қисқартиришга йўналтирилади. Бундай ҳудудий номутаносибликларнинг ўзига хос ривожланиш омили сифатида маълум даражада сақланиб қолинишининг сабаби шундаки, бир вақтнинг ўзида барча тармоқларни бир даражада ривожлантириш асло мумкин эмас. Худди тармоқлар таркибида бўлганидек, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тузилмасида ҳам ривожланиш навбатма-навбат, устуворлик принципи, рақобат асосида олиб борилади.

Табиийки, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда минтақаларнинг ривожланиши турли хил омил ва шароитларга ҳам боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш тармокларини жойлаштиришда хом ашё, ёқилғи, электр қуввати, сув ва иқлим шароитлари, меҳнат ресурслари, истеъмол ва транспорт, иқтисодий географик ўрин каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, экология, илмий-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиёти омилларининг бу борадаги роли ҳам ошиб бормокда.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар жуда кўп. Модомики бу омиллар кўп экан, демак:

- *уларнинг таъсир даражаси ҳар хил бўлади;*
- *бу омилларни гуруҳлаш, устуворлигини аниқлаш талаб этилади;*
- *омиллар ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришни ўрганишда комплекс (яъни ҳар томонлама) ёндашув зарур.*

У ёки бу омилнинг таъсир даражаси унинг маҳсулот чиқаришдаги "солиштирма оғирлиги" билан ўлчанади ёки унинг маҳсулот бирлиги билан нисбати ҳисобга олинади. Албатта, жамият тараққиёти, фан-техника ривожи ва бошқа сабаблар туфайли омилларнинг таъсирчанлиги ўзгариб боради. Агар илгари табиий шароит, хом ашё, ишчи кучи кабиларнинг аҳамияти катта бўлган бўлса, ҳозир илмий - техника тараққиёти, экология, бозор, истеъмолнинг кучайиши ва

турланиши муҳимрок бўлиб қолмокда, ишлаб чиқариш кўпроқ маблағталаб ва илмталаб бўлиб бормокда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишда омилларнинг таъсирчанлиги, яъни унинг кўп сарфланиши аста-секин камайтирилиб, серҳаражат иқтисодиётни олдини олишга эътибор кучайиб боради. Масалан, маҳсулот бирлигига нисбатан сарфланадиган хом ашё, ёқилғи, электр қуввати, ишчи кучи ва бошқалар мунтазам равишда тежалади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиб боришига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "кўп сарфланади" деган сўз ўз-ўзидан исрофгарчиликни ва, бинобарин, атроф-муҳит экологиясига ҳам салбий таъсирни англатади[1]. Хом ашё кўп сарфланадиган ёки "сув талаб" корхоналарда шунга мос равишда хом ашёнинг тўла ишлатилмаслиги, унинг чиқиндига кетиши, сувнинг ифлосланиши каби ҳолатлар юз беради. Демак, бу борада тежамкорлик ҳам иқтисодий, ҳам экологик аҳамиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда барча шарт-шароитлар, омиллардан келиб чиқилади. Лекин маълум тармоқни ҳудудий ташкил этишда ҳамма омил эмас, улардан фақат айримлари етакчи, ҳал этувчи рол ўйнайди. Бунинг учун яратиладиган маҳсулот бирлигига, масалан, сув ёки электр қуввати, ишчи кучининг қай даражада сарфланишини аниқлаш талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, "каср махражида" маҳсулот бирлиги, унинг суратида эса алоҳида-алоҳида омиллар (айтайлик 1 тонна шакар олиш учун қанча хом ашё, яъни қанд лавлаги ишлатилади, қанча электр қуввати ёки меҳнат сарфланади ва ҳ.к.) туради. Қайси омил бўйича 1 дан катта сон чиқса, унинг аҳамияти шунча юқори бўлади ва у қурилаётган ишлаб чиқариш тармоғини жойлаштиришда аниқловчи вазифани ўтайди[2].

Алоҳида шуни қайд этиш лозимки, маълум тармоққа кирувчи барча корхоналар хили ёки кичик "тармоқчалар" учун биттагина омил тегишли бўлмайди. Жумладан, машинасозлик тармоғига тегишли баъзи бир корхоналарни жойлаштиришда хом ашё (метал) кўпроқ белгиловчи омил бўлса, бошқаси учун малакали ишчи кучи муҳим ҳисобланади.

**Табиий шароит ва агроиқлимий ресурслар.** Хўжалик тармоқлари, шунингдек, аҳолининг жойлашувида табиий шароитнинг

---

[1] Собиқ Иттифоқда кўп ҳаражатли иқтисодиёт ривожланган эди. Унинг баъзи бир асоратлари ҳозирги Ўзбекистонда ҳам сақланиб қолинмоқда

[2] Бу ҳақда муаллифнинг *"Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш" номли рисоласидан (Т., 2000)* тўларок маълумот олиш мумкин.

роли катта. Бу борада айниқса ер, сув, ҳарорат, тупроқ кабилар муҳим аҳамият касб этади. Ернинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ўрни унинг майдони, катта-кичиклиги, геоморфологик хусусиятлари орқали тавсифланади (ерни баҳолаш билан ер кадастри шуғулланади).

Ер жамият ривожланишининг энг қадимий, энг бирламчи омилидир. Ксенофонт (э.а.430-355 йй.) "Ер инсонни соғлом, тўқ ва адолатли қилади", деб ёзган эди. Инглиз иқтисодиёти ва статистикасининг асосчиларидан бири У.Петти (1623-1687 йй.) фикрича, меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, агар ер кўпгина хўжалик тармоқлари-саноат, транспорт ва бошқалар учун оддий шароит сифатида хизмат қилса, у (тупроқ) қишлоқ хўжалигида бебаҳо бойлик, муҳим ресурс ҳисобланади. Айни вақтда саноат корхоналарининг (йирик металлургия, кимё ёки машинасозлик заводлари) катта майдонларни эгаллашини ҳам унутмаслик керак. Бундай майдонлар аэропортлар, ботаника ёки ҳайвонот боғи, қўриқхоналар учун ҳам талаб этилади.

Сув ресурсларининг ҳам аҳамияти кўп функцияли. Саноатда сув хусусан сув ва иссиқлик электр станциялари, қора ва рангли металлургия, целлюлоза-қоғоз, гидролиз, синтетик тола ишлаб чиқаришда, тўқимачиликда кўп сарфланади (айрим маълумотларга кўра, саноат бутун халқ хўжалигида сарфланадиган сувнинг 40 фоизини истеъмол қилади). Масалан, 1 тонна синтетик тола ишлаб чиқариш учун 2000 $м^3$, 1 тонна ип газламасига 1260 $м^3$, 1200 минг кВт кувватга эга бўлган иссиқлик электр станцияси учун эса 1200 $млн^3$ сув сарфланади. Демак, бу ва шунга ўхшаш саноат корхоналарининг сув сиғими жуда юқори. Мазкур омилнинг қишлоқ хўжалиги ва, айниқса, суғорма деҳқончиликдаги ўрни янада юқори. Зеро, дастлабки маданийлашган, ривожланган жойлар айнан Ер юзининг суғорма деҳқончилик районларида, воҳаларда вужудга келган (Нил дельтаси, Месопотамия, Ҳинд-Ганг пасттекислиги, Хуанхэ дарёсининг ўрта қисми, Мовароуннаҳр ва б.).

Иссиқ иқлим шароитида саноат корхоналарини очиқ усулда қуриш, сув ва бошқа алкоголсиз ичимликлар, ип газлама ишлаб чиқаришга ўхшаш тармоқларни кўпроқ ривожлантириш талаб этилади. Об-ҳаво ва иқлим транспортнинг кўпгина турларини ривожлантириш ва жойлаштиришга ҳам таъсир қилади. Айни вақтда табиий географик шароитлар рекреация ва туризм соҳаларини ташкил этишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Сув мўл бўлган ҳудудларда, одатда, шоли, сабзавот кабилар экилади; пахта ҳам анча сувталабдир. Қизиғи шундаки, ер майдони бор жойда, сув етишмайди ва, аксинча, сув кўп тоғли ҳудудларда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мушкул. Тўғри, ҳар иккаласи муҳайё бўлган жойлар ҳам йўқ эмас. Аммо бундай жойларда ҳаво ҳарорати етишмаслиги мумкин. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги ва, айниқса, унинг сердаромад тармоғи деҳқончилик учун уч асосий омил: ер, сув ва ҳарорат зарур. Албатта, бу мазмунда ер фақат оддий экин майдони мазмунидагина эмас, балки унинг тупроқ қатлами билан аҳамиятлидир. Шу боис, агроиқлимий ресурсларни ҳарорат, сув ва тупроқ бирлигида кўриш янада тўғрироқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ер бойлиги анча катта (майдони 448,9 минг кв.км.). Унинг иқлим шароитлари ҳам қулай-баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бир йилда 2-3 марта ҳосилини олиш мумкин. Бироқ, қишлоқ хўжалигида мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш учун ирригация ва мелиорация, агроинфратузилма тизимини ривожлантириш, экологик муаммоларни ҳал қилиб бериш талаб этилади.

**Хом ашё омили.** Табиийки, маҳсулот хом ашёсиз яратилмайди. Аммо айрим маҳсулотларни олиш учун хом ашё бошқаларига қараганда кўпроқ сарфланади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар ва корхоналар мумкин қадар хом ашё районларига яқин жойлаштирилади.

Саноатнинг барча тармоқлари, масалан, тоғ-кон, ўрмон, балиқчилик ўз-ўзидан маълумки, хом ашё бўлмаган районларда ривожланмайди. Бундай саноат тармоқларининг жойлашуви бевосита фойдали қазилмалар ёки табиий бойликлар географияси билан боғлиқ. Бошқа саноат тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши эса бироз мураккаброқ. Масалан, 1 *тонна пахта* толаси олиш учун тахминан 3 тонна хом пахта, 1 тонна пахта ёғи учун 5 тонна чигит, 1 тонна писта ёғига 3 тонна кунгабоқар, 1 тонна шакарга 7 тонна қанд лавлагиси ишлатилади. Ушбу рақамларни нисбий кўринишда бериш ҳам фойдадан холи эмас. Чунончи, пахта толасини оқ пахтадан чиқиши 32-33 фоиз, пахта ёғининг чигитдан олиниши 20-22 фоиз, шакарни қанд лавлагидан олиш 14-15 фоиз ва шунга ўхшаш. Демак, бу корхоналар хом ашё районида ёхуд унга яқин жойлаштирилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хом ашё талаблиги ёки унинг сиғими билан экологик муаммолар ҳам боғлиқ. Қизиғи шундаки, биз,

одатда, юқоридаги мисолларда асосий эътиборни олинган маҳсулотга – ёгга, шакарга қаратамиз, бироқ хом ашёнинг колган кўпгина қисми (бизнинг мисолимизда қанд лавлагисининг 6/7, пахта ёғининг 2/3 қисми) кўп ҳолларда эътиборимиздан четда қолади. Ваҳоланки, улар ишлаб чиқариш чиқиндиси сифатида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бинобарин, хом ашё массасининг тайёр маҳсулотга айланиш ҳажми ишлаб чиқариш корхоналарини қаерда - хом ашё базасига ёки истеъмолчига яқин жойлаштирилишини белгилаб беради. Мисол учун ғишт ёки шлакоблок ишлаб чиқаришда хом ашё чиқиндисиз бирламчи маҳсулотга айланади. Табиийки, уларни бевосита истеъмол районларида жойлаштирган маъқул. Шунинг учун ҳам республикамизда ғишт заводлари сони жуда кўп, улар учун хом ашё ҳам кенг тарқалган.

Минерал ўғитлар ичида калий ўғитини ишлаб чиқариш географияси батамом хом ашё омили билан белгиланади, чунки уни олиш учун кўп миқдорда калий тузи сарфланади. Айни пайтда азот (селитра) ўғитини ишлаб чиқарувчи корхоналар анча "эркин" жойлашади. Бундай корхоналар қора металлургия марказларига, сув манбаларига яқин, нефт ва газ саноати ривожланган районларда қурилиши ҳам мумкин. Фосфор ўғити ишлаб чиқарувчи корхоналар хом ашё ва истеъмол районларида жойлаштирилади, хом ашё сифатида апатит, фосфоритлар хизмат қилади. Бу ўғитни ишлаб чиқаришда олтингугурт кислотаси ҳам талаб этилади. Шу боис улар рангли металлургия марказларида ҳам ташкил қилинади. Ўзбекистонда азот ўғити ёки селитра Чирчиқ, Навоий, Фарғонада, суперфосфат Қўқон ва Самарқандда, аммофос ёки азот ва фосфор ўғитларининг бирикмаси Олмалиқда ишлаб чиқарилади.

2010 йилда маҳаллий хом ашё (Тюбегатан, аниқроғи – Теппақўтон туз конлари) асосида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида йирик калий заводи ишга туширилди. Ҳозирги вақтда унинг иккинчи навбати қурилмоқда. Яқин келажакда Ўзбекистон Марказий Осиёда энг кўп калий ўғити ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланади.[1] Шу билан бирга, мустақиллик йилларида Навоий вилоятида топилган ва ишга туширилган йирик фосфорит кони ҳам республикамизда кимё саноати ривожланиши муҳим аҳамият касб этди. Натижада, мамлакатимиз суперфосфат саноати учун Қозоғистондан (Қоратов,

---

[1] Корхонанинг иккинчи навбати қурилгач, унинг лойиҳавий қуввати 600 минг тонна калий ўғитини ташкил қилади.

Жонатас) келтириладиган хом ашё эмас, балки ўзимизнинг маҳаллий фосфорит заҳираларидан фойдаланиш имконияти вужудга келди.

Хом ашёга кўпроқ йўналтирилган саноат тармоқларининг жойлашувини ўрганиш, энг аввало, мамлакат табиий шароити ва бойликларини билишни талаб этади. Турли хил қазилма бойликларнинг маълум ҳудуддаги бирлиги бу ерда ишлаб чиқаришни комплекс ташкил қилишга, ҳудудий мажмуаларни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ёқилғи иссиқлик электр станциялари учун ҳамда қора металлургия саноатининг дастлабки-чўян эритиш боскичини жойлаштиришда асосий рол ўйнайди. Аммо унинг таъсири ҳамма вақт ҳам етакчи кучга эга эмас; иссиқлик электр станциялари ёки металлургия заводлари айрим ҳолларда истеъмол районларида ҳам жойлаштирилиши мумкин. Бу масала айниқса нефт ва унинг маҳсулоти - мазут, табиий газ асосида ишловчи иссиқлик станцияларини қуришга тегишлидир.

Бироқ, қора металлургия заводларини жойлаштириш қонуниятлари бир хил бўлмайди. Маълумки, қазиб олинадиган темир рудасининг, ўртача ҳисоблаганда тахминан 48-50 фоизи фойдалидир, яъни улардан деярли шунча чўян олиш мумкин (1 тонна чўян ишлаб чиқишда тахминан 2 тоннага яқин темир рудаси ва 1,2 тонна.коксланувчи кўмир сарфланади). Лекин бу "ўртача" рақам ҳамма жойда ҳам бир хил эмас: айрим конларда темирнинг қазиб олинадиган рудадаги улуши атиги 17-20 фоизни ташкил этади, холос. Бундай конларга Уралдаги Қўшқанорни ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги Тебинбулоқни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ерда қазиб олинадиган рудани бевосита домна печларида эритиб бўлмайди, чунки керакли минералдан кўра кераксиз жинслар кўпроқ. Шунинг учун бу руда албатта дастлаб бойитилиши ва унинг таркибидаги фойдали минералнинг ҳиссаси оширилиши лозим.

Бойитилгандан сўнг руда таркибидаги (рангли металлар учун бойитиш жараёни айниқса муҳим, сабаби уларнинг тоғ-кон жинсларидаги улуши жуда паст) металл миқдори бир неча баробар кўпаяди. Аммо бундан кейин ҳам унинг ҳиссаси етарлича бўлмайди. Шунинг учун металлургия корхоналари кўпроқ хом ашё районига яқинроқ жойлаштирилади.

Ер юзида "бой" конлар ҳам йўқ эмас, жумладан, Курск магнит аномалиясига кирувчи Белгород яқинидаги конларда темирнинг

рудадаги улуши 60-65 фоизгача етади. Бинобарин, бундан қазиб олинадиган хом ашёни бевосита бойитмасдан домна печларида эритса бўлади. Модомики шундай экан, уларни ташиб бориш учун транспорт харажатлари ва, пировард натижада, эритилган чўяннинг таннархи унча юқори бўлмайди. Бу эса корхоналарни ёқилғи районида ёки унга яқин жойларда қуришни тақозо этади.

Қозоғистон Республикасидаги Қарағанда тўлиқ циклли металлургия комбинати бевосита кўмир ҳавзаси районида жойлаштирилган. Новокузнецк, Липецк, Тула (Россия), Кривой Рог (Украина) комбинатлари эса хом ашё, яъни темир рудаси конларига яқин қурилган. Айрим ҳолларда металлургия заводлари хом ашё ва ёқилғи районлари ўртасида жойлашган, зеро мазкур саноат тармоғи учун бу икки омилнинг аҳамияти бир хил. Бунга мисол сифатида Череповец металлургия комбинатини (Россия Федерацияси) келтириш ўринли. У Печора коксланувчи кўмир ҳавзаси билан Кола ярим ороли темир рудаси конларининг деярли ўртасида қурилган. Лекин ушбу корхона аниқ икки оралиқ масофада эмас, у бироз ғарбга "тортилган". Бунинг сабаби, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларининг йирик машинасозлик корхоналарини пўлат ва прокатга бўлган эҳтиёжидир.

Шунингдек, кўмир ва темир рудасини бир-бири билан ҳудудий алмашув тамойили асосида ҳар иккала районда шаклланган қора металлургия марказлари ҳам мавжуд. Бу борада 30-йилларда амалга оширилган Урал-Кузнецк комбинатини (УКК) эслаш кифоя. Мазкур минтақавий дастур ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуининг дастлабки кўриниши бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этишда ҳам хом ашё районида– Жанубий Урал темир рудаси конлари асосида Магнитогорск ҳам ёқилғи районида – Кузнецк тошкўмир ҳавзасида (Кузбасда), яъни Новокузнецкда бундай улкан корхоналар қурилган эди.

Донецк-Днепрбўйи райони Украинанинг асосий ёқилғи ва қора металлургия базаси ҳисобланади. У илгари дунёга донғи кетган Урални орқада қолдириб, XIX асрнинг сўнгги чорагида гуркираб ривожланган, ўша пайтдаги Жанубий саноат райони деб аталмиш ўлка сифатида машҳур бўлган. Ҳозирги даврда бу ерда қора металлургиянинг иккита ихтисослашган райони шаклланган, улар бир-бирлари билан хом ашё ва ёқилғи алмашуви негизида, маятниксимон кўринишда амал қиладилар. Бу ҳам бўлса Донбасс ва Днепрбўйидаги бир гуруҳ корхоналар уюшмасидир. Донбассда коксланувчи кўмир, Днепрбўйида темир рудаси (Кривой Рог ҳавзаси) бор. Мазкур минтақада учинчи,

лекин олдингиларга қараганда кичикроқ металлургия райони, аниқроғи маркази ҳам шаклланган. У Мариуполдаги корхоналар бирикмаси бўлиб, Донбасс кўмири ва Крим ярим оролидаги Қамишбурун темир рудаси базасида ишлайди[1].

**Электр энергетика омили.** Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини электр қувватисиз тасаввур қилиш қийин. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у яратган маҳсулотни, яъни электр қувватини жамғариб, омборхоналарға йиғиб бўлмайди, ундан айни пайтнинг ўзида, синхрон равишда фойдаланиш керак. Бундан ташқари, электр қуввати юқори кучланишли электр тармоқлари орқали узоқ масофаларга ҳам узатилиши мумкин. Одатда, электр қуввати омилини ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишида, энг аввало, унинг арзон хилларига урғу берилади. Арзон электр қуввати сув станцияларидан олинади, чунки сув сувлигича ГЭСдан кейин ҳам қолаверади, иссиқлик электр станцияларида эса кўмир, мазут ёки табиий газ тамомила сарфланади.

Электр энергетика омилига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. 1 т. қалайи ёки титан ишлаб чиқариш учун (титан пўлатдан бир неча марта енгил ва, айни чоғда, ундан анча чидамлирок) 40-50 минг кВт/соат, худди шу миқдордаги алюминийга ва натрийга 16-19 минг кВт/с, мисни рафинациялаш (тозалаш), электр печларида пўлат эритишда уларнинг ҳар бир тоннасига 8-10 минг кВт/с атрофида электр қуввати сарфланади. Шунингдек, темир қотишмалари (ферросплав), магний, қўрғошин, синтетик тола ва каучук кабиларнинг ҳам электр энергиясига талаби катта. Табиийки, бундай корхоналар арзон электр энергияси манбаларига яқин жойда қурилиши керак.

Жуда қизиқарли ҳол: Россиянинг бир қатор шаҳарларида ГЭС ва алюминий заводлари "қўш кулча"дек айнан бир жойда, бир марказда учрайди. Масалан, Братск ГЭС ва Братск алюминий заводи, Красноярскдаги ГЭС ва алюминий завод, Волгаград ГЭС ва алюминий корхонаси ва ҳ.к. Бундай жуфтликлар ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари Украина, Арманистон, Франция ва бошқа жойларда ҳам мавжуд. Тожикистон Республикасидаги Турсунзода (Регар) шаҳридаги алюминий завод ҳам Норак ГЭСига яқин жойда қурилган. Олмалиқда йирик рангли металлургия ва кимё корхоналари шу ердаги ИЭМ ҳамда Янги Ангрен ИЭСидан, Чирчиқ саноат мажмуаси Чирчиқ каскад СЭС

---

[1] Шу ўринда эслатиб ўтамиз: республикамизда кокслanувчи кўмир ҳамда темир рудаси заҳираларининг озлиги тўлиқ цикли қора металлургия саноатини ташкил этиш имкониятларини бироз чеклайди.

қувватларидан фойдаланади. Фарғонадаги кимё, нефтни қайта ишлаш ва бошқа саноат корхоналари бу шаҳардаги йирик ИЭМдан электр энергиясини олади.

Демак, электр қуввати омил сифатида бир қатор саноат тармоқларини ўз атрофида "йиғар" экан. Шу сабабли, у катта йирик район ва ҳудудий мажмуа ҳосил қилиш қудратига эга. Бизнинг шароитимизда электр қуввати янги ерларни ўзлаштириш учун ҳам керак. Жумладан, Қарши даштининг асосий қисми Толлимаржондаги бир қатор насос станциялари воситаси билан суғорилади. Ҳозирги кунда электр қуввати маҳаллий табиий газ асосида ишлайдиган Толлимаржон ИЭСда олинади.

Республикамизда булардан ташқари Сирдарё, Ангрен, Тошкент, Навоий, Тахиатош ИЭСлари, Андижон, Чорбоғ, Хожикент, Туямўйин ва бошқа ГЭСлар мавжуд. Улар йилига 50 млрд кВт/соатдан кўпроқ электр энергиясини ишлаб чиқаради. Бу эса рангли металлургия, кимё каби "энергияталаб" тармоқларни ривожлантиришга имкон беради.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар ичида энг муҳими ***аҳоли ва меҳнат ресурсларидир***. Албатта, ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучисиз содир бўлмайди. Аммо бу ўринда икки ҳолни қайд этиш лозим: биринчидан, шундай корхоналар борки, уларга сон жиҳатидан кўп ишчи керак. Масалан, тикув фабрикаси, консерва заводи, пахта етиштириш, уни қайта ишлаш корхоналарининг меҳнат сиғими катта ва ҳ.к. Айни бир пайтда бошқа корхоналарга меҳнат ресурсларининг миқдори кўп бўлиши шарт эмас, аксинча, "оз бўлса ҳам, соз бўлсин" маъносида уларга малакали, яъни сифатли ишчи кучи талаб қилинади. Мазкур корхоналар ва тармоқлар радио ёки приборсозлик, аниқ машинасозлик ва шунга ўхшаш, одатда, малакали ишчи кучи мавжуд бўлган марказларда жойлаштирилади. Бундай илмталаб корхоналарни ташкил этишда баъзи ривожланган мамлакатларда махсус технополис ва фан шаҳарлари яратилади.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий кўпайишини нисбатан юқорилиги меҳнат захираларининг кўплаб шаклланишига олиб келади. Шу сабабли республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сони миқдоран жуда кўп[1]. Уларнинг сони, айниқса, қишлоқ жойларида ва суст ривожланган кичик шаҳарларда юқори. Бинобарин, бундай жойларда иш ўринларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш,

[1] 2013 йил бошида мамлакатимиз аҳолиси тахминан 30 млн кишини ташкил қилади, унинг ярмига яқини меҳнат қилиш ёшидагилар саналади.

янги саноат ва бошқа корхоналар, маданий-маиший муассасаларни қуриш, меҳнат бозорини шакллантириш долзарб масаладир.

Аҳоли, албатта, фақат ишчи кучи эмас, у балки кўпроқ даражада истеъмолчи ҳамдир. Бу омилнинг роли эса ҳозирги кунда халқнинг яшаш шароити ва даражасини яхшилаш доирасида кескин ошиб бормоқда. Аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва унинг бошқа эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотларни етарли даражада ишлаб чиқариш талаб этилади. Шу боис, истеъмол омили озиқ-овқат корхоналарини ўзига "тортади", яъни бундай завод ёки фабрикалар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари қишлоқ ва шаҳарларда жойлаштирилади. Хусусан бу масалага республикамизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш (локализация) дастурида катта эътибор қаратилган. Шу ўринда истеъмолнинг эгилувчанлиги, тез-тез ўзгариб туришини ҳам эътиборга олмоқ зарур. Сабаби, биринчидан, ҳаммага ҳам бир хил истеъмол маҳсулоти ёқмайди, иккинчидан, улар тез орада жисмонан эмас, маънавий жиҳатдан эскиради. Масалан, бир вақтлар тиш ювадиган паста, кир ювиш порошоги, алкогол ва алкоголсиз ичимликлар, оддий ручка кабиларнинг атиги бир ёки икки нусхаси мавжуд бўлган, холос. Ҳозирда эса уларнинг тури беҳисоб. Шу боис, истеъмол омили ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда муҳим омилга айланмоқда. Бунда аҳолининг демографик хусусиятлари, ёш-жинс, миллий таркиби, зичлиги, миллий урф-одат ва анъаналари (менталитети) ҳам назардан четда қолмаслиги керак.

Истеъмол омили фақат халқ эҳтиёжи билан белгиланмайди. Ишлаб чиқаришнинг ўзини талаби, бошқа хил маҳсулотларнинг кенг миқдорда сарфланиши, уларнинг транспортда келтиришнинг ноқулайлиги ҳам бундай корхоналарнинг истеъмол районларида қурилишини тақозо этади. Чунончи, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ўша минтақанинг ишлаб чиқариш ихтисослашувига мувофиқ шу ернинг ўзида ривожлантирилиши зарур. Умуман, қайси район нимага ихтисослашса, шу тармоқ учун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги яхши йўлга қўйилган бўлиши қонуний бир ҳолдир. Ўзбекистонда пахта терувчи, Белоруссияда картошка, Украинада қанд лавлаги, Шимолий Кавказда ва Волгабўйида ғалла йиғувчи, Қирғизистонда пичан тахловчи, Грузияда чой терувчи машиналарнинг ишлаб чиқарилиши фикримизни асослаб беради. Худди шундай, районларнинг маълум бир саноат тармоқларига ихтисослашуви мазкур соҳаларга тегишли

машина, асбоб-ускуна, жиҳозлар ишлаб чиқарилишини талаб этади: Уралда металлургия саноати учун, Бокуда нефт, Донбассда кўмир, Петрозаводскда ўрмон, Ўзбекистонда тўқимачилик машинасозлиги ва ҳ.к.

Айрим бошқа саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳам аҳоли яшаб турган жойларда ўринлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, кўп истеъмол қилинадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-сут, пиёз, карам ва бошқалар шаҳар атрофи хўжалиги доирасида етиштирилади. Бошқа мисол: нефтни келтириб, ундан бензин, керосин, мазут ва шунга ўхшаш турли маҳсулотларни олиш, кимё саноатини ривожлантириш маъқулми ёки маҳсулотларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида келтириш-ми? Табиийки, бу ерда биринчи вариант маъқулроқ[1]. Худди шунга ўхшаш: бошқа жойлардан ғалла келтириб, ундан ҳар хил маҳсулотлар: ун, сухари, печенье, макарон, вермишел, омухта ем кабиларни ишлаб чиқариш қулай ва арзонроқ.

Гўшт саноатини жойлаштириш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу саноат бевосита чорвачилик районларида ривожлантирилса, унда истеъмолчига фақат музлаган гўшт келтирилади. Бундай гўштдан эса колбаса, консерва, қийма гўшт ёки бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариб бўлмайди. Аксинча, агар гўшт саноати истеъмол районларида ўрнаштирилса-чи? Унда молни келтириши керак, аммо бу даврда бироз бўлсада у ўз тирик вазнини йўқотади. Бундан ташқари, гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш молнинг жуни ва териси, қони ва суягидан шу жойнинг ўзида фойдаланиш имконини берса-да, мазкур заводларни шаҳар ичида ўрнаштириш экологик нуқтаи назардан мақбул эмас. Бир вақтлар йирик гўшт комбинати Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида, Бўзсув ариғи бўйида қурилган эди. Бу корхона ўз навбатида кўнчилик, пойафзал саноатининг айнан шу районда шаклланганлигига сабаб бўлган. Кейинчалик комбинатнинг шаҳар ичида жойлаштирилиши кўп жиҳатдан нотўғрилиги сезилиб қолинди. Натижада, у Зангиота туманидаги Ўртаовул шаҳарчасига чиқарилди. Демак, бу корхона кўпинча чорвачилик районида ҳам, йирик шаҳарда ҳам эмас, экологик бехатар, истеъмолчига нисбатан яқин жойга қурилади.

***Транспорт омили*** жуда муҳим, чунки у ишлаб чиқаришнинг бевосита давом эттирувчи тармоғи ҳисобланади. Транспорт инфратузилмаси бўлмаса хом ашё ҳам келтирилмайди, маҳсулот ҳам

---

[1] Бунга Фарғона шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводи яққол мисол бўла олади.

исъмолчиларга етказилмайди, ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланмайди. Шунинг учун транспортнинг аҳамияти барча бошқа омиллар таъсири билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади ва уни "соф" ҳолда ажратиб олиш қийин. Шу билан бирга транспорт масаласи иқтисодий географик ўрин омили билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, бу ўрин объектнинг энг аввало ташқи иқтисодий муносабатларини англатади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг "қулайлиги" кўп жиҳатдан унинг арзонлиги, арзонлиги эса асосан транспорт харажатларининг камайтирилиши демакдир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги классик ғоялар: И.Тюненнинг қишлоқ хўжалиги штандорти, А.Вебернинг саноат штандорти, В.Кристаллернинг "марказий жойлари", А.Лёшнинг "иқтисодий ландшафтлари", Н.Н.Колосовскийнинг ҲИЧМ, Ф.Перрунинг ўсиш қутб ва марказлари ғояларини транспорт омилисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт иқтисодиёт тизимининг қон томири, ҳаракатлантирувчи кучидир. У пировард натижада ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг самарадорлигини таъминлайди. Айни вақтда транспорт тармоғининг ўзини ҳам жойлаштириш қонуниятлари ва омиллари мавжуд. Улар табиий географик, иқтисодий ва сиёсий мазмунга эга бўлади. Тоғ-кон саноати ривожланган ҳудудларда кўпроқ темир йўл транспорти, агросаноат районларда автомобил транспорти ривожланади. Автомобил транспорти, шунингдек, тоғли мамлакатларда ҳам катта аҳамиятга эга (Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон ва б.).

Транспорт узоқни яқинлаштиради, вақтни тежайди ва шу асосда иқтисодий, аниқроғи - иқтисодий географик самарадорликка эришилади. Айтиш жоизки, транспорт (унинг икки жиҳати бор: биринчиси, йўл, яъни инфратузилма, иккинчиси – муҳим макроиқтисодиёт тармоғи) иқтисодий географик макон шаклланишининг негизи ҳисобланади; қолаверса, транспортсиз иқтисодий география фанининг ўзи ҳам бўлмайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда транспорт хавфсизлигига ҳам устувор аҳамият берилди. Қиска вақт давомида Учқудуқ – Мискин – Нукус, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўллари қурилди ва бу борада ҳам мустақилликка эришилди, ягона миллий темир йўл тизими шакллантирилди. Ангрен – Поп автомобил йўли кенгайтирилди, Бухоро – Нукус йўли қайта таъмирланмоқда. Бу ва шунга ўхшаш ишлар махсус Давлат дастури миқёсида амалга оширилмоқда. Янги

қурилаётган йўллар уларнинг таъсир доирасидаги табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишга қулай имкониятлар яратди. Хусусан, йўл бўйи инфратузилма ва "йўл ёқаси иқтисодиёти", қишлоқ ва шаҳарлар ривожланиб бормоқда. Қисқаси, республикамизда "йўли яхши мамлакат бой бўлади" деган принципга – тамойилга амал қилинади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда ***илмий-техника тараққиётининг*** аҳамияти ҳам жуда юқори. Ушбу омилнинг таъсири бир қатор тармоқларни ҳудудий ташкил этилишида аниқ ва равшан кўринади. Масалан, "илмталаб" машинасозлик заводлари юксак даражада фан-техника салоҳиятига эга бўлган йирик шаҳарларда жойлаштирилади. Бежиз эмаски, ҳозирги кунда республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга устувор даражада қаралмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиётини диверсификациялаш ва модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бевосита инновация, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ. Шу асосда иқтисодиётнинг замон талабида ривожланиши, унинг самарадорлиги, рентабиллиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, сифати ва харидоргирлиги ошиб бормоқда. Қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари кундан-кунга кўпайиши ҳам кўп жиҳатдан кўрилаётган омил таъсирида юзага келмоқда.

Ҳар қандай ривожланиш, ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш, қуриш, қурилиш эса унга керак бўлган тегишли маблағсиз амалга оширилмайди. Шу нуқтаи назардан **инвестиция** омилининг аҳамияти жуда каттадир. Бинобарин, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, жумладан, хорижий инвестицияни кенг жалб қилган ҳолда қўшма корхоналарни кўпайтириш ва шу орқали республика ҳамда минтақалар экспорт салоҳиятини ошириш жиддий мазмун касб этади[1]. Шундай қилиб, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида 3 та "И" нинг, яъни инвестиция, инновация ва инфратузилманинг ўрни катта. Айнан уларнинг ҳудудий бирлиги, улар учун қулай муҳитнинг яратилиши янги иқтисодий географияни шакллантиради, бу фанга, унинг мазмун-моҳиятига, конструктив жиҳатига янгича қарашни талаб қилади.

Юқорида кўрилган омилларнинг ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишга таъсири уларнинг барчаси бозор иқтисодиёти

---

[1] Солиев А., Жумахонов Ш., Мирзаахмедов Ҳ. Қўшма корхоналар географияси. – Наманган, 2006.

муносабатлари ва ***экологик омил*** билан мувофиқлаштирилиши керак. Зотан вужудга келган вазият буни қатъийлик билан талаб этади. Экологик жиҳатдан энг аввало кимё, целлюлоза-қоғоз, гўшт, вино, консерва, чарм заводлари, иссиқлик электростанциялари "номақбул" ҳисобланади. Шу сабабдан улар аҳоли жойлашган марказлардан узоқроқда бўлгани яхшироқ.

Ушбу омилнинг ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишига таъсирини кимё саноати мисолида кўриш айниқса намунавийдир, чунки бу саноат корхоналарининг жойлаштирилиши жуда эркин хусусиятга эга. Сабаби, улар ўсимлик, ҳайвонот, минерал хом ашёси, сув, ҳаво асосида, ҳатто бошқа саноат чиқиндилари (қора ва рангли металлургия) негизида ҳам ривожланиши мумкин. Бинобарин, кимё саноати корхоналарини истаган жойда қуриш имконияти бор. Аммо, бу масаланинг битта нозик томони - экологик омилдир ва у билан айниқса ҳозирги кунда ҳисоблашмасдан илож йўқ.

Экологик омилни тўғри инобатга олмаслик оқибатида республикамизнинг турли ҳудудларида нохуш вазият вужудга келган. Бундай ҳолат, бир томондан, қишлоқ хўжалиги, хусусан (тупроқ) ва сувдан нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келган бўлса, иккинчи томондан, унинг сабабчиси саноат корхоналарини жойлаштириш ҳисобланади. Шунингдек, бу борада автомобил транспорти (айниқса йирик шаҳарлар, Тошкент мегаполисида) ҳам жиддий рол ўйнайди.

Глобал, оламшумул мазмун касб этган Орол муаммоси энг аввало сув заҳираларидан нотўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлигини авж олдириш билан боғлиқ. Шу билан бирга, тупроқнинг шўрланиши (бу кўпроқ янги ўзлаштирилган ҳудудларга хос), нозогеографик вазиятнинг кескинлашуви ҳам ер-сув ресурсларидан омилкорона фойдаланишни тақозо этади. Айнан ер ва сув ресурслари, асосий гидрографик элементлар – дарёларнинг кўпроқ қўшни республикаларда тўйиниши, трансчегаравийлиги бу муаммонинг ниҳоятда кескинлигидан далолат беради. Саноат корхоналарини жойлаштириш асосида эса Ангрен – Олмалиқ райони, Чирчиқ ҳавзасида, Навоий шаҳри атрофида, Фарғона водийсининг айрим марказларида, Сурхондарёнинг Тожикистон Республикасига туташ ҳудудларида нохуш экологик вазият юзага келган. Шу сабабдан, ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашувини ташкиллаштиришда "етти ўлчаб бир кес" йўсинда экологик омилларга қатъий амал қилиш зарур.

Юқоридагилардан ташқари **бозор иктисодиёти** омилини ҳам асло

унутмаслик керак. Содда қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти-бу ишлаб чиқариш эркинлиги, рақобат ва очиқ иқтисодиёт юргизишдир. Бундай шароитда кўп укладли иқтисодиёт, мулкчиликнинг турли шакллари ва рақобат, қулай инвестиция маконини вужудга келтириш, монополияга қарши кураш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бозор иқтисодиёти омилини ишлаб чиқариш тармоқларини ҳудудий ташкил этишга нисбатан таҳлил этар эканмиз, унда бу борадаги илгариги анъанавий фикр юритишлар тамомила ўзгариб кетиши керак. Чунки, ҳозирги шароитда аксарият нарсани, шу жумладан, нимага ихтисослашувни ва қаерда жойлаштиришни пировард натижада бозор, рақобат, талаб белгилайди, давлат эса ўзининг минтақавий сиёсати орқали бу жараённи бошқариб, тартибга солиб туради.

Ҳозирги кунда инфратузилма тизимининг мавжудлиги ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Йўл, ер ости ва ер усти қурилмалари, электр узатувчи шахобчалар, турар жой, маиший хизмат кўрсатиш объектлари муҳайё бўлган жойлар янги ишлаб чиқаришни, қўшма корхоналарни ўзига жалб қилади. Республикамизда мустақиллик йилларида барпо этилган йирик автомобил заводининг айнан Андижон вилоятининг Асака шаҳрида жойлашганлиги энг аввало тайёр инфратузилманинг муҳайёлиги билан боғлиқ бўлган. Бундай жойлар ёки қурилиши совет даврида тугалланмай, чала қолган объектлар ҳам қўшма корхоналарни ташкил қилишга қулайлик яратади.

Инфратузилма тизимида хусусан транспортнинг ўрни юқори. Шунингдек, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштиришда муҳимдир. Ўтиш даврида айниқса бозор инфратузилмасининг аҳамияти катта. Бозор иқтисодиётининг ўзи эса ишлаб чиқаришни жойлаштиришда ҳал қилувчи омилдир. Сабаби - бозорталаб соҳаларгина ривожланади; бозори чаққон маҳсулотларни ишлаб чиқарган тадбиркорлар енгади.

Бозор (талаб ва таклиф), эркин рақобат у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқарадиган маконни, бозор муҳитини белгилайди. Талабнинг нафақат миқдор жиҳатдан ўсиб боришини, балки унинг хусусийлашувини, сифатини эътиборга олиш, ихчам, ҳаракатчан, бошқариши осон бўлган кичик корхоналарни жойлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги кун учун айниқса хосдир. Бу даврда вақт ва макондан унумли фойдаланиш ўта зарур.

Шу билан бирга, қулай инвестиция маконини яратиш ва минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигига эришиш катта мазмун касб этади. Инфратузилма ва бошқа шароитларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларининг ҳал этилганлиги, кафолатланганлиги хорижий сармоядорларнинг кириб келишига қулайлик яратади. Кўпинча инвесторлар ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, арзон ишчи кучи бўлган ҳудудларни қидирадилар. Қурилган қўшма корхоналар эса минтақа ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришга, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркибига сезиларли ўзгаришлар киритади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу борада тадбиркор албатта фойдани, қўшимча даромадни кўзлайди, давлат эса иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, ҳудудлар ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга интилади. Демак, бундай вазиятда ҳар икки йўналишни мувофиқлаштирган ҳолда масалани ечиш талаб этилади.

## САККИЗИНЧИ БОБ. ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ, МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ ВА ГЕОСИЁСАТ

Жамият тараққиёти ва шунга мос равишда фанларнинг ривожланиши, уларнинг ички турланиши ва, айни пайтда, янгиларининг вужудга келиши билан содир бўлмоқда. Бу хусусда турли фанлар қиррасида шаклланаётган йўналишлар катта ва интеграцион салоҳиятга эга. Жумладан, иқтисодий география ёки иқтисодий ва ижтимоий география ҳам табиий ва ижтимоий (гуманитар) фанлар қиррасида ўрин олган. Бинобарин, у ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанлар тизимига киради.

Дастлаб иқтисодий география (ИГ) иқтисодиёт фанлар туркумига мансуб бўлган, чунки у вақтда асосий эътибор тармоқларга, уларнинг иқтисодий таърифларига қаратилган эди. Кейинчалик эса, айниқса Н.Н.Баранский томонидан районлар йўналишини кучайтириш, шубҳасиз, иқтисодий географияни яна географийлаштирди. Бунга даставвал Россияда статистиканинг мамлакат ва районларни тасвирловчи ва тавсифловчи йўналиши ҳам сабаб бўлди.

Иқтисодий география ўзининг эволюцион тараққиётида бир неча босқичларни босиб ўтди. У дастлаб тасвирловчи функцияни бажарган бўлса, кейинчалик иқтисодий географиянинг аналитик хусусияти кучайди, ҳодиса ва воқеалар фақат тасвирланмасдан, улар илмий таҳлил асосида таърифланди ва тавсифланди. Мазкур фан ривожланишининг учинчи босқичи синтез, яъни таҳлил натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш (диагностика) билан боғлиқ бўлди. Ҳозирги кунда эса иқтисодий географияда прогноз ва бошқарув (ҳудудий менежмент), жамият ва ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш функциялари ҳам ривожланмоқда.

Кўриниб турибдики, иқтисодий география анча бой ва анъанавий тарихга эга. Унга кўра минтақавий иқтисодиёт (МИ) фан сифатида анча кейинроқ шаклланди. Мазкур йўналишнинг ёки районлар (регионлар) ҳақидаги фаннинг асосчиси америкалик олим, Пенсильвания университети география факультетининг декани, профессор Уольтер Изард (Айзард) ҳисобланади. У Нью-Йоркда нашрдан чиққан "Жойлаштириш ва минтақавий иқтисодиёт" (1956) ҳамда "Регионал таҳлил методи: регионлар тўғрисидаги фанга кириш"[1] (1960) номли асарларида регионлар тўғрисидаги фан ёки регионика ва унинг алоҳида қисми бўлган минтақавий (регионал) иқтисодиёт масалаларини кенг ва атрофлича ёритди. Изард регионлар тўғрисидаги фанларнинг Халқаро ассоциациясини ҳам ташкил қилди ва бошқарди.

Изарднинг минтақавий иқтисодиёти, албатта, қисман бўлсада ундан олдин яратилган назарий ғоялар, чунончи И.Тюнен, А.Вебер, А.Лёш, В.Кристаллер сингари немис иқтисодчиларини асарларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келган. Шунингдек, бу ерда Перру, Будвиль, Лаунхардт, Предёл, Паландер, Гувер каби Ғарбий Европа олимларининг илмий асарлари ҳам аҳамиятлидир. Айни пайтда муаллиф районларнинг ички ва районлараро иқтисодий алоқаларини таҳлил қилишда ўзининг сафдоши В.Леоньтевнинг харажат – ишлаб чиқариш ("затрат - выпуск") методидан кенг фойдаланган.

Минтақавий иқтисодиёт учун энг муҳим ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масаласи фанда даставвал немис олимлари томонидан ўрганилган. Бундай тадқиқотлар натижасида ҳудудий иқтисодиёт, ҳудудий омиллар, агломерация, мужассамлашув, иерархия, иқтисодий ландшафт, марказий ўринлар каби тушунчалар пайдо бўлди ва улар ҳозирги илмий адабиётларда қўлланилмоқда.

---

[1] Олимнинг ушбу асарлари инглиз тилидан рус тилига таржима қилинган.

Собиқ Иттифоқ даврида Давлат Бош планининг раиси акад. Н.Н.Некрасов етмишинчи йилларда ўзининг “Минтақавий иқтисодиёт” (Региональная экономика) китобини нашр эттирди[1]. У бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи кенгаш (СОПС) нинг ҳам раиси бўлган. Шунга ўхшаш илмий тадқиқот муассасалалари Украина, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларида ҳам ташкил қилинган бўлиб, у кўпроқ ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ҳудудларни иқтисодий районлаштириш муаммолари билан машғул эди. Бу тадқиқотда иқтисодчилар билан биргаликда иқтисодий географлар ёки асосий маълумоти иқтисодий география бўлганлар ҳам фаол қатнашарди (масалан, профессор З.М.Акрамов ҳамда ушбу китобнинг муаллифи турли йилларда мазкур кенгашда ишлаган). Ўрни келганда айтиш керакки, Собиқ СССР да айнан мазкур кенгаш ишларида ҳозирги “Минтақавий иқтисодиёт” шаклланди ва ривожланиб борди. Чунончи, Ўзбекистон ФА қошидаги СОПС олимларининг фаолияти туфайли Иттифоқда илк бор *ҳудудлар иқтисодий ривожланиш муаммоларини комплекс ўрганиш* илмий йўналиши вужудга келган эди.

Шундай қилиб, авваллари МИ ва ИГ орасида деярли фарқ йўқ эди, олимлар ҳам бунга эътибор беришмасди. Соҳаси иқтисодий географ бўлган Н.Н.Колосовский, Н.Н.Баранский, И.М.Маергойз, Т.М.Калашникова ва бошқалар томонидан яратилган ёки ривожлантирилган ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, халқ хўжалигининг ҳудудий таркиби ёки тизими, энергия ишлаб чиқариш цикллари каби фундаментал ғоялар кейинчалик фақат географларнигина эмас, балки айни чоғда иқтисодчиларники хам бўлиб қолди ва бунга ҳеч ким эътироз билдирмасди[2].

Н.Н.Некрасов ўзининг асарида минтақавий иқтисодиётни таърифлаб, анъанавий иқтисодий географияни асосан табиий ресурслар ва уларни хўжалик жиҳатдан баҳоловчи фан сифатида қаради ва уни ноҳақ камситди, тадқиқот доирасини чеклаб қўйди. Балким шунинг учун бўлса керак, Ю.Г.Саушкин сўнгги асарида “иқтисодий географлар ўзларининг эришган муҳим ютуқларини йўқотиб қўймоқдалар ва бу ҳақда мен кимга арзимни айтишимни билмайман”, деб ноилож ачиниб ёзган эди.

---

[1] Н.Н.Некрасовнинг илмий раҳбари географ олим Н.Н.Колосовский бўлган.

[2] Марказий Осиёда "Минтақавий иқтисодиёт" бакалавр йўналиши илк бор бевосита ушбу китоб муаллифи ташаббуси билан ТошДУ - ҳозирги ЎзМУнинг география факультети иқтисодий география кафедраси негизида 1998/1999 ўқув йилида очилган ва 2003/2004 ўқув йилига қадар юздан ортиқ талабалар уни битиришган.

Н.Н.Некрасовнинг бундай фикри кўпгина иктисодчи ва географлар орасида анчагина шов-шув ва қизғин баҳс-мулоҳазаларга сабабчи бўлди. Пировард натижада, “ярашилган” (компромисс) хулоса чиқарилди: *минтақавий иқтисодиёт – бу географийлаштирилган иқтисодиёт, иқтисодий география эса иқтисодийлаштирилган география,* деб муросага келишилди ва бу ҳақда ўша даврнинг нуфузли журналида ахборот берилди. Бошқача қилиб айтганда, МИ аниқ иқтисодиёт ва иқтисодий география қиррасидаги фан сифатида тан олинди.

Аммо шунга қарамасдан, юқоридаги баҳс-мунозаралар айрим салбий оқибатларга олиб келди. Эҳтимол, бунга Н.Н.Некрасовнинг обрў ва амали ҳам таъсир қилган бўлса керак. Чунончи, ўша даврдаги халқ хўжалиги туркумидаги олийгоҳларда, жумладан, Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги Иқтисодиёт университети) мавжуд бўлган иқтисодий география кафедраининг номлари тўғридан-тўғри “Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш” – деб ўзгартирилди, уларни айримлари ҳозирги кунда “Минтақавий иқтисодиёт” номини олишди. Қизиғи шундаки, кафедралар номи ўзгарсада, уларда ишловчи мутахассислар ва ўқиладиган фанлар мазмуни деярли ўзгармай, илгарилигича қолди, кадрлар таркиби эса кўпроқ таянч маълумоти иқтисодий география бўлган мутахассислардан шаклланган (бундан Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Молия институти ҳам истисно эмас)[1].

Биз юкорида ИГ ва МИ нинг “эгизак” фанлар эканлиги, уларнинг бир-бирига қондош ва қариндошлигини, улар ўртасида “Хитой девори” йўқлигини асослашга уриниб кўрдик. Бироқ, ўхшашлик мутлоқ бир хиллик, ягоналик эмас. Мазкур фанлар ўртасидаги ўхшашликлар ва тафовутлар қуйидагича тавсифланиши мумкин:

1. МИ ва ИГ нинг тадқиқот объектлари бир – ишлаб чиқаришни маълум ҳудудда жойланиши. Лекин, биринчиси учун энг муҳими ишлаб чиқаришнинг, аниқроғи ишлаб чиқариш тармоқларининг иқтисодий жиҳатдан ҳудудий жойланиши бўлса, иккинчиси учун эса ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркиби ва тузилмаси, ҳудудий ташкил этилиши устуворроқ аҳамиятга эга.
2. МИ муайян, алоҳида район ёки ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштиришни иктисодиёт нуқтаи назаридан таҳлил

[1] Москва шаҳридаги Молия институти “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси мудири Т.Г.Морозова ўзи ҳам, деярли қолган барча кафедра аъзолари ҳам маълумоти бўйича иқтисодий географ.

этади ва баҳолайди. ИГ эса турли мамлакат ёки районларда ишлаб чиқариш кучларининг жойлашув хусусиятлари ва ҳудудий тафовутларини, уларга таъсир этувчи омил ҳамда шароитларни ҳисобга олган ҳолда қиёсий, *комплекс* ўрганади.

3. МИ – да таҳлил ҳududдан тармоққа, ИГ – да тадқиқот тармоқдан ҳудудга томон олиб борилади; биринчисида ҳудудий тизимда тармоқ таркибига, иккинчисида тармоқ тизимидан ҳудудий таркиб йўналишига урғу берилади. Шу билан бирга, иқтисодий географияда бу занжир анъанавий тарзда узунроқ: тармоқ → ҳудуд (район) → тармоқ; ваҳоланки, минтақавий иқтисодиётда у асосан ҳудуд (район) → тармоқ шаклига эга[1].
4. Тан олиш керак: МИ – торроқ бўлсада, у чуқурроқ ва, бинобарин, амалиётга яқинроқ, аниқроқ фандир. Иқтисодий география тадқиқот предмети, қамровининг кенглиги сабабли у баъзан тасвирловчи ва тавсифловчи фан, айримлар назарида ҳатто ноҳақ равишда у фақат ўқув предмети сифатида эътироф этилади. Демак, иқтисодий географлар учун иқтисодий билимлар ва ҳисоб-китобларни кучайтириш, чуқурлаштириш, конструктив, яъни амалий йўналишларни ривожлантириш муаммолари долзарбдир. Минтақавий иқтисодиёт учун эса ҳудудий омилларни, ишлаб чиқариш билан ҳудуд ўртасидаги муносабатларни, жумладан, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, геоэкологик ва иқтисодий районлаштириш, ҲИЧМ муаммоларини ҳам ўрганиш талаб қилинади.
5. МИ – асосан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳақидаги фан, ҳозирги замон иқтисодий географияси эса бир вақтнинг ўзида у ҳам социал географиядир ёки расмий равишда иқтисодий ва ижтимоий географиядир. Бинобарин, бу фан иқтисодий масалалар билан бирга ижтимоий жабҳаларни ҳам ўрганади, ваҳоланки МИ асосан иқтисодиёт билан шуғулланади. Аммо бу фан ҳам ички жиҳатдан мураккаб бўлиб, у минтақавий молия, инфратузилма, минтақавий сиёсат масалаларини ўз қамровига олади.
6. Иқтисодий географияда районлаштириш ғояси муҳимдир; минтақавий иқтисодиёт ана шу районлаштириш жараёнининг натижаси – алоҳида район иқтисодиёти билан қизиқади. ИГ – да кўп босқичли ҳудудий меҳнат тақсимоти ва шунга мос равишда турли

---

[1] В.В.Покшишевский "қасрда сўз ҳудуд тўғрисида борар экан, унинг эгаси албатта география бўлади", деб ёзган эди (1979).

даражадаги ҳудудий бозорлар ўрганилади, МИ – да асосан район ичидаги ҳудудий меҳнат тақсимоти ва район (минтақа) бозори таҳлил этилади; иқтисодий география ҳам ички, ҳам районлараро иқтисодий муносабатлар ва интеграцион жараёнлар билан кўпроқ шуғулланади. Юқоридагилар кўрсатадики, ИГ МИ-нинг назарий-методологик асоси ҳисобланади.

7. Ҳар иккала фан учун ҳам ишлаб чиқариш кучларини оддий жойлаштиришдан кўра уларни маълум мақсадга қаратилган *ҳудудий ташкил қилиш* муҳимроқ. Ҳудудий ташкил қилиш эса тартиб ва таркиб, уюшганлик ва бошқарув демакдир. Ана шу маънода турли даражадаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш асосида иқтисодий (ва иқтисодий географик) самарадорликни амалга ошириш мумкин. Бу самарадорликка (уни агломерацион самарадорлик ҳам деб атайдилар) ўзаро ҳудудий уйғунлашув, қўшничилик ва масофани - транспорт ҳаражатини қисқартириш, тежамкорлик асосида эришилади. Шу сабабдан ҳар қандай минтақа хўжалиги минтақавий иқтисодиёт бўлавермайди, у минтақа иқтисодиётидир; минтақа иқтисодиёти оддий тизим, ишлаб чиқариш йиғиндиси, минтақавий иқтисодиёт эса ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуа, кластер, мураккаб ва мукаммал тизим сифатида шаклланганлигини англатади.

8. Мазкур фанлар учун табиий шароит ва қазилма бойликларнинг оддий жойланиши эмас, балки уларнинг турланиши ва, айниқса, ҳудудий бирликлари, бирлашмалари ўта муҳим аҳамият касб этади. А.А.Минц таъкидлаганидек, табиий ресурсларнинг ҳудудий бирлиги ("территориальные сочетания природных ресурсов") қўшимча самарадорликка ёки бизнинг иборамизда "икки карра икки тўрт эмас, балки беш" бўлишига олиб келади. Иқтисодий географик самарадорликка асосан ҳудудий мажмуалар, масофа ҳаражатларини камайтириш орқали эришилади.

9. Минтақавий иқтисодиёт ва Иқтисодий географиянинг район ва мамлакатлар таҳлилида шаҳарлар ва йўллар ўша жой хўжалигининг "қовурғаси" ҳисобланади. Аммо ИГ – да ҳудуд таърифидан шаҳарларга ўтилса, минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсат шаҳарлар, урбанизация сиёсати билан чамбарчас боғлиқ, зеро ўсиш қутб ва марказлари, "ривожланиш ўқлари" ва йўлаклари ҳудуд иқтисодиётини шакллантиради ва жонлантиради.

10. Минтақавий иқтисодиёт иқтисодий географияга кўра амалийроқ, чунки у минтақавий сиёсат (ҳудудий сиёсат эмас!) билан узвий алоқадор. Ҳар қандай мамлакатнинг демографик, фан-техника, ижтимоий-иқтисодий, ташқи сиёсати бўлганидек унинг минтақавий сиёсати ҳам мавжуд. Бу сиёсатнинг аҳамияти айниқса бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини (тафовутини) мумкин қадар камайтириш ва қисқартириш, ишсизликнинг кўпайишини олдини олиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишда каттадир.

Юқоридаги МИ ва ИГнинг илғаб бўлмас даражадаги фарқлари уларнинг биргаликда ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Аксинча, бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги мамлакат ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ва концепцияси, дастурлаш ва прогнозлаштиришда, хусусан илмий асосланган минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи сиёсатнинг бир кўриниши–*географик сиёсат, яъни геосиёсатдир*. Бу сиёсатнинг мазмунини ҳам икки хил талқин қилиш мумкин: аввалги реакцион маънода ва ҳозирги тўғри мазмунда. Биринчиси, кўпроқ Ғарб мамлакатларида алоҳида оқим сифатида, асосан немис, инглиз ва швед олимлари (Фридрих Ратцел, Рудольф Челлен, Карл Хаусхафер, Альфред Мэхэн, Хэлфорд Маккиндер ва б.) томонидан яратилган бўлиб, у ўта реакцион, ўзга давлатлар ва миллатларни камситиш, уларнинг ҳудудларига таҳдид-тажовуз қилиш, босиб олишни англатади. Айтиш жоизки, айнан ана шундай геосиёсат мамлакатлар ўртасидаги низолар, жангу-жадалларга сабабчи бўлган: немис фашизмининг Иккинчи жаҳон урушини бошлаши ҳам ғоявий жиҳатдан реакцион геосиёсатга асосланган эди.

Ер юзининг турли қисмларида мавжуд бўлган ҳудудий келишмовчиликлар асосида турли давлатларнинг биринчи йўналишдаги геосиёсати ётади. Масалан, собиқ Югославия ҳудудидаги жанжаллар, Исроил-Фаластин муносабати, Панжоб ва Кашмир, Тоғли Қорабоғ, Шимолий Кавказ, Курил ороллари, Тайван каби жуда кўп муаммоли ҳудудлар шулар жумласидандир.

Геосиёсатнинг ҳозирги замон, тўғри маъноси у ёки бу давлатнинг жаҳоннинг бошқа мамлакатлари, энг аввало, қўшни давлатлар билан

тинч-тотув яшаш, улар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишни билдиради. Шунингдек, бу ерда мамлакатнинг Дунё океанига ва бозорига арзон, қулай, беғараз ва бехатар йўллар орқали чиқиши ҳам назарда тутилади. Айнан шу маънодаги геосиёсат республикамиз Президенти И.Каримов томонидан амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Президентнинг кўпгина асарлари ва, хусусан, унинг "Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" (Т.: Ўзбекистон, 1997) китоби катта аҳамият касб этади. Мазкур асарда геосиёсат билан биргаликда геостратегия масалаларига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, у асосан Ер юзининг турли қисмларини, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон (Марказий Осиё) минтақасининг жаҳон иқтисодий тараққиётидаги ўрнини, географик мавқеини англатади. Шундай қилиб, ҳозирги геосиёсат бу аввалги ҳудудий сиёсатдан тубдан фарқ қилади ва у давлатларнинг ташқи муносабатини билдиради. Бундай сиёсат, ўз навбатида, турли тармоқ-соҳа сиёсатларидан ташкил топади.

Мамлакатнинг географик мазмундаги ички сиёсатини минтақавий сиёсат шаклида қабул қилган маъқулроқ. Гарчи "гео"-ер, ҳудуд, минтақа атамасига тўғри келсада, унинг айнан шу кўриниши тўғрироқдир. Сабаби-давлатнинг бундай сиёсатини ҳудудий сиёсат даражасида талқин қилиш баъзан кишилар онгига сингиб қолган тушунмовчиликларга, нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида, мустақил мамлакати мақомида, бошқа давлатларнинг ҳам суверенлигини эътироф этади, уларнинг ҳудуд ва чегаралари даҳлсизлигини ҳурмат қилади. Айни вақтда у ўзининг ягона геосиёсий тизим, макон сифатида яхлитлигини ҳар қандай ёвузлардан ҳимоя этади ва ўзгалар томонидан ҳурмат қилинишини талаб қилади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат геотизимининг мустаҳкамлиги, фаоллиги энг аввало унинг ички қисмларининг ўзаро алоқалари, ягона миллий транспорт тизими, маъмурий-ҳудудий тузилмасининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ. Ички барқарорлик ҳар қандай тизим-системанинг мустақил фаолият кўрсатиши, бошқалардан ўзини сақлаш қобилиятининг гаровидир. Шу нуқтаи назардан мамлакат ичида ҳудудий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, район ва вилоятлар орасида соғлом рақобат муҳити, иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, ягона геоиқтисодий маконни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш, турли ҳудудий босқичдаги

бозорларни (маҳаллий, минтақавий, минтақалараро, миллий бозор) шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ўтиш давридаги ниҳоятда долзарб вазифаларидир. Чунки, тизим-таркиб қоидасига мувофиқ, бутунлик алоҳида қисмлардан ташкил топади, қисмлар, яъни минтақалар эса мамлакат геосиёсий ва геоиқтисодий яхлитлигини таъминлайди.

Мамлакатнинг ички сиёсати ҳам икки хилда бўлади: соҳавий, яъни тармоқлар ва ҳудудий ёки интеграл. Биринчисига ижтимоий, иқтисодий, фан-техника, демографик каби сиёсатлар киради ва улар ҳам ўз навбатида алоҳида қисмлардан, "сиёсатлардан" ташкил топади. Масалан, иқтисодий сиёсатда мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат ва йўл (транспорт) мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий сиёсатда - аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлик сиёсати, ёшлар ва қарияларга давлатнинг муносабати, демографик сиёсатда оила, аҳолининг табиий ва миграция ҳаракати билан боглиқ масалаларни ажратиш мумкин.

Кўриниб турибдики, тизим ёки системанинг ички жиҳати, яъни унинг тармоқ ёки компонент ҳамда ҳудудий томонлари борлигидек, биз кўраётган сиёсатлар ҳам худди шундай хусусиятга эга. Зеро, ҳар қандай ҳодиса ёки воқелик, албатта қаердадир мавжуддир; ривожланиш, тараққиёт фақат маълум даврдагина эмас, балки муайян ҳудудда содир бўлади. Шу жиҳатдан ёндошганда, юқорида келтирилган соҳавий сиёсатлар ўз навбатида ҳудудий тааллуқликка эга, яъни улар ҳам турли минтақаларда турлича амалга оширилади. Демак, биз бу ерда тармоқ ва ҳудудий тизимларнинг (сиёсатларнинг) ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирларига ўтиб туришини гувоҳи бўламиз.

Минтақавий сиёсатнинг энг асосий мақсади мамлакат ичидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудлараро даражасини мумкин қадар яқинлаштириб беришдир. Аммо кўзда тутилган мақсадларга иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини тўгри жойлаштириш асосида эришилади. Бинобарин, ҳар қандай минтақавий сиёсат бу ҳудудий иқтисодий сиёсатдир, иқтисодий сиёсат эса кенг маънодаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатдир.

Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш мамлакат миллий иқтисодиётининг умумий ҳолати, стратегик вазифалари билан белгиланади. Жумладан, ўтиш даврининг иқтисодиёти бу даврни мумкин қадар тезроқ ва бешикаст босиб ўтиш, бозор иқтисодиётининг мустаҳкам ишлаб чиқариш, ҳуқуқий ва маънавий асосларини яратишни

талаб қилади. Ўтиш даврида ҳар қандай мамлакат энг аввало иқтисодиётнинг асосий йўналишларига устувор аҳамият қаратади. Бу даврда айниқса энергетика, дон (ғалла) ва йўл мустақиллигини таъминлаш зарур. Айнан ана шу макроиқтисодий муаммолар Ўзбекистонда ҳозирги кунда ўз ечимини топиб бомоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш турли мамлакатларда ўзига хос бўлиб, барча давлатларга мос ягона андоза йўқ. Бу ўта мураккаб жараён, у нафақат бевосита иқтисодиёт тизимининг ўзи, балки ички ва ташқи вазият, ижтимоий ва экологик ҳолатнинг қулайлиги, аҳолининг янги муносабатларга тайёрлиги, маънавияти ва мослашуви каби омилларга ҳам боғлиқ. Ўтиш даври чиндан ҳам оралиқ даврдир; диалектик нуқтаи назардан бундай шароитда янгиликнинг қийинчилик билан кириб келиши, эскиликнинг маълум даражада сақланиб туриши, улар ўртасидаги "кураш" билан бир вақтда содир бўлади. Бу даврнинг яна бошқа мураккаб жиҳати шундан иборатки, давлат илгаригидек қатъий ва адресли режалаштиришни ташкил этмайди, чунки энди мулк фақат унинг тасарруфида эмас. Бу даврда давлатнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бўлган муносабати кескин ўзгаради, у бу жараёнга бевосита эмас, кўпроқ билвосита таъсир кўрсатади. Бироқ давлат ўз функциясининг шакли ва механизмини ўзгартирган ҳолда ҳар қандай шароитда ҳам асосий ислоҳатчи, ташкилотчи бўлиб қолаверади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш даврига тегишли беш тамойилларидан биридир.

Таъкидлаш лозимки, ҳудудлар ривожланиши тўғри тартибга солинмаса, бошқарилмаса минтақаларда эркин рақобат муҳити, очиқ иқтисодий муносабатлар тўлақонли вужудга келмайди. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил қилишининг давлат томонидан тартибга солиб борилиши объектив қонуниятдир. Ушбу вазифа асосан давлатнинг минтақавий сиёсати орқали амалга оширилади.

Минтақавий сиёсатнинг зарурияти бир вақтнинг ўзида барча ҳудудлар иқтисодиётини бир даражада ривожлантириб бўлмаслигидан келиб чиқади. Бинобарин, минтақавий сиёсат, энг аввало, ривожланиши мумкин ва мамлакат учун муҳим бўлган устувор ҳудудлар ва тармоқларга қаратилади. Шу мазмунда у минтақавий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, амалий (конструктив) йўналиши ҳисобланади; минтақавий сиёсат ҳудудлараро

ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги вазиятни динамик ҳолда мувофиқлаштириш ва барқарорлаштиришга ҳаракат қилади.

***Минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади қуйидагилар:***

- *Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни юмшатиш ва қисқартириш;*
- *Маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш асосида минтақавий ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш;*
- *Минтақалар ёрдамида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш;*
- *Жойлардаги ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш;*
- *Шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини ривожлантириш, урбанизация ҳамда миграция жараёнларини тартибга солиш;*
- *Ишлаб чиқариш кучларини тўғри ҳудудий ташкил этиш;*
- *Ҳудудларнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш;*
- *Аҳоли бандлигини яхшилаш ва ҳ.к.*

Юқоридаги стратегик мақсадларга турли йўллар ёрдамида эришилади. Бунинг учун авваламбор ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини мутлоқ кўринишида тенглаштириш ғоясидан воз кечиш талаб қилинади. Мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, очиқ иқтисодиёт юритиш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, минтақалар инвестицион жозибадорлигини ошириш асосида хорижий сармоядорларни жалб қилиб, ўзаро манфаатли қўшма корхоналар қуриш, турли йўналишдаги эркин иқтисодий минтақаларни ташкиллаштириш ҳудудлар ривожланишига катта туртки беради.

Минтақавий сиёсат алоҳида ҳудудларни танлаб олиш асосида амалга оширилади, натижада иқтисодий ландшафт қутбийлашади, ўсиш қутб ва марказлари вужудга келади. Ҳар хил омил ва шароитларни атрофлича таҳлил қилиш ва ривожланиш имкониятларини баҳолаш орқали саралаб олинган у ёки бу ҳудуд иқтисодиёти юксалгандан сўнг навбат мамлакатнинг бошқа ҳудудига ўтади. Натижада, иқтисодий ривожланиш ҳам ҳудудий цикллик ёки даврийлик, "*географик узун тўлқинлар*" хусусиятига эга бўлади. Шу сабабдан, маълум муддатда танланган ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига урғу берилиши бошқа ҳудудни камситиш, имтиёзларини чеклашни англатмайди, чунки, кейинчалик бу ҳудудга ҳам худди шундай эътибор берилади ва уларга ҳам навбат келади. Аммо минтақавий сиёсат ҳудудларнинг ўзларини ҳам фаоллигини назарда тутади. Шунинг учун маҳаллий ҳокимиятнинг бу борада изланувчан, тадбиркор бўлиши талаб этилади.

Минтақавий сиёсат ўз моҳиятига кўра ташқи сиёсатдан (геосиёсатдан) фарқ қилиб, у мамлакатнинг ички ижтимоий - иқтисодий ривожланишига йўналтирилган бўлади. Унинг даражалари ҳам ҳар хил. Масалан, мамлакат ичкарисига нисбатан 2 даражадаги сиёсат ажратилади: давлатнинг минтақавий сиёсати, яъни мамлакат ҳокимиятининг турли ҳудудларга (жумладан, вилоятларга) нисбатан тутган сиёсати ҳамда минтақаларнинг ўзини сиёсати - вилоят ҳокимиятининг қишлоқ, туман ва шаҳарлар ривожланишига муносабати. Ҳар қандай шароитда ҳам ушбу сиёсатни юргазувчи юридик ташкилот республика ва вилоятлар ҳокимияти ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ҳудудий жиҳатдан янада юқорироқ ёки қуйироқ босқичда кўриш мумкин. Чунончи, қишлоқ тумани ҳокимлигининг ҳам ўзининг ички сиёсати бўлади. Айни вақтда давлат даражасидан юқорида турган давлатлараро минтақавий сиёсат ҳам мавжуд. Бунда минтақа сифатида алоҳида давлатлар ёки қўшни мамлакатларнинг туташ ҳудудлари назарда тутилади. Жумладан, Европа Иттифоқи миқёсида ана шундай минтақавий сиёсат олиб борилади. Келажакда худди шундай даражадаги минтақавий сиёсат бошқа ҳудудий иқтисодий иттифоқлар даражасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда минтақавий сиёсат кўпроқ "Бутуниттифоқ" манфаатларини кўзлаб олиб бориларди. Мирзачўл ёки Қарши даштларини ўзлаштириб, пахтачиликни янада ривожлантириш, Бухоро, Қашқадарё табиий газ, Навоий вилояти олтин конларини қазиб олиш айнан шу мақсадда бажарилган. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, минтақавий сиёсатга тегишли илмий тадқиқотлар илгари ҳам олиб борилган. Собиқ Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича Кенгаш (СОПС) республика ҳудудлар имкониятларини атрофлича тадқиқ қилиш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш концепцияларини яратган. Даставвал Фарғона водийси, сўнгра Бухоро-Навоий, Ангрен-Олмалиқ, Қашқадарё, Сурхон – Шеробод ва Қуйи Амударё минтақалари махсус ўрганилиб, бу ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Бош схемалари тузилган.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш даврида минтақавий сиёсатнинг амалий аҳамияти янада кучаймоқда. Республика иқтисодиётини ривожлантиришда Асака ва Самарқанд автомобилсозлик, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси,

Қўнғирот сода ва Деҳқонобод калий заводлари, кўпгина вилоятларда қурилган тўқимачилик корхоналари ва бошқаларнинг ўрни катта. Учқудуқ – Мискин – Нукус, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўллари, Навоий индустриал – иқтисодий ва Ангрен махсус индустриал зоналари кабилар мамлакатимизда амалга оширилаётган минтақавий сиёсатнинг натижасидир.

Республика раҳбарияти айниқса қишлоқ жойларга катта эътибор қаратмоқда-ки, бу ҳам бўлса минтақавий сиёсатнинг ўзига хос бир кўринишидир[1]. Дарҳақиқат, модомики мамлакат иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги, аҳолисининг ярмига яқини қишлоқларда яшар экан, бу жойларда жиддий ўзгаришларга эришмай туриб стратегик вазифаларни ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурслари бандлигини ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш энг муҳим муаммолардан саналади. Шу қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни махаллийлаштириш каби Давлат дастурларининг ҳам минтақавий жиҳатлари мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда минтақавий сиёсат турли ҳудудларда турлича олиб борилади: баъзи иқтисодий ривожланиши тўхтаб қолган ёки секинлашган шаҳарлар (масалан, Ангрен, Чирчиқ, Марғилон ва б), депрессив районлар хўжалигини ҳаракатга келтирилиши, аҳолиси зич агросаноат районларда (Фарғона водийси) иш ўринларини кўпайтириш, экологик танглик вужудга келган Орол бўйи каби районларда эса ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш талаб қилинади. Шундай қилиб, минтақавий сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқариш кучларини у ёки бу ҳудудда устуворроқ ривожлантириш демакдир. Бинобарин, мазкур сиёсатнинг заминида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш ётади, чунки ***жойлаштириш ривожлантиришнинг ҳудудий томони, инъикосидир.***

Республика миллий иқтисодиёти тўла ва мустаҳкам шаклланиб борган сари унинг минтақавий сиёсати нафақат вилоятларга, балки бошқа «муаммоли» районларга ҳам қаратилади. Жумладан, ҳозирги кунда Оролбўйи минтақасининг экологик ҳолатини яхшилаш, бу катта

---

[1] 2009 йил мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили" деб эълон қилинган ва шу асосда махсус Давлат дастури ишлаб чиқилган.

ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Келажакда алоҳида дарё ҳавзалари, воҳа ва водийлар, тоғ ёки чўл ҳудудлари ҳам давлатнинг минтақавий сиёсатини объекти сифатида кўрилиши мумкин.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, янги мустақил мамлакатлар пайдо бўлиши билан илгариги чегаралар давлат чегарасига айланиб қолди. Шу муносабат билан чегарага яқин ёки ўзига хос географик ўринга эга бўлган қишлоқ туманлари (масалан, Сўх, Фарғона, Бўстонлиқ, Олот, Ургут, Қўрғонтепа, Шовот, Сариосиё ва б.) ҳам вилоят ва давлатнинг минтақавий сиёсатида алоҳида эътиборга эга бўлади. Чегарабўйи иқтисодиётининг ривожланиши интеграцион жараёнларни янада кучайтиради ва ушбу минтақаларда янги иқтисодий географиянинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ТУШУНЧА ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ БАЪЗИ КАМЧИЛИКЛАР

Ҳар бир фан ўзининг асосий, ўзак тушунча ва қонуниятларига эга. Ўз навбатида, тушунча ва қонуниятлар узлуксиз билим жараёнининг умумлаштирилиши, тартибга солиниши асосида илмга айланишига хизмат қилади. ***Билим доирасининг кенглиги билан тавсифланса, илм учун эса мушоҳада ва фикр юритишнинг мантиқийлиги, чуқурлиги муҳимдир.***

Билимли ҳар нарсадан хабардор, зукко кишилар кўп, ҳақиқий олимлар эса саноқли. Сабаби, олинган, тўпланган билимлар ҳамма вақт ҳам умумлаштирилмайди, улар "умумий махражга" келтирилмайди, яъни ҳодиса ва воқеалар, факт ва рақамлар ўртасидаги алоқадорлик, сабаб-оқибат аниқланмайди. Ҳаётда кўп зийрак ва зукко ёшлар бор, бироқ мантиқий фикрлаш, қонуниятларни чуқур аниқловчилар, доно ва донишмандлар анча оз. Аммо шу ўринда таъкидлаш лозимки, билимсиз, факт ва рақамлар, уларни таҳлил ва тавсифсиз илмнинг ўзи ҳам бўлмайди. *Илм хизмати машаққатли, оғир, унинг меваси, натижаси ширин ва лаззатлидир.* Шу боис, ҳар қандай олинган билим бирданига "ютиб юборилмасдан" у астойдил симирилиши ва сўрилиши керак. Қанчалик кўп симирилса, шунчалик кўп мазза (мазмун) чиқаверади. Ана шундагина олимнинг қувончи чексиз бўлади, заҳматли меҳнатини унутади, янги-янги билим ва илмга бўлиш

кайфияти, интилиши ортаверади[1]. Зар қадрини заргар, илм қадрини унинг соҳиби - олим билади.

География фанида, афсуски, чексиз рақамлар, номенкулатор кўрсаткичларга ҳаддан ташқари эътибор берилади, аммо унинг илмий жиҳатлари заифроқ. Шу сабабдан бу фанда рақам ва кўрсаткичлар кўп, бироқ улар остида ётган қонун ва қонуниятлар жуда оз. Умумтаълим мактабларида ўқувчилар кимё, физика ёки биология фанларидан қандайдир қонунларни (Ч.Дарвин, И.Ньютон, Д.И.Менделеев ва бошқа олимлар ғоялари) ўрганадилар, география эса асосан оддий ўқув предмети бўлиб қолмоқда. Бинобарин, ўрта ва олий таълим тизимида география фанининг ўзига хос тамойиллари, тушунча ва қонуниятларига алоҳида аҳамият бериш долзарб масала ҳисобланади. Зеро ***фактлар, билим унутилиши мумкин, тушунча эса асло унутилмайди, у кишининг онгли ҳаётида абадий ва мустаҳкамдир.***

Аввал қайд этилганидек, география фанининг муҳим таркибий қисми бўлган иқтисодий ва ижтимоий география фанининг энг асосий тушунчалари қуйидагилар:

• Ҳудудий (ёки географик) меҳнат тақсимоти мазкур фаннинг *фундаментал* тушунчаси;

• Иқтисодий районлаштириш, район - иқтисодий географиянинг *бош, бирламчи* тушунчаси;

• Ҳудудий мажмуалар иқтисодий ва умуман география фанининг ўзига хос, *иқтисодий географияни айнан "иқтисодий" қилувчи* тушунчаси;

• Иқтисодий географик ўрин худудий фикрлаш, иқтисодий географик билимнинг "*калит*" тушунчаси.

Юқоридаги 4 та "устун" тушунчалар иқтисодий ва ижтимоий география фанининг мазмун-моҳиятини ифодалаб беради ва айнан шу тартибда жойлашади. Чунки, уларнинг аксарияти мантиқан бир-бирига боғланган ва бири иккинчисидан келиб чиқади: худудий меҳнат тақсимоти иқтисодий районлар шаклланишининг негизини ташкил қилади, ўз навбатида, иқтисодий район асосини худудий ишлаб чиқариш мажмуалари ифодалаб беради ва ҳ.к.

Муаллифнинг кўп йиллик илмий тадқиқотлари ва амалиёти жараёнида яна қуйидаги иккинчи даражали тушунча, ибора ёки қонуниятлар яратилди ва ишлатилиб келинмоқда:

---

[1] Бу ҳақда муаллифнинг "Илмий тадқиқот асослари" (Т., 2003) рисоласини ўқишни тавсия этамиз.

**Иқтисодий географик жараён,** фикримизча, у амалда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиб боришини англатади. Янги ерларнинг, қазилма бойликлар ёки бошқа табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши, миллий ва минтақавий иқтисодиёт ҳудудий таркибининг ўзгариши ва такомиллашуви, диверсификацияси, уларнинг натижасида янги магистрал йўл ва шаҳарларнинг (марказларнинг) вужудга келиши, умуман олганда, ҳудудлар "геометрик географияси", иқтисодий ландшафти ёки картасининг шаклланиши ва ривожланиши ушбу жараён моҳиятини акс эттиради. Демак, иқтисодий географик жараён ҳам ички (интенсив), ҳам ташқи (экстенсив) хусусиятига эга.

**Иқтисодий географик вазият** ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлар тўри ва таркиби, мамлакат ва бошқа жойларнинг иқтисодий сиғими, уларнинг ички тафовутлари, район ёки худудий мажмуа ҳосил килувчи асосий марказларининг мавжудлиги ва ўзаро ҳудудий муносабати орқали белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий географик вазияти, энг аввало, унинг ишлаб чиқариш, демографик ва инфратузилма салоҳиятининг кўпроқ воҳа ва водийларида ҳудудий мужассамлашуви билан тавсифланади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ёки саноат ишлаб чиқаришининг асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларида юқори даражада ривожлантирилганлиги, республика минтақаларида иқтисодий "зичлик" ва хўжалик ихтисослашувининг турли туманлиги ҳам ушбу вазиятни ифодалаб беради. Айниқса, шаҳарлар ва йўллар, ҳудуднинг таянч нуқта ва чизиқлари, ўсиш қутб ва марказлари бу вазиятни яққол намоён қилади.

**Географийлик ёки худудийлик коэффициенти** жойнинг (мамлакат, минтақа ва ҳ.к.) ички тафовутлари, унинг ранг - баранглигини кўрсатади. Одатда, у энг юқори ва энг паст кўрсаткичлар нисбати орқали белгиланади ва "карра" ёки "марта" сўзлари билан баҳоланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг зичлиги Андижон вилоятида 1 км. кв да - 660 киши, Навоий вилоятида эса 8 киши (2012 йил): "ҳудудийлик" ёки географийлик коэффициенти 82,5 - га баробар. Бу республика табиий ва иқтисодий географик жиҳатдан жуда катта ички ҳудудий тафовутларга эга эканлигидан далолат беради. Келтирилган мисолда Андижон вилояти аҳолисининг зичлиги

Навоий вилоятига нисбатан 82,5 марта юқори (Ўзбекистонда ўртача 1 кв. км. га 66 киши тўғри келади).

Бундай кўрсаткични турли соҳаларда ва турли худудий даражада қўллаш мумкин: аҳоли табиий ҳаракати, суғориладиган ер (майдон) улуши, минтақа ёки қишлок туманлари экспорт салоҳияти, транспорт турининг зичлиги, аҳолининг касалланиш кўрсаткичлари ва ҳ.к. "Географийлик коэффициент" қанча кичик бўлса, ички худудий тафовутлар оз бўлади ва, аксинча. Мазкур кўрсаткични тахлил қилишда қўшничилик ҳолат катта мазмун касб этади. Чунки, табиатда хам, ижтимоий - иқтисодий ҳаётда ҳам икки қўшни жой бир - биридан кескин фарқ қилмайди. Шу боис, географиядаги чегаралар кўп ҳолларда мутлоқ аниқликка эга эмас ва инкорни инкор қонунига биноан, ҳар бирида икки туташ худуднинг унсурлари, аломатлари учраб туради. *Чегаралар қайси бир жойнинг – ландшафтнинг, табиий-хўжалик районнинг охири бўлса, қўшни ҳудуднинг аввали, боши ҳисобланади.*

**Геодемографик тўлқинлар**. Демографик тўлқинларни фанга таниқли олим Б.Ц.Урланис киритган ва у Иккинчи жахон уруши таъсирида аҳоли туғилиш коэффициентининг вақт ўтиши билан маълум йиллар оралиғида пасайиши ва бу тўлқинларнинг аста-секин сўниб боришини тушунган эди. Агар демографик жараёнлар, асосан аҳолининг туғилиш кўрсаткичидаги ўзгаришлар вақт ва давр, макон ва замон бирлигида олинса, у ҳолда ўзига хос геодемографик тўлқинлар вужудга келади. Масалан, Ғарбий Европада ва Японияда бошланган туғилиш коэффициентининг қисқариб бориши қарама - қарши географик йўналишда давом этиб. Қозоғистон Республикасининг шимол, ғарб ва шарқий кисмини эгаллади ва ҳозирда у бу мамлакатнинг жанубий қисмига "етиб келди".

Ўзбекистонда ҳам сўнгги 15-20 йилларда кузатилаётган туғилиш кўрсаткичининг қисман пасайиши асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошланиб, тўлқинсимон бошқа худудларга тарқалди ва жанубий минтақаларда - Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида "тўхтайди". Бошқача қилиб айтганда, тўлқин бошида қайд этилган ҳолат бир неча йилдан сўнг унинг охирида кузатилади. Геодемографик тўлқинлар Н.Д.Кондратьевнинг "узун тўлқинлар" ва Т.Хегерстранднинг "янгиликларнинг диффузион тарқалиши" ғояларига бирмунча ҳамоҳангдир.

**Жойнинг "тоғлилик" коэффициенти.** Ушбу кўрсаткич, оддий ҳолда, тоғ эгаллаган ҳудуднинг минтақа ёки мамлакатнинг умумий майдонига нисбати орқали аниқланади. Ўзбекистонда у тахминан 0,21, Сурхондарё вилоятида 0,70 атрофида (агар бу кўрсаткич 1.00 га тенг бўлса кўрилаётган ҳудуд тўлиқ тоғлик ҳисобланади. Республикамизнинг кўпгина қишлоқ туманларида озми-кўпми тоғ ҳудудлари бор, бироқ уларни барчасини "тоғли" районлар, деб атаб бўлмайди. Агар кўрилаётган кўрсаткич республика ўртача даражасидан ёки, аниқроғи 50 фоиздан юқори бўлса, бундай ҳудудларни шундай таърифлаш мумкин. Ўзбекистонда тоғли қишлоқ туманларининг сони 30 тага яқин ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши текисликда жойлашган ҳудудлар билан алоқадорликда амалга ошади.

**Қишлоқ хўжалигида фойдали ер коэффициенти** мамлакат, вилоят, қишлоқ туманида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг умумий ер фондига нисбатидир. Бу кўрсаткич Андижон ёки Хоразм вилоятларида 1,00 га яқин (демак, интенсив ўзлаштирилган), Қоракалпоғистон Республикаси ёки Навоий вилоятида эса у анча паст. Бу борада хусусан суғориладиган майдонлар ҳисобга олинса, мазкур кўрсаткичнинг аҳамияти янада ошади.

Маълумки, суғориладиган, интенсив деҳқончилик қилинадиган майдонлар асосан воҳа ва водийларда, дарё ва сойларнинг қуйи қисмлари, тоғ этакларида кўпроқ. Аксинча, ҳудуди катта бўлган маъмурий бирликларда – Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларида эса, бундай жойлар анча кам.

**Нозогеографик вазият** аҳоли касалланиш кўрсаткичларидаги ҳудудий тафовутлар, турли ҳудудларнинг алоҳида касалликларга "ихтисослашуви", уларнинг ҳудудий таркиби, нозогеографик ўчоқ ва марказлар, ареал, районларнинг ҳудудий муносабати демакдир. Бундай ўчоқ ва ареаллар республикамизнинг турли ҳудудларида мавжуд. Чунончи, Оролбўйи минтақаси ўзига хос нозогеографик район, Сурхондарё вилоятининг шарқий қисми, Ангрен – Олмалиқ ҳудуди – ареал, Қўқон ёки Қоравулбозор турли хил касалликларнинг ўчоғи, маркази саналади.

**Нозоиқлимий омиллар** аҳоли саломатлигига таъсир этувчи асосий шарт-шароитлар мажмуаси ҳисобланади. Улар жумласига ҳаво, сув ва тупроқ киради. Тиббиёт соҳаси ва тиббиёт географиясининг асосчиси Гиппократ ҳам инсон саломатлигини турли жойларнинг

ҳавоси ва суви билан боғлаган. Нозоиклимий омиллар қишлоқ хўжалигидаги агроиқлимий ресурсларга ўхшаб кетади. Кўрилаётган омилларнинг ҳар бири ўзига хос касалликларни келтириб чиқаради: атмосфера ҳавосининг ифлослиги билан кўпроқ нафас йўллари касалликлари боғлиқ бўлса, сувнинг ифлослиги – ичак-ошқозон, буйрак ва шунга ўхшаш касалликларни вужудга келтиради.

**Нозоэкология** – бу геоэкология ва нозогеография қиррасида жойлашган илмий йўналиш бўлиб, у жойларнинг экологик вазияти билан боғлиқ касалликларнинг ҳудудий тарқалишини билдиради. Юқорида қайд этилган нозоареал, ўчоқ ва марказларнинг шаклланишида айнан нозоэкологик вазият муҳим ўрин тутади.

**Экологик географик ўрин** - маълум бир ҳududнинг (вилоят, туман, шаҳар ва б.) ўзидан ташқарида жойлашган экологик мазмунга эга бўлган ҳудудларга нисбатан ўрнашганлигини англатади. Масалан, Хоразм вилоятининг экологик ёки геоэкологик ўрни унинг Амударё, Туямуйин сув омбори, Орол денгизи ва Қизилқум чўлларига, Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё туманларининг экологик ҳолати эса Тожикистон Республикасининг Регар (Турсунзода) алюминий заводига яқинлиги билан тавсифланади.

**Геокриминоген вазият** жиноятчиликнинг худудий таркиби ва даражаси, ҳар хил ҳудудларнинг у ёки бу турдаги жиноят кўрсаткичлари, ҳавфли криминоген учоғ ёки марказларнинг (бозор, мозор, вокзал ва б.) ўзаро ҳудудий жойлашуви демакдир. Шунингдек, жиноятчилик географиясида қишлоқ ва шаҳар жойлар, саноат марказлари, транспорт тугунлари, чегарада жойлашган аҳоли пунктлари, трансчегаравий ҳудудлар ва йўллар ўзига хос ҳуқуқбузарлик билан ажралиб туради. Шу боис, ушбу илмий йўналишнинг географик жиҳатлари ҳам катта.

**Аҳоли такрор барпо этилишининг самарадорлик кўрсаткичи** туғилиш ва ўлим йиғиндисининг (табиий ҳаракат кўрсаткичлари айланмасининг) табиий кўпайишга нисбати. Бу кўрсаткич мутлоқ рақамлар ёки нисбий. - промилледа ҳам топилиши мумкин. Ўлим кўрсаткичи қанча паст бўлса, аҳоли такрор барпо бўлиши самарадорлиғи шунча юқори, яъни 1,00 га, туғилганлар сонига яқин бўлади. Республикамизда олиб борилаётган демографик сиёсат айнан аҳоли такрор барпо бўлишининг самарадорлигини кўтаришга, она ва

бола саломатлигини яхшилашга қаратилган. Худди шу тарзда аҳоли миграция ҳаракатининг самарадорлигини ҳам аниқлашади.

**Оралиқ шаҳарлар қонуни.** Одатда, йирик шаҳар ўзининг бевосита ёнида яна бошқа айнан шундай катталикдаги шаҳарнинг вужудга келишига "йўл қўймайди", тўскинлик қилади. Демак, шаҳарларнинг ўз таъсир зонаси, рақобат муҳити бўлади. Кўпинча икки йирик шаҳар таъсир зонаси сусайган, заифлашган ёки тугаган нуқтада янги шаҳар вужудга келади ва у рақобатсиз тез ривожланади. Масалан, мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари - Самарқанд ва Бухоро ўртасида Навоий шаклланиб, қисқа муддатда йирик шаҳарлар қаторидан жой олди. Бундай даражага эса қадимий Ғиждувон ёки Каттақўрғон эриша олмади.

**Ҳудудий мажмуалар.** Маълумки, ҳудудий ишлаб чикариш мажмуалари тушунчасини фанга Н.Н.Колосовский киритган. Тажриба кўрсатадики, худудий бирикмалар нафақат ишлаб чиқаришда, балки ижтимоий соҳаларда, жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш ва тиббий географияда (нозогеографик мажмуалар), сервис соҳасида ҳам кўп учрайди. Бинобарин, ҳудудий мажмуалар умумгеографик тушунча бўлиб, улар айни вақтда мажмуали (комплекс) ёндашувни талаб қилади. Муаллиф ўзининг кўп йиллик илмий-педогогик фаолияти жараёнида ҳудудий мажмуаларнинг бундай кенг хусусиятига иқрор бўлди ва ЎзМУ география йўналиши ўкув режасига "Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари" фанини киритди ва унинг ўқув қўлланмасини яратди.

**Агрошаҳарлар.** 2009 йилни республикамизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан 966 та қишлоқларга бирданига шаҳар мақоми берилди. Янги шаҳарчаларнинг кўпчилигида ҳақиқий шаҳар ҳосил қилувчи тармоқларнинг йўқлиги ёки суст ривожланганлиги, уларнинг бевосита қишлоқ жойлари билан алоқадорлигини инобатга олиб, уларни "агрошаҳарчалар" деб аташ тўғрироқ бўлади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мингга яқин бундай аҳоли пунктлари бор. Уларнинг сони хусусан Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўп, Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида эса бундай "ярим шаҳарлар" нисбатан камроқ.

**Геожуфтлар ёки ҳудудлар диалектикаси.** Ўзбекистонда геожуфтлар (геопаралар) тушунчасига профессор Л.А.Алибеков катта

аҳамият берган. Умуман олганда эса, бундай геожуфтлар реал воқеликда жуда кўп ва уларсиз бутун борлиқ, тараққиёт ҳам мумкин эмас. Геожуфтлар ҳудудий тафовут ёки бирикмалар, мажмуаларининг ўзига хос кўриниши бўлиб, улар бири-бирини тўлдиради, бир-бирини тақозо қилади. Фикримизча, сув билан қуруқлик, чўл ва воҳа, шаҳар ва қишлоқнинг ўзаро жойлашуви, "ҳамкорлиги" ва худудий муносабатлари ҳам геожуфтлар сифатида талқин қилиниши мумкин. Кенг маънода геожуфтлар бутун борлиқнинг негизини, жамият тараққиётининг асосини ташкил қилади.

Юқорида иқтисодий ва ижтимоий география фанига муаллиф томонидан киритилган ёки аниқлаштирилган баъзи тушунчалар (албатта, тажриба - синовдан ўтгандан, кўпчилик томонидан маъқуллангандан сўнг) унинг илмий-услубий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу тушунчалар фан ва амалиётда асосий географик тамойиллар, методологик ёндашувлардан келиб чиқиши керак. Улар ҳудудийлик, даврийлик, комплекс, системали ва экологик ёндашувлардир. Айни вақтда, иқтисодий ва ижтимоий географияда умумийликдан хусусийликка, тармоқдан ҳудудга ва яна бу ҳудуддан тармоққа ўтиш, мантиқий фикрлаш, кетма-кетликка риоя қилиш географик онг, билим ва тафаккурнинг, қолаверса, юксак географик маданиятнинг шаклланишида ўта муҳим ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар, энг аввало, уч ҳолатга ёки асосга эга бўлишлари талаб этилади. Улар: 1) илмий (соҳа) адабиётини яхши билиш; 2) статистик ва бошқа маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улардан тегишли хулосалар чиқариш; 3) тадқиқот усулларидан (методларидан) ўз ўрнида ва самарали фойдаланишдан иборатдир. Бу асосларнинг қайси бири бўлмаса, илмий иш мукаммалликка эриша олмайди.

Табиийки, ҳар қандай илмий тадқиқот маълум бир қонуният ёки қонуниятларни аниқлаши ва асослаб бериши шарт. Бироқ, географияда *қонуниятлар (шунингдек, диссертацияларда илмий янгиликлар), муайян объектив географик шароит ёки борлиқда такрорланиб турадиган сабаб -оқибат муштараклиги асло маъмурий бирликка эмас, ҳудудларга тегишлидир.* Маъмурий тузилмаларда эса (мамлакат, вилоят, шаҳар, қишлоқ тумани) умумий қонуниятларнинг ўзига хос кўриниши, жиҳати, аникроғи - хусусиятини аниқлаш мумкин. Бинобарин, география фанида қонуниятлар билан бир қаторда *ҳудудий*

*хусусиятлар* ҳам катта аҳамиятга эга. Бу хусусиятлар, бетакрорлик ва типик ҳодисаларни ўрганиш, ўз навбатида, географик таққослаш усулидан фойдаланишини назарда тутади. Унутмаслик кераkки, ҳар қандай жой ўзига хос хосият ва хусусиятга эга, географнинг мақсади эса айнан шу жойнинг хусусиятини (сифатини), нимага қодирлиги, вазифаси, сиғими ҳамда функциясини асослаб бериши, бу имкониятлардан қай даражада ва қандай фойдаланиш йўлларини белгилаб беришдан иборатдир. Шу мазмунда географ худуд табиби, эгаси ёки, бухоролик таникли олим И.К.Назаров иборасига кўра, ҳудуд файласуфи бўлмоғи лозим.

Географик билим ва маданият, география илми ўхшашликларда ноўхшашликни ва ноўхшашликларда ўхшашликни топиш, кичикда каттани кўришни ва каттада кичикни илғашни, ҳақиқий табиатшунос сифатида кузатувчанлик, чуқур мушоҳада қилиш ва кенг мулоҳаза юритиш асосида аниқ хулосалар чиқаришни талаб қилади. Географ учун регионал худбинлик ётдир; *у ҳамма жойни бир хил (географияда ёмон жой йўқ, нодон географ бор) ва, айни вақтда, ҳар хил (яъни ҳудудий тафовут, фарқларни англаган ҳолда) кўра олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Худди шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар фанимизнинг илмий нуфузини ва амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилади.*

Географик фикрлаш кенг қамровли ва ҳамма вақт ҳудудга қаратилган, карта билан боғлиқ бўлади. У шу билан бирга "кўп қаватли", турли ҳудудий миқёсда комплекс ёндашувни назарда тутади. Бу мазкур фаннинг ажойиб, бетакрор хусусияти, фазилати ва афзалликлари ҳисобланади. Бироқ айнан кенг қараш географларда "касбий касаллик", яъни юзаки, барча нарса-борлиқни тавсифлашдек камчиликларга олиб келади. Шу боис, географлар ҳамма нарсани бирдай, лекин ҳар хил кўра олиши, қўйилган мақсад доирасида керакли,- қизиқтирувчи ҳодиса ёки воқеликни чуқур таҳлил ва тадқиқ қилишлари лозим.

Кўпгина ҳодисаларнинг, иқтисодий географик воқеликнинг илдизи табиий географияда ётади. Бинобарин, табиий географик билимлар, уларнинг хўжалик аҳамияти, умумгеографик қонуниятлар география фанининг синтез қудратини билдиради. Табиий географик компонентлар (рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик дунёси ва б.) орасида алоқадорлик иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиш хусусиятларини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан

географ табиий шароит ва табиий ресурс, географик ўрин орқали минтақа иқтисодиёти, унинг ихтисослашуви, тармоқлар ва ҳудудий таркибига, экспорт - импортига чиқа олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Аксинча, экспорт ва импорт таркибидан хўжалик тармоқларига, улардан жойнинг табиий шароитига "туша олиши" географдан чуқур мантиқий, Шерлок Холмс сингари таҳлилий, синчков фикрлашни талаб қилади. Бундай методологик ёндашувлар воситасида юксак билим ва илм чўққиларини эгаллаш география фанининг нуфуз-обрўсини тиклайди, уни кўтаради.

Табиат ва жамиятда шундай ҳодисалар борки, улар табиий ҳамда иқтисодий (ижтимоий) географик омиллар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан А.Гумбольдтдек тўлиқ, бутун, комплекс фикрлаш, умумгеографик қонуниятларга амал қилиш билим ва илмнинг мукаммаллигига олиб келади. Масалан, жойнинг географик ўрни, баланд ёки пастда жойлашганлиги, Дунё океанидан узоқ ёки яқинлиги унинг нафақат иқлими, балки иқтисодий ва сиёсий ривожланишини ҳам тавсифлаб беради. Худди шундай, табиий география учун анъанавий ҳисобланган вертикал зоналлик қонунияти ҳам умумгеографик мазмун касб этади; бунда табиий географик компонентлар ўзгариши билан хўжалик тармоқлари, уларнинг ихтисослашуви, қолаверса, кишиларнинг юриш – туришлари ҳам ўзгариб боради. Бинобарин, табиий ва иқтисодий (ижтимоий) географиянинг ҳар томонга, яъни фронтал ривожланиши билан бирга уларнинг "юзма-юз" яқинлашуви, фундаментал тадқиқотларнинг олиб борилиши шу куннинг долзарб масаласи бўлмоғи керак.

Иқтисодий географиянинг 4 асосий "устунлари" ҳам кўп маънода табиий географияга боғлиқ. Табиий шароит ва табиий ресурсларнинг турли-туманлиги ҳудудий меҳнат тақсимотининг муҳим омилларидан биридир; жойнинг рельефи, иқлими ва ҳатто геотектоник хусусиятлари табиий-хўжалик районларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади; табиий ресурсларнинг ҳудудий бирлиги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари йўналишини белгилаб берса, табиий географик объектлар - тоғ, дарё, фойдали қазилмаларнинг жойлашуви иқтисодий географик ўринда катта мазмун касб этади.

Демак, табиий ва иқтисодий (ижтимоий) география бир-бири билан ҳам тарихий, ҳам замонавий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ. Аммо география фанининг ягоналиги ёки бир бутун фанлар тизимидан

иборат эканлиги ҳамон ҳал этилмаган масаладир. Фикримизча, бу фаннинг бутлиги ва бутунлиги, мақоми тўғрисида сўз юритилганда, сиёсий тил билан айтганда, география унитар фан эмас, балки "федератив" тузилишга эга бўлган фанлар тизимидир. Бунда ягоналик бирликда эканлиги назарда тутилади; ҳар бир фан, яъни табиий ҳамда ижтимоий география ўзича қайси бир маънода мустақил, ўзининг назарий асослари ва методологиясига эга ва, айни пайтда, улар умумий географиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Иқтисодий география ҳам бошқа фанлар қатори янгича шароитда ривожланиб, мустақил мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бормоқда. Ўқув жараёнида у ёш авлодга Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос табиий бойлиги, аҳолиси ва хўжалигининг ҳудудий жиҳатларини, жаҳон сиёсий харитаси ва ҳамжамиятидаги нуфузининг тобора ошиб боришини ўрганишга ёрдам беради. Назарий ва амалий йўналишда эса мазкур фан давлатимизнинг минтақавий сиёсати, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида халқ хўжалигининг турли тармоқлари-саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, инфратузилма тизимини шакллантириш, ижтимоий экология каби муҳим масалаларни илмий тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий география бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда баъзи бир *камчилик ёки етишмовчиликлар* ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. Ўтмишда мазкур фаннинг назарий масалаларига кўпроқ эътибор берилди, унинг амалий (конструктив) томонлари эса заифроқ бўлиб қолган. Бунинг устига, ҳозирги кунда жаҳон фанида аллақачон эришилган ютуқлардан бехабар ҳолда иқтисодий географиянинг айрим назарий-услубий масалари гўёки "биринчи марта" кўрилаётган, ихтиро қилинаётганга ўхшайдики, бу олдинга эмас, балки орқага чекинишдир. Натижада, ёшлар узоқ хориж мамлакатлари у ёқда турсин, ҳатто собиқ Иттифоқда қилинган илмий ишларни танқидий ўрганишдан ҳам четда қолмоқдалар.

Илмий-тадқиқотнинг ижтимоий фаолиятнинг мураккаб шакли сифатида энг муҳим хусусияти шундаки, у миллийлик тамойилига эга эмас, фан маъмурий чегара билан ҳам ҳисоблашмайди. Шунинг учун ҳам барча миллат ва элат вакиллари яратган буюк ва нодир

кашфиётлар тарих бўсағалари узра, турли тарихий босқичлардан ўтиб ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Демак, бу соҳада ҳам, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, "янгисини қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак".

2. Ҳар қандай амалиёт кучли назария, умумилмий қонуниятларсиз бўлмайди. Чунки фан ва унинг негизи ҳисобланмиш илмий тадқиқот жараёни қонуниятларни, улар эса, ўз навбатида, муайян макон ва замонда барқарор такрорланиб турувчи сабаб-оқибат бирлигини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришни талаб қилади. Айнан шу боис илмий изланишлар ва, хусусан, диссертация ишлари ғоявий жиҳатдан мустаҳкам бўлмоғи, тадқиқот йўналиши бўйича мавжуд назарий-услубий масалаларни тўла ўзлаштириб, уларни ишнинг мақсад ва вазифасига мос равишда ҳамда ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириши, ривожлантириши шарт. Зеро, диссертация - бу энг аввало илмий ишдир ва у, албатта, илмий янгилик яратиши керак. Акс ҳолда бундай тадқиқотлар илмий савияси паст оддий китоб ёки рисола, баъзан эса статистик тўплам даражасида бўлиб қолаверади. Илмий янгиликлар маъмурий бирликларга эмас, соф географик ҳудудга, турли хил ландшафт типлари, табиий – хўжалик районлар, шаҳарлар ривожланиши ва урбанизация каби жараён, воқеа ва ҳодисалар учун хосдир.

3. Иқтисодий география ва умуман географик билимнинг бошқа бир камчилиги чексиз факт ва рақамларни ёдлаш, бетакрорлик (феноменаллик ва уникал-хусусиятлар), номенклатур географиянинг устуворлигидир. Шунингдек, Ер шари ва унинг районларини "энг-энг" (баланд, катта, паст, чуқур, узун, кенг, ривожланган, қолоқ ва ҳ.к.) жиҳатлари муҳим бўлиб, айни пайтда илмий қонуниятлар, турли ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликлар деярли ўрганилмаган. Бунинг натижасида ҳақиқий географик фикрлаш, ҳудуд борлиғини тўла англаб олиш ва унинг таркибий тузилиши, ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил, ташҳис ва прогноз қилиш орқада қолмоқда.

4. Юқоридаги камчилик билан боғлиқ ҳолда географияга кўпроқ мустақил, муҳим, мукаммал ва мустаҳкам фан сифатида эмас, балки унга оддий ўқув предмети мақомида қараш одат тусига кириб қолган. Бу ҳол айниқса мактаб географиясига тааллуқлидир. Ажабланарлиси ва аянчлиси яна шуки, олий ўқув тизимларигача бўлган таълимда – ўқувчилар бирорта географик қонуниятларни билиб олмайдилар.

Ваҳоланки, биология, физика, математика каби фанларда Ч.Дарвин, И.Ньютон, А.Эйнштейн, Д.Менделеев ва бошқа олимлар томонидан яратилган қонун ёки қонуниятларни ўрганганлар. География фанининг олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига (тест синовларига) киритилмаганлиги ҳам унга бўлган "иккинчи даражали" муносабатнинг исботидир.

5. Реал ҳудудий борлиқ мураккаб, уни билиш эса вақт ва макон жиҳатидан чеклангандир. Қолаверса, бу объект турғун вазиятда эмас, у доимий ҳаракатда, динамик ўзгаришда. География ана шу ўзига хос жараённи англаб олиши керак, зеро унинг объекти қамровида қатор табиий ва ижтимоий фанлар объекти (биология, иқтисодиёт, демография ва б.) ўз ўрнини топган. Бинобарин, география айни пайтда қўшни фанларнинг ҳудудий жиҳатларини ҳам ўрганиши, ўзининг қулай "географик ўрнидан" яхши фойдаланиши лозим. Аммо, географиянинг худди ана шу ижобий фазилати ва масъулияти унинг анъанавий камчилигини юзага келишига асосий сабабчидир. Чунки, кенг объект кенг қамровли қурилади, бироқ бундай тадқиқот чуқур таҳлилли бўлмаслиги ҳам муқаррар. Шунинг учун географияга кўпроқ юзаки тасвирловчи, таърифловчи, фақат "суратга туширувчи" фан сифатида ноҳақ қараш расм бўлиб қолган.

6. Илмий изланишлар географияда асосан ўрта ва кичик масштабларда олиб борилмоқда. Магистрлик ва докторлик диссертациялар мавзуси ҳам худди шундай - кенг ва катта ҳудудларни ўрганишга бағишланган. Холбуки, ривожланган мамлакатларда макроиқтисодий эмас, балки кўпроқ микроиқтисодий масалалар тадқиқ этилади. Табиийки, бундай тадқиқотларнинг аниқлиги ва амалийлиги анча юқоридир. Бир вақтлар Н.Н. Баранский "континентлар бўйича фикрлаш ҳам керак" деб уқтирган эди. Энди эса глобал ва регионал фикрлаб, локал масштабда амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тўғри, йирик масштабли тадқиқотларнинг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд - улар ҳамма вақт ҳам илмий қонуниятларни аниқлашга ёрдам бермайди. Бинобарин, бундай йўналишдаги изланишлар географик таққослаш методидан самарали фойдаланишни назарда тутади. Айни чоғда кичик масштабли тадқиқотлар танлама ҳолда унинг айрим ва турли жойлари чуқур бурғаланиши, "пармаланиши" ёрдамида таҳлил ва ташхис этилиши зарур.

7. Баъзи ҳолларда илмий ишлар, чунончи диссертациялар бирор ҳудуд мисолида бажарилади. Бундай мавзудаги ишлар тадқиқотчига катта мажбурият юклайди. Чунки, уларнинг илмий натижа ва хулосалари, назарий-услубий кўрсатма ва тавсиялар шунга ўхшаш барча ҳудудларга ҳам тааллуқли бўлиши талаб этилади.

Диссертация мавзулари ниҳоятда пухта, лўнда бўлиши, ишнинг мазмун-моҳиятига мос келиши керак. Айни пайтда уларнинг номларида "тадқиқот", "географик тадқиқот", "комплекс тадқиқот", "хусусият", "муаммо", "масалалар" каби иборалар ортиқча. Сабаби, ҳар қандай диссертация қайси бир илмий-амалий муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқотдир. Фанимизнинг моҳиятан ижтимоий-иқтисодийлиги, унга комплекслик тамойилининг хослиги ҳам бундай сўзларнинг мавзуда қўлланишини ўринсиз қилиб қўяди. Шунингдек, илмий ишларнинг предмети, максад-вазифалари, ҳимояга чиқарилаётган ҳолатлар ва илмий янгиликлари муайян алоқадорликда бўлиши шарт.

8. Ижтимоий географияда энг аввало унинг иқтисодий ёки ишлаб чиқариш қисми - географияси фаолроқ ривожланган. Собиқ совет географиясининг куч-қудрати ҳам ана шунда бўлган. Аммо, шу билан бирга, юқори даражада тараққий этган хорижий мамлакатларда бўлганидек, мамлакатимизда тор маънодаги социал география айтарлича ривожланмаган ва у эндигана қийинчилик билан ўзига тор йўл очмоқда. Шу боис, ривожланган мамлакатларда бу асосан гуманитар ёки инсон географияси шаклида машҳур бўлса, бизда у кўпроқ иқтисодий, холос.

Иқтисодий ва социал географияда ҳудудийлик тамойили турлича маъно касб этади; биринчисида ҳудуд - бу ресурс, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, иккинчисида у яшаш муҳитидир. Худди шунинг учун социал географияда карталаштириш усулини қўллаш бироз чекланган. Сабаби, бундай тадқиқотлар, одатда, катта масштабда, яъни кичик ҳудудда - маҳалла, мавзе ва даҳаларда хам олиб борилади.

9. Иқтисодий географиянинг ўзида ҳам соф ва аниқ иқтисодий билимларга, статистикага эътибор бироз бўшашган. Бу ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврига иқтисодий географиянинг унча тайёр эмаслигидан дарак беради. Аслида эса географ айни пайтда ҳам иқтисодчи, ҳам географ, яъни ҳудуд иқтисодчиси бўлмоғи даркор (иккиси биттада). Бу унинг энг муҳим жозибали ва бетакрор хусусияти,

асосий мазмун, моҳият ва мақсадидир. Ачинарлиси шуки, ҳатто табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, иқтисодий районлаштириш каби хусусий (ўзининг "нони" бўлган) масалалар билан иқтисодий географлар эмас, кўпроқ иқтисодчилар шуғулланмоқдалар.

10. Илгариги ўта марказлашган жамиятни ривожлантириш ва бошқариш сиёсати даврида регионларга, мамлакат ичкарисига бўлган эътибор заифлашган эди. Бунинг оқибатида регионал ёки минтақавий сиёсат илмий ва амалий жиҳатдан амалга оширилмаган. Қизиғи шундаки, собиқ Иттифоқнинг турли республикаларида яшовчилар ўз юртларига кўра ўзгаларни яхшироқ билар эдилар. Бундан Ўзбекистон ҳам истисно эмас эди, албатта. Шунинг учун ҳозирги мустақиллик шароитида географик таҳлил туман ва ҳатто йирик қишлоқлар даражасига "тушиши" керак. Ана шундагина ўз юртимизнинг бепоёнлиги, унинг салоҳияти ва ранг-баранглигини чуқур ҳис қила оламиз. Бинобарин, ватанимиз жаҳон нуқтаи назаридангина эмас, балки жаҳоннинг Ўзбекистон нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳам биз учун фойдадан ҳоли бўлмайди ("Ватан остонадан бошланади" иборасини унутмаслик керак).

11. Иқтисодий география ҳар ҳолда географик фанлар тизимига киради. Аммо юзага келган вазиятда у ҳатто табиий географиядан ҳам узоқлашиб бормоқда. Бунинг оқибати бўлса керак, иқтисодий географияда экологик тадқиқотлар, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, рекреация, тиббиёт, мелиоратив география каби иқтисодий ва табиий география қиррасидаги фан ва илмий йўналишлар нисбатан суст ривожланган. Ваҳоланки, бу икки фан оралиғида жуда кўп самарали ва замонавий тадқиқотларни олиб бориш мумкин. Бундан ташқари, умумгеографик мазмунга эга бўлган қонуният ва категориялар: зоналлик, комплекслик, регионаллик, геотизим, районлаштириш ва бошқалар табиий ва "нотабиий", яъни ижтимоий географияни назарий-услубий жиҳатдан бир-бирига мустаҳкам боғлайди.

12. География ўзининг туб моҳият-мазмунига кўра том маънодаги ҳудудий тенгсизлик, турли-туманликдир. Бу географик жараён ва умуман иқтисодий географик тараққиётнинг диалектик асоси, бош омили ҳисобланади. Зеро, ҳамма жой бир хил бўлса тараққиёт ҳам, география фанининг ўзи ҳам бўлмайди. Бироқ, ҳанузгача баъзан тенглаштириб бўлмайдиган нарсаларни тенглаштиришга, қоронғи уйда

йўқ қора мушукни беҳуда кидиришга ҳаракат қиламиз. Ҳақиқатда эса бундай урунишлар амалда натижасиздир. Чунки, ҳудудий тенгсизликни мутлақо бартараф этиб бўлмайди. Қолаверса, бозор муносабатлари эркинлик, соглом ҳудудий рақобат ва тенгсизлик демакдир.

13. Баъзан иқтисодий географик тадқиқотларда, жумладан, шаҳарлар ва урбанизация жараёнини ўрганишда биз ҳанузгача "европача" қараш ва эски қолип – андозадан узоққа кетолмаяпмиз. Маълумки, Ўрта Осиё маданияти, шаҳарлар ривожланиши ўзига хос шарқона хусусиятга эга. Бас шундай экан, келажакда Ўзбекистон урбанизация кўрсаткичини, яъни шаҳар аҳолиси улушини ривожланган мамлакатларидагидек 80-90 фоиз даражасида прогноз қилиш ҳақиқатдан жуда йироқроқ. Ушбу оламшумул жараённинг географик жиҳати ва хусусияти ҳам шунда. Аммо бундан Ўзбекистонда урбанизация жараёни мавжуд эмас, деган хулосага келиш нотўғридир. Аксинча, у мамлакатимизда ҳам кечмоқда. Бироқ, унинг тарихий, иқтисодий, географик ва бошқа хусусиятлари ўзгача ва, айниқса, Европа мамлакатларидан тубдан фарқланади. Айнан ана шу регионал хусусиятлар, урбанизация жараёнининг юртимиздаги тарихи, таърифи ва тақдирини атрофлича ёритиш ижтимоий географиянинг муҳим вазифасидир.

14. Иқтисодий географияда баъзи тушунчаларга одатдагидек фақат салбий нуқтаи назардан қараш ҳам адолатдан эмас. Биз бу ўринда авваламбор геосиёсат, географик детерминизм каби ғояларни назарда тутмоқдамиз. Геосиёсатни фақат фашистик, Гитлер руҳида, ўзгалар ҳудудига таҳдид маъносида бир томонлама талқин қилиш хато. Сабаби, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий, демографик, ижтимоий, илмий-техникавий сиёсати каби географик сиёсати ҳам бўлиши муқаррар. Алоҳида давлатларга нисбатан геосиёсат уларнинг ташқи, халқаро сиёсати, жаҳон сиёсий харитаси ва ҳамжамиятидаги муносабатларининг мажмуидир. Мамлакатнинг ички тузилишига эса регионал ёки минтақавий сиёсат ибораларини қўллаш маъқул.

Географик детерминизмда ҳам ҳеч қандай айб йўқ; детерминистик қарашсиз ҳодиса ва воқеалар орасидаги алоқадорлик, илмий дунёқарашнинг ўзи бўлмайди. Шу билан бирга фақатгина географик детерминизмгина эмас, балки биологик, тарихий, иқтисодий ва бошқа "детерминизм"лар ҳам мавжуд. Асосий муаммо - бундай

омил таъсирини ўз меъёрида аниқлаш ва баҳолашдадир. Шу маънода уни ҳаддан ташқари бўрттириш ёки, аксинча, тамомила инкор этиш ҳам ножоиздир.

15. Географиянинг, жумладан ижтимоий географиянинг яна бир ривожланиш омили унинг ички салоҳиятидан, бошқа фанлар билан уйғунлашиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишдир. Ушбу фан ҳали кўп янгиликлар яратишга қодир: у демография, социология, психология, тиббиёт, тарих, этнография, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар билан ҳамкорликда ёки улар қиррасида замонавий тадқиқотлар олиб бориш имкониятига эга. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам бундай тадқиқотлар бутунлай "нарги соҳилга" ўтиб кетмаслиги, эгасиз қолмаслиги ва ҳудудийлик, регионаллик хусусиятларига асосланиши зарур.

16. Айрим ҳолларда географик тадқиқотларнинг камчилиги унинг ўрганиш объектини чегараланмаганлиги, комплекс тамойилидан тўғри фойдалана олмаётганлигидадир. Аксариат шароитда энг пастки қатлам аниқ белгиланмайди, юқори пағоналар эса ҳад ва ҳудудсиз бўлиб қолади. Ҳар қандай тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг доираси тўғри ажратилиши шарт. Масалан, саноат географиясида бирламчи бўғин ёки элементар объект саноат корхонаси бўлса, аҳоли географиясида у аҳоли манзилгоҳи ҳисобланади. Уларни яна парчалаш эса мавзуни тизим-таркиб қоидасидан, қўйилган мақсаддан четга олиб чиқади. Худди шундай, ўрганишнинг юқори ҳудудий босқичи, таҳлил этилаётган масалалар таркибининг тўғри белгиланиши географиядаги комплекслик тамойилига мос келиши шарт.

17. Мавжуд тадқиқотларда география фанидаги асосий тушунчаларнинг кўпчилик учун маъқул шаклда фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, район, ландшафт, урбанизация, агломерация, конурбация, мегаполис (ёки мегалаполис), комбинат, комплекс, система, транспорт; рекреация, экология каби қатор тушунчалар айнан ана шу кўринишда ишлатилиши тўғрироқ. Зеро, улар энди "ҳеч кимники" эмас,балки халқаро мазмунга эга ва бундай тушунчаларни тўғридан - тўғри ўзбек тилига ўгириш баъзан кўзда тутилган ёки асл маънони англатмайди.

18. Афсуски, география фанининг ўзига хос хусусиятлари ҳамма вақт ҳам айримлар томонидан тан олинмайди. География қамрови,

бағри кенг фан; *билганга география ҳамма нарса, билмаганга у ҳеч нарса.* Чунки, оддий ҳақиқатни англаган кишилар барча ҳодисалар негизида ҳудуд туришини унутмайдилар. Шу сабабдан географ ўсимликни, ҳайвонот дунёсини, тупроқни, аҳолини, саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни, қолаверса, касалликлар, жиноятчилик, кишиларнинг урф-одатларини ҳам ўрганадилар. Бу ва шунга ўхшаш соҳаларнинг ҳар бирининг ўзини эгаси бўлиши билан бир қаторда уларнинг умумий эгаси ҳам бор. Бу ҳам бўлса – географиядир, яъни уларнинг аниқ маконда, ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудудда содир бўлишидир.

Шундай қилиб, ижтимоий географиянинг ҳозирги Ўзбекистондаги ҳолатига юқоридаги келтирилган айрим камчиликлар ёки нуқсонлар озми-кўпми тегишли. Уларни бартараф этиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бизнинг мамлакатимизда ҳам мазкур фаннинг жаҳон даражаси ва андозасида ривожлантиришга ёрдам беради. Бунинг учун ижтимоий географияни чиндан ва дилдан севган киши, фидоийси унинг асосий пойдевор ва устунлари бўлмиш иқтисодий районлаштириш, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуа ва тизимлари, иқтисодий географик ўринга ўхшаш илмий ғоя ва тушунчаларни чуқур англаши, картография, географик таққослаш, тарихий, ҳудудий тизим-таркиб усулларидан уддабуронлик билан фойдаланиши шарт. Буларсиз география “умртқасиз”, танасиз фан бўлиб қолаверади.

## ЎНИНЧИ БОБ. ҲИКМАТЛАР, ФИКРЛАР ВА ХАЁЛЛАР
(тафаккур сайри)[1]

1. Фан кўплаб ноаниқликлардан иборат. Тадқиқот жараёнида ноаниқликни аниқлаштиришга ҳаракат қилинади, аммо қандайдир, янги ноаниқликлар пайдо бўлаверади. Демак, фан, илм бир киши ҳаётида чекланган, ўзи эса умуман олганда, чексиздир.

2. Фаннинг боши бор, охири йўқ, “туғилган” ватани бор, миллати йўқ, нисбий ҳақиқат бор, мутлоқи йўқ.

3. Илм қилиш бамисоли яланг оёқ, ўткир шағал тошлардан иборат қир-адирларга, чирмашиб чўққиларга чиқиш билан баробар. Чўққига чиққандан сўнг барча нарсалар пастда, кенг уфқ кўзга ташланади, киши

[1] Ушбу бобдан жой олган ҳикматлар ёки фикр-мулоҳазалар асосан муаллифнинг ўзига тегишли.

завқланади, лекин олимнинг янада янги-янги чўққиларни эгаллагиси келади.

4. Инсон (олим) умри қисқа, фан эса барҳаёт.

5. Эндиги шароитда катта давр, катта ҳудудни ўрганишнинг илмий аҳамияти камайди. Кичик корхона, кичик бизнес, кичик ҳудуд даври келди. Кичик калит катта уйни очади.

6. Статистика мўл керак, унга ташна бўлиш керак. Мўлдан керагини олиш, танлаш, саралаш мумкин, аммо озни кўп қилиб бўлмайди.

7. Бошқалар ёзиб берган илмий мақола ёки диссертацияни ҳимоя қилиш ўзгалар қўшиғини фанограммада айтадиган сохта артистга ўхшайди.

8. Ҳар қандай буюк дарё ҳам кичик жилға – ирмоқдан, мурғоблардан, бошланади. Илм ҳам энг оддий, энг бирламчи тушунчалар асосланади.

9. Бир нарсани билиш учун кўп нарсани ўрганмоқ керак.

10. Ҳеч вақт қайси бир ҳодисанинг сабабини фақат бир омил билан изоҳлаш ножоиздир.

11. Бизнинг яратган илмий мактабимиз бамисоли музёрар кемага ўхшайди. У секинлик билан барча қаршилик, музликларни синдириб, доимо олға сузаверади.

12. Билим билмаган нарсани ёки ҳодисаларни билиб олиш, улар тўғрисида маълумотларга эга бўлиш, илм эса олинган билимларни умумлаштириш, қонуниятларни англаб олиш демакдир.

13. Билим унутилиши мумкин, тушунча эса асло.

14. Илм қилиш меҳнати оғир, машаққатли, унинг натижаси (меваси) – ширин, лаззатли.

15. Илм ўзи – бу бебаҳо неъмат, унга машаққатли меҳнат эвазига эришилади. Бойлик эвазига уни сотиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди.

16. Фанга ўз умрини бағишта қилган киши ҳайдовчининг бир йўналишдаги харакатига ўхшайди. Унда тўхтаб ҳам, орқага қайтиб ҳам бўлмайди.

17. Тупроқда гап кўп. У ҳам диний, ҳам дунёвий мазмунга эга. Афсуски, ҳозирча фан унинг сиру - хислатларини, ҳосиятларини яхши билмайди.

18. Одатда, экстенсив чорвачиликка иҳтисослашган, чўл ҳудудларда жойлашган мамлакат ёки вилоятларнинг майдони катта, чегара чизиқлари содда, суғорма деҳқончилик ривожланган районларда

эса уларнинг майдони нисбатан кичик, чегаралари мураккаб шаклда бўлади.

19. Илмни зўрлик, зўравонлик, пул билан қилиш эмас, унга ақлу-идрок, тинимсиз ва машаққатли меҳнат билан эришиш мумкин.

20. Илм қилиш "формуласи" (иқтисодий географияда).

Ди = (Иа+См) ×Ту, бунда:

Ди – диссертация иши;

Иа – илмий адабиёт;

См – статистик материал;

Ту – тадқиқот усули.

Уларнинг бирортаси бўлмаса, тадқиқот ҳам бўлмайди у поёнига етмайди.

21. Сўнгги вақтларда эга – кесими йўқ, физиологияси (башараси) бору, аммо анатомияси, мазмун-моҳияти кўринмайдиган саёз илмий ишлар ҳам, афсуски, кўпаймоқда.

22. Фан ўзи ажойиб, пок фаолият, аммо унинг атрофида гаразликлар, ифлосликлар ҳам йўқ эмас.

23. Илм ҳам бамисоли ишқ-муҳаббат, севги. Модомики шундай экан, унда ҳам рашк бўлиши муқаррар.

24. Хусусиятдан, сабаб-оқибатдан қонуниятга бир қадам. Қонуният эса илм асосидир.

25. Ҳар қандай фан омиллар, сабаб ва оқибатлар ва қонуниятларни ўрганади.

26. Энг муҳими диссертация ҳимояси эмас, унгача бўлган машаққатли босқичлардир.

27. Давлат ва миллат номи билан аталадиган асосан 3 та фан бор: тарих, география, тил.

28. Олинган билимни бутунлай ютмасдан, уни астойдил чайнаш, шимириш керак. У қанча кўп симирилса, шунча мазза-ширинлик чиқаверади.

29. Воҳалар чўлларнинг "киндиги".

30. Илм билан шуғулланиш, китоб ёзиш кишини вақтинча бўлсада ғам-ташвишдан узоқлаштиради, келажакга умид бағишлайди.

31. Иқтисодий географик ўрин нуқтаи назаридан қўшни бу жойга нисбатан ривожланган бўлса ҳам, ривожланмаган бўлса ҳам унинг учун яхши, бироқ бир хил бўлса яхши эмас.

32. Ер шарида ўта ривожланган ва ўта қолоқ мамлакатнинг қўшни эканлиги камдан-кам учрайдиган ҳолат.

33. Илгари Ватан иқтисодий-ижтимоий географияси "ташқаридан" ўрганиларди, энди эса уни "ичкаридан", яъни қишлоқ туманлари, қишлоқлардан бошлашни ҳам маъқул топдим.

34. Каттада кичикни, кичикда каттани кўра билиш, уларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини илғаш, турли микёсда ҳудудий фикрлаш географик илмнинг асосий шартидир.

35. Географик тадқиқотларда тармоқдан ҳудудга, ундан яна тармоққа ўтиш энг муҳим методологик асос ҳисобланади.

36. Нимаики бу дунёда содир бўлар экан, у, албатта, курраи заминда содир бўлади. Бинобарин, унинг сабабини билишда география фанининг аҳамияти катта.

37. Барча мавжудод учун ҳудуд, ўз макони, таъсир доираси бор. Ҳудудий фикрлаш эса географик билимнинг асосидир.

38. География фанининг тадқиқот объекти – ҳудуднинг катталиги билан унинг илмийлиги ўртасида тескари номутаносиблик бор.

39. Иқтисодий географияда уч асосий манба, уч таркиб, унинг предметини белгилашда уч хил ёндашув мавжуд.

40. Иқтисодий география районлар ҳақидаги фан, минтақавий иқтисодиёт аниқ район ҳақидаги фан.

41. Иқтисодий географ - бу оддий фотограф (расмчи) ёки ҳудуднинг ҳисобчиси (бухгалтери) эмас, балки у шу ҳудуднинг эгаси, табиби ҳамдир.

42. Анъанавий иқтисодий география билан замонавий минтақавий иқтисодиёт ўртасидаги муносабатда биринчиси назарий, фундаментал, иккинчиси амалий, конструктив фан ҳисобланади.

43. Иқтисодий географ – бу бирда икки ёки иккиси бирда ("два в одном"), яъни у айни вақтда ҳам иқтисодчи, ҳам географ бўлмоғи даркор. Бу фаннинг мазмун-моҳияти, мақсади ва масъулияти ҳам ана шунда.

44. Қачондир иқтисодий география табиатдан, табиий географиядан "чиққан". Бундай объектив ҳақиқатни унутиш, фанни истиқболсиз, боши берк, ёлғиз тор кўчада қолдириш билан баробардир.

45. Табиатдан фойдаланиш нуқтаи назаридан география дастлаб табиий географияга, сўнгра иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ривожланиши билан у амалий географияга айланди.

46. География учун энг муҳим савол – "қаерда ?" ни билиш учун жуда кўп "қандайни" билиш керак. Худди шундай, "Нимани" билиш учун саноқсиз "Нима учун ?" – ни билиш талаб этилади.

47. География илмида қонуниятлар маъмурий бирликларга эмас, ҳудудларга тааллуқли. Маъмурий бирликларда эса у ёки бу қонуниятнинг хусусиятлари кўзга ташланади, холос.

48. Беш бармоқ (панжанинг) бир хил эмаслиги хусусан географияга ҳам тегишлидир.

Билим ва илмда фикр алмашиш катта аҳамиятга эга. Шу боис, "олмага олма" эмас, фикрга-фикр ва ғоя алмашинг.

49. Билмаганга география ҳеч нарса, билганга у ҳамма нарса. Барча ҳодиса – воқеаларнинг ўзини эгаси бор. Лекин уларнинг барчасини умумий бир эгаси ҳам бор. У ҳам бўлса – ҳудуд, яъни географиядир.

50. Гап ҳудуд тўғрисида борар экан, ҳар қандай ҳудуднинг эгаси, албатта, географиядир.

51. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун фақат қулай (арзон – Хекшер ва Олин бўйича) омиллар эмас, ноқулай омиллар ҳам муҳимдир. Чунки, ноқулайларини қулайликка айлантирса бўлади. Ҳудди шундай, SWOT – таҳлил усулида заиф томонни кучлига, таҳдидни имкониятга айлантириш мумкин.

52. География учун тасаввур жуда муҳим, тасаввур эса қалб кўзидир.

53. География фанининг дунёвий ва диний аҳамияти бор. Географик жуфтлик бўлмаса тараққиёт ҳам, олам ҳам йўқ.

54. Чўлда сув, тоғда текислик, деҳқончилик учун ер етишмайди. Айнан ана шундай ҳолат, географик номуофиқлик уларнинг ривожланиш омилидир.

55. Тоғлик тоғдек ғурурланади, гавдаланади, кеккаяди, у тиришқоқ, абжир – чаққон бўлади. Чўллик бағри кенг, унга бир чўмич сув берсанг, бутун борлиғини сепади (беради).

56. Чўлнинг қўйи бор, тоғнинг боғи бор.

57. Иқтисодий география фанининг географик ўрни ўзига хос; у "трансчегаравий" бўлиб, бу унинг ҳам бахти, ҳам "бадбахтлиги"дир. Бахтлилиги бундай қирравий ўринда фаннинг интеграцион салоҳияти кучли бўлади, қўшни фанлар ютуқларидан фойдалана олади. Бадбахтлиги – унга ҳар томондан (чор атрофдан) ҳамма вақт ҳамлаю – ҳужум бўлаверади.

58. Иқтисодий география – иқтисодий район демакдир.

59. Одатда, кичик ҳудудлар географиясининг "тоши" катта ҳудудларникидан оғирроқ бўлади.

60. Географик худбинлик – ўз ҳудудини бошқа ҳудудлар ҳисобидан мақташдир.

61. Географияда харитадан ўзга ашёвий далил (восита) йўқ.

62. География "умуман", "фарқи йўқ", "бари бир", "ўртача" каби сўзларни ёқтирмайди, улардан қочади. Чунки, бу сўзлар ҳудудий тафовутларни бир рангда ниқоблаб қўяди.

63. География фанининг душмани кўпроқ четда эмас, ўзида. Географияда жамият бор, хамжиҳатлик етишмайди.

64. Географик фикрлаш, географик маданият табиатдан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тўғри ҳудудий ташкил этиш демакдир.

65. Хоразмни "азим" қилган Амударё, унинг маданиятини сақлаб қолган чор атрофидаги чўллар ва географик ўрнидир.

66. Аҳоли ва саноат нуқтасимон, қишлоқ хўжалиги ареал, транспорт – лентасимон ҳудудий ташкил этилади. Иқтисодий география уларнинг ўзаро ҳудудий муносабати, "геометрияси" ҳақидаги фандир.

67. География қайси бир маънода чегаралар ҳақидаги фан, лекин баъзан ўзининг чегараси бўлмай қолади.

68. Телевиденияда Ўзбекистон минтақалари об-ҳавосини алфавит бўйича бериш саводсизлик; унда республика харитаси на керак?

69. Географияни районсиз, ҳудудий фарқлар, ҳудудий таркиб, ҳудудий тизим, ҳудудий мажмуаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

70. Воажаб, география! Аҳоли зич жойда – воҳада чорва оз, чорва кўп жойда – чўлда аҳоли оз. Аҳоли зич ҳудудлар фойдали қазилмаларга бой эмас, табиий шароити ноқулай, транспорт (йўллари) оз жойларда ҳар хил конлар кўп.

71. Ҳар қандай ҳудуд минтақа эмас. Ҳудуднинг иқтисоди минтақавий иқтисодиёт ҳисобланмайди. Минтақавий иқтисодиёт – ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида бўлиши керак.

72. Географ - ҳудуд табиби, уни билиши ва даволаши керак.

73. География фани ҳам таркибий жиҳатдан қайси бир маънода унитар эмас, федерал тартибдаги фан.

74. География фанининг асосий хусусияти шундаки, у ҳудудни кенг кўламда ва ранг -баранг (ҳар -хил) кўриш қобилиятига эга. Бироқ, афсуски, бу кўриш ҳамма вақт ҳам чуқур ва аниқ эмас. Қани энди, у ҳам кенг, ҳам чуқур бўлса.

75. Географ барча борлиққа бир хил (уларни камситмасдан), лекин ҳар хил қараши керак (хусусиятини белгилаши керак).

76. Географларнинг касбий касаллиги – фақат ёки асосан тасвир билан чегараланишидир.

77. Географлар ўзларининг фандаги ютуқларидан кейинроқ бехабар бўладилар ёки илмий ютуқларини бошқаларга осонгина бериб қўядилар.

78. Географ Шерлок Холмс бўлмоғи керак, ходисаларнинг сабабини, илдизини ташқи кўрсаткичлардан (индикаторлардан) англаб олмоғи даркор.

79. Иқтисодий географ ҳамма вақт ҳудудий тенгсизликларни тенглаштиришга, оптималлаштиришга ҳаракат қилади. Бироқ, у ёки бу ҳолатдаги ҳудудий тафовутлар сақланиб қолаверади. Демак, география ҳам, унинг предмети ҳам абадийдир.

80. Ер юзида ёмон жой йўқ, нодон географ бор.

81. Эл – юрт фаровонлиги, ободончилиги, қадриятлар ўз аксини вокзал, мозор ва бозорларда топади. Улар ўзиги хос геоиндикаторлардир.

82. Бозор – иқтисодий география, мозор – тарихий география, вокзал – социал география.

